

**Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
„Ёш гвардия“ нашриёти
Тошкент – 1971**



Эн Баженба

Роф

Жонсоларининг
АКАДЕМИЯСИ

Русчадақ
Эркин Сиддиқов
таржимаси
Расмлар И.Кадабоновничи

БИБЛИОТЕКА

Болалар, бу китоб сизни атоқли поляк ёзувчиси Ян Бжехванинг ижоди билан таниширади. У ҳаёт эмас, аммо унинг зўр маҳорат билан ёзилган асарларини ўқувчилар доим қизиқиб ўқийдилар. Бжехва — болаларга ҳам, катталарга ҳам шеърий ва насрый асарлар ёзган. У айниқса эртак ёзишни севарди. Аммо шулар ичида Доғ жаноблари ҳақидаги эртаклар энг қизиқарли чиқкан. Бу китобга Доғ жанобларининг академиясин ва «Доғ жанобларининг қизиқарли саргузашти» киритилган.

Доғ жаноблари жуда ажойиб одам. У сеҳргарми ёки найрангбозми, семизми ёки ориқми, катта одамми ёки кичкина болами — ҳеч ким билмайди. У ҳар турли қиёфада кўриниш қобилиятига эга: доно бўлиб ҳам, болаларга ўшаб ҳам, ихтирочи бўлиб ҳам, калта фаҳм бўлиб ҳам; ҳамма нарса қўлидан келадиган кучли одам бўлиб ҳам, ҳеч нарса қўлидан келмайдиган уқувсиз, ношуд киши бўлиб ҳам кўринади. Лекин ҳар доим у сирли ва тушуниб бўлмайдиган Доғ жаноблари сифатида қолаверади.

Доғ жаноблари жуда ҳам машҳур. Уни ҳамма эртаклардаги қаҳрамонлар, афсонавий мамлакатлардаги одамлар ҳам танийди.

Болалар! Бу китобни ўқиб, сиз ҳам Доғ жаноблари ни севиб қолишингизга аминмиз.





Бу ва бошқа эртаклар



енинг исмим — Адам Несогласка. Ёшим ўн иккі да. Дор жанобларининг академиясида ўқиётганимга ярим йил бўлди. Уйда яшаган вақтимда доимо ишим ўн гидан келмасди. Мактабга кеч қолиб борардим, дарсларимни тайёрлашга улгурулмасдим, қўлим ҳеч ишга қовушмасди. Бирор стакан ёки тақсимчага тегиб кетсам бас, ўша заҳоти чил-чил бўларди. Мен сабзи солинган шўрвани жуда ёмон кўрадим. Учакишгандек соғлиққа фойдаси бор, деб уйда ҳар куни сабзили шўрва пиширишарди. Бу фалокатлар етмагандек, бир куни дастурхонга, ойнимнинг яп-янги костюмига, ўзимнинг иштонимга сиёҳ тўкиб юбордим. Шундан кейин ота-онам мени Дор жанобларининг тарбиясига беришга қарор қилишди.

Академия — Шоколад кўчасининг энг охирида, ҳар хил рангли гиштдан қилинган тўрт қаватли улкан бинога жой-

лашган. Доғ жаноблари ўзининг энг маҳфий сирларини тўртингчи қаватда сақлади. У ёққа чиқишга ҳеч кимга рухсат берилмайди, борди-ю агар бирор киши ўша ёққа чиқишни ияят қилган тақдирда ҳам у киролмаган бўларди, чўнки зина фақат учинчи қаватга олиб чиқади, холос. Доғ жанобларининг ўзи ҳам у ёққа мўридан чиқади.

Биринчи қаватда дарс ўтадиган синфлар жойлашган, иккинчи қаватда ухлайдиган хоналар ва ошхона бор, ниҳоят, учинчи қаватдаги бир хонада Доғ жаноблари билан Матеуш яшашади. Қолган хоналар қулфлоғлиқ.

Доғ жаноблари ҳар турли ҳарфлар билан бошини қотириб ўтираслик учун академияга фақат исмининг биринчи ҳарфи «А» билан бошланадиган болаларни қабул қиласди. Академида шунинг учун тўрт нафар Адам, беш нафар Александр, уч нафар Анжей, уч нафар Альфред, олти нафар Антоний-

Ҳарф	Ўқувчилар		
	Исми	З	Сони
О	Дами		
А	Александр		
Ж	Ижеӣ.		
Ф	Альфред		
Т	Антоний		
Р	Ритур		
Б	Берніт		
Н	Настазий		

лар, бир нафар Артур, бир нафар Альберт ҳамда бир нафар Анастазий — ҳаммаси бўлиб йигирма тўрт нафар ўқувчи ўқийди. Доғ жанобларининг номи — Амброжий. Шундай қилиб бутун академияда фақатгина Матеушнинг исми «А» билан бошланмайди. Лекин Матеуш ҳисобга кирмайди. Матеуш ўқувчи эмас, у Доғ жанобларининг ўқимишли, олим майнаси. Матеуш жуда ҳам чиройли сўзлайди, бироқ нима учундир фақат ҳар бир сўзнинг биринчи бўғинини айтолмайди. Мана масалан, у телефонда шундай дейди: «Оғ нобларининг демияси шитади!»: «Доғ жанобларининг академияси эшигади!» дегани.



Бегона одам бирор гапни тушуниб кўрсин-чи! Лекин Доғ жаноблари ва унинг ўқувчилари Матеушнинг гапига жуда яхши тушунишади. Матеуш биз билан дарс тайёрлайди ҳамда Доғ жаноблари капалак тутиб келгани кетган пайтларда мактабда унинг вазифасини бажариб туради.

Айтгандек, академиямизнинг жарликлар, зовурлар кесиб ўтган катта боғ ўртасига жойлашганлигини ва атрофи ба-ланд тошdevорлар билан ўралганини айтиш сал бўлмаса эсимдан чиқай дебди. Тўсиқдан ташқарига Доғ жаноблари-сиз чиқиш ман қилинган. Ахир бу жуда ғалати тўсиқ-да. Тўғри, кўчага чиқадиган томонининг бошқа тўсиқларидан ҳеч қандай фарқи йўқ, худди ўшанақа текис, силлиқ, фақат ўртасида каттакон ойнавонли дарвоза бор. Лекин бошқа уч томонидаги деворларда ёнма-ён жойлашган темир эшикчалар бўлиб, кичкина кумуш қулфлар билан қулфлаб қўйилган.


Бу эшикчалар Доғ жаноблари дўст бўлган қўшни эртакларга олиб боради. Ҳар бир эшикда — эртакнинг номи.

ёзиллиқ тахтача бор. Бу ерда Андерсен ва ака-ука Гриммларнинг эртаклари, Шелкунчик эртаги, Балиқчи ва Балиқ ҳақидаги, Қорқиз ва Етти ажина ҳақидаги, Оққуш ҳақидаги ҳамда бошқа жуда кўп эртаклар бор.

Деворлардаги әшикчаларнинг қанчалигини шу вақтгача ҳеч ким санай олмаган. Санай бошлашингиз билан адашиб кетасиз. Яна бошқатдан санамоқчи бўлсангиз аввалгидан баттар адашиб кетасиз. Чунки биринчи марта санаганингизда ўн иккита чиқса, бошқа пайт санаганингизда йигирма саккизта чиқади, тўққизта экан деб санаганингиз бир ўттиз битта, бир олтига, бир яна аллақанчаям чиқади. Эшикларнинг жами нечталигини ҳатто Матеушнинг ўзи ҳам билмайди. Сўрасангиз «Ки та, ки ки та» дейди. Бу «Балки юзта, балки икки юзта» дегани.

Доф жаноблари әшикчаларнинг калитини катта кумуш сандиқчада сақлади ва қайси калит қайси қулғники эканлигини ҳеч эсдан чиқармайди. У кўпинча бизни биронта Эртак харид қилиб келиш учун юборади. Ҳаммадан кўп мен бораман, чунки мен малламан, кўзга дарров ташланаман. Бир кун Доф жанобларининг гугурти тамом бўлиб қолди, мени чақриб, олтин ҳалқали кичкина олтин калитни берди-да:

— Андерсеннинг гугурт ушлаган Қизча ҳақидаги эртагига югуриб боргин-да, Доф жанобларига бир қутича гугурт берармишсиз дегин,— деди.



Ўзимда йўқ хурсанд бўлиб гулбоққа «учиб» бордим, керакли эшикчанинг олдида қандай пайдо бўлганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Бир дақиқа ўтар-ўтмас тўсиқнинг нарёғига ўтиб олдим. Қўз олдимда нотаниш шаҳарнинг одам тўла кўчаси пайдо бўлди. Ҳозир бизда ёз бўлса ҳам бу ерда қор ёғарди. Йўловчилар совуқдан жунжикишар, мен эса буни сезмасдим, устимга биронта ҳам қор учқуни тушмасди. Бунга жуда ҳайрон бўлдим.

Буни баланд бўйли бир мўйсафид кузатиб турган экан, олдимга келиб, бошимни силаб:

— Салом, болакай! Мен Андерсенман! Сизда ҳозир июнь ойида голослар пишаётган бир вақтда бу ерда паға-паға қор ёғаётгани ва совуқ бўлаётганига ҳайрон бўляпсанми? Сен мутлақо бошқа эртакдансан-ку. Бу ерга қандай келиб қолдинг?— деди.

— Мени гугуртга келувдим. Мени Доғ жаноблари юборди.

— Доғ жанобларининг олдидан келдим дегин!— севиниб хитоб қилди Андерсен.— Мен у тентакни жуда ҳам яхши кўраман. Ҳозир сўраган гугуртингни оласан.

У кафтини кафтига урган эди, ўша заҳотиёқ муюлишдан гугурт ушлаган кичкинагина қизча кўринди, қизча совуқдан қалтиради. Андерсен ундан бир қутича гугуртни олиб, менга узатди:

— Ма, Доғ жанобларига обориб бер. Бечора қизча ҳақида қайғуриб, йиғлаб ўтирма. Бу фақат эртак, холос. Ҳаммаси ёлғон. Ҳаммаси ўйлаб чиқарилган.

Қизча менга қараб жилмайди-да, қўлини силкитиб хайрлашиб, Андерсен эса мени эшиккача кузатиб қўйди.

Ўз саргузаштларим ҳақида болаларга ҳикоя қилиб берганимда, Андерсен билан танишиб олганимга кўпроқ ҳаваслари келди.

Сўнгра бошқа эртакларникига ҳам ҳар турли топшириқлар билан тез-тез бориб турадиган бўлдим: гоҳ этик олиб келгани этик кийган Мушук ҳақидаги эртакникига, гоҳ Доғ

жанобларининг омборхонасини сичқон босиб кетганда Мушукнинг ўзини чақириб келгани борардим. Бир марта, ҳовлини супурнишга ҳеч нарса йўғида, ҳатто битта супурги учун Тақир Тоғ ҳақидаги әртакдаги жодугарникига борганман.

Бир куни шундай бўлди: бизнинг академияга кенг баҳмал чакмон, калта баҳмал иштон ва пат тақилган шляпали нотаниш киши кириб келди. Нотаниш киши, мени Доғ жанобларининг ҳузурига обориб қўйинг деб буюрди. Биз унинг ким эканлиги ва нима учун келганлиги билан қизиқиб қолдик. Доғ жаноблари нима ҳақдадир узоқ шивирлашди, кейин унга ўзи доим ютиб юрадиган соч ўстирувчи тугмача доридан берди. Сўнгра мени ва Анжейлардан бирини чақириб:

— Менга қаранглар, болалар, бу киши Ўйқудаги Шаҳзода ва Етти Баҳодир тўғрисидаги әртакдан келган. Кеча икки баҳодир йигити ўрмонга кетишган экан, шу вақтгача қайтиб келишмабди. Ўзингиз биласиз, әртак бунаقا тамом бўлиши мумкин эмас. Унда худди думи юлинган товуққа ўхшаб қолади. Шунинг учун сизларни икки соатга бу кишига бериб туришга рози бўлдим. Фақат кечки овқатга ҳаяллаб қолманглар,— деди.

— Қат ат тида!— деб қичқирди Матеуш.

Бу: «Овқат соат олтида» дегани эди.

Биз баҳмал кийимдаги одам билан кетдик. Йўлда гаплашиб кетиб уни Маликанинг акаси эканлигини, бизга ҳам бошдан-оёқ баҳмал кийим кийгизишларини билиб олдик. Биз жон-жон деб рози бўлдик, бунинг устига уйқудаги Маликани кўришни истардик. Эртакнинг мазмунини гапириб ўтирамайман, ҳамма билса керак. Кейин нима бўлганини гапириб берамэн. Уйқудаги Малика әртагида қатнашганимиз учун Малика уйғониб, Анжей иккаламизни тушки овқатга тақлиф қилди. Маликаларнинг, айниқса әртаклардаги Маликаларнинг тушки овқати қандай бўлишини сиз билсангиз ҳам қерак. Энг аввал хизматкорлар патнисларда кремли пиروж-

ний, сўнгра алоҳида катта қадаҳларда кремнинг ўзини келтиришди. Ҳар ким истаганича олди. Пирожнийдан кейин бир варакайига уч стакандан шоколад берилди, ҳар бир стаканнинг юзида кичкина-кичкина шоколадчалар сузид юради. Столда марципан, мармелад ва конфет солинган бир қанча тақсимча бор эди. Охирида узум, шафтоли, мандарин солинган биллур вазалар пайдо бўлди.

Малика жилмаяр, имконият борича бизларни кўпроқ ейишга ундар ва бу мутлақо заарсиз эканлигини уқдиради. Билишимча, эртакларда ҳамма нарса тескари бўлади — шу вақтгача, бурнидан чиқиб кетгудек тўйиб овқат еган одам сал бўлсин азоб чекмаган. Мен бир неча морожнийни чўнтағимга солиб олдим, бироқ у эриб, оёғимдан оқиб тушди. Ҳартугур баҳтимга ҳеч ким пайқамади.

Тушликдан сўнг Малика кичкина файтонга иккита тоти от қўшишни буюрди ва бизни академиягача обориб қўйди.

— Доғ жанобларига менинг номимдан салом айтинг,— деди у хайрлашар экан,— Малика шоколаддан қилинган капалакларга таклиф қилди денг.— Сўнгра қўшиб қўйди.— Мен Доғ жанобларининг эртаклари ҳақида жуда кўп эшигманан. Бир кун эмас-бир кун албатта йўқлаб бораман.

Шундай қилиб мен Доғ жанобларининг ўзининг эртаклари борлигини билиб олдим, бироқ уларни бир қанча вақт ўтгандан кейин эшидим.

Ўша кундан бошлаб мен Доғ жанобларини яна ҳам кўпроқ ҳурмат қила бошладим ва Матеушдан ҳамма нарсани билиб олиш учун у билан ўртоқ бўлишга аҳд қилдим.

Матеуш кўп гапирмайди. Шундай кунлар бўладики, у бирон кимса билан бир оғиз ҳам гаплашмайди.

Доғ жанобларида унинг ўжарлигини юмшатадиган маҳсус сепкил дори бор.

Доғ жанобларининг юзини сидирғасига сепкил босиб кетганини айтганимидим, йўқми, билмадим. Бу сепкиллар жойларини нима сабабдан ҳар куни ўзгартиришлари аввалига

мени ҳайратда қолдирди: сепкиллар гоҳ Доғ жанобларининг бурнини безаб туради, гоҳ пешанасига ўтиб олади, гоҳ қўққисдан иягидა ёки бўйнида пайдо бўлиб қолади.

Ҳаммасига Доғ жанобларининг жуда ҳам паришонхотирлиги сабаб әканлиги маълум бўлди. У кечқурун ётаётган вақтида ҳар доим юзидаги сепкилларни кўчириб олиб, уларни олтин тамакидонга солиб қўяди, эрталаб эса паришонхотирлик билан уларни янги жойларга ўрнаштиради. Доғ жаноблари тамакидонни ҳар доим ёнида олиб юради, унинг ичидагар хил рангли ва ҳар турли миқдордаги сепкиллар сақлашади.

Ҳар пайшанба шаҳардан Филипп сартарош ташриф буюради, у ўзи билан бирга ҳар доим янги сепкилларни олиб келади. Филипп мижозларнинг соч-соқолини олиш олдидан уларнинг юзидаги сепкилларни бошқа ёққа териб олиб қўяди. Доғ жаноблари сепкилларни обдан яхшилаб текширади, ойнанинг олдида юзига қўйиб кўради, кейин тамакидонга яшириб қўяди.

Пайшанба ва байрам кунлари соат роса ўн бирда Доғ жаноблари:

— Сепкилларни янгилаш пайти келди,— деб хабар қилади-да, тамакидондан тўртта-бешта энг катта ва энг чиройли сепкилларни олиб бурнига ёпиштириб қўяди.

Доғ жанобларининг фикрича дунёда каттакон сариқ ёки қизил сепкиллардан бошқа ҳеч қандай яхши нарса йўқ.

«Сепкиллар мияни ишлатишга самарали таъсир этади ва тумовдан сақлайди»,— дейди у кўпинча.

Шунинг учун, дарсда орамизда битта-яримта бола ўзини кўрсатса, Доғ жаноблари тантана билан тамакидондан янги, ҳали фойдаланилмаган сепкилларни олади-да:

«Дўмбогим, шараф билан тақиб юр, ҳеч қачон кўчириб олма. Бу менинг академиямда олишинг мумкин бўлган энг олий мукофот», деб баҳтли боланинг бурнига ёпиштириб қўяни.

Сепкил билан Александрлардан биттаси уч марта, қолган болаларнинг баъзилари икки марта, айримлари бир мартадан мукофотланган. Болалар уларни юзларида фахрланиб кўз-кўз қилиб кўрсатиб юрадилар. Менинг уларга жуда ҳам ҳавасим келади, шундай мукофотга эришиш учун ҳамма нарсага тайёрман. Бироқ Доғ жаноблари «ҳали сенинг илминг жуда ҳам паст» дейди.

Шундай қилиб, мен Матеушнинг олдига қайтиб борганимдан кейин, унга сен учун сепкил — энг ширин овқат деб айтишим керак. У сепкилларни пистага ўхшатиб чўқилаб ейди.

Шунинг учун, Матеуш гапиришдан тўхтади дегунча Доғ жаноблари юзидан энг эски сепкилни кўчириб олади-да, Матеушга беради. Матеуш ўша заҳоти гапга тушиб кетади ва унга ҳар қандай саволни бериш мумкин.

Ез кунларининг бирида Доғ жаноблари боғда ухлаб қолиб, уни пашша талади. Доғ жаноблари тушида шоша-пиша қашиниб, бурнидаги сепкилларни шилиб тушириб юборди. Мен секин-аста уларни териб олиб, Матеушга обориб бердим. Ўша кундан бошлаб биз дўстлашиб кетдик ва у менга ўзининг бошидан ўтган ажойиб воқеани гапириб берди.

Менга қандай гапириб берган бўлса, мен ҳам сизларга худди шундай — ҳеч нарсани яширмай гапириб бераман, факат Матеушнинг сўзларидағи етишмайдиган ҳарфларни қўшаман холос.

Матеуш воқеаси



ен қуш эмас—Шаҳзодаман. Одамлар қандай қилиб ҳайвон ёки қушга айланиб қолиши ҳақида кичкиналигимда тез-тез эртак айтиб берардилар, бироқ мен ишонмас эдим.

Аммо ўзим шундай воқеага дучор бўлдим.

Мен қирол оиласида туғилганиман, отам донғи оламга кетган кучли подшо бўлиб, мен унинг якка-ю ягона ўғли ва месроҳури эдим. Хоналаримнинг деворлари мармар тош ва олтиндан эди, полларига эрон гиламлари тўшалган эди. Илтифотли министрлар ва сарой аҳли хоҳлаганимни бажону дил бажаарди. Йиғласам ҳар томчи ёшим ҳисобда турарди, ҳар бир жилмайишм Қирол табассумларини рўйхатга олиб бориладиган маҳсус китобга ёзиб бориларди, энди-чи, энди, мен одамлар орасида илгари қандай бегона бўлган бўлсам, қушлар орасида ҳам ҳозир шундай бегона майнаман!

Отамни қудратли қирол дердилар. Беҳисоб хазиналар, саройлар, олтин тожлар, тилла ҳассалар, қимматбаҳо тошлар, бойликларнинг ҳаммаси отамга қаарарди.

Онам ҳам қирол авлодидан бўлиб, гўзалликда оламда ягоға эди. Тўртта опам бор эди, ҳаммаси қиролларга: бири испан қиролига, иккинчиси италян қиролига, учинчиси португаль қиролига, тўртинчиси голланд қиролига турмушга чиққан эди.

Қирол кемалари тўрт денгизнинг ҳамма томонида сузуб юарарди, қўшинимиз шунақаям кўп ва қудратли эдики, бирорта ҳам душманимиз йўқ эди, ҳамма қўшни қироллар биз билан иноқ бўлишга интиларди.

Мен жуда кичкиналигимдан бошлаб овга ва отда юришга ишқибоз бўлиб қолдим. Ўзимнинг хусусий отхонамда бир юз йигирмата араби ва инглиз зотли, шунингдек қирқ саккизта мустанг зотли от бор эди.

Қурол-аслаҳа омборимда энг уста қуролсозлар бўйимга ўлчаб ясаган бир қанча ов милтиқларим бор эди.

Етти ёшга тўлганимда отам ўн иккита энг машҳур олимларни ҳузурига чақириб, мени улар ихтиёрига топширди ва: «Шу ўғлимни тарбия қилинглар. Ўзларингиз нима билсаларингиз ҳаммасини ўргатинг»,— деб амр қилди.

Мен яхши ўқирдим, аммо отда юриш ва ов қилишга шун-

чалик берилиб кетдимки, бошқа ҳеч нарсани ўйламай қўйдим.

Кутилмаганда отам менга отда юришни ман қилиб қўйди.

Мен аччиқ-аччиқ йиғладим, тўрт хоним кўз ёшларимни биллур шишага эҳтиётлаб йиғиб солишиди. Шиша тўлгандан кейин урф-одатимиизга кўра уч кунга умумхалқ мотами эълон қилишиди. Сарой аҳли қора кийди.

Қабуллар, баллар ва кечалар ман қилинди. Сарой майдонидаги байроқ тушириб қўйилди, бутун армия мотам белгиси сифатида шпорларини олиб ташлади.

Отларни соғиниб иштаҳам бўғилди. Ўқишини тўхтатдим, эрталабдан-кечгача кичкина тахтда, ҳеч ким билан гапириш масдан қимирламай ўтирганим-ўтирган.

Бироқ отам ўз қарорларини бекор қилишга ўрганмагани эди.

— Менинг оталик ва қироллик иродам қаттиқ. Мен учун ўғлимнинг инжиқлигига нисбатан тахт меросхўрининг соғлини мухим. Унинг фам-ғусса денгизига ғарқ бўлганини кўрганимда қалбим ўртаниб, юрагим қонга тўлиб кетади, бироқ ҳаммаси сарой ҳакимлари нима деб маслаҳат берган бўлса, шундай бўлади. Шаҳзода ўн тўрт ёшга тўлмагунча отга мишимайди,— деди у.

Менинг отда юришимни сарой ҳакимлари нима учун истамаётгандарини тушунмасдим — мамлакатда энг яхши чавандоз эканлигим ҳаммага маълум эди, халқ мен отни отам қиролликни бошқарганидан ёмон бошқармаслигимни гоҳгоҳ гапириб қўярди.

Менинг учқур, менинг севимли, жонажон отларим кечалари тушимга кириб чиқарди. Баъзан бир хилларининг отни айтиб юборардим — ҳаммасининг оти ёдимда эди.

Бир кун ярим кечада секин кишинаган овозни эшишиб ўғониб кетдим. Юрнимдан ирғиб туриб, деразадан бошимни чиқариб, боққа қарадим. Боф йўлида Али Бобо деган энг яхши отим турибди, у менинг чақирганимни эшигтан бўлса керак.

У әгарлоглиқ әди. Мени кўриб, севинганидан кишинаб, дераза олдига келди. Мен қоронғида наридан-бери кийинидим-да, девордаги милтиқни олиб, секингина әгарнинг устига сакрадим. От бирдан жойидан қўзғалди, бир нечта девордан сакраб ошиб тушди-да, боши оқсан томонга йўртиб кетди. Биз учб борардик, ой йўлимизни ёритиб турарди. Орқамдан қувлашмаётганига ишонч ҳосил қилганимдан кейин, отимнинг жиловини бир оз тортиб секинлатдим ва бошини яқиндаги кўриниб турган ўрмон томонга бурдим.

Шундай хурсанд бўлиб кетгандимки, отам отга минишумни ман қилиб қўйганлигини ҳам, ўрмон хавфли эканлигини ҳам мутлақо унутиб қўйган эдим.

Ўшанда саккиз ёшда эдим, аммо довюракликка келганда беш қирол гренадёридан¹ қолишмасдим.

Ўрмоннинг ичиға кириб боришим билан отим ғалати ҳаракат қила бошлади: юришини секинлатди ва кутилмаганда асабийлашиб, пишқирди-да, қоқсан қозиқдек оёғини тирағ туриб олди.

Йўлимни каттакон бўри тўсди. У шунақаям даҳшатли ирилларди, тумшуғидан кўпик сачрардики, асти қўяверасиз.

Мен отнинг жиловини тортиб, милтиқни елкамдан олдим:

— Қирол номидан буюраман сенга бўри, йўл бер, аксинча отиб ташлайман! — дедим милтиқни тўғрилаб.

Бўри одамга ўхшаб ҳаҳолаб юборди-да, менга яқинлаша бошлади.

Мен тепкини кўтариб нишонга олдим-да, тўппа-тўғри оғзиға қараб отдим.

Ўқ нишонга теккан эди. Бўри гўё сапчишга тайёрланаёт-гандек хезланди, сўнг Али Бобонинг оёғи остига «шилқ» этиб ийқилиб тушди. Мен отдан сакраб тушиб, ўлдирилган ҳайвоннинг ёнига келдим. Бўрининг каттакон чиройли калласи-

¹ Гренадёр — баланд бўйли кишилардан тузилган маҳсус ҳарбий қисм аскари.

га қарашим билан у охирги кучини тўплаб бир оз ўрнидан турди-да, ханжарга ўхшаш ўткир қозиқ тишини биқинимга ботирди. Даҳшатли оғриқ жон-жонимдан ўтиб кетди. Аммо бўрининг жаги ўша заҳоти очилиб, калласи ерга «шилқ» этиб тушди.

Ўша заҳоти ҳамма томондан даҳшатли ўкириш эши билди.

Қўрқув ва оғриқдан эс-хушимни йўқотиб қўйдим. Эгарга аранг тирмасиб чиқиб олдим-да, яна саройга от чопдириб кетдим. Саройга кириб борганимда ҳали жуда қоронги эди. Отни қўйиб юбориб, дераза орқали хонамга аста кирдим. Менинг йўқлигимни ҳеч ким билмабди. Тезлик билан ечиниб, ўрнимга кириб ётдим-да, ўша заҳоти донг қотиб ухлаб қолдим. Эрта билан турсам тепамда олтита ҳаким ва ўн иккита донишманд турибди. Ҳаммаси ташвишланиб бошини қимирлатарди. Биқинимдаги ярамдан қон оҳиста томиб турарди. Ҳакимлар нима учун қон оқаётганлигини ҳеч тушуна олмасдилар, мен эса стамнинг жаҳли чиқишидан қўрқиб, тунги сайрим ҳақида ҳам, бўри билан учрашув тўғрисида ҳам ҳеч нарса демадим.

Вақт ўтиб борарди, ярамдан оҳиста-оҳиста сизиб оқаётган қон тўхтамасди, сарой табиблари эса, уни, ҳар қанча уринмасинлар тўхтата олмасдилар. Пойтахтнинг энг яхши жарроҳлари чақирилди, аммо улар ҳам ҳеч нарса қилолмадилар.

Қон оқиши дақиқа сайин зўрайиб борарди. Менинг касалим ҳақидаги хабар бутун мамлакатга тарқалди. Одамлар мени тузалиб кетсин деб, тўп-тўп бўлишиб пойтахт кўчалари ва майдонларида худога ёлвориб сажда қиласдилар.

Онам кўз ёши тўкиб, тепамда парвона эди, отам эса энг яхши ҳакимларни юборишларини сўраб барча мамлакатларга мурожаат қилди.

Кўп ўтмай ҳакимлар шунақаям ёғилиб келдики, саройдаги хоналар етишмай қолди.

Отам мени тузатган одамга баҳоси бутун қиролликка ба-

равар мукофот беришга ваъда қилди, аммо чет элдан келган табиблар савдолашиб, яна ҳам кўпроқни талаб қилишди.

Мени кўраётганларнинг саноғи йўқ эди. Ҳаким ва табиблар атрофимдан бетўхтов тўда-тўда бўлиб ўтар, текширар ва менинг гапимни эшитардилар; баъзилари менга томизғи дори ва кичкина-кичкина тутгманча дори берарди, айримлари ярамга мой дори суркар ёки аллақандай хушҳид кукун дори сепарди. Яна бошқа бирорлар фақат дуо ўқир ёки сеҳр қиласарди. Бироқ ҳеч ким ярамни тузата олмади. Қон тўхтамасди — мен ҳамманинг кўзи олдида борган сайин сўлиб борардим.

Қадрдонларим ва қариндош-уруғларим тузалишимдан умидларини узгаи, ҳакимлар эса тузатишга қодир эмасликларига кўзлари етиб, саройдан кетиб қолган эдилар ҳамки, дарвоза олдида турган соқчи келиб отам чақиртирган донишманд чолнинг йўқлаётганини хабар қилди.

Уни менинг хонамга истар-истамас олиб келишди, чунки тирик қолишимга ҳеч кимнинг кўзи етмасди, бутун қироллик чуқур мотамда эди. Янги келган одам сўнгги хитой императорининг ҳакими әкан, у ўзини доктор Пай Хи-во деб танитди.

Отам ўзини йигидан зўрға тутиб унга мурожаат қилди:

— Доктор Пай Хи-во, ўғлимни қутқар! Агар сен уни тузатсанг, шу хонага сиққанча гавҳар, зумрад ва ёқут оласан. Мен Сарой майдонига сенга ҳайкал ўрнатишга фармон бераман, агар истасанг, биринчи министр қилиб оламан.

— Жаноби олийлари ва адолатли ҳазратим,— деб жавоб берди доктор Пай Хи-во боши ерга теккундек энгашиб таъзим қилиб.— Олтин-кумушларингни бева-бечоралар учун эҳтиёт қилиб қўй. Мен ҳайкалга лойиқ эмасман — менинг мамлакатимда ҳайкаллар фақат шоирларгагина ўрнатилади. Сенинг ғазабингга йўлиқмаслик учун министр бўлишни ҳам истамайман. Менга аввал беморни кўздан кечиришга рухсат бер, мукофот ҳақида эса кейин гапиришамиз.

У менинг олдимга келди, ярамга кўз ташлади, лекин лабларини ярамга обориб тегизиб, жим бўлиб қолди.

Мен кучимга куч қўшилганлигини дарҳол сездим. Назаримда баданимдаги қон ўзгаргандек, томирларимдан тез юриб кетгандек бўлди.

Бир неча дақиқадан кейин доктор Пай Хи-во ўзини четга олганда, ярам батамом битиб, ҳатто ўрни ҳам қолмаган эди.

— Шаҳзода соғайдилар, ўринларидан тураверишлари мумкин,— деди донишманд менга, шарқ одатига кўра икки букилиб таъзим қилиб.

Ота-онам севиниб кетгандаридан йиғлаб, халоскоримни чин юракдан табриклидилар.

— Агар саройингиз қоидаларига хилоф бўлмаса,— деди доктор Пай Хи-во, — жаноб бемор билан яккама-якка гаплашмоқчи эдим.

Қирол рози эканлигини айтди ва мени ёлғиз қолдириб, ҳамма донишманд билан хонадан чиқиб кетди. Табиб ўрнимнинг бир чеккасига ўтириди-да, шундай деди:

— Шаҳзодам, мен сени, бошқа одамлар билмайдиган сеҳрларни билганим учун қутқариб қолдим. Яранг нимаданлиги менга маълум. Сен бўриларнинг подшосини ўлдириб қўйдинг. Бўрилар бунинг учун сендан жуда қаттиқ ўч оладилар. Бўриларнинг подшоси одам зотидан биринчи марта енгилди. Бундан буён ҳаётинг жуда катта хавф остида. Хитойнинг сўнгги императори ўлими олдидан менга Бўғдихоннинг¹ сеҳрли қалпоғини топширган эди, шуни бераман ва ишонаманки, сен уни жуда эҳтиётлаб сақлайсан.

Доктор Пай Хи-во шоҳи шалварининг ҳамёнидан учида катта тугмачаси бўлган қора мовутдан тикилган кичкина думалоқ қалпоқни чиқарди-да, давом этди:

— Ма, кичкина шаҳзодам, ҳеч қачон бундан ажралма ва буни кўз қорачиғидек сақла. Агар хавф остида қолгудек бўл-

¹ Бўғдихон — Хитой ҳоқонининг номи.

санг, шу қалпоқни кийсанг бас, нимага айланиб қолишини истасанг, дарров ұшанга айланиб қоласан. Хавф-хатар туга-гандан кейин әса тұгмачасидан тортсанг бўлди — яна илга-риги ҳолатингга қайтасан.

Мен доктор Пай Хи-вога қилган яхшилиги учун миннатдор-чилик билдиридим, у әса менинг қўлимни ўпиб, хонадан чиқиб кетди. Унинг саройдан чиқиб кетганини ҳеч ким кўрмай қолди. У ҳеч ким билан хайрлашмасдан, ҳеч қандай мукофот ҳам талаб қилмасдан ғойиб бўлди.

Доктор Пай Хи-вога миннатдорчилигини бялдириш ниятида отам бева-бечоралар учун катта байрам уюштириш ва уларга ўн икки қоп гавҳар зумрад ва ёқут тарқатишни амр қилди.

Тузалиб кетганимдан кейин яна ўқий бошладим, энди оз қилиш ва отда юришдан мутлақо совиб кетдим.

Бўриларнинг подшосини ўлдириб қўйганим ҳар доим менинг қийнарди. Йиллар ўтди, бўрининг даҳшатли оғзи, унинг чақнаб турган кўзлари хаёлимдан ҳеч нари кетмасди.

Доктор Пай Хи-вонинг насиҳатини эсда тутар, Бўғдихоннинг сеҳрли қалпоғини ҳеч қўлимдан қўймасдим.

Кутилмаганда мамлакатда нохуш веқеа содир бўла бошлади. Ҳамма томондан, тўда-тўда бўрилар қишлоқ ва шаҳарларга бостириб қириб, барча тирник жон зотяни ўлдириб ташлайяпти, деган хабарлар келарди. Ҳамма эқинлар шимолга қараб юра бошлаган жуда катта бўрилар галасидан пайҳон бўлиб кетган эди.

Иўлларда одамларнинг оппоқ суюклари ётарди.

Сурбет бўлиб кетган ҳайвонлар куппа-кундузи шаҳар ва қишлоқларга ёпирилиб кирап ва бир зумда оёғи етган ерларни вайрон қиласарди.

Одамлар ўрмонларга заҳар сочардилар, қопқон қўярдилар, бўри қудуқ ковлаб қўярдилар, бўриларни пўлат ва темир билан уриб қирап-



дилар, аммо ҳайвонларнинг ҳужуми тўхтамасди. Одамларнинг ташлаб кетган уйлари бўриларга бошпана вазифасини ўтарди. Оналар болаларини, эркаклар аёлларини тополмасди. Улаётган ҳайвонларнинг ўкириги ва чинқириги бир дақиқа ҳам тўхтамасди.

Бўрилар билан курашиш учун жангчиларнинг катта, яхши қуролланган отрядлари юборилган эди.

Улар кечасию кундузи йиртқичларнинг изига тушардилар, аммо бўрилар борган сайни кўпайиб тезда бутун мамлакатга хавф туғдира бошлади.

Очлик бошланди. Халқ министрлар ва сарой аҳлини бепарвслик ва сотқинликда айбларди. Мамлакатда норозилик кучайиб кетди. Бўрилар уйларга бостириб кирав, у ердан очликдан ўлиб қолган одамларнинг жасадини судраб чиқардилар.

Қирол ҳам министрларни кетма-кет алмаштираверар, бироқ ҳеч ким бу баҳтсизликка ёрдам бера олмасди.

Шундай қилиб, бўрилар бир куни пойтахтга бостириб келишди. Ҳеч қандай куч уларни тўхтата олмасди. Ноябрнинг эрта тонгидаги улар бирдан саройга бостириб кирдилар. Ёшим ўшанда ўн тўртда эди. Аммо мард ва кучли эдим. Милтиқни қўлимга олдим-да, ота-онам ўтирган тахт ўрнатилган бинонинг эшиги олдига туриб олдим.


— Йўқол бу ердан! — деб даҳшат билан бақира бошладим.

Милтиқни тўғрилаб энди отмоқчи бўлган эдим, қўққисдан тахт ўрнатилган бинонинг эшиги олдида қимирамай турган қоровуллардан бири қўлимдан ушлади-да, бўкирди:

— Бўрилар подшоси номидан буюраман сенга, ит, уларга йўл бер, аксинча, ўлдираман!

Эсхонам чиқиб кетди. Милтиқимни қўлимдан ташлаб юбордим. Бўшашиб кўз олдим хирадашди. Қаршимда бўрилар подшоси қип-қизил, совук оғзини катта очиб турарди.

Кейин нима бўлганини билмайман, ўзимга келганимда



бilsam, ota-onam olamdan ýtiibi, oýrilap saroy ichida bosqinchilik қilar dilar, men boшим ёrilgan, polda singan narсалар ostida ётардим. Odamlarни ёрдамга чақиришга уриндим, бироқ тилим айланмас, фақат сўзларнинг охиринигина, уни ҳам ҳижжалаб айта олардим холос. Кейин умрбод шундай бўлиб қолдим.

Узимга келганимда singan narсалар бўлмаганида омон қолишим қийин эканлигига тушундим.

— Нима қилиш керак? — деб ўйлардим бошим қотиб. — Бу дўзахдан қандай қутулиб кетиш мумкин? Эй худо, худо! Қуш бўлиб қолиб, қаёққа бўлса ҳам учиб кетганимда қанийди энди?!

Шу вақт доктор Пай Хи-вонинг сеҳрли қалпоғи эсимга тушиб кетди. Йўқотиб қўймадимми деб қўлимни чўнтағимга тиқиб кўрдим. Турибди! Энди киймоқчи бўлган эдим, тўсатдан учидаги тугмачаси йўқлигини пайқаб қолдим. Даҳшат-ку!

Мен қушга айланиб, саройдан чиқиб, бу баҳтсиз мамлакатни ташлаб кетишим мүмкин әди, аммо бир умр қуш бўлиб қоламан, қачон бўлмасин ўзимнинг аввалги ҳолатимга қайтишга ҳеч қандай умид йўқ.

Кутилмаганда ниманингдир ваҳимали ириллаётганини эшишиб қолдим. Синиб ётган нарсалар орасидан бўрининг баҳайбат оғзи кўриниб турарди.

Имиллаб ўтиришнинг хонаси эмас. Қалпоқни тез бошимга кийдим-да:

— Қуш бўлиб қолишини истайман! — дедим.

Уша заҳоти кичкиналашиб, қўлларим қанотга айланди. Бирпасда ўзингиз ҳозир кўриб турган майнага айландим қолдим.

Шундан кейин синиқ нарсалар орасидан чиқиб, пир этиб учиб аллақандай креслога бориб қўндим, кейин ўзимни деразага урдим. Бир дақиқа ҳам ўтмасдан озодликка чиқиб олдим!

Мен она юртим тепасида жуда кўп учиб юрдим. Ҳамма ёқдан қулоғимга фақат ўлдирилаётган одамларнинг дод-вой, оҳ-фигонлари-ю, оч бўриларнинг бўкиришлари эшитиларди.

Кишлоқ ва шаҳарлар бўшаб қолганди. Отамнинг мамлакати харобазорга айланган әди.

Бўрилар подшосининг ўчи ҳаддан ташқари даҳшатли әди.

Кўкда учар эканман, ота-онам бошига тушган ҳалокат ва мамлакатим йўлиқкан фалокатни кўриб хафа бўлардим. Сўнгра, бир оз тинчланиб, йўқолган тугмача ҳақида ўйлай бошладим.

Доктор Пай Хи-во қалпоқни менга берган кундан бошлаб, шу кунгача олти йил ўтди. Шу йиллар ичida мен кўп мамлакатлар ва шаҳарларда бўлдим. Бу қимматбаҳо тугмачани қаерда ва қачон йўқотган бўлишим мумкин? Тугмачасиз ҳеч қачон илгариги ҳолатимга қайтолмайман-ку ахир?

Мен бу саволга ҳеч ким жавоб бера олмаслигини биламан.

Мен навбатма-навбат ҳамма опаларимниги бордим. Би-

роқ уларнинг бирортаси ҳам мени танишмади, таниш у ёқда турсин, гапимга тушунишмади. Улар мени оддий майна деб ўйладилар. Энг катта опам—испан қироличаси, мени қафасга қамаб қўйиб, инфантанинг¹ туғилган кунига совға қилди. Аммо тездан тантиқ Маликанинг жонига тегдим ва у мени хизматкорига берди, хизматкори эса бозорда қафас-пафасим билан бирга қўшиб бошқа юртдан келган катта савдогарга арзимаган пулга сотиб юборди.

Ўшандан буён қўлдан-қўлга ўтиб юра бошладим, ниҳоят Саламанкадаги парранда бозорида бир чет эллик олим та-лаффузимга қизиқиб қолиб, сотиб олди.

Олимнинг оти Доф Амброжий экан.

Доф жанобларининг ажойиб қилиқлари




Матеушнинг ҳикояси менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Қандай бўлмасин тугмачани топишга ва Матеушни аввалги ҳолатига қайтаришга аҳд қилдим.

Шундай қилиб коллекционер бўлиб қолдим. Фақат академиядагина эмас, кўчадан ҳам, трамвайдан, ҳатто қўшни эртаклардан топиб олган ҳар қанақа тугмачаларни эринимасдан йиғардим. Йўловчиларнинг камзуллари, кўйлаклари ва нальтоларидағи тугмачаларни пакки-пичноқ билан билдири-май қирқиб олардим. Яшириб нима қиласман, баъзан қўлга ҳам тушиб қолардим. Ўшанда роса таъзиримни берардилар.

Бир куни бир почтаци ушлаб олиб, бошимни зовурдаги сувга тиқди, бошқа куни аллақандай бир семиз киши қичит-

¹ Инфант — монархия давридаги Испания ва Португалияда ма-ликалар — қирол қизларини шундай деб атардилар.



ки ўт билан роса савалади, кўйлагининг тугмачасини узиб олганимда, бир хоним эса соябон билан калтаклади.

Бироқ булар ақалли бир оз бўлса ҳам мени хижолат қилмади, мендаги тугмачалар яқин-атрофда топилмайди,— деб қўрқмасдан мақтансам бўлади.

Етмиш саккиз дюжина тугмачам бор, бунинг устига ҳаммаси ҳар турли. Бахтга қарши Матеуш уларнинг бирортасини ҳам, мана шу сеҳрли қалпоқчанинг тугмачаси, демаяпти.

Аммо мен умидимни узмайман, доктор Пай Хи-вонинг сеҳрли тугмачасини топмагунимча қўймайман.

Фақат бир нарсага, Доғ жаноблари бу иш билан нима учун шу вақтгacha шуғулланмаганликларига тушунмаяпман. Тугмачани топиш ва бахтсиз шаҳзодани сеҳрдан қутқариш унинг учун ҳеч гап эмас.

Доғ жаноблари ҳаммасини қилишга қодир! Унинг учун амалга ошириб бўлмайдиган ҳеч нарса йўқ.

У ким нима ҳақида ўйлаётганини доим билади; илгари ҳақиқатдан ҳам шу жойда турган деб фараз қилинган, ҳозир эса йўқ стулга ўтира олади; ҳаво шарчасига ўхшаб учади; кичкина нарсаларни катта, катта нарсаларни кичрайтира

олади; рангли шишаачалардан ҳар қанақа таом тайёрлаш қўлидан келади; шам учидаги ёниб турган оловни чўнтағида бир кунлаб ўчирмай олиб юра олади.

Қисқасини айтганда, Доғ жанобларининг қўлидан ҳамма иш келади. Бир куни дарс вақтида шу ҳақда ўйладим. Доғ жаноблари нима ҳақида ўйлаётганимни билди-да, кўрсатгич бармоғи билан дўқ қилиб қўйди.

— Қулоқ солинглар, болалар,— деди у, — орангизда баъзилар мени сеҳргар ёки кўзбойловчи деб ҳисобламоқдалар. Бу — тентаклик! Мен ихтиро қилишни севаман ва эртакларни бир оз бўлса ҳам тушунаман. Агар мен ҳақимда ҳар турли бекорчи нарсаларни ўйлаб чиқаришни истасангиз — марҳамат; ўйлаб чиқараверинг, менинг ишим йўқ. Хоҳлаганингизча ўйлаб чиқараверинг. Мен бошқаларнинг ишига аралашмайман. Қизиқ! Баъзилар ҳатто одам қушга айланна олади деб ишонишади ҳам. Тўғрими, Матеуш?

— Ўғри, ўғри — деб жавоб берди Доғ жаноблари сюртуғининг орқа томондаги чўнтағида ўтирган Матеуш.

— Буларнинг ҳаммаси бўлмағур гап! Шахсан мен бундай ёлғон гапларга ишонмайман.

— Хўш, эртаклар-чи, профессор жаноблари, улар ҳам ёлғонми?

— Эртаклар ҳар турли бўлади,— деб жавоб берди Доғ жаноблари.— Айримлар мени ҳам, менинг академиямни ҳам ўйлаб чиқарилган деб ҳисоблайдилар. Бироқ улар янгилашиб дилар!

Доғ жанобларининг саҳийлиги ва мулоҳимлиги учун ҳамма ўқувчилар уни жуда севадилар ва ҳурмат қиласидилар.

Бир куни боғда Доғ жаноблари билан учрашиб қолдим. У жилмайиб қўйди-да:

— Ширин бола, сенга малла соч жуда ҳам ярашади! — деди. Сўнг менга синовчан назар солди-да, қўшиб қўйди:— Мана ҳозир сен мени ёши юзларга бориб қолган деб ўйладинг, тўғрими? Мен бўлсан сендан йигирма ёш кичкинаман.



Ўшанда мен ҳақиқатан ҳам шундай деб ўйлаган әдим; Доғ жаноблари ўйлаётган ўйимни билиб олгани учун жуда иоқулай аҳволда қолдим. Аммо Доғ жанобларининг майдан йигирма ёш кичкина бўлиши мумкинлигига ақлим етмай юрди.

Матеуш менга бир куни гапириб берди.

Учинчи қаватда, Доғ жаноблари ва Матеуш яшайдиган хонада, дераза токкасида катталиги папирос қутисидек келадиган иккита каравот бор экан; ўша каравотда улар ухлашар экан. Бундай каравотга сифса фақат майна сиғади, у ҳам не-не азоб билан сиғади, шундай бўлгандан кейин Доғ жаноблари қандай қилиб сиғаркин? Ҳеч тушуна олмасдим. Матеушга шундай кўрингандир ёки ўйлаб чиқараётгандир. Яна у ҳар куни қоқ ярим кечага борганда Доғ жанобларининг чақалоқдек бўлиб қолгунгача кичрая бошлишини гапириб берди. Унинг сочлари, мўйлови, соқоли тўкилиб кетармиш ва у ҳеч нима бўлмагандек Матеушнинг каравоти билан ёнма-ён турган кичкинагина каравотга ётармиш.

Доғ жаноблари эрта билан турганда, қулоғига катталаштирувчи насоснинг учини тиқармиш, сўнг соч ўстирадиган бир неча тугмача дори иcharмиш ва шундай йўл билан чамаси ўн минутлардан кейин ҳақиқий Доғ жанобларига айланаб қолармиш.

Доғ жанобларининг катталаштирувчи насоси алоҳида диққатга сазовор. Насос кўринишидан тикув машинасининг майдонига ўхшайди. Аммо Доғ жаноблари насосни бирор нарсага улаб қўйиб, тагига бир неча марта урса, бас, бояги нарса тездан катта бўла бошлайди. Доғ жаноблари шундай қилиб, чақалоқдан катта ёшдаги одамга айланармиш, катталиги муштумдек келадиган гўштдан эса бутун бир академия учун қовурдоқ тайёрлармиш. Лекин насоснинг катта камчилиги бор: ҳамма нарсаларни ҳам катта қилавермас, энг зарур нарсаларнингина катта қиласди, холос, катта бўлган нарсалар ҳам катталик ҳолатларини узоқ вақт сақлай ол.

майдилар, зарур вақтгача сақланиб туради, сўнг яна ўзларининг илгариги ҳолатига қайтади.

Доғ жаноблари шунинг учун қоқ ярим кечаси қайтадан кичрайиб қолармиш, бизнинг эса овқатдан сўнг қорнимиз ўлгудек оч қолади, шу сабабли ширинлик ўрнида рангли шишачалардан тайёрланган яна бирор нарса ейишга тўғри келади.

Биз рангли шишачаларни жуда кўп ғамлаб олишимиз керак, нега деганда катталаштирувчи насос рангли шишачаларга мутлақо таъсир кўрсата олмайди. Бу бизни жуда ҳам хафа қиласиди. Бироқ Доғ жаноблари ширинликни тайёрлаш учун бирон бир усул ўйлаб топишга ваъда берди.

Доғ жаноблари эрталабки нонуштада бир неча рангли шиша соққачалар ейди, устидан кўк суюқлик ичади. Матеушнинг гапига қаражандада, бу ичимлик Доғ жанобларининг уйқусида йўқотган эс-хүшини, зеҳнини қайтариб берармиш.

Бир куни эрта билан кўк суюқлик йўқ экан, Доғ жаноблари ўзининг ким, исмининг нима эканлигини эслолмабди; у ўз академиясини танимабди, ҳамма ўқувчиларни адаштириб юборибди, ҳатто Матеушни Трезор деб чақирибди, майнани кучук деб ўйлади.

У академияда жиннига ўхшаб гандираклаб юрар ва:

— Андерсен! Кечаги куним қани менинг? Қ-қа-ни! Мен товуқман! Ҳозир тухум қўяман! Менинг сепкилларимни бeringлар! — деб бақиравмиш.

Агар Матеуш уч қувноқ ажинанинг олдига учиб бориб, улардан қарзга бир шиша кўк суюқлик олиб келмаганида, өхтимол Доғ жаноблари ақлдан озиб қолар ва унинг машҳур академияси агадий йўқ бўлиб кетарди.

Доғ жаноблари нонушта қилиб бўлиб, сепкилларни ёпиширади-да, кийинади. Доғ жанобларининг ташқи кўрниши ва кийинишини тасвиrlаш ортиқча бўлmas, деб ўйлайман.

Доғ жаноблари ўрта бўйли, лекин уни семиз деб ҳам бўл-

майди, озғин деб ҳам бўлмайди, чунки устида кийим қопгаг ўхшаб туради. У шамол вақтида ҳаво шарига ўхшаб шишиб кетадиган жуда ҳам кенг чоловор кийиб юради; сюртути кенг — ранги жигар рангга ҳам, тўқ қизилга ҳам ўхшайди; нимчаси майин, сариқ рангли бўлиб, катта шиша тугмачалари бор; галстукнинг ўринида дабдабали тик ёқа ва майин бантик бор. Чўнтаклари Доғ жанобларининг костюмларига алоҳида тус бериб туради. Улар сон-саноқсиз.

Унинг чоловорида ўн олтига, нимчасида йигирма тўртта чўнтак санадим. Лекин шунинг ҳисобига сюртугидаги ҳаммаси бўлиб битта чўнтак бор, у ҳам орқа томонида эди. Бу чўнтак Матеуш учун мўлжалланган, Матеуш у ерга истаган пайтида кириб ўтириши мумкин.

Доғ жаноблари ҳар куни эрталаб ишга келиб, креслога ўтираётганида орқа томонидаги чўнтакдан юракни эзадиган фифон эшитилади:

— Либ ламан, либ ламан! Либ ламан, либ ламан!

Бу: «Ўлиб қоламан, ўлиб қоламан! Ўлиб қоламан, ўлиб қоламан!» дегани.

Ўтиришдан олдин Матеушни босиб ўлдириб қўймаслик учун Доғ жаноблари сюртугининг барини эринмай тўғрилаб қўяди.

Лекин Матеуш Доғ жанобларини ҳамиша ҳам огоҳлантиравермайди. Баъзан Доғ жаноблари синфга кириб, ўзи:

— Адас! Креслони олиб қўй,— дейди.

Мен креслони олиб қўяман, Доғ жаноблари ҳеч нима бўлмагандек кресло ўриндаги бўшлиққа ўтиради.

Доғ жаноблари нимчасининг чўнтакларида шунақаям кўп бойлик бор эдики, биз жуда ҳам ҳайратда қолдик. Қўк суюқлик солинган шиша, ичи сепкилга лиқ тўла тамакидон, катталаштирувчи насос, мен ҳикоя қилиб бермоқчи бўлганим ухлатадиган квас, рангли шишачалар, шамлар, соч ўтирадиган тугмача дорилар, олтин калитча ва бошқа қимматбаҳо нарсалар бор.

Чолворининг чўнтаклари менимча жуда ҳам чуқур бўлса керак. Доғ жаноблари унга хоҳлаган нарсасини яшириб қўйиши ва чўнтагида нима борлигини унтиши ҳам мумкин. Менга Матеуш айтиб берди, Доғ жаноблари ўринга кириб ётишдан олдин чўнтакларини бўшатар ва чиқсан нарсаларни алоҳида хонага тахлаб қўярмиш; чўнтагидан чиқсан нарсаларга кўпинча битта хона кичиклик қилиб қолармиш, шундай иккинчи, ҳатто учинчи хонани ҳам очар эмиш.


Доғ жанобларини кида ўхшаш бошундан бошқа ҳеч кимда йўқ. Унинг сочи ҳурпайган, камалакдек ранг-баранг бўлиб товланиб туради. Доғ жанобларининг иягини эса қопқора, титилиб кетган соқол қоплаган.

Юзининг кўп қисмини бурни эгаллади; бурни жуда ҳам ҳаракатчан, йилнинг қайси пайтлигига қараб, вақти-вақти билан гоҳ ўнгга, гоҳ чапга қайрилади. Бурнида худди кичкина велосипедга ўхшаш пенсне бор, бурнининг тагида узун, қаттиқ, қизғиши мўйлов ўсган. Доғ жанобларининг кўзлари эса иккита найзага ўхшайди, агар пенсне бўлмаганидами, Доғ жаноблари бу найзалари билан ҳамманинг бу ёғидан саншиб, у ёғидан чиқариб юборган бўларди.

Доғ жаноблари ҳамма нарсани — кўзга кўринадиган нарсани ҳам, кўзга кўринмайдиган нарсани ҳам кўради.

Ертўлаларнинг бирида учига саватча боғланган турли рангли кичкина-кичкина ҳаво шарлари сақланади. Уларнинг Доғ жанобларига нима учун кераклигини билганимга икки ҳафта бўлди.

Бу шундай бўлган эди. Биз пешинги овқатни еб бўлиб, энди ўрнимиздан турган эдик, Филипп шаҳардан Саёқгул ва Кулгили кўчасининг кесишиб ўтган жойинда трамвай бузилиб қолганлиги ва ҳеч ким уни тузата олмаётганлиги



ҳақида хабар топиб келди. Доғ жаноблари бизга ертўладан битта ҳаво шари олиб келинг, деб буюради. Дарров олиб келиб бердик. Саватчага ўзининг ўнг кўзини солган эди, шар кўтарилиб, шаҳарга қараб учиб кетди.

— Болалар, йўлга отланинглар,— деди Доғ жаноблари,— у ҳозир қайтиб келади. Трамвайга нима бўлганини билганимдан кейин қутқариш учун борамиз.

Ҳақиқатан беш минут ўтмаган ҳам эди, ҳаво шари қайтиб тўппа-тўғри Доғ жанобларининг оёғи тагига келиб тушди.

Доғ жаноблари кўзини саватдан олиб, ўз жойига ўрнатиб қўйди-да, жилмайиб:

— Ҳаммаси равшан — кейинги ғилдиракларининг чап томонидагиси мойсираган, олдинги ўқига қум тўлибди, трамвайнин юргизаётган сим дугадан ажралиб қолган, вагон ҳайдовчининг эса жигари шишиб кетган. Анастазий, дарвозани оч! Кетдик! Шагом марш! — деди.

Биз саф тортиб кўчага чиқдик, Доғ жаноблари орқамиэда келяпти. Йўлда пенснени қўлига олди-да, унга катталашиб рувчи насос ўрнатди. Пенсне катталаша бошлади. Ҳақиқий велосипеддек бўлганида Доғ жаноблари унга миниб олди-да, олдинда йўл кўрсатиб кетди.

Биз кўп ўтмай Кулгили кўчасига етиб келдик. Икки йўлнинг кесишиб ўтган жойида бўш трамвай туради. У кўча ҳаракатини тўхтатиб қўйган эди. Бир неча слесарлар ва механиклар трамвай атрофида ҳарсиллаб, терларини артиб уймалашиб юрибдилар.

Доғ жанобларини кўриб, унга йўл беришди. Доғ жаноблари: Ҳаммангиз бир-бирингизнинг қўлингиздан ушлаб, трамвайнин ўраб олинг ва ҳеч кимни қўйманг деб буюрди бизга. Ўзи оғриқдан тўлганиб ётган вагон ҳайдовчининг олдига кетди, бориб унга, ма, ютиб юбор, деб кичкинагина ҳаво рангшиша парчасини берди. Кейин трамвайнинг ўзи билан шуғулланди. Қўлинин чўнтакларининг бирига тиқди-да, врачларнинг қулоққа тутиб әшитадиган трубкасига ўхаш трублка, болға-

ча, лейкопластир, бир банка сариқ мой ҳамда бир шиша йод чиқарди; трамвайнинг ҳамма ёғига болға билан түқиллатиб уриб кўрди, диққат билан қулоқ солиб аниқлади, моторига мой, рулига сариқ мой суртди, ўқига эса йод қуиди. Томга чиқиб, дугадан ажралиб қолган симни пластир билан ёпиштириб улади.

Ҳаммасига кўпи билан ўн минут вақт кетди.

— Тайёр! — деб тантанали равишда эълон қилди Доғ жаноблари.— Жўнаш мумкин!

Доғ жаноблари тузатган вагон ҳайдовчиси трамвайга сакраб чиқиб моторни бураган эди, трамвай гўё яп-янгидек, издан енгил юриб кетди. Биз бўлсак Доғ жаноблари академиясининг маршини айтиб уйимизга қайтиб келдик.

Бир неча кундан кейин Доғ жанобларини яна кўриб қолдим, ўзининг айтишича, кўзини разведка қилиб келишга юборибди.

Биз ҳовуз бўйида, қурбақаларнинг қуриллашларини дафтаримизга ёзиб ўтирадик. Доғ жаноблари бизга қуриллашларидан айрим бўғинларни танлаб олиб улардан шеър тўқишини ўргатди.

Мана, масалан, менинг шеърим шундай чиқди:

Мұхим бир иш қилиб хаёл,
Оймўмажон сувга тушди.
Бўлмасин деб бир кори ҳол,
Балиқларнинг қути ўчди.
Оймўмажон жилмайиб дер:
«Олтин балиқчаман, ахир!»
Балиқчи чол қилди ҳанда:
«Зап бир шўрва бўларкан-да!»
Қармоқ ташлаб тутди уни,
Уйга олиб кетди уни.

Биз шундай, ҳовуз бўйида ўтирадик, Доғ жаноблари эса сувга тикилиб турганди. У шунақаям эгилиб олган эдикি, нимчасининг чўнтагидаги катталаштирувчи насоси сувга тушиб, чўкиб кетди.

Кўп ўйлаб ўтиrmай ўзимни сувга отдим, кетимдан би нечта бола ўзини сувга отди, аммо насосни тополмадик. Шундан кейин Доғ жаноблари ҳовузга ўзининг ўнг кўзини ташлади-да;

— Кўзимни разведка қилиб келиш учун юборяпман! Насоснинг қаердалигини кўрсатиб берсин! — деди.

Кўз ўша заҳоти сувдан сакраб чиқди. Доғ жаноблари ун ўз жойига қўяркан, хурсанд бўлиб бақириб юборди:

— Ура-а-а! Мен насосни кўряпман — у қирғоқдан тўрқадам нарида — қисқичбақалар яшаётган чуқурда!

Мен ўзимни сувга отиб, ўша заҳоти насосни топдим, худди Доғ жаноблари кўрсатган жойда экан.

Бир ҳафта ўтгандан сўнг Доғ жаноблари бизга хушхабар олиб келди. У, ертўладан битта зангори ҳаво шари олиб чиқдеб буюрди, опчиқиб бердим, кўзини саватчага солди-да, тантанали суратда деди:

— Кўзимни Ойга юборяпман. У ерда кимлар яшашини билмоқчиман ва ойда яшовчилар ҳақида эртак тўқимоқчиман.

Шарча зумда учиб кетди, лекин ҳозирча қайтгани йўқ. Аммо Доғ жаноблари: — ҳали қайтадиган вақти бўлгани йўқ. Ой жуда ҳам баландда, шарча Янги йилдан олдин келмайди, — деяпти. Доғ жаноблари ҳозирча бир кўз билан юрибди-лар, иккинчи кўзига эса пластир ёпишириб қўйилган.

Бу гапни шу ерда тўхтатиб, узилиб қолган ҳикоямизга қайтамиз. Доғ жаноблари эрталаб кийинади-да, пастга, дарсга йўл олади. Тўғрисини айтганда, ерда юриб эмас, панжаранинг устига миниб олганча, бурнидаги пенснени ушлаб сирғанади. Бунга ҳеч ҳайрон қолмаса ҳам бўлади, чунки Доғ жаноблари панжарарадан юқорига ҳам ана шундай сирғаниб чиқа олади. Бунинг учун у чуқур нафас олиб, лунжини шиширади ва пардек енгил бўлиб қолади. У фақатгина панжараларнинг устидан юришни эмас, зарурат туғилиб қолганда, масалан, капалаклар овлаш вақтида учишни ҳам билади. Капа-

лаклар — Доғ жанобларининг энг севимли таомларидан бири, иккинчи гал нонушта қилганда капалакдан бошқа ҳеч нарса емайди.

— Эсингизда бўлсин, болалар,— деди бир куни,— таомнинг таъми озиқ-овқатнинг ўзигагина эмас, унинг рангига ҳам боғлиқ. Менга овқат керак эмас, соч ўстирадиган тугмача дориларни есам ҳам қорним тўқ юради. Бироқ менинг димоғим жуда ҳам сезгир, шунинг учун ажойиб таомларни севаман.Faқат рангли овқат ейишимнинг сабаби шу. Масалан, капалаклар, гуллар, ҳар хил рангли шишачалар ва ўзим бирор хуштаъм рангга бўяйдиган бошқа тансиқ овқатлар.

Бироқ бир куни мен Доғ жаноблари капалак еб оғзила-ридан гилосникигами ёки олчаникигами ўхшаш данакни туфлаб юборгандарини сезиб қолдим.

Доғ жаноблари менга, капалакларнинг данакли маҳсус хили бор, улар томорқада ловияга ўхшаб ўсади, деб тушунтириди.

Болаларга баъзан Доғ жанобларига ўхшаб учиш жуда ҳам ўнгайдек кўринади. Улар кучларининг борича чиранадилар, лунжларини шиширадилар, Доғ жанобларининг барча ҳаракатларини такрорлайдилар, бироқ ҳеч нарсанинг уддасидан чиқолмайдилар. Зўр келганидан Артурнинг бурнидан қон отилиб кетди. Антонийлардан бирининг эса сал бўлмаса қорни ёрилиб кетай деди.

Мен ҳам ҳамма болалар билан биргаликда учишга ҳара-кат қилиб кўрдим, Доғ жаноблари ҳаммамизга қимматбаҳо маслаҳатлар берган бўлса ҳам уддасидан чиқолмадим.

Аммо ўтган якшанба куни, тушдан кейин тасодифан чукур нафас олган эдим, кутилмагандан ўзимни жуда ҳам енгил ҳис қилдим, лунжларимни шиширган эдим, оёғимнинг остида турган ер сирпаниб, учиб кетдим.

Академиядаги машғулотлар



ар куни эрталаб соат бешда Матеуш шлюзларни очади. Шлюзлар бизнинг каравотларимизнинг тенасига — шипга жойлашган кичкина ёриқлар эди. Ҳар бир ўқувчининг ўз шлюзи бор, йигирма тўрт ўқувчига роса йигирма тўрт шлюз мавжуд. Матеуш шлюзларни очганида нақ бурнимизга муздек сув томади.

Матеуш бизларни шундай уйғотади.

Бир вақтнинг ўзида унинг:

— Ринглар, стлар! — деган командаси янграйди.

Бу: «Туринглар, дўстлар!» деган маънони англатади.

Биз ўрнимиздан иргиб турамиз-да, тез-тез кийинамиз. Доғжаноблари бугун бизларга нимани ўргатаркин?

Бизнинг ухлаш учун белгиланган хонамиз жуда катта. Девор бўйлаб узунасига кетган қатор умивальниклар хонамизнинг ҳуснига ҳусн қўшади, ҳар биримизнинг алоҳида душимиз бор. Чўмилиш фақат роҳат бахш этади, чунки душдан шарбатли газ суви тушади. Ҳар куни ҳар хил шарбат тушади. Мен ҳаммадан кўра малина шарбатлисини кўпроқ яхши кўраман, шунинг учун чоршанба куни чўмиламан. Доғжанобларининг шарбати жуда ҳам яхши кўпиради, натижада ҳар куни эрталаб ётоқхонамиз бирпасда каттакон кир тоғорага ўхшаб қолади.

Биз бир кийимда — кўк кўйлак, оқ чоловор, кўк пайпок, оқ бошмоқда юрамиз. Гуноҳкорларни яшил ҳол-ҳол гулли сариқ галстук тақиб юришга мажбур қиласидилар. Бу галстук жуда ҳам чиройли, аммо бизда бу галстукни тақиш уят ҳисобланади.



Соат беш яримда туш ойначаларни¹ олволиб, ошхонага жўнаймиз.

У ерда, хонанинг ўртасида овқатланадиган каттакон стол бор, столнинг атрофида ҳаммамизнинг доимий жойимиз аниқ. Таом хуштаъм бўлсин учун хонанинг деразалари ҳар турли рангдаги ойналардан қилинган.

Доф жаноблари эрталаб ҳам, қечқурун ҳам алоҳида овқатланади, биз овқатланаётганимизда столнинг устида учеб юриб қўлидаги лейкада овқатга сардак сепади. Сардаклар ҳар турли бўлиб, ҳаммасининг ҳам ўзига яраша вазифаси бор: оқи тишларни мустаҳкамлайди, ҳаво ранги кўзни равшанлаштиради, сарифи нафас олишни енгиллатади, кул ранги қонни янгилайди, яшил ранги эса хафаликни тарқатиб юборади.

¹ Туш ойна — кўрган түшини шу ойнанинг бетида намоён бўлади (эртакларда).

Тақсимчада овқатимиз қолмаслиги учун Матеуш гул тувакка ўтириб олиб кузатади.

Матеуш соат олтида кичкина кумуш қўнгироқчани тумшугида қўтариб ҳаммани йўқламага чақиради. Биз оёғимизни қўлимизга олиб Доғ жанобларининг хонасига чопамиз.

Бу пайт Доғ жаноблари бизни кутиб турган бўлади, хонасига етиб боришимиз билан ҳар биримизнинг пешанамиздан ўпид саломлашади.

Доғ жаноблари йўқламадан сўнг каттакон шкафининг ичиға кириб, думалоқ деразачасидан кичкина ойналарни йиғиб олади. Булар оддий ойна эмас. Тунда улар ҳар биримизнинг тумбочкамиз устида туради. Бизнинг кўрган тушимиз шу ойнанинг бетига тушиб қолади. Доғ жаноблари әрталаб ким нима туш кўрганлигини текшириб чиқиб, зерикарли ва бемазларини ахлат ўрага ташлаб юборади, яхшиларини эса олиб қолади.

Доғ жаноблари ухлатадиган квасга ҳўллаб олинган пахта ёрдамида тушларни ойналарнинг устидан кўчирниб олиб, чинни идишга сиқиб туширади. Тушлар идишда бирмунча вақт қурниди. Сўнгра, Доғ жаноблари вужудга келган оқ порошокларни махсус дастгоҳда таблетка қилиб чиқаради ва бу дориларни биз ётаётганимизда ичиб ётамиз. Шу сабабли борган сайин бамаъни ва қизиқарли тушлар кўрамиз. Уларнинг ичидан энг яхшисини Доғ жаноблари «Катта академик туш китоби»га ёзиб қўяди.

Дарслар барвақт, әрталаб соат еттида бошланади. Шунга қарамасдан, биронта бошқа мактабда болалар Доғ жанобларининг академиясидаги сингари жон деб ва ҳузур қилиб ўқимайдилар.

Биринчидан, Доғ жаноблари ҳар доим бирон-бир янгиликни ўйлаб чиқаради, иккинчидан эса дарслар жуда ҳам завқли ўтади.

— Огоҳлантириб қўяяпман, болалар,— деди машғулотнинг биринчи куниёқ Доғ жаноблари.— Мен сизларга кўпайти-


риш жадвалини ёки грамматика қоидасини ёдлатмайман. Мен бошингизнинг қопқоғини очиб ичига билимни қуйиб қўяман.

Агар сиз Доғ жанобларининг академиясида қандай фанлар ўтишига қизиқсангиз, кечаги кун ҳақида гапириб беришм мумкин, чунки ҳамма кунларни тасвирлаш учун ҳатто энг қалин китобча ҳам етмаган бўларди.

Кеча биринчи дарс доғёзув дарси бўлган эди. Доғ жаноблари бизларни сиёҳдан фойдаланишин ўрганишсин деб, бу фанин атайин ўйлаб чиқарган.

Бу шундай бўлган эди: каттакон оқ қофозга бир нечта доғ қўйиларди, сўнгра доғ суркалсан ин учун варақ ўртасидан иккига букланарди. Бу доғлардан қушлар, ҳайвонлар, одамларнинг сурати, ҳаттоки, бир талай дараҳтлар тасвирланиб қоларди. Доғ жаноблари сурат ва тасвирларга шеърлар ўйлаб топарди, биз эса у шеърларни суратларнинг остига ёзиб қўярдик.

Менимча, Доғ жанобларининг ўзи ҳам шу доғлардан вужудга келган, шунинг учун ҳам уни шундай деб атайдилар.



Матеуш шундай бўлиши мумкин дейди. Менинг суратларимдан бирига Доғ жаноблари қўйидаги шеърчани тўқиди:

Бу не ўзи! Айт қани:
Филми ёки пашшами!

Доғёзув дарси бизга жуда ёқди. Бошимиздан оёғимизга-ча сиёҳга беланиб кетганимизни ҳисобламаганда бир неча шиша сиёҳ ва бир неча тўп қоғознц сарфлаб юбордик. Кеч-қурун эса ҳаммамизнинг малина шарбатни душга тушиши-мизга тўғри келди, чунки сиёҳни бошқа ҳен нарса билан кет-казиб бўлмасди.

Доғёзув дарсидан кейин ҳарф тўқиши дарси бўлган эди. Эҳтимол сиз ҳарфларнинг ип тўқималаридан ташкия топи-



шини биларсиз. Хўш, десангиз, Доғ жаноблари бизни иплар-ничуватишга, бир-бирига улаб, узайтириб ғалтакларга ўраши-га ўргатди. Биз Доғ жанобларининг кутубхонасидағи китоб-лардан бир қанчасини аллақачон ғалтакка ўраб бўлдик. Бит-та китобдан етти-саккиз ғалтак ип чиқади. Доғ жанобларий улардан тугунча тўқииди. Бу унинг энг севимли машғулоти. У креслода ўтириб ёки ҳавода соатлаб туриб тўқиши мумкин.

Бир куни тоқатим тугаб, нима учун бунаقا қилаётганини сўрадим. У ажабланиб жавоб берди:

— Болай лодон, наҳотки кўрмайтган бўлсанг. Мен ўқияпман. Ҳарфларни бармоқларим орасидан ўтказяпман, кўз ишдан чиқмайди, китоб эса ўқиб бўлинади. Кутубхонадаги ҳамма китобларни ўраб бўлганингиздан кейин, сизларни ҳам мана шундай ўқишга ўргатаман.

Ҳарф тўқиши дарсидан сўнг Доғ жаноблари бизни учинчи қаватга бошлаб чиқди-да, эшиклардан бирини очди.

— Эҳтиёт бўлиб ўтинг, болалар,— деб огоҳлантириди у бизни,— бу касал буюмларни тузатадиган шифохона. Трамвайнин қандай қилиб тузатганим эсингиздами? Энди мен сизларга синган буюмларни тузатишни ўргатаман.

Хона эски-туски, қақир-қуқурларга тўлиб кетган эди. Оёги йўқ креслолар дейсизми, пружинаси йўқ диванлар дейсизми, синган ойналар дейсизми, ишдан чиқсан соатлар-у, қирилган тимдаланган столлар дейсизми, қийшайиб-қинқайиб ётган шкафлар-у, тешик стуллар дейсизми, ишдан чиқсан бошқа нарсалар дейсизми, ҳаммаси бор эди.

Доғ жаноблари бизга, бир чеккага ўтиб туринг деди-да, ўзи ишга уриниб кетди.

Буюмлар тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада шақиршуқур, қасир-қусур, гачир-ғучур қилиб юбордилар. Курси ва стуллар суюниб кетиб оёқлари билан депсина бошлади, соагдаги пружина эса ҳатто «вой»лаб юборди.

Биз нафасимизни ичимизга ютиб Доғ жанобларининг баъжараётган ишини кузатиб турадик. Бошлаб ўхонанинг бурчагидаги столчанинг олдига келди, унинг ҳамма ёғини уриб кўрди, кейин оёғини ушлаб томирини тинглади-да:

— Хўш, кичкинтой, бугун ўзингни бир оз енгил ҳис қил япсан-а, тўғрими? Ҳароратинг ҳам кескин пасайибди. Тахталаринг ҳам ўсиб қолибди. Икки-уч кундан кейин мутлақо соғайиб кетасан! — деди мулоим.

Столча бир оз инграб жавоб берди. Шунда Доғ жаноблари унга стол мойи суркаб, ёриқларига кўк кукун дори сенди.

Сўнг Доғ жаноблари эшиклари зорланиб тиҷирлаётган шкафнинг олдига келди:

— Қалай? — деб қизиқди Доғ жаноблари. — Йўталинг тузалдими? Тузалмадими? Ҳечқиси йўқ, хафа бўлма, тез кунда тузалиб кетасан!

У шкафнинг деворига қулоғини тутиб эшитиб кўрди, сўнгра ёриқларига дори томизғич билан канакунжут мойн томизди.

Шкаф әркин нафас олди-да, Доғ жанобларидан миннатдор бўлиб унга таъзим қилди.

— Эртага келиб хабар оламан,— Доғ жаноблари унга тасалли берди.— Ўзингни бардам тут!

Деворда дарз кетган ойна осиғлиқ турарди. Доғ жаноблари унга қараб бурнидаги сепкилларни тўғрилаб қўйди, сўнгра чўнтағидан қора пластир олиб, ойнанинг дарз кетган жойларини елимлади.

— Болалар, синиқ ойналарни тузатишни ўрганинг! — деди у қувноқлик билан.

У ойнани бомазий билан артиб, пластирни кўчирган эди, дарз кетган жойлари мутлақо билинмади. Ойна гўё ҳеч қатон дарз кетмагандек эди.

— Ҳаммаси жойида! Анастазий, Артур, уни ошхонага обориб қўйинглар.

Соатни тузатиш учун кўпроқ вақт кетди. Барча кичкина винтларни ювиш ва артишга, чўзилиб кетган пружиналарини тортиб қўйишга, капкирига йод суришга тўғри келди.

— Бояқиш! — Доғ жаноблари унга ачинди. — Жуда қийналиб кетдинг! Ҳечқиси йўқ, тез кунда юра бошлайсан.

У соатнинг милидан ўпид, филофига дўстона уриб қўйди. Соат дарҳол жиринглаб юборди, мили айланиб капгири тебранза бошлади ва шифохонанинг ҳамма ёғига: чиқ-чиқ, чиқ-чиқ, чиқ-чиқ, деган жарангли овоз таралди.

Касал буюмлар Доғ жанобларини жуда яхши кўришидан хурсанд бўлдик.

Доғ жаноблари шифохонадан кетиш олдидан севимли олтин тиш кавлагичи йўқолганини билиб қолди.

— Тиш кавлагич топилгунча ҳеч ким ҳеч қаерга чиқмайди,— деди у.

Қидирув бошланиб кетди. Биз эмаклаб полнинг ҳамма ёғига кириб чиқдик, ҳамма бурчакларни қарадик. Матеуш тумшуғини ҳамма тешикка тикиб кўрди. Доғ жаноблари эса ҳавода оёғини чалишириб, таъби хира бўлиб ўтирас ва соч ўстирувчи тугмача дори ютарди, чунки ғамдан иккита сочи тушиб кетган эди.

Шундан кейин касал буюмларнинг ўzlари қидира бошлашди. Стуллар ва табуреткалар чўлоқланиб ва сакраб хона бўйлаб югуриб юрарди. Қулфларнинг тешиклари кўз бўлиб ҳамма ёққа қарадилар. Комодлар ва столларнинг қутилари инқиллаб ва оҳ-воҳ қилиб ўzlарининг ичидаги бор нарсаларни чиқариб, полга силкитиб қоқдилар. Ойналар ҳамма ёқни кўрсатарди. Ҳатто печка ҳам чеккада қолишни истамай, тўхтосиз гапириб йиғлади:

— Совуқ... совуқ... иссиқ. Совуқ... иссиқ... иссиқ!

Соат аста-секин юрарди, бироқ деразага яқин келиши ҳамоноқ печка:

— Иссиқ!... Жуда ҳам иссиқ! — деб додлай бошлади.

Соат деразанинг тагига кўз ташлади, дераза пардани ушлаб кўра бошлади.

— Иссиқ! Иссиқ! — деб қичқириб юборди печка.

Тиш кавлагич топилди. У дераза парданинг деярли қоқ ўртасига қадалиб қолган экан.

Шундай қилиб, касал буюмлар йўқолган нарсани топиб беришди.

Биз шифохонада деярли пешингача овора бўлдик. Одатда бу вақтда Доғ жаноблари капалаклар овига учиб кетар, биз эса дарсимизнинг бир соати доим очиқ ҳавода ўтиши лозим бўлгани учун ҳовуз бўйига ёки майдонга борарадик.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Доғ жаноблари деразадан боқ-

қа учеб чиқди-да, овга кетди, биз Матеуш иккаламиз бўлсақ география дарси ўтиладиган ҳовлига жўнадик. Шу вақтгача гарчанд икки мактабда ўқиган бўлсам ҳам, бундай география дарсини биринчи марта кўришим эди.

Матеуш майдонга каттакон глобусни юмалатиб олиб чиқди-да, бизни футбол ўйинидагига ўхшаб иккита командаға ажратди. Матеуш судялик қилди. У тўпнинг кетидан ҳеч чарчамасдан югуриб юрар ва агарда битта-яримга хатога йўл қўйса, дарҳол ҳуштагини чуриллатарди. Ўйин глобусга тепган заҳотнёқ оёқнинг уни теккан жойнинг номини айтиб беришдан иборат эди.

Матеуш ҳуштак чалиб, ўйин бошланди. Биз майдонда оёғи куйган товуқдек югуриб, бор кучимиз билан тепганимиз тепган.

Ҳар бир тепишда бирор боланинг овози эшитиларди.



- Краков!
- Австралия!
- Лондон!
- Татра!
- Кунцево!
- Висла!
- Берлин!
- Греция!

Матеуш ҳар сафар ҳуштак чаларди. Гоҳ Антоний Кельцини Хитой билан адаштириб юборар, гоҳ Альберт Африкани Болтиқ денгизи деб ҳисоблар, гоҳ яна бирор нарса бўларди.

Биз жуда берилиб ўйнардик: бир-биримизни итариб юборамиз, йиқилиб тушамиз, ўрнимиздан турамиз, шаҳарлар, мамлакатлар, денгизларнинг номларини қичқириб айтамиз. Матеушнинг тумшуғидан тер оқиб кетарди, мен темирчининг босқонига ўхшаб пишиллардим, шундай бўлса ҳам географияни илгариги иккита мактабда уч йил ўқиганимга нисбатан яхши билиб олдим.

Ўйиннинг охирида кутилмаган ҳодиса юз берди: Александрлардан бири глобусни шунақаям қаттиқ тепдики, глобус жуда ҳам баландга учиб кетиб, майдонга тушиб ўрнига деворнинг нариги томонига, аллақандай қўшни эртакка бориб тушди. Биз нима қилишимизни билмасдик. Тўпни қаердан қидиришимиз керак? Митти бола ҳақидаги эртакдан ҳам, саёҳатчи Синдбод ҳақидаги эртакдан ҳам қидиришимизни билмасдик.

Бизнинг ўйимизни Матеушнинг қувончли қичқириғи бўлиб юборди:

— Лалар, ранглар!

Бу «Болалар, қаранглар!» деган маънони билдиради.

Биз унга кўз ташлаб, хурсанд бўлганимиздан донг қотиб қолибмиз, гўзал Қор Маликаси тўппа-тўғри биз томонга яқинлашар, унинг кетидан эса ўн иккита ажина глобусимизни елкасига ортиб келар эди.

Биз қувониб уларга пешвоз чиқдик.

Қор Маликаси маккорона илжайди-да:

— Сизнинг тўпингиз менинг бир қанча ўйинчоқларимни синдириди, лекин менинг ажиналаримга географияни ўргатсангиз, тўпингизни бажонидил қайтариб бераман,— деди.

— Марҳамат! Бош устига! Жон-дилимиз билан! — деб дадил жавоб берди, Анастазий. Орамизда өнг довюраги ўша әди.

Аммо кутилмаган ҳодиса юз берди. Қор Маликаси ва унинг ўн иккита ажинаси август қуёшининг нурига тоб беролмасдан тўсатдан эрий бошлади.

— Сиз томонларда ёз эканлиги эсимда йўқ! — деб ғулдураб гапирди Малика уялганидан қизарип кетиб.

Биз нима қилишни ўйлаб топгунимизгача бўлмай, Қор Маликаси бутунлай эриб кетиб, тиниқ ариқчага айланиб қолди. Бу ариқча бошқа ўн иккита кичкина ариқчаларга қўшилди ва улар жўшқин дарё ҳосил қилиб, ажиналарнинг:

Эҳ-ҳе-ҳей! Эҳ-ҳе-ҳей!
Қани, уйга кетдиг-ей!

деган машҳур қўшиғини айтиб тўсиқ томонга югуришди.

«Яхши ҳамки қордан ясалмаганман-а!» — деган фикр хаёлимдан ўтди.

Дор жанобларининг академиясидаги Қор Маликасининг зиёрати мана шундай якунланди.

Қўнғироқ овози ҳушимга келтирди.

Матеуш бизни овқатга чақираётган әди.

Доғ жанобларининг ошхонаси



Доғ жанобларининг академиясида хизматкорлар йўқ, керакли нарсаларнинг ҳаммасини ўзимиз қиласиз. Вазифалар шундай тақсимланганки, ҳаммамизнинг ҳам ўз хўжалигимиз бор. Анастазий дарвозани очиб, ёпиб туради, яна бундан ташқари Доғ жанобларининг ҳаво шарларини ҳам бошқарди; Александрлардан бештаси кийим-кечак ва кўйлак-иштонларнинг хўжайини, яъни улар кийимларни ювиб дазмоллашади, пайпоқларни ямашади, тугмаларни қадашади; Альберт ва Антонийлардан бири боғ ва майдончаларда тартиб ўрнатади; биринчи Альфред ва иккинчи Антоний овқат пайтида хизмат қилишади; иккинчи Альфред ва учинчи Антоний идиш-товоқларни ювади; Артур мактаб залини тозалайди. Анжейлардан учтаси ётоқхона, ошхона ва зиналарни тоза тутишади; Адамдан учтаси чўмилиш учун шарбатлар ва тушки овқат учун сардак тайёрлайди; қолган ўқувчилар бошқа хўжалик ишлари билан банд, Доғ жанобларининг ўзи фақат ошхонагагина хўжайнлик қиласи.

Биз Доғ жанобларининг бир ўзи ҳамма учун овқат тайёрлашга қандай улгуради деб ҳамиша ҳайрон бўлардик, лекин ошхонага кириш мумкин эмас эди. Ўтган ҳафта Доғ жаноблари мени ошхона бўйича ўзининг ёрдамчиси қилиб тайинлади. Мен ғуурланиб, хўрозга ўхшаб кеккайиб юрдим.

Тушки овқатга қўнгироқ чалинганида болалар овқатхонага югуриб келишди. Альфред билан Антоний столга идишларни қўйиб бўлгач, мен ошхонага йўл олдим.

Ошхонанинг кўрининиши қанақа ва Доғ жаноблари у ерда қандай тартиб ўрнатганлиги ҳақида гапириб беришим керак.

Девор бўйлаб узун стол қўйилган, столнинг устида ҳар хил рангли шиша синифи солинган банка идишлар турибди,

қарши девордаги бошқа столда эса бўёқлар ва бўёқ чўткалар бор. Дераза токчаларида каттакон ёғоч яшикларда настурциялар¹ ва яронгуллар очилиб турибди. Ошхонанинг ўртасида усти тунука билан қопланган каттакон стол, столнинг устида эса оловли каттакон бақалоқ шиша ва рангли кукун солинган банка шишалар бор.

Доф жаноблари пешбандни тутиб олиб, ишга киришиб кетди.

У кастрюлкага уч кружка тўқ сариқ шиша парчалари солиб, оқ кукун дори қўшди, кейин сув қўйиб устига ингичка бўёқ чўтка билан кўк нўхатнинг суратини чизди-да, кастрюлкага бир нечта олов солди; кастрюлкадаги сув ўша оннинг ўзида биқирлаб қайнай бошлади. Доф жаноблари қошиқ билан бир оз аралаштириди-да, катта тогорачага ағдариб, менга:

— Емакхонага олиб бор. Жуда ширин помидорли шўрва бўлганга ўхшайди! — деди.

Ҳақиқатан ҳам умримда бунақа мазали нарса ичмаган эдим, бироқ шўрвани пиширишга беш минутдан ортиқ вақт кетгани йўқ.

Болалар суюқ овқат ичиб бўлгунларича Доф жаноблари қуюқ овқатни тайёрлаб бўлди. Кейин товага олов ташлади, Кетидан бир бўлак гўшт, иккита оқ ва қизил шиша синифи солди, устига кукун дори сепди, гўшт ва шиша парчалари ҳил-ҳил пишиб кетгач, товага катталаштирадиган насос улади-да, бир неча марта босди.

Майда тўғралган лавлаги ва қовурилган гўшт аралашган картошка пюреси тованинг четларигача уйилиб кетган эди. Доф жаноблари картошкага кўм-кўк укропнинг расмини чизди. Гўшт шунчалик кўп әдики, тақсимчаларга аранг сиғди.

Доф жаноблари учинчига крижовникдан² компот тайёр-

¹ Настурция — гули қизил-сарғиши рангли бўладиган бир йиллик ўсимлик. Лотин чечаги ҳам дейилади.

² Крижовник — қарағайлар оиласига мансуб тиканли бута ўсимлик.



лашга аҳд қилди. У яронгул япрогидан бир нечтасини олдида, устига оппоқ кукун дори сепиб, мазасини тотиб кўрди:

— Фу, бунча жиркайч бўлмаса! — деди у норози оҳангда.— Яхвиси малина компоти тайёрлайман.

Компот шунақаям ширин бўлибдики, мен уч марта мазасини тотиб кўрдим, Доғ жаноблари қовурдоққа милкларни мустаҳкамловчи жигар ранг сардак сепиш учун емакхонага учиб кетганида эса, ўзимни тия олмадим ва яна бир марта компотнинг мазасини тотиб кўрдим.

Болалар тушки овқатдан кейин йиғишириш ва бошқа ишлар билан шуғулландилар, Доғ жаноблари билан мен эса ошхонада қолдик.

— Қани, Адас,— деди Доғ жаноблари,— энди тамадди қиласайлик, қорнинг жуда очгандир. Нима егинг келяпти?

Мен жуда ҳам овқатхўрман, шунинг учун нимани ташлашни билмай ўзимни йўқотиб қўйдим. Ниҳоят тухум билан сутдан қилинган исмалоқли қўймоқ ейишга қарор қилдим.

Доғ жаноблари чўткани қўлига олиб, уни навбатма-навбат бир неча хил бўёққа ботириб олди-да, исмалоқли қўймоқнинг расмини чизди, устига олов солди, сўнг қўймоқни тақсимчага олиб солди-да:

— Яхши чиқди. Сенга ҳам ёқади деб ўйлайман,— деди.

Қўймоқ шунақаям мазали бўлибдики, оғзимда эриб кетди.

Доғ жаноблари шунингдек жўжани тузланган бодринг билан қовурди ва мевали пирогни тез пиширди.

— Сиз нима ейсиз, жаноби профессор?— деб қўрқа-писа сўрадим мен.

Доғ жаноблари жавоб бериш ўрнига чўнтағидан соч ўстриадиган тугмача дорили қутини чиқарди-да, доридан бир варакайига бир нечтасини ютиб юбориб:

— Мана, қорним ҳам тўйди. Хотиржам бўлиш учун бирор ранглигини есам бас,— деди.

У яронгул япрогини узиб олди-да, уни кетма-кет яшил, қизил, кўк ва оқ бўёққа ботириб олиб, иштаҳа билан еди.

— Мен сенга ҳозир ҳаммасини тушунтираман,— деди Доғ жаноблари менинг ҳайрон бўлаётганимни сезиб.— Бир неча йиллар илгари мен Хитойнинг маркази Пекин шаҳрида бўлганман. Ўшанда доктор Пай Хи-во деган одам билан дўстлашиб қолдим. Балки бу исмни эшигтан бўлишинг ҳам мумкин. Шундай қилиб десанг, доктор Пай Хи-во менга сирини очди. Овқатнинг мазаси унинг рангига боғлиқ әкан. Кўк ранг — аччиқ, яшил ранг — ширин, қизил ранг — тахир, сариқ ранг — шўр, омухта ранг эса ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, яшил рангни оқ ва кул ранг билан аралаштирилса, еяётганда ванилнинг¹ мазасини беради; жигар ранг билан сариқ рангнинг омухтаси шоколадни эслатади, оқ ранг билан қора рангнинг қўшилмасидан салатнинг мазаси келади...

Ҳаммасидан ҳам мени Матеушга Бўғдихоннинг сеҳрли қалпогини совға қилган ўша доктор Пай Хи-во билан Доғ жанобларининг таниш әканлиги ҳайратда қолдирди. Бу ерда қандайдир сир бор.

Доғ жаноблари давом этди:

— Доктор Пай Хи-во менга бошқа сирларни ҳам очди. Мен шунча илмларни Пай Хи-во туфайли ўргандим. Мен ундан бир умр қарздорман. У менга инсониятнинг исмларидаги сирларни очиб берди.

Мана мен академияга нима учун фақат номлари «А» ҳарфлари билан бошланадиган болаларни оламан? Чунки улар рўйхатда биринчи бўлиб турадилар, биринчилар эса, ўз-ўзидан маълум, энг қобилиятли ва тиришқоқ ўқувчилар бўлади. «Матеуш» деган ном баҳт келтиради, шунинг учун майнамнинг исмини «Матеуш» қўйдим. Энг баҳтли исм эса— ўзимнинг исмим: Амброжий. Лекин бунинг аҳамияти йўқ,— кутилмаганда тамом қилди у.— Юр гулбоқقا кетдик. Болалар бизни кутиб қолишли.

¹ Ваниль — ўсимлик. Бу ўсимликнинг меваси ҳушбўй ва ширин бўлиб, ширин овқатлар тайёрлашда ишлатилади.



Тушки овқатдан кейин одатда боғда тўпланамиз ва Доғ жаноблари бирор бир қизиқ ўйинни ўйлаб топади.

Кечакида сурʼатни кидирдик.

— Қидирган топади! — деди маънодор қилиб Доғ жаноблари.

Болалар ҳар қаёққа изғиб кетишиди. Артурга, мен билан бирга юр, деб таклиф қилдим. У рози бўлди ва биз умумий режани ишлаб чиқдик.

Мен, академиянинг атрофи каттакон боғ, деб айтган эдим. Юз ёшга кирган дублар, қайрағочлар, ҳар турли қайнилар, теракларнинг шохлари айқашиб кетган, ерга ёруғ деярли тушмасди. Қичигқи ўтлар, қариқизлар, малиналар, наъматаклар ва турли ўтлар чакалакзорни ўтиб бўлмайдиган дарражага олиб келган, форга борадиган йўлни тўсиб қўйганди. Боғнинг айрим бурчаклари одам оёғи етмаган ўрмонни эслатарди. Боғдан кечалари сирли шитирлашлар ва овозлар эшитилиб туради.

Аллақачондан буён текширгимиз келса ҳам, ҳеч қачон чакалакзорнинг ичкарисига кирмагандик. Баъзан яқин-атрофдаги форларга бекинардик, дубларнинг ковагига жойлашиб олардик, лекин бу бизни қаноатлантирмасди. Ичкарига киришни, боғнинг энг сирли — одамзот қадами етмаган жойнга кириб боришни орзу қиласардик.

Биз фонус, арқон, овпичноқ, мабодо қорнимиз очиб қолса деб ҳар әҳтимолга қарши бир ҳовуч рангли шиша парчалирини олиб, йўлга тушдик.

Қичитқи ўт ва қариқиз чангалзорлари орасидан ўтиб бориш ўнғай әмас әди, шунинг учун кўпинча ўткир ов пичоқни ўшга солишга тўғри келди. Узоқ ва машаққатли сафардан кейин сирли чангалзорнинг қоқ ўртасига бориб қолдик.

Тўрт томондан қишини ваҳимага солувчи шитирлашлар ёшилиларди. Қалтакесаклар баргларни шитирлатиб ютуриб ўтиб кетарди.

Мен тепага қарадим. Устимизда улкан эманинг шохлари ёйилиб ётибди. Танасининг ердан икки метр юқоридаги қисмида ковак кўриниб турарди.

— Уша жойга чиқсак яхши бўларди, — деди орзу қилиб Артур.

— Қанийди! — қувватладим мен.

Артур индамай қопдан арқонни чиқарди-да, учини ҳалқа қилиб боғлаб, эманинг энг йўғон шохига отди ва мушукка ўшаб дараҳтга ютуриб чиқди-да, ковакнинг ичига кириб ғойиб бўлди. Мен унинг кетидан борган әдим, айланма зина-нинг устки саҳнidan чиқиб қолдим.

— Тушамиз,— деб таклиф қилди Артур.

— Бўпти,— деб рози бўлдим мен.

Биз фокусларни ёқдик-да, секин туша бошладик. Иккя юз-уч юз поғона пастига тушган әдик, қаршимизда тор, қоронги йўлак намоён бўлди. Жуда эҳтиётлик билан қадам қўйиб, сафаримизни давом эттиравердик. Қўрққанимдан тиззаларим қалтиради. Юрагим қандай дукиллаётганини, ҳатто Артурнинг юраги қандай дукиллаётганини эшитдим. Йўлак гоҳ ўнг, гоҳ чап томонга буриларди, ниҳоят кўк лампочка хира ёритиб турган катта залга чиқдик. Залнинг ўртасида темир қспланган учта сандиқ турарди. Мен биринчи сандиқни зўрга очдим. Сандиқнинг энг тагида бошида кичкинагина тожи бор кўк қурбақа турарди, кўриб жуда ҳам ҳайрон бўлдим.

— Менга яқинлаша кўрманг,— деб огоҳлантириди қурбақа.— Биламан, сиз Доғ жанобларининг академиясиданисиз. Мен эса Малика-қурбақаман. Менга қўли теккан одам умрбод қурбақага айланиб қолади. Менинг эртагим жуда ҳам қизиқарли, бироқ у ҳаддан ташқари чўзилиб кетди. Эллик йилдирки, менга уйланадиган шаҳзодани кутмоқдаман. Биламан, сиз менга ёрдам беришга қодир эмассиз: сиз ҳали

кичкинасиз, бунинг устига шаҳзода ҳам эмассиз. Қопқоқни ёпиб қўйинг, бунинг эвазига иккита сандиқдан нима чиқса шуни олинг..

Биз Малика-қурбақага миннатдорчилик билдириб, сандиқнинг қопқоғини ёпиб қўйдик.

Иккинчи сандиқнинг ичидаги хазина ўрнига кичкина ҳуштакча кўрдим, бошқа ҳеч нарса йўқ экан. Жаҳлим чиқиб кетиб, Артурга:

— Сен олақол! Менга кераги йўқ! — дедим.

Артур ҳуштакни олди-да, уни томоша қила бошлади, мен бу вақт ичидаги учинчи сандиқни очдим. Энг тагида кичкина олтин қалитча ётарди, бундай олтин қалитчадан Доғ жанобларида беҳисоб эди.

— Қойил хазина-ку! — дедим аччиғим чиқиб ва Артурдан ҳуштакни тортиб олиб, оғзимга олиб бордим-да, «ҳушт» деб чалиб юбордим.

Кўз очиб юмгунча ҳам вақт ўтмасдан аллақандай куч бизни ҳавога кўтарди-да, эманнинг олдидаги қадимги жойимизга олиб бориб қўйди. Шоҳдаги арқон ҳамон тебраниб турарди, бироқ биз ковакни қанча қидирмайлик тополмадик.

Академияга саргузаштларимиздан тўлқинланган ҳолда қайтиб келдик. Ваъдалашган жойимизда — ҳовузнинг олдида Доғ жанобларини кўриб қолдик, атрофини болалар ўраб олган эди. Уларнинг ҳаммаси аллақачон қайтиб келишибди.

Ерда уларнинг топган буюмлари ётарди. Буюмлар ичидаги тилла тангалар, марварид шодалари, ипни олтин сивизғалар ҳам, аметисдан қилинган косалар ҳам, олмос ўрнатилган¹ тамакидон ва узуллар ҳам, кумуш баркашлар ҳам, каҳрабо ва фил суюгидан тайёрланган ҳар турли маҳсулотлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар ҳам бор эди.

Бу бойликларни кўриб биз жуда ҳам уялиб кетдик.



¹ Аметист — бинафша ранг қимматбаҳо тош.

— Ҳўш, сиз нима топиб келдингиз?— деб сўради жилмайиб Доф жаноблари.

Биз унга калитча билан ҳуштакни узатдик.

Доф жаноблари ажойиб нарсани кўриб қолгандек шошиб либ қўлига олди.

— Сизнинг топиб келган нарсаларингизнинг баҳоси йўқ!— деди у бир дақиқа жим тургандан кейин.— Бу калитча дунёдаги жамики бор қулфларни очади, ҳуштак эса мисли кўрилмаган сеҳрли кучдан ясалган: «ҳушт» деб чалсанг бас, истаган жойингда ҳозир бўласан. Баракалла, яхши ҳаракат қилибсизлар! Сизга ташаккур билдираман!

У тамакидондан иккита сепкил чиқариб, бирини менга, иккинчисини эса Артурга берди.

Болалар биз топиб келган буюмларга қизиқиб қарадилар, биз Малика-қурбақа ҳақида гапириб берганимизда ҳатто уларнинг ҳаваслари келди.

— Ҳамма ўзининг топиб келган нарсасини қўлига олсин,— деди Доф жаноблари.— Энди эса вақтни қўлдан бермаймиз. Адас Несогласка учинши қандай ўрганганинги гапириб беради. Жуда қизиқ!

Ўзимнинг саргузаштларим ҳақида шу вақтгача ҳеч қаҷон ҳеч кимга гапириб бермаган эдим. Менга ишонишмайди деб қўрқардим. Аммо энди, Доф жанобларининг ўзлари илтимос қилганларидан кейин, гап қайтариш оғир, шунинг учун ҳаммасини тартиб билан гапириб бера бошладим.

Болалар жим ўтириб эшилдилар.

Ажойиб саргузаштларим



ар доим учиш қийин деб ўйлардим. Асосийси ба-
ландаға күтарилиб олиш-у, күтарилиб олгандан
кейин фақат қўлингни қуш қанотларини қоққандек, силкита
бошлисанг кифоя дердим.

Қаттиқ янгишган эканман.

Аввалига ҳаммаси яхши борди. Доғ жаноблари ўргатган-
дек, чуқур нафас олиб, ўзимни одатдан ташқари енгил сез-
дим. Назаримда бошқа ҳеч нарса керак эмасга ўхшади.
Лунжимни шишириб, парвоз қилдим. Доғ жанобларининг ака-
демияси дарҳол узоқлаша бошлади, боғ гўё жарга тушиб-
кетгандек кичрайди, болалар кичкинагина қўнғизга айланиб
қолишиди. Қанча баланд күтарилганим сайин мени шунча кўп
қўрқув қуршарди. Қандай бўлмасин ерга тезроқ тушишни
истардим, аммо, афсус, парвозимни бошқаришни мутлақо
билмасдим. Қўлимни баландга кўтардим, пастга тушир-
дим, ёқларимни ликиллатдим, қушларнинг ҳаракатларини
такрорладим, нафас олишни тўхтатдим, бироқ ҳаммаси бе-
фойда эди.

Ҳавода худди шарга ўхшаб чайқалиб туардим ва шамол
мени номаълум ёққа ҳайдарди. Пастда, академиянинг атро-
фидаги чаманзор ва бир неча баландликлар чўзилиб ётарди,
холос. Ҳеч қандай эртак кўринмасди.

Бир неча дақиқадан сўнг бу манзаранинг ўрнини бошқа
манзара эгаллади. Мен бинолари гугурт қутичадек, лекин
тартиб билан қатор саф тортиб турган катта шаҳарни кўр-
дим. Тор кўчалардан митти трамвайлар имиллаб бормоқда,
одамлар эса чумолидек-чумолидек бўлиб кўринарди. Менинг
пайдо бўлишим катта тўполонга сабаб бўлди.

Майдонларда жуда кўп халқ тўпланди. Ҳамма бошини кўтарди, томларга, телеграф симёочларига тирмасиб чиқиши, менга узун телескоплар орқали тикилиб қарадилар. Кечроқ эса менга ҳатто прожекторни тўғрилаб қўйдилар. Мен ҳамон ерга қанақа қилиб тушишимни билмай учиб юрардим.

Қоронги туша бошлади, совуқ турди. Совуқдан ва қўрқувдан баданим жунжикиб кетяпти. Дог жанобларининг менга ёрдам беролмаслигини билардим, чунки унинг ҳамма ёқни кўрадиган кўзи Ойда, ёрдам беришига кўзим етадиган бошиқа ҳеч ким йўқ эди. Кеч кира бошлиши билан шунақаям қўрқиб кетдимки, йиглаб юбордим. Теварак-атрофда юлдуздан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Ниҳоят, узоқ парвоз, қўрқув ва кўз ёшидан чарчаб, ухлаб қолибман. Елкамга теккан қаттиқ туртидан уйғониб кетдим. Кўзимни очиб, узун деворни кўриб қолдим. Тагимда қаттиқ ер бор эди, аммо бу ер тиниқ ва осмонга ўхшаш кўк эди. Тагимдан улкан тилла ранг қуёш шуъла сочар, нурлари қаттиқ қиздиради.

Девор ҳаво ранг хира ойнадан эди. Мен кирадиган жойни излаб девор бўйлаб юриб кетдим. Тиниқ ер бўйлаб узоқ юрдим ва ниҳоят каттакон дарвозага дуч келдим, дарвоза ҳам хира ойнадан қилинган эди. Бир оз иккиланиб турдимда, тақиллатдим. Дарвозанинг деразаси бир оз очилиб, бульдогнинг¹ йиртқич башараси кўрияди. У уч марта вовиллаган эди, дарвоза ёпилди, бироқ шу заҳоти яна ланг очилиб кетди, бу гал мен жүнлари ўсиқ оқ пуделни² кўрдим. У ёқимли иржайди, тўё эски дўстини учратгандек кутилмагандан мөхри ошиб ириллай бошлади.

Мен беихтиёр кулимсираб, ҳуштак чалиб қўйдим. Икки йил муқаддам Рекс номли мопс³ итим бор эди, мен уни одатда шунақа ҳуштак чалиб чақирадим.

Менинг ҳуштагимга бир ит қувноқ вовиллаб жавоб берди

¹ Б уль д о г — тумшуғи Бесўнақай, баҳайбат ит.

² П у д е л ь — юнги жингалак хонаки ит.

³ М о п с — тумшуғи ялпоқ ит.

ва ойнадан пуделнинг ўрнига Рексимнинг таниш башараси кўринди, жуда ҳам ҳайрон қолдим! У севинчидан терисига сиғмасди. Мен шундай қувониб кетдимки, тумшуғидан ўпид олдим, у эса менинг лабларимни шундай мулойим яладики, юрагим шув этиб кетди.

— Рекс! — деб чақирдим мен. — Наҳотки бу сен бўлсанги?

— Вов-вов! — деб жавоб қайтарди Рекс.

Шу заҳоти дарвоза очилиб, кўз олдимда ажойиб манзара пайдо бўлди.

Дарвозадан тўғри катта кўча тушган эди. Кўчанинг икки томони бўйлаб кучукхоналар, тўғрироғи кичкина пешайвонли, деразаси юмалоқ турли рангдаги гиштдан қурилган уйчалар тизилиб турарди. Биноларнинг атрофи экинзор эди. Кўчада ҳар хил зотли кучуклар ўйнаб юришарди. Улар хушчақчақ вовиллар, думларини жилпанглатарди, кучук болалар эса, кулгили момиқ башараларини дарчадан чиқарадилар.

Рекс менга әркаланаарди, мен ҳам учрашувимиздан хурсанд эдим. Бошқа кучуклар менга ҳаваслари келиб қараб турар, дўстона искар, айримлари эса юз ва қўлларимни яларди.

Мен ҳам уларга худди шундай жавоб қайтара олмаганимдан ўзимни ноқулай сезиб, уялиб кетардим.

Мен уларнинг тилини билмасдим. Атрофимдаги жониворларга ҳеч бўлмаса бирон жойим ўхшасин деб эмаклаб олдим. Бу деярли табиий чиқди. Вовиллашга ҳаракат қилиб кўрдим, бироқ вовиллашнинг ўрнига кутилмаганда ўзимга нотаниш бўлган тилда сўзлаб юбордим. Атрофимдан ҳам шундай сўзлар эшитилди. Мен Рекснинг таниш овозини эшийтдим.

— Ҳайрон бўлма, Адас, орамизга келиб қолган кимса тилимизни жуда тез ўзлаштириб олади. Қаерда эканлигингни биласанми?

— Ҳеч нарсани тасаввур қилолмаяпман,— деб жавоб бердим мен. — Азизим Рекс, менга тушунтир, ўзимни бегона сез- маслигим учун дўстларинг билан таништириб қўй.

— Ташвишланма, ўрганиб кетасан. Бу итларнинг жаннати. Ҳамма итлар бу ерга ўлганларидан кейин тушадилар. Бу ерда ташвиш ҳам, қайғу ҳам йўқ.

Рекс менга бундан бир неча ой муқаддам машинанинг тагида қолганини, ҳамма яхши итлар қатори жаннатга тушганини галириб берди.

— Энди эса,— деди у,— дўстларимни сенга таниширишга ижозат бер. Мана бу бульдог Том, бизнинг дарвозабон. Бу бир замонлар Англия қироличасига эътиқод ва ишонч билан хизмат қилган, шунинг учун орамизда катта ҳурматга эга. Мана бу пудель Глю-Глю. Сен уни боя қўргандинг. У жуда яхши ўргатилган, бизга тез-тез турли найрангбозликлар кўрсатиб туради.

Пудель Глю-Глю шу сўзларни тасдиқлаш учун ҳавода беш марта айланди, Рекс эса давом этди:

— Ҳув анови кичкина бароқ ит — шпицнинг номи Трезор, ҳув анови овчарканники эса Туба. Ҳув анови лайчанинг номи Альфа, бароқ итники Бета, ҳув анови този эса — жаннатимизнинг ғурури, унинг исми Яшерка. Югуришда у ҳамиша биринчи ўринни олади. Секин-аста қолган кучуклар билан ҳам танишиб оласан, чунки биз жуда ҳам аҳил яшаймиз.

Бир соат ҳам ўтмай итларнинг жаннатида ўзимни уйимдагидек, ҳатто ундан ҳам яхши ҳис қилдим.

Тўсатдан қора кичкина пинчер¹ олдимга келди-да, алоҳида эътибор ва илтифот билан деди:

— Ўзимни таниширишга ижозат бергайсиз. Менинг исмим — Лорд.

— Бениҳоят хурсандман,— деб жавоб бердим мен.— Адам Несогласка.

— Қизиғ-а,— давом этди пинчер,— одамлар бизнинг тилимизга тушунмайди! Ахир биз жуда аниқ сўзлашамиз-ку. Бундан ташқари айrim уйларнинг эшигида «Эҳтиёт бўлинг,

¹ Пинчер — тақир жунли, қулоқлари ва думи узун ит.



Қопоғон ит бор» деган таҳтача осиғлик туришига мен ҳамиша ҳайрон қоламан. Итлар тишламайди. Бу бўхтон! Биз раҳмдилмиз. Биз одамларни севамиз. Улар кўпинча биз билан нотўғри муносабатда бўладилар, бизга раҳм қилмайдилар.

— Қулоқ сол, Лорд,— деб унинг гапини бўлди Рекс,— сен тўрс сўз бўлма. Несогласка жаноблари менинг меҳмоним. Бир вақтлар у менинг хўжайиним эди, мен уникуда ўзимни бу жаннатдагидан ёмон ҳис этмасдим. Ўзинг кўриб турибсан, Адас,— деди у, менга мурожаат қилиб.— Ҳамма лордлар ҳам ўзини Лордек тутавермайди. Юр, мен сенга бизнинг жаннатимизни кўрсатаман.

Биз Лорд билан қуруққина хайрлашдик-да, кучукларнинг илгари ҳеч эшитмаган жаннатини томоша қилгани кетдик.

— Биз ҳозир Оқ Сўйлоқ тиши кўчаси бўйлаб югуриб кетяпмиз,— деди менга Рекс.— Бу кўча Жаннатнинг дарвозасидан

бошланиб то Доктор Войжоним майдонигача боради. Доктор Войжонимнинг тўғридаги турган ҳайкалини кўряпсанми?

Майдон жуда ажойиб эди. Унинг атрофини оппоқ, топ-тоза, кичкинагина уйчалар ўраб олган. Уйчаларнинг олдида ҳозиргина чўмилган кучук болалар юмшоқцина ёстиқчаларда ҳузур қилиб ётишарди. Улардан айримлари коптот ўйнарди, бошқалари оқ қандни кемирарди, яна бошқа бировлари тишларини тақирилатишиб пашшаларни тутардилар. Майдоннинг қоқ ўртасида каттакон ҳайкал юксалиб турарди, ҳайкалининг остида эса қуийидаги сўзлар ёзилган эди:

*Ҳайвонларнинг ҳалоскори ва табиби
Доктор Войжонимга
миннатдор итлардан.*

Ҳайкал соф шоколаддан ясалган бўлиб, итларнинг катта-кон оломони ҳайкалини ҳамма тарафдан ўраб олиб яларди. Биз Рекс билан иккимиз итариб-туртиб ҳайкалининг олдинга ўтиб бордик. Бироқ жуда уят бўлса ҳам бўйнимга олишим керак, мен ҳам ҳамма итлар билан биргаликда шоколад ялай бошладим. Ҳатто доктор Войжонимнинг кавушининг ярмини, яъни деярли ярим килограмм шоколадни еб қўйибман. Қорним ҳаддан ташқари очқаб кетгани учун жуда зўр иштаҳа билан едим.

— Ҳар куни, — деб тушунтириди менга Рекс,— биз доктор Войжонимнинг ҳайкалини еб қўямиз ва ҳар куни уни янгитдан қурамиз. Бизда шоколад жуда кўп, ахир биз жаннатдамиз-да.

— Қаердан сув ичса бўлади?— деб сўрадим мен.— Жуда ҳам чанқаб кетяпман.

— Ҳеч қийин жойи йўқ. Ҳозир уйимнинг тўғрисида туриб-миз. Юр, мен сени сут билан меҳмон қиласман,— деди Рекс.

Рекснинг уйи яшил ранг кошин билан безатилган эди. Айвонда гиламлар тўшалган ва ёстиқлар қўйилган бўлиб, усти-

да, дўстимнинг болалари бўлса керак, кучукчалар ўйноқлаб юришибди.

Ўйнинг орқасида, боғда сарделька ва колбасаларнинг туплари ўсиб ётибди. Мен бир бўлак краков колбасасидан, иккита сарделькадан узиб олиб, маза қилиб едим. Ўйнинг дебизда тагида иликли суюк дараҳтчани кўриб қолдим.

Биз меҳмонхонага киришимиз биланоқ, Рекс мени деворнинг яқинига бошлаб борди-да, кранни очди. Краннинг оғзидан сув ўрнига стаканга вариллаб сут тушди, жуда ҳам ҳайрон қолдим. У жуда муздек ва таъми қаймоқли морожнийга ўхшарди. Мен бир йўла уч стаканини ичиб олдим. Кейин Рекс иккаламиз шаҳарни томоша қилиш учун жўнадик.

Рекс йўлда кўринганлар билан саломлашиб ҳол-аҳвол сўрашар ва ўша ит ҳақида гапириб берарди.

— Манави исковуч Ноля хоним бўладилар. Бизда ҳеч қачон ёмғир ёғмаса ҳам, қуёш пастидан чиқса ҳам у хоним ҳамиша соябон тутиб юрадилар. Анави додгнинг¹ исми эса Танго. У сарделькани жуда кўп ейди, кейин устидан канакунжут мойи ичади. Манави таксалар² эса Самбо ва Бижбо. Улар ҳамиша бирга юрадилар ва оёқларнинг энг чиройлиги қийшиқ оёқлар деб ҳаммани ишонтирадилар.

Рекс тўсатдан тўхтади-да, шивирлаб деди:

— Қара! Биз Золимлар кўчасига чиқяпмиз. Ҳозир сен баъзи-бир қизиқ нарсаларни кўрассан.

Ҳақиқатан ҳам кўча бошқача манзара кашф этарди. Кўчанинг икки томонида тош супачаларда турли ёшдаги болалар турардилар.

Уларнинг ҳаммаси ўзларининг қилган гуноҳлари эвазига ўз навбати билан товба қилардилар.

— Мен золимман — Филька номли кучугимни тош билан уриб бир ёқ кўзини чиқарганман! — деб бақиради бири.

1 Д о г — жуни қисқа катта инглиз ити.

2 Т а к с а — оёқлари қийшиқ ва калта, гавдаси узун хонаки ёки овчи ит.

— Мен золимман! Жекимни оҳакли ўрага ташлаб юборғанман,— деб такрорларди бошқаси.

— Мен золимман — Розеткамнинг оғзига майда гаримдори тиққанман,— дерди учинчиси.

— Мен золимман — Силовсинимни ҳамиша думидан тортардим! — деб нола қиласарди тўртингчиси.

Болаларнинг ҳар бири шу йўсинда ўзининг гуноҳини бўйнига оларди.

Рекс менга, итларга азоб берадиган болалар тушларида итларнинг жаннатига тушиб қоладилар. Кейин эса уйларнига қайтиб борадилар, уйғониб кетиб, тушим экан деб ўйлайдилар, деб тушунтирди.

Аммо Золимлар кўчасида бўлган ҳар қандай одам итларга бошқа ҳеч қачон азоб бермайди.

Рексга доим ҳам тўғри муносабатда бўлмаган бўлсам-да, бир куни ҳатто уни қизил рангга бўяган бўлсам ҳам мең баҳтлиман, чунки унга ҳеч қачон бундай азоб бермаганман.

Золимлар кўчасини ташлаб Ялтироқ қуртча майдонига чиққанимизда елкамдан тош ағдарилди. Мен бу ерда аргим-чоқларни, от ўйинларни, кулги чархпалагини ва бошқа кучуклар аттракционларини кўрдим. Кўнглим яйраб кетди.

Аммо кўп ўтмай қорним очқаб қолди. Рекс ҳам хавотирланиб ҳамма нарсанинг олдига бориб ҳидлай бошлади.



— Кириб бирон нарса еб олайлик, — деб таклиф қилди у менга,— сўнг уйга бориб овқатланамиз.

У мени Бисквит кўчасига олиб борди, тош йўлнинг ўртасида асал солинган бир талай пирожнийлар ётарди. Пирожнийлар шунаقاим мазали эдик, мен уларнинг олдидан кетолмай қолдим.

— Нафсингни тий!— деб огоҳлантириб қўйди мени Рекс.— Биз — жаннатда яшовчиларга зарари йўқ, бироқ сен касал бўлиб қолишинг мумкин.

Мени итларнинг жаннатида шоколад, пирожнийлар, асал ва бошқа ноз-незъматларнинг қаердан келиши, итларнинг уйларини ва доктор Войжонимнинг ҳайкалини ким қуриши; соябонлар, шляпалар, ёпқичларни ким қилиши қизиқтиради. Аммо сўрашни одобсизлик деб ҳисоблардим. Бу, жаннатдаги ишларга аралashiшга ўхшаб кўриниши мумкин эди. Ҳамма нарса ўз-ўзидан пайдо бўлиши, ҳеч қаердан олиб келинмаслиги учун ҳам жаннат-да, деб ўйлардим.

Рекс билан иккаламиз жуда кўп ажойиб жойларда: Итларнинг циркида, Итларнинг киносида, Совун кўпиги кўчасида, Аскиячилар кўчасида, Қиём кўчасида, Итларнинг пойгасида, Уч пудель театрида, Бўтқа ва Паштеть биносида, ўпка-жигар колбасаси плантацияларида, Кучук болалар ҳамомиди ва бошқа жаннат корхоналарида бўлдик.

Йўлда Помидор шарбати кўчасидаги сартарошхонага кирдик. Муқаддас Сен-Бернар төғилик икки сартарош сочинизни жуда ҳам чиройли қилиб олиб қўйди. Улардан бири менга ғурур билан:

— Бу ерда бурга йўқлигини пайқадингизми? — деди.

— Албатта,— деб жавоб бердим мен.— Жуда чиройли, хушманзара, тинч жой экан.

Хизмат ҳақига пул сўрашмади, ҳайрон қолдим, бироқ, кетар эканман, Рексдан ўрнак олиб сартарошнинг бурнини миннатдорлик билдириб яладим.

Биз кўчага чиқдик. Қуёш ҳамон илгаридек қиздирмоқда,

Рекс бу ерда қүёш ҳеч қачон ботмайди, деди. Биз уйга қайтиб келганимизда, Рекс кучук болаларни ёстиқнинг устидан ҳайдади-да, менга, ётиб дам олинг, деб таклиф қилди. Биз ширин суҳбатлашиб, майдонда нима бўлаётганини кузатиб ётдик.

— Агар қүёш ҳеч қачон ботмаса, ҳеч қачон тун бўлмаса, сиз кунларни қандай биласиз? — деб сўрадим Рексдан.

— Бу жуда ҳам ўнгай,— деб жилмайиб жавоб берди Рекс.— Биз ҳайкални бир кунда еб битирамиз ва янгисини ҳам ўшанча вақтда қуриб битказамиз. Ҳайкални ейишга ва янгисини битказишига кетган вақт бир суткага тўғри келади. Вақтнинг ҳисобини шу йўсинда олиб борамиз. Бир ҳафта — еттита, бир ой — ўттизта, бир йил — уч юз олтмиш бешта ҳайкал демакдир ва ҳоказо. Қўпайтириш жадвали майдонида икки юзта фокстеръер¹ яшайди. Ӯшалар вақтнинг ҳисобини олиб боради ва бизнинг календаримизни тузади.

Мен Рексдан кучукларнинг охиратидаги турмуши ҳақида анчагина қизиқарли нарсаларни билиб олдим.

Мен бу ердан мамнун эдим, лекин ҳар ҳолда уйимни қўмсардим. Пирожнийлар, шоколадлар, колбасалар кўнглимга уриб кетди, илгари жуда ёмон кўрганим сабзи солинган шўрвани орзу қилардим. Бироқ ҳаммасидан ҳам кўпроқ нон егим келарди.

Мен Доғ жанобларининг академиясини қайғу билан эсга олардим ва итларнинг жаннатида умрбод қолиб кетишдан жуда ҳам қўрқардим.

Бир куни боғда Рекснинг кучукчалари билан қүёш нурида исиниб ётдим. Биз кўрсам кўнглим айнайдиган сарделька тупининг тагида ётардик.

— Мен айнаман! Мен айнаман! — деган таниш товуш әшиитилди.

Сакраб ўрнимдан турган эдим, Матеушга кўзим тушди.

¹ Фокстеръер — кичкина овчи ит.

У илик дарахтининг шохига қўнган, тумшуғида конверт бор эди.

— Сенмисан? Матеуш! — деб хитоб қилдим ўзимда йўқ хурсанд бўлиб.— Мени топганинг жуда ҳам яхши бўлдики!

Матеуш пастга тушди-да, менга конвертни узатди. Хат Доғ жанобларидан эди. Хатда мен парвоз қилган пайтимда ўзимни қандай бошқаришим кераклиги ҳақида гап борарди.

Итлар Матеушни кўриш учун чопиб келишди ва шундан фойдаланиб уларнинг олдида сўзга чиқдим, жуда яхши кутиб олганликлари учун ташаккур билдирам. Сўнгра, хайрлашиб олдидан севимли Рексимни, унинг болаларини қучоқладим-да, бульдог Том билан бирга Жаннатнинг дарвозаси томон йўл олдим. Матеуш вақтичоғлик билан ҳуштак чалиб, тепамизда учиб борарди.

Мен Томдан унинг ливреясининг тугмачасини тилаб олдим, хайрлашув олдидан итлар жаннатига бир қараб қўйдим-да, унинг меҳмондўст бўсағасини бир умрга қолдирам.

Доғ жанобларининг топшириқларига амал қилиб ҳавода ёнгил парвоз этардим.

Қулоғимга узоқ вақтгача итларнинг киши раҳмини келтирадиган вовиллашлари эшитилиб турди. Итларнинг жаннати аста-секин узоқлашиб, кичкинагина мовий булутчага айланди ва кўп ўтмай кўздан йўқолди.

Бир неча соатдан кейин ботаётган қуёшнинг нурларида мен шаҳримиздаги уйларнинг томларини ва кўчаларини кўрдим.

— Да демия риняпти! — деб қулоғимга бақирди Матеуш.

Бу: «Уфқда Академия кўриняпти!» деган маънони билди-рарди.

Ҳақиқатан ҳам биз атрофи девор билан ўралган академияни ва Доғ жанобларининг биз томонга учиб келаётганини кўрдик. У севинганидан ҳавода ўмбалоқ ошар, қўлларини қизиқ қилиб ўйнатаради.

Қош қорайганда биз уйга етиб келдик.
Мен академияда ўн икки кун бўлмадим.

Ерга тушганимдан кейин кўрган роҳатларимни гапириб беришга тилим ожизлик қилди. Болалар мени кўриб жуда ҳам хурсанд бўлиб кетишиди. Доғ жаноблари эса, менга, бошқа ҳеч қачон учмайман дейсан деб сўз берасан деди.

Мен ваъда бердим ва албатта ваъдамнинг устидан чиқаман.

Тешик ва тешикчалар заводи



Доғ жанобларининг академиясида кунларимиз қандай ўтаетганлиги ҳақида гапириб бермоқчи эдим. Мен оддий кунлардан бирида, эрталабдан то пешингача бўлган вақтни, яъни доғёзув, ҳарф дарсини, Доғ жаноблариничг ошхонасини ва ҳазинани қандай қидирганлигимизни батоф- сил тасвирладим. Мен итлар жаннатидаги ўз саргузаштдирим ҳақида гапириб бердим. Умуман бўш вақтимда доим кундалик ёзиб бораман. Бироқ қанча ҳаракат қилмай, Доғ жанобларининг кўрсатмаси бўйича дарвозанинг олдига тўплаган пайтимиизгача, яъни кундузи соат тўртгача бўлган воқеаларни зўрга ёзиб улгурдим.

— Болалар! — деди бизга Доғ жаноблари. — Бугун дунёдаги энг қизиқ заводга экспурсияга борамиз. Бу завода менинг дўстим, инженер Богумил Копоть раҳбарлик қилиди. У ҳамма цехларни кўрсатишни, одамлар ва машиналарнинг иши билан таниширишни ваъда қилган. Бу жуда намунали экспурсия бўлади. Энди эса сафга тўрттадан бўлиб туриб олинг! Кетдик!

Анастазий дарвозани очди, биз шаҳарга йўл олдик.

Тўрт Шамол майдонида трамвайга чиқдик. Жой етишмасди. Доғ жаноблари катталаштирадиган насосини чиқариб, трамвайнин бир оз кенгайтирди, шундан кейин биз бемалол кетдик. Аввалига йўл шаҳардан ўtdи. Кейин қирғоққа қараб бурилдик ва мусиқавий кўпrikдан ўtdик. Доғ жаноблари, трамвайнинг оғирлиги кўпrikнинг остига ўрнатилган меҳанизмларни ҳаракатга келтиради, кўпrik шунинг учун мусиқавий,— деди. Кўпrik «Қалайи солдатлар марши»ни чалди.

Дарёning нариги томонида шинамгина гўзал шаҳарчани кўрдик. Бу— завод ишчиларининг уйлари эди. Биз трамвайдан энг охирги бекатда тушдик. Бекатдан заводгача ўзи юрар йўлкалар олиб борарди. Транспортнинг бундай хилига ўрганмаганимиз учун гоҳ-гоҳ мувозанатимизни йўқотиб йиқилсак ҳам маза қилардик.

Қаршимиздаги йўлкадан инженер Богумил Копоть биз томонга келарди.

У соchlари тўзиб кетган, бўйи узун ва эчки соқолъ эди. Унинг оёқ-қўллари шунақаям ориқ эдики, узоқдан худди полиз қўриқчисига ўхшарди.

Инженер бизга яқинлашгач, йўлкамизга сакраб ўтиб олди-да, Доғ жанобларини қучоқлаб, ўпа бошлади.

— Қадрли Богумил, ижозат берсанг, сени ўзимнинг йигирма тўрт ўқувчим билан таништириб чиқсан,— деди Доғ жаноблари.

— Айна-чи? — сюртукнинг чўнтағидан Матеушнинг овози эшишилди.

— Айтгандек, бу майнам — Матеуш,— деб қўшиб қўйди Доғ жаноблари, Матеушни чўнтағидан чиқарап экан.

Инженер Копоть бизга дикқат билан қараб чиқди-да, Матеушни силаб қўйди, кейин соқолини ўйнаркан, деди:

— Сени кўрганимдан жуда хурсандман, Амброжий, ўқувчиларингга, албатта, ўзимизнинг тешик ва тешикчалар ишлаб чиқарадиган заводимни кўрсатаман. Бироқ, болалар,

шарти бор,— деб мурожаат қилди, у бизларга,— заводда ҳеч нарсага тегмайсизлар.

У шундай деб, чап оёғини ўнг оёғига ҳамда иккала қўл бармоқларини бир-бирига чалиширди, ҳаммамиз индамай заводга жўнадик.

Завод ўн икки корпусдан иборат бўлиб, шаффоф деворли ва шиша томли экан. Биз узоқданоқ тарақ-туруқи теварак-атрофга эштиладиган кучли машиналарни кўрдик.

Биз биринчи цехнинг ўзидаёқ айланаётган қайишлар, электр пармалар ва токарлик станокларидан ёғилаётган учқунлардан сал бўлмаса кўр бўлаёздик.

Станоклар бир неча қатор қилиб қўйилганди, улардан айримлари эса йўғон арқонларга осилган бўлиб, ҳавода муаллақ турарди. Станокларнинг олдида чарм пешбанд тутган, қора қўзойнакли ишчилар уймалашиб юрадилар.

Ҳамма ёқда иш қизғин эди. Станокларнинг шовқини ўзининг чийиллаган овози билан ниманини тушунтираётган инженер Копотнинг сўзларини босиб кетарди.

Бу цехда фақат калитлар, ҳалқа, қайчилар учун тешиклар ва жуда кичкина тешикчалар қилишар экан.

Биз станокларнинг ишини кузатар эканмиз, ишчиларнинг маҳоратларига қойил қолдик, улар кесиши асбобининг бир айланисида ўнтадан, ўн иккитадан ажойиб тешиклар ясардилар.

Тайёр маҳсулотларни кичкина вагонеткаларга таҳлашарди, шундан кейин каттакон юқ кранлар уларни қўшни корпудаги складга олиб борардилар.

Бошқа цехларда каттароқ тешиклар: тирсак учун, тизза учун, кўприклар учун ва ҳатто осмон учун тешиклар ишлаб чиқарардилар. Тешиклар шунақаям катта эдики, уларни ясайдиган станоклар шифтгача кўтарилиларди. Шунинг учун ҳам ишчиларга тахта сўрида туриб ишлашга тўғри келарди.

Тирсаклар ва тиззалар учун ясалган тешикларнинг чеккалари чириган эди. Шу туфайли усталардан катта маҳораг

талааб қиласарди. Инженер Копоть бизга тешиклар ишлаб чиқаришнинг янги усулини такомиллаштирган ёш техник-конструкторларнинг лойиҳалари ва чертёжларини кўрсатди.

Завод корпусларидан бирида сортларга ажратиш цехи жойлашган бўлиб, у ерда тажрибали контролёрлар тайёр тешик ва тешикчаларни ўлчаб кўтара ва синовдан ўтказардилар. Дарз кетган, ёмон пардозланган ва шунга ўхшаш яроқсиз топилган тешикларни катта қозонга ташлаб, қайтадан эритишга жўнатардилар.

Энг охирги корпусда нарсаларни ўраш цехи жойлашган эди. У ерда маҳсус мутахассислар тешикларни катта тарозиларда тортардилар ва қутиларга бештадан ёки ўнтадан қилиб жойлардилар.

Инженер Копоть бизга иккита қутида кулчаларнинг тешигини совға қилди. Доғ жаноблари академияга қайтиб келгандан сўнг ваниль қўшилган ширин хамир тайёрлади-да, бизга тешиклардан жуда кўп мазали тешик кулчалар ёпиб берди.

Биз заводга қойил қолдик. Қизиб чўғ бўлиб турган пармалардан, токарларнинг станокларидан ва биз номларини билмайдиган бошқа мураккаб қурилмалардан кўзни узиб бўлмасди.

Биз заводдан чиққанимизда қоронги тушган эди. Заводнинг ойна деворларидан ичкарида бирданига яшил, кўк ва қизил учқунлар ёнгани кўринар, теварак-атрофни худди мушаквозликдагидек ёритиб юборарди.

— Қани энди шу учқунлардан овқат пиширанг, жуда ҳам кетворган таом бўларди-да! — деб хўрсиниб қўйди Доғ жаноблари.

Инженер Копоть бизни трамвай тўхтайдиган жойгача кузатиб қўйди. Келаётib йўлда у ўзи тўғрисида жуда кўп нарсаларни гапириб берди. Маълум бўлишича, у оёқларини чалиштириб юришни унугиб қўймаслик учун ишдан бўш вақтида циркда дорбозлик қиласаркан.

Йўлка бизни ўзининг энг охирги еригача олиб борувди, бекатда турган трамвайни кўрдик. Бу Доғ жаноблари бир вақтлари тузатган ўша трамвай эди. Трамвай бисиз кетишини ҳеч хоҳламасди, бизни кўрган ҳамоноқ хурсанд бўлиб фидиракларини ғижирлата бошлади.

Биз трамвайга чиқишимиз биланоқ юриб кетди, Доғ жаноблари эса трамвай тиқилинч бўлмасин деб ёнма-ён учиб борарди.

Биз трамвай бекатидаги инженер Копотни анча вақтгacha кўриб бордик. У ҳайрлашаркан, бармоқлари соч сингари ўрилган қўлини силкитарди. Ойнинг шуъласида қўлнинг узун сояси жуда ҳам чўзилиб кетган, деярли осмонгача етарди.

Трамвай кўп ўтмай Бўтакўз кўчасига бурилди ва инженер Копотъ кўздан йўқолди. Биз яна куйловчи кўприкдан ўтдик, бу гал кўприк «Замбуруғлар марши»ни ижро этди.



Доғ жаноблари унга жўр бўлиб минғиллаб ашула айтарди.

Биз Тўрт Шамол майдонига етиб келганимизда қоронғи тушган эди. Доғ жаноблари желаткасининг чўнтағидан ёниб турган шам чиқариб, ҳаммамизга биттадан улашди. Биз уйимизга, академиямизга шу йўсинда етиб келдик.

У ерда бизни кўнгилсиз воқеа кутарди.

Ҳамма хоналар, заллар, йўлаклар пашшага тўлиб кетган эди.

Лаънати ҳашаротлар бизнинг йўқлигимиздан фойдаланиб очиқ деразалардан уйга кириб, деворларга, стол, диван, шкафларга, шифтларга ёпишиб олишибди, кирган заҳотимизоқ ўзларига хос сурбетлик билан бизга ташландилар. Оғзимизга, бурнимизга, кўзларимизга кирап, соchlаримизга чувалашар, шифтда қора булутдек айланиб юrap, бурчакдан-бурчакка ғизиллаб учардилар. Бир хонадан бошқасига ўтиш учун кўзни юмиб олиш, нафас олмаслик ва иложи борича қўлни ҳаракатлантириш керак эди. Мен бунча кўп пашша йигилганини ҳеч қачон кўрмаган эдим.

Улар ҳақиқий эскадрильяга ўхшаб тўла жанговар тартибда учардилар ва ҳақиқий самолётларга ўхшаб шўнғирдилар. Йўл бошловчилари қанотларининг катталиги, уришқоқлиги ва жасурлиги билан бошқалардан ажralиб турарди. Пашшаларнинг тишлашлари уларнинг ҳаёт-мамот курашига отланганларидан гувоҳлик берарди.

Мен турган хонага бирдан пашшаларнинг қироличаси қаттиқ ғўнғиллаб бостириб кирди, ўзининг лашкарбоширига бир нечта қисқа буйруқ бериб, йўл-йўлакай менинг бурнимни тишлади-да, жанг бўлаётган бошқа томонга учебкетди.

Чироқларнинг ёруғи тепадаги қора булутни ёриб ўтолмасди. Биз ҳужум қилаётган пашшаларнинг оломонини босиб ва ўлдириб, пайнаслаб юардик, бироқ улар ҳеч камаймас — ўлгани сезилмас эди.

Сочиқлар ва рўмollар билан ҳайдаганимиз ҳам ёрдам бермасди. Ўлганларнинг ўrniga-ўрин бошқа тўда кўтарилаr ва яна ҳам кўпроқ газаб билан ташланарди.

Доғ жаноблари хонадан хонага учib юrap, душман билан аёвсиз кураш олиб борарди. Ниҳоят, у чарчади ва чуқур ха-ёлга чўмиб, оёғини чалишириб, ҳавода тўхтаб қолди. Пашшалар шу заҳоти унга ҳар томондан ёпишдилар ва Доғ жаноблари зум ўтмай кўзга кўринмай қолди.

Бу Доғ жанобларининг жуда жаҳлини чиқариб юборди. У деразадан учib чиқди-да, бир неча дақиқа ўтгандан сўнг қайтиб келди, энди унинг қўлида елкасида бутнинг расми чизилган заҳарли ўргимчак бор эди. У ўргимчакка катталаштирадиган насосни бириктириб қўйди, кўп ўтмай ўргимчак муншукдек бўлди. Шунда Доғ жаноблари ҳавога кўтарилди-да, ўргимчакни шифтга қўйди. Ўргимчак ўша заҳоти ин ўрай бошлади ва кўп ўтмай у хонани икки қисмга бўлди. Бу усталик билан қўйилган тузоққа юз минглаб пашшалар тушди, аммо уларнинг жанговарлик руҳини ҳеч нарса пасайтира олмасди. Ўргимчак пашшаларга очкўзлик билан ташланар, инига тушганларни тўдалари билан ямларди, қонларини сўрарди, ўзининг улқан бароқ оёқлари билан босиб янчарди. Аммо у тезда тўйиб қолди ва насоснинг ҳаракати ҳам барҳам еди. Ўргимчак қайтадан кичкина бўла бошлади, шунингдек ин ҳам кичрая бошлади, пашшалар ҳам ўзларининг жанговар дўстларининг ўлими учун ўч олиб, уни бирпасда бурда-бурда қилиб ташладилар. Пашшаларнинг қироличаси эса ўргимчакдан бут шаклини шилиб олди ва ўлжаси билан ғолибона жанговар наъра тортиб учib кетди.

Шу пайт Доғ жаноблари бизни олдига чақириб, пашша ушлагичнинг академиямизни ифлос, разил босқинчилардан тозалайдиган янги хилини ўйлаб топдим, деди.

У залга ичида суви бор катта тоғора, суюқ елим, совун ва шиша найча олиб келди. Биз пашшалардан бекитиб турдик, Доғ жаноблари эса бу вақт ичида тоғорадаги сувга елим

ва совун қўшди-да, найчани олиб, совун кўпикларини учира бошлади. Кўпиклар кетма-кет ҳавога кўтариларади.

Бу пашша ушлагичлар мисли кўрилмаган натижалар берди.

Кўпикларнинг ранг-баранг кўринишига тўплланган пашшалар ўзларини кўпикка урар ва ўша заҳоти ёпишиб қоларди, чиқиб кетишга кучлари етмай, кўпик билан бирга полга гуппа-гуппа ағанарди. Доғ жаноблари тинимсиз ишларди. У янги-янги кўпикларни учирар, биз эса қўлимизга супурги олвониб пашшаларни кўчага супурадик.

Хоналар ва йўлаклар кўп ўтмай совун кўпикларига тўлди.

Академияда бир соатдан сўнг биронта ҳам пашша қолмади, фақат бир нечта чиройли совун кўпиклари бошимиз устидага, ҳавода учиб юарди.

Үлиқ пашшаларни ҳовлига олиб чиқиб, тўп-тўп қилиб уйиб қўйдик, эртасига эрталаб шаҳарни тозалаш трестидан учта юк машинаси келди ва тўплланган ифлосларни ахлатхонага олиб бориб ташладик.

Доғ жанобларининг пашшалар билан олиб борган жангимана шундай тугади.

Биз ўшанда фақат бир нарсага ҳайрон қолдик. Пашшаларнинг катта бир қисми йўқ қилиб ташланганда биз Доғ жанобларининг кабинетида диванда ухлаб ётган сартарош Филиппни кўриб қолдик. Аввалига уни пайқамадик, чунки пашшалар ғуж бўлиб ёпишиб олган эди. Кейин болалардан бири уни кўриб қолди. Биз бундай шароитда у қандай қилиб ухляяпти экан, деб ҳайрон қолдик. Сартарош қаттиқ хуррак отарди ва бу хуррак Филиппнинг ёмон туш кўраётганлигидан далолат берарди.

Доғ жаноблари пашшаларни қириб ташлагандан кейин сартарошни уйғотди-да, бизларни ташқарнга чиқариб юборди, ўзи эса кабинетнинг ичидан қулфлаб олиб, у билан узоқ вақтгача нима ҳақдадир суҳбатлашиди.

Аллақанча вақт ўтгандан кейин кабинет әшиги тарақлаб очилиб, баджаҳл Филипп югуриб чиқди-да, Дөғ жанобларига:

— Башқа сартарош қидириб топинг! Мен сизнинг ҳам, ўқувчиларингизнинг ҳам сочини олмайман! Шунча ваъда қилиб келганингиз етади! Мен уни шу ҳафтада олиб келамак! Бу менинг қатъий сўзим! Академияда сизнинг манави тентак, бефаҳмларингиз эмас, худди ўша ўқиши керак. Қўришгунча ҳайр, Дөғ жаноблари! — деди ва бизга ҳеч қандай эътибор бермай, әшикларни тарақлатиб ёпиб, академиядан чиқиб кетди.

Кўп ўтмай боғдан унинг ваҳимали қаҳқаҳаси эши билди. Биз унинг дарвозадан кўчага югуриб чиққанини ой ёруғида кўриб қолдик.

Жуда кеч овқатландик. Дөғ жаноблари нима ҳақдадир ўйлагани-ўйлаган эди. У шунчалик паришонхотир эдики, бизга тайёрланган гулкарамни қора рангга бўяб қўйди, унинг мазаси эса қўрда пиширилган олманинг таъмини эслатарди.

Дөғ жаноблари овқатдан кейин иккала Анжейга ётоқхонага иккита каравот олиб кириб, ўрин солиб қўйишни буюрди. У яқин кунларда янги ўқувчилар келишини айтди.

Анжейлар топшириқни бажарганингидан кейин биз ётоқхонага жўнадик ва кўп ўтмай қаттиқ уйқуга кетдик.

Дөғ жанобларининг академиясида ўтказилган бир кун ана шундай тугади.

Етти стакан ҳақида туш



Иринчи сентябрда жуда қизиқ воқеа содир бўлди. Якшанба куни ҳамма ўзи хоҳлаган иши билан машғул эди. Артур қўёнини санашга ўргатарди, Альфред қамишдан най ясарди, Анастазий нишонга ёйдан ўқ отарди,

Антонийлардан бири чумоли иининг олдида чўққайиб ўтириб, чумолиларнинг ҳётини ўрганарди, Альберт чўчқаёнгоқлар ва каштанлар йигарди, мен бўлсам тугмачаларимдан ҳар турли шакллар тузардим.

Доф жанобларининг таъби хира әди, Филипп билан бўлган жанжалдан кейин у умуман жуда ўзгариб қолди. Доф жанобларининг Филипп билан қандай алоқаси борлигига ҳеч тушунмайман. Сепкил олиб келиб берувчи сартарошнинг Дор жанобларига бақиришга ва өшикни тарақлатиб ёпишга қандай журъат этганлиги мени ҳайрон қолдиради. Уша кундан бошлаб академияда ҳамма нарса чаппасига кетди. Доф жанобларининг бўйи бир оз кичрайиб қолди, қош-қовоғи солиниб кетди. Дарсларни кўпинча унинг ўрнига Матеуш олиб борарди. Доф жанобларининг ошхонасида овқатнинг таги куйиб кетарди, у куйган овқатни аллақандай bemaza рангга бўярди, ҳар гал дарвозадан чалинган қўнғироқни әшитиб дезразанинг олдига югуриб келар ва қошини асабий тортиб учирив қўярди.

Ҳикоя қилиб бераётган ўша куним мен тугмачалардан қуённинг шаклини туздим. Доф жаноблари олдимга келдида, қуёнга әнгашиб қаради, устига бронзанинг кукунини сепган эди, қуён жонланиб, дик этиб оёққа турди ва ҳамма тугмачаларимни ўғирлаб лип этиб эшикдан чиқиб кетди.

Бу Доф жанобларининг бир оз кўнглини очди, у хаҳолаб юборди, бироқ шу заҳоти яна қовоғи солиниб кетди.

— Анави ярамас Филиппга бас кела олмаганимдан кейин рангларнинг, порошокларнинг, шиша синиқларининг сирини билишимнинг нима фойдаси бор! У менга жуда кўп ғам ва ташвиш келтиради ҳали! — деди у.

Доф жанобларининг сўзларига ҳайрон бўлдим. Катта кишининг бунчалик noctor, кучсиз бўлишини шу вақтгача билмасдим.

Доф жаноблари нима ҳақида ўйлаётганимни билди ва бешини әтди-да, қулогимга деди:



— Битта сенга ишонаман, чунки энг яхши ўқувчимсан. Филипп, академиянгга иккита боламни қабул қыл, деяпти. Акс ҳолда ҳамма сепкилларимни олиб қўяман деб дўқ қилляпти. У ҳатто болаларига «А» ҳарфи билан бошланадиган исм ҳам топибди. Оқибати ёмон бўлишини юрагим сезиб турибди.

Доғ жаноблари шундай деб ҳамёнидан бир сиқим тугмача чиқариб ерга ташлаб юборган эди, тугмачалар қўённинг шаклини ҳосил қилдилар ва қуён бир оёқда сакраб, хонадан чиқиб кетди.

Бу ҳангама мени жуда ҳайрон қолдирди. Мен Матеушни қидириб топишга ва Доғ жанобларининг Филиппдан қўрқишиб сабабини батафсил билишга аҳд қилдим.

Матеуш якшанба кунлари кўпинча Булбул ва Гул ҳақидаги эртакка—булбул қўшиғи дарсига учиб борарди. Мен Матеушни қайтиб келаётганида учратаман деган мақсадда боққа бордим:

Мен боққа кирганимда ғалати шовқин-суронни эшишиб қолдим. Барглар шитирларди, буталар чайқаларди, ўтлар худди кўринмас ғалалар хиёбон ва тор йўлларни босиб келаётганга ўхшаб тебранарди.

Мен шовқин-сурон бўлаётган жойга чопиб, ҳовуз ёнидан чиқдим. Нима воқеа бўлғанлигини мен фақат шундагина билдим. Ҳовузда сув йўқ эди. Балиқлар ваҳимага тушиб ўзларини балчиқقا уради, сон-саноқсиз қурбақа ва қисқичбақалар ўзларига янги бошпана излаш учун жўнаётгандилар.

Мен ҳам улар билан ёнма-ён бораётиб, олдинда бошида кичкина тожи бор каттакон қурбақани кўриб қолдим. Бу менга таниш Малика-қурбақа эди.

— Болакай, мен сени танидим. Сен яқинда менинг эртагимда бўлган эдинг. Ўшанда менда яхши таассурот қолдиргандинг. Юз берган баҳтсизликни қара. Доғ жаноблари нима учундир ҳовуздан ҳамма сувни насос билан чиқариб олиб, у ерда яшовчиларни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Мен уларга ёрдам бериш учун ўзимнинг ер ости саройимни ташлаб келдим. Қурбақа, ҳатто агар у бошқа эртакдан бўлса ҳам қурбақани Доғ жанобларига қараганда дарров тушунади.

— Малика-қурбақа, уларни қаёққа олиб боряпсан? — деб сўрадим мен, унинг сўзларидан юрак-бағрим эзилиб.

— Қаёққа олиб кетаётганимни ўзим билмайман, — деб жавоб берди у. — Сеҳрланган кўл ҳақидаги эртакка оборсаммикин, Яшил Сув Париси ҳақидаги эртакка олиб борсаммикин.

Қурбақалар бараварига: — Биз ҳовузга боришни истаймиз! — деб шовқин-сурон кўтаришди.

Улар шунақаям баландга сакрэдиларки, кўрган одам қурбақаларнинг циркими дерди.

Қисқичбақалар бир оз нарида индамай панжалари билан аранг судралиб борарди. Улар қурбақаларга қараганда анча кўпроқ эди. Улардан бир қанчалари терлаб кетган ва бироров гўё уларнинг устига қайноқ сув тўкиб юборгандек қилилизил бўла бошлаган эди.

Бу ачинарли ҳолатдан кўзни узиш қийин эди. Аммо сув сиз қолган балиқлар эсимга тушди ва хайрлашдим-да, уларнинг олдига югуриб кетдим. Малика-қурбақа мени юракни өзадиган товуш билан чақирди:

— Адась, кетма, қулоқ сол! Эсингдами, мен сенга қалит берган эдим? Үшани менга қайтар. Үсиз мен ҳеч қайси әртакка киролмайман. Үзим учун әмас, манави бечоралар учун сўраяпман.

— Қалитми?— қайтариб сўрадим мен.— Қалитми? Мен уни сенга бажонидил қайтариб бераман. У менга мутлақо керак әмас. Фақат қаёққа қўйганимни эслаб олишим керак. Доғ жанобларида қолган бўлиши керак. Сабр қил, мен ҳозир югуриб бориб билиб келаман.

Ишни нимадан бошлишни билмасдим. Қурбақаларга чин кўнгилдан ёрдам бергим келарди, бироқ қурбақалардан кўра ҳам кўпроқ балиқлардан хавотир бўлардим.

Мен академияга чопиб кетдим, йўлда болаларни учратиб қолиб, содир бўлган воқеани гапириб бердим. Улар балиқларни қутқаришни ўз гарданига олишди.

Доғ жанобларини улардан биронтаси ҳам кўрмабди. Мен академиянинг ҳамма ёғини югуриб айланиб чиқдим, аммо у кабинетда ҳам, синфларда ҳам, залда ҳам, ошхонада ҳам йўқ эди. Кейин мен юқори қаватга чиқиб, касал буюмларнинг шифохонасига кирдим.

Доғ жаноблари ўша ерда әкан. Аммо у нима билан шуғуланаётганлигини тасаввур қилиш қийин эди. У жуда ҳам кичкинагина — жимитдек бўлиб олган, соатнинг капгирини оёқлари ва қўллари билан маҳкам ушлаб олиб, уни юришга ўргатарди. У капгирда худди беланчакда тебрангандек тебранар ва тўхтовсиз тақрорларди:

— Чиқ-чиқ, чиқ-чиқ, чиқ-чиқ!

Шу вақт соатнинг занг уриши эшитилди, Доғ жаноблари йўғон овоз билан тақрорлай бошлади:

— Банғ-бунғ-банғ!

У мени кўриб қолиб капгирдан сакраб тушди-да, ўша заҳоти кўз олдимда катталашди.

— Ҳамиша халақит берганларнингиз берган! — деди у

дарғазаб бўлиб.— Сенга нима керак? Ахир бандлигимни кўряпсанми, соатни сўзлашишга ўргатяпман.

Аммо шу замоноқ ўзини тутиб олди-да, оддий, ёқимли овоз билан деди:

— Кечир, Адась! Менга бунақа қарама! Ҳаммасига Филипп айбдор. У мени ҳалок қилади. Мен кичрая бошладим. Узимнинг бўйимни сақлаб қолиш борган сайн қийинлашяпти. Бунинг устига яна бир кўнгилсиз ҳодиса юз берди. Чўнтағимдаги шамлар ёниб кетди. Уларга сув сепишга тўғри келди. Буларнинг ҳаммаси оғир, жуда ҳам оғир! Агар мени севсанг, бу ҳақда ҳеч кимга гапирмаслигингни илтимос қиласман. Хўпми? Хўш, хизмат, нимага келдинг?

Мен Доғ жанобларига ҳовуздан сувни тортиб олганидан кейин юз берган аҳволни ҳикоя қилиб бердим ва калитни қайтариб беришини сўрадим.

Менинг ҳикоям Доғ жанобларини жуда ҳам хафа қилди.

— Афсус, минг афсус! — деди, у бир оз жим туриб.— Қурбақалар бизга энди бошқа шеър тўқиб беролмайдиган бўлди. Аммо шундан бошқа иложим йўқ эди. Агар мен шамларни ўчирмаганимда эди, бутун академия таг-туги билан ёниб кетган бўларди. Узимга энди ёнмайдиган ҳамён қилиб олишим керак. Балиқларни нима қилсак экан? Майли, бирор нарса ўйлаб топамиз!. Айтгандай, сен калитни қайтариб беришини сўраган эдинг, ҳозир... ҳозир...

У чўнтакларини ковлай бошлади.

— Биласанми,— деди шивирлаб,— менда яна бир кўнгилсизлик юз берган. Филипп воқеасидан сўнг чўнтакларим чукур бўла бошлади. Тагига қўлим жуда қийинчилик билан етади... Мана, ниҳоят калит ҳам топилди! Ма, Малика-қурбақага обориб бериб, менинг номимдан кечирим сўра.

У яна капирни маҳкам ушлаб олди-да:

— Чиқ-чиқ, чиқ-чиқ, чиқ-чиқ,— деб такрорлаб тебрана бошлади.



Мен боққа қайтиб келдим ва калитни Малика-қурбақа-
нинг оёғи тагига қўйдим.

— Мен сендан жуда ҳам миннатдорман,— деди Малика-
қурбақа.— Калитнинг эвазига сенга Итоатгўй қурбақани бе-
раман. Қийин дақиқаларда у сенга ёрдам беради.

У қурбақачасига бир нималар деб гапирган эди, оломон-
нинг ичидан катталиги пашшадек келадиган кичкина қурба-
қача чиқиб келди. У оч яшил рангда бўлиб, худди локланган-
га ўхшаб ялтиради.

— Ол уни,— деди Малика,— сочингнинг орасига яшириб
қўй ва ҳар куни унга бир дона гуруч бериб тур.

Мен қурбақачани олиб, бошимга — сочимнинг орасига ўр-
наштириб, Маликага ташаккур билдиридим-да, қурбақа ва
қисқичбақаларнинг устидан сакраб ҳовузнинг олдига чолиб
бордим. Мен у ерда Доғ жанобларини кўриб қолдим, унинг
атрофини болалар ўраб олган эди. Унинг кўриниши яхши, би-
роқ бир оз кичик эди.

Унинг фармонига биноан болалар бир қанча сават кел-
тириб, балиқларни шуларга жойлаштириши.

— Кетимдан юринглар! — деб буюрди Доғ жаноблари.

Биз саватларнинг оғирлигидан эгилиб, икки томонига каш-
тан экилган хиёбондан, малина чангальзоридан ўтиб, атрофи
девор билан ўраб олинган тўсиққа чиқдик. Доғ жаноблари
тепасига «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак» деб ёзиб қўйил-
ган эшикчанинг олдида тўхтади-да, эшикнинг қулфини очди.
Биз узоқдан денгизга тўр ташлаётган балиқчини кўрдик. Ба-
лиқчи жилмайди-да, оғиздан сопол трубкасини олмай, биз
билан саломлашди.

Биз балиқларни денгизга ташладик, кейин эса балиқчи-
нинг маслаҳатига биноан чўмилиб олдик. Кун иссиқ, сув ҳам
илиқ эди.

Биз ҳовузнинг олдига қайтиб келганимизда у ерда қурба-
қа ва қисқичбақалардан асар ҳам қолмаган эди. Балчиқда фа-
қат чувалчанг ва шиллиқ қуртлар ўрмалаб борарди.

Кутнлмаганда тепамизда Матеуш пайдо бўлди. У жуда ҳам безовта эди ва товушининг борича бақиради:

— Аво ари! Аво ари!

Нима гап эканлигини биринчи бўлиб Доғ жаноблари англади-да, осмонга қаради. Сўнгра у ҳам бақириб юборди:

— Ҳаво шари! Ҳаво шари!

Баландда кичкина нуқта кўринди. У тезлик билан яқинлашарди, биз кўп ўтмай думига саватча боғланган ҳаво ранг шарчани яққол кўрдик.

Доғ жаноблари жуда ҳам қувониб кетди, хурсанд бўлганидан қўлини қўлига ишқаларди ва:

— Кўзим ойдан қайтиб келяпти,— деб такрорларди.

Шарча пастга тушганида Доғ жаноблари пластирни қўчириб ташлади-да, қўзини жойига қўйиб қўйди.

— Йўқ! Бу қандайдир ақлга тўғри келмайдиган ҳодиса!— деб хитоб қилди у қувониб.— Бундай ҳодисани ҳали ҳеч ким учратмаган! Ана ажойибот-у, мана ажойибот! Ойдаги ҳаёт барча эртаклардан ҳам қизиқ.

Биз Доғ жанобларига ҳавас билан қараб турардик, у эса Ойдан қайтиб келган кўзи суратда тасвирлаган расмларни маза қилиб кўриб ўтиради.

Ниҳоят Доғ жаноблари ўзини қўлга олиб, деди:

— Ойда яшаётганилар ҳақидаги эртак дунёдаги ҳамма эртаклардан ўтиб кетади! Фақат вақт беринг.

— Жаноби профессор, балки ҳозир гапириб берарсиз?— деб таклиф қилди Анастазий.

— Ҳаммасининг ўз вақти бор! — деб жавоб берди Доғ жаноблари.— Айниқса эртак айтишнинг. Энди эса овқатлашишга борамиз. Овқатдан сўнг сизларга Адасъ Несогласканинг кўрган тушини ўқиб бераман.

Буни эшитиб, болалар жуда ҳам севиниб кетишиди.

Биз шошиб-пишиб овқатланиб, мактаб залига тўпландик.

Доғ жаноблари минбарнинг орқасига ўтирди-да, энг яхши тушлар ёзилган қалин китобни очиб:

— Етти стакан ҳақида туш —

деб ўқий бошлади.

Тушимда уйғониб кетган эмишман.

Доғ жаноблари барча стул, стол, курси, каравот, кийим осадиган қозиқ, шкаф, токча ва бошқа буюмларни болаларга айлантириди, шундай қилиб ҳаммамиз юздан ортиқ ўқувчи бўлдик.

— Бугун биз Хитойга кетамиз,— деб өълон қилди бизга
Доғ жаноблари.

Мен деразага қарадим. Ҳовлида гугурт қутиларидан ту-
зилган кичкина поезд турарди, паровоз ўрнида эса сирлан-
ган ҳаво ранг чойнак. У ғилдиракларнинг устида турар ва
тепасидан бурқираб буғ чиқмоқда эди.

Биз вагонларга кириб ўтиридик, буни қарангки, ҳаммамиз
сиғдик.

Доғ жаноблари чойнакка миниб олиши билан поезд қич-
қириб, жўнашга отланди. Кутимаганда шу пайт осмонда
каттакон булут пайдо бўлиб, даҳшатли шамол кўтарилиди.
У барча вагонларни, яъни гугурт қутичаларини ағдариб
юборди. Момақалдироқ бошланди.

Кейин ошхонага чопиб бориб, буфетдан еттига стакан
олиб патнисга қўйдим, саройдан нарвонни олиб чиқдим,
кейин ҳаммасини ҳовлига олиб келдим.

Чойнакдан бурқираб чиқаётган буғ булут билан бирлашди,
у қўрқинчли даражада катталашди. Доғ жаноблари чойнак-
нинг бурнини бармоғи билан ёпмоқчи бўлиб беҳуда уринарди.

Бир вақт:

— Адась, поездимни қутқар! — деб хитоб қилди Доғ жа-
ноблари, чойнакнинг қопқоғи билан бирга сакраркан.

Мен нарвонни деворга ўрнаштиридим-да, чап қўлимда ста-
канли патнусни ушлаб, энг юқорига кўтарилидим.

Сўнгти поғонага етганимда, нарвон тўсатдан узайнб ке-
тиб булутга тақалиб қолди, қўлимни шундай узатсан булутга
тегарди.

Мен ошхонадан олволган қошигим билан булутни юмшат ба бошладим.

Энг аввал биринчи стаканга ёмғирни тўпладим, сўнг қорни қириб-қиртишлаб, иккинчи стаканга тўқдим. Учинчи стаканга эса дўлни тўпладим, тўртингчисига момақалдироқни, бешинчисига чақмоқни, олтинчисига шамолни тўпладим.

Шундай қилиб, стаканларга барча булутларни тўпладим, уни осмондан худди сутнинг қаймоғини олганга ўхшатиб олдим ва ҳаво тездан очилиб кетди.

Фақат еттинчи стаканинг нимага кераклигини тушунмасдим.

Пастга тушганимда поездлар жойида йўқ эди. Болалар кумуш вилкаларга айланиб, ерда қатор ётишарди.

Фақат Доғ жаноблари илгаригидек чойнакнинг устида унинг бурини бекитишга уриниб ўтиради.

Мен патнисни ерга қўйдим-да, устини циркдаги найранг-бозлар қиласидигандақа қилиб рўмол билан бекитдим.

— Нима қилиб қўйдинг? — деб бақириб юборди Доғ жаноблари. — Сен булутни ўғирладинг. Энди ҳеч қачон ёмғир ҳам, қор ҳам, шамол ҳам бўлмайди. Биз жазирама иссиқда ҳалок бўламиз.

Мен осмонга қараб қўйдим. Нўхатдек ҳам булат қолмаган эди. Мен бу осмон эмас, худди Доғ жаноблари миниб олган чойнакка ўхаш, бироқ ундан бир оз каттароқ сирланган ҳаво ранг чойнак эканлигини қўққисдан тушуниб қолдим. Чойнакдан ерга қуёшнинг заррин нурлари, тўғрироғи, олтин қайноқ сув оқиб тушарди. Иссикқа чидаб бўлмай қолди.

Доғ жаноблари чидаб туролмай, ечина бошлади, аммо унинг устида кийим шунчалик кўп эдики, менга ечиб тамом қилолмайдигандек туюлди. Қўққисдан Доғ жанобларининг сочидан тутун чиқаётганини кўриб қолдим. Доғ жаноблари ёниб кетса-я деб қўрқиб, ёмғирли стакани Доғ жаноблари-нинг бошига қуйдим. Шариллаб жала ёғди, жала ердан оти-лаётган фонтанга ўхшаб, пастдан тепага оқарди.

— Қор опкел! — деб қичқирди Доғ жаноблари. — Қор, аксинча ёниб кетаман!

Мен иккинчи стакандаги қорни қошиқ билан олиб, Доғ жанобларининг бошига тўка бошладим.

Қор кутилмаганда боғ бўйлаб уча бошлади. Қорнинг остидан кумуш вилкалар сакраб чиқиб, тентаклардек у ёқданбу ёққа югуриб қор бўрон ўйнай бошлашди. Мен уларнинг бири Артур, бири Алфред, яна бири Анастазий эканликларини, болалардан яна баъзи бирларини кўриб қолдим.

Вилкалар шунақсанги бўрон кўтардиларки, ҳеч нарса кўринмай қолди. Мен қорни шамол билан учирив юборишга аҳд қилдим. Учинчи стакани олдим-да, ичидаги шамолни тўкиб юбордим.

Қандай шамол кўтарилиганини айтиб бериш жуда қийин. У бир вақтнинг ўзида ҳамма томондан эсар, йўлида учраган барча нарсани супуриб кетарди. У қорни учирив юборди, вилкаларни эса шундай баландга кўтардики, булар юлдузга ўхшаб осмонда осилиб қолдилар. Қаттиқ совуқ турди. Мен Доғ жанобларига қараб, биринчи дақиқада уни ҳатто танимадим. У қордан ясалган одамга айланган, қувноқ куйларди:

Чанасини тортиб келар қорбобо,
Бир уюм қор ортиб келар қорбобо.

Мен, Доғ жаноблари ақлинни совуққа олдириб қўйибди деб ўйладим, кейин исиниб олсин деб чойнакни ушлатиб қўйдим.

Қор эриб, кун илий бошлади, Доғ жаноблари ҳам гуллади.

Бошлаб унинг куртаги, сўнгра барглари пайдо бўлди, кейин эса бошидан оёғигача гулга бурканди. У гулларни ўзидан узар, чапиллатиб ер ва овозининг борича қўшиқ айтарди:

Буларнинг барин еб бўлганим замон,
Кўз ёзга айланиб қолар, болажон.

Аммо яхши кайфият узоққа чўзилмади. Гуллар исини сезган асаларилар Доғ жанобларини ҳамма томондан қуршаб олишди, биттаси ҳатто уни чақиб ҳам олди. Доғ жаноблари «оҳ», «вой» қиласиди, шунда кўзидан асалнинг қуюқ томчилари оқарди.

Қўп ўйлаб ўтирмасдан дўл солинган тўртинчи стаканини ушлаб олдим. Дўл жуда ҳам йирик-йирик эди.

Дўлни кафтимга тўкиб, улар билан Доғ жанобларининг юзини арта бошладим. Доғ жаноблари дарҳол енгил тортди.

Шу вақт осмондаги сирланган чойнак қорайиб кетган томони билан пастга қараб айланиб қолди. Ҳамма ёқни қорон-ғилик босди. Фақат кумуш вилкалар ялтираб кўринарди.

Шунда бешинчи стакандан чақмоқни чиқардим-да, уни шамга ўхшатиб тўғрилаб, ерга тиқдим.

Чақмоқ шунақаям кўп ёруғлик бердики, худди кундузига ўхшаб кетди.

— Овқат егим келяпти,— қўйқисдан инжиқлик билан де-ди Доғ жаноблари.

Момақалдироқли стакандан бошқа ҳеч нима йўқ эди.

— Жуда ҳам яхши!— деб хитоб қилди Доғ жаноблари.— Момақалдироқдан мазалироқ нарса бўлмаса керак! Бу ёқ-қа ол-чи!

Мен момақалдироқни Доғ жанобларига бердим. У анорга ўхшаш каттакон қизил шар эди.

Доғ жаноблари чўнтағидан пакки пичоқ чиқарди-да, момақалдироқнинг пўстини олиб ташлаб, кесиб-кесиб маза қилиб еди.

Қўйқисдан қўрқинчли гулдурос эшитилди. Доғ жаноблари портлаб, майда-майда бўлиб учиб кетди. Учиб кетган бўлакларнинг ҳар бири мустақил Доғ жанобларига айланди. Улар ўтларнинг устида жуда ҳам хушчақчақ ўйнардилар, ингичка овозда кулардилар.

Мен улардан бирини олиб, еттинчи стаканга солдим-да, академияга олиб бордим..

Кутилмаганда, тўсатдан кумуш вилкалар дарчадан ба-
қириб учиб киришди-да, Доғ жанобларини олиб қўймоқчи
бўлишиди.

Эпчиллик қилиб стаканни буфетга қўйдим-да, эшикласи-
ни қарсллатиб бекитдим.

Шу пайт уйғониб кетдим.

Қаршимда ҳақиқий, тирик Доғ жаноблари турарди. У
менинг туш ойнамни кўздан кечираркан, қошини учирив га-
пиради:

— Етти стакан ҳақида туш... қизиқ... етти стакан ҳақида
туш... ҳа-ҳа, шунаقا дегин!..

Анатоль ва Алойзий



ентябрь ойида нуқул ёмғир ёғди. Боғдаги майдон-
да ўйинлар тугаган эди, биз уйдан чиқмасдик. Доғ
жаноблари маъюс ва камган бўлиб қолган эди. Хуллас, ака-
демия жуда ҳам зерикарли бўла бошлади.

Бир куни кечқурун Доғ жаноблари, капалак ва гулларсиз
яшай олмайман, шунинг учун барвақт ухлайман, деди.

У билан хайрлашиб, биз ҳам ётоқхонамизга йўл олдик.

— Мен зерикиб кетяпман,— деб хўрсинди Александрлар-
дан бири.

— Назаримда,— деди қўққисдан Артур,— Доғ жаноблари
бирор бахтсиз ҳодисага учраганга ўхшайди. Сездингизми,
бўйи кичкина бўлиб қолибди?

— Балки, катталаштирадиган насоси бузилиб қолган-
дир?— деб тахмин қилди Анастазий.

Уларнинг суҳбатига аралашмадим. Жуда ҳам уйқум келаеттган эди. Ўрнимда ётиб, шу заҳоти ухлаб қолдим.

Тушимда болға бўлиб қолган эмишман, Дор жаноблари мен билан тугмачаларни майдалаётганиш. Болғанинг тақтақи бутун академияга эшитилаётган эмиш. Мен уйғониб кетдим, аммо болғанинг зарби қулоғимга илгаригидек эшитиларди. Мен қулоқ солиб турдим, кимдир дарвозани тақилатайтган эди.

Кейин Анастазийни уйғотдим ва биз плашларни елкамизга ташлаб ҳовлига югуриб чиқдик. Дарвозанинг нарёғида сартарош Филипп билан иккита нотаниш бола туради. Уччаласи ҳам ивиб шилтаи-шалаббо бўлиб кетган. Анастазий дарвозани очиб, тунги меҳмонларни ичкарига киргизди.

— Танишинг! Дор жанобларининг янги ўқувчилари! — деди Филипп ва ҳахолаб кулиб юборди. — Машҳур академиянинг келгусидаги фахри, ҳа-ҳа-ҳа! Бирининг исми Анатоль, бошқасиники Алойзий. Иккалови ҳам «а»дан бошланади, ҳа-ҳа-ҳа! Анатоль, таниш, ўзингнинг одобли бола эканлигингни кўрсат!

Болалардан бири бизга бош қимирлатиб қўйди-да:

— Мен Анатоль Кукарекуман. Бу эса менинг укам Алойзий, — деди у Филипп билан иккаласи тирсагидан ушлаб келган болани кўрсатиб.

— Танишганимиздан жуда ҳам хурсандмиз, — деди хушмуомалалик билан Анастазий. — Аммо нима учун ёмғирда турибсиз? Бу ёққа киринглар.

Биз ҳўл плашларимизни даҳлизда қолдириб, меҳмонларни овқатхонага бошлаб олиб кирдик.

Меҳмонлар, чамаси жуда ҳам ҷарчаган бўлсалар керак, Алойзий стулда хитойларнинг қўғирчоғига ўхшаб сарак-сарак қилиб ухлаб қолди.

Филипп болаларни кечқурун олиб келмоқчи бўлганини, аммо адashiб қолиб, фақат ярим кечадагина Шоколад кўчасини зўрга топганини айтди.

— Корнингиз оч бўлса керак? — дедим мен. — Бориб Доғ жанобларини уйғотиб, сизларнинг келганингизни айтаман.

— Ҳа, ҳа, Доғ жанобларини албатта уйғот! — деб хитоб қилди Филипп ва ҳахолаб кулиб юборди. — Мен унинг учун ҳали қўл урилмаган янги сепкиллар олиб келганман, ҳа-ҳа-ҳа! Доғ жанобларини кўргингиз келяпти-ку, ахир, ҳа-ҳа-ҳа!

Шундайми Анатоль?

— Бу биз учун катта шараф,— деб хушмуомалалик билан жавоб берди бола.

Мен тепага кўтариладим-да, Доғ жанобларининг ётоқхонасини тақиллатдим. Ҳеч ким жавоб бермади. Қаттиқроқ тақиллатдим. Яна ҳеч ким индамади. Учинчи марта тақиллатдим. Доғ жаноблари ҳамон ухлаб ётарди ёки жавоб беришни истамасди. Эшикни тортиб кўрдим. Эшик қулфлаб қўйилган әди. Матеушни уйғотиш мақсадида кучим борича тақиллатдим. Бироқ ҳеч ким жавоб бермади.

Шундан кейин ошхонага бориб, меҳмонларга ўзим овқат тайёрлашга қарор қилдим. Ҳужрадан бир ҳурмача сут, нон, сарёғ, бир бўлак сир ҳамда қовурилган товуқ олиб, ҳаммасини патнисга қўйдим. Идиш-товоқлар олиш мақсадида жавонни очган әдим, қўққисдан бир стаканда турган кул ранг нарсани кўриб қолдим. Бу сичқон бўлса керак деб ўйлаб, стаканнинг оғзини кафтим билан ёпиб, ёруққа олиб бордим. Кўрганим тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада даҳшатга солди.

Стаканда Доғ жаноблари, кичкинагина Доғ жаноблари ўтиради. Унинг чехрасини, унинг ғалати костюм-шимиини, ҳатто бурнининг устидаги сепкилини аниқ кўрдим. У стаканда ҳеч нима бўлмагандек ўтириб ухларди.

Эҳтиётлик билан уни икки бармоғимда стаканнинг ичидан чиқариб, тақсимчага қўйдим. Тақсимча баданига муздек теккани сабабли уйғониб кетди. Ўрнидан



туриб, атрофга назар ташлади-да, чўнтағидан шарини чиқарib, қулогига олиб борган эди, шу заҳоти катталаша бошлади. Сўнгра тақсимчадан стулга, стулдан полга сакраб тушди-да, ўрта миёнадаги Доғ жанобларига айланиб қолди.

Мен довдираб, нима қилишимни билмай қолган эдим.

Доғ жаноблари менга афсусланиб қаради-да, жаҳл билан деди:

— Бу туш! Биласанми? Аҳмоқона туш! Бутунлай босин-қираш! Бу ҳақда битта-яримтага гапиришингни қатъян ман қиламан! Доғ жаноблари ман қилади! Тушунарлимис? Бундай туш энди ҳеч қачон қайтарилемасин!

Мен Доғ жанобларидан кечирим сўрадим — бошқа нима ҳам дея олардим? Кейин унга Филипп ҳамда болаларнинг келганини айтдим.

— Менсиз ҳам уддалайсанлар,— деди Доғ жаноблари — Қоринларини тўйғизиб, жой солиб бер, улар билан әрталаб сұхбатлашаман. Филиппни кабинетимдаги диванга ётқизишинг мумкин. Тунинг хайрли бўлсин!— У шундай деб, эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди.

Кетидан югуриб чиққан эдим, унинг панжара устидан югуриб кетаётганини кўриб қолдим.

«Академияда бўлаётган ишларни қара!» — деб ўйладим ўзимча, ошхонага қайтар эканман. Патнисни олдим-да, емакхонага бордим.

Алойзий ҳамон ухларди. Филипп билан Анатоль унга ҳеч қандай аҳамият бермай овқатни ея бошладилар.

— Укангни уйғотайми? — деб сўради Анастазий Анатолдан. — Унинг ҳам қорни оч бўлса керак.

— Йўқ-йўқ, керак эмас, — деб жавоб берди Анатоль — Уйқуси ейдиган овқатининг ўрнини тўлиқ босади. Алойзий уйғотган одамни жуда ҳам ёмон кўради.

— Болалар, мана, омон бўлсангиз кўрарсиз, шу ухлаётган шаҳзода академиянгизнинг фахри бўлади! — деб қиқиллаб кулиб қўйди Филипп товуқни еркан.

Анастазий овқатдан сўнг Филиппни Доғ жанобларининг кабинетига олиб борди, мен болаларнинг ўрнини ҳозирлаш учун ётоқхонага жўнадим.

Энди ўринни солиб бўлган эдим, остоңада Анастазий билан Анатоль кўринди. Анатоль ухлаётган укасини кўтариб келарди.

— У уйғотганни ёмон кўради,— деди яна Анатоль.— Уни ечинтиришнинг кераги йўқ, кийими билан ухлайверсин.

Биз Алойзийни әҳтиётлик билан каравотга ётқиздик, кеин ўзимиз ечиниб, қотиб ухлаб қолибмиз.

Мен жуда барвақт уйғондим, ёнимда ухлаб ётган Альфредни уйғотиб, академияга келган янги ўқувчилар ҳақида гапириб бердим. Альфред Артурни уйғотди, Артур Александрни уйғотди, бир неча минутдан кейин ётоқхона худди асаларининг инига ўхшаб ғувиллаб кетди.

Матеуш бизни уйғотиш учун келганида ҳаммамиз уйғоқ әдик.

Болалар янги келганларга қизиқиб қарадилар. Анатоль ғовур-ғувурдан уйғониб кетди, укаси Алойзий ҳамон ухларди.

Қўққисдан эшик очилиб, Доғ жаноблари кириб келди.

— Салом, болалар! — деди у хушчақақлик билан.— Қани, янги келган болалар қаерда?

— Бу ердаман, жаноб профессор. Менинг исмим Анатоль Кукареку, манови укам.

Доғ жаноблари Анатолга индамай қараб қўйди-да, Алойзийнинг олдига келди.

Болаларнинг тепасида бир оз турди-да нима ҳақдадир ўйлади, кейин энгашиб, Алойзийнинг қулоғига қичқирди:

— Исминг Алойзийми?

Алойзий ҳатто пинагини ҳам бузмади.

— Эшитяпсанми, Алойзий? — деб тақрорлади Доғ жаноблари.

Алойзий қимирламай ётарди.

Доғ жаноблари унинг қовоғини кўтариб, кўзига қарадида, юзларини, пешанасини ишқалаб, қўлига уриб кўрди.

Алойзий уйғонмасди.

— Демак, демак! — деб ўзича минғиллаб қўйди Доғ жаноблари.— Алойзий одам эмас, қўғирчоқ экан. Мен академиямга қўғирчоқларни қабул қилишга ҳамиша қарши эдим. Энди кеч бўлди. Алойзий шунинг учун ҳам атайин кечаси олиб келинган. У билан анча овора бўладиган бўлдим. Уни ўйлашга, сезишга, сўзлашга ўргатишга тўғри келади. Нима ҳам дердик, ҳаракат қилиб кўрамиз. Адасъ, сен Альфред, Антонийлардан иккитаси билан, Алойзийни касал буюмларни шифолайдиган хонага олиб боринглар. Бугун дарс бўлмайди. Мен бандман. Агар ёмғир бўлмаса, Матеуш билан бирга боққа боринглар.

У ўғирилиб, хонадан чиқиб кетди.

Биз Алойзийни шу заҳоти олиб боришга қарор қилдик. Менга ҳеч кимнинг кўмаги зарур бўлмади: Алойзий пардан ҳам енгил эди. Мен уни кўтарганимда, болалар атрофимни ўраб олиб, унга синчиклаб тикила бошладилар. Алойзийнинг агар мана шу енгиллиги ва қимирламаслиги бўлмаганида, унинг тирик одамдан ҳеч фарқи йўқ эди. Боши, сочи, юзи, лаблари, пешанаси, бурни, ияги, қўллари ва ҳатто бармоқларидаги тирноқлари — ҳаммаси ростакамга ўхшарди. Биринчи қарашда Алойзийнинг қўғирчоқ эканлигини пайқаб олиш мумкин эмас эди.

Унинг юзи ва қўллари одамнинг баданига ўхшаш илиқ, мулоийм хомашёдан қилинган эди.

Бу айнан одамга ўхшаш ажойиб қўғирчоқнинг кашфиётчисига ҳар қандай мукофот берса арзириди.

Биз қойил қолдик. Бизни, Алойзийни тирилтириш Доғ жанобларининг қўлларидан келармикин, қўғирчоқ тирилгандан кейин у билан ўртоқ бўлармикинмиз, деган ўй қизиқтиради.

Шу вақтгача жим турган Анатоль суҳбатга қўшилди-да, ўз укаси ўрнида севадиган қўғирчоқнинг тузилишини жуда

ҳам тушунарли қилиб изоҳлаб бера бошлади. Мен фурсатдан фойдаланиб, Алойзийни оҳистагина тепага — касал буюмларни тузатадиган шифохонага олиб бордим. Доғ жаноблари мени аллақачондан буён сабрсизлик билан кутиб турган экан.

— Столга қўй,— деди у, кирганимдан кейин, — Ишга тезлик билан киришиш керак.

— Мен шу ерда қолсам майлими? — деб сўрадим тортиниб.

— «Майли» эмас, ҳатто керак! — деб жавоб берди Доғ жаноблари.— Сенинг ёрдаминг керак.

Эрта билан овқатланмаганимиз учун Доғ жаноблари менга аввал сочни ўстирадиган тугмача дори берди, кейин, Алойзийни ечинтиришни буюрди.

Қўғирчоқнинг ҳамма ёғи нозик оч пушти ранг металл қатлами билан қопланган экан.

Доғ жаноблари чўнтағидан мойли банкани чиқарди-да:

— Алойзийни металл терининг тагидан қон томирлари кўрингунча ишқалайвер,— деди.— Юрагингни кенг қил, анчамунча ҳаракат қилишга тўғри келади. Оёғидан бошла, мен бўлсам ўпкаси ҳамда юраги билан шуғулланаман.

Биз бир неча соат сурункасига ишладик. Доғ жаноблари кўкрак қафасини қоплаб турган ясси парчани бу ёққа олдида, механизмларини узоқ титкилади.

Ишқалайверганимдан қўлларим увушиб қолди, аммо кўзлаган ишимни ниҳоясига етказдим. Металл терининг тагидан секин-аста қон томирлари кўринди.

— Бўлди,— деди Доғ жаноблари, мен тарафга қарамасдан.— Энди қўли билан шуғуллан.

Мен мой билан Алойзийнинг елкаси ва қўлларини ишқалай бошладим. Тушки овқатга қўнғироқ чалинганида ишимни тамомлаб бўлдим.

Хурсанд бўлганидан қизариб кетган Доғ жаноблари елкасини тўғрилаб, пластиккани винт билан маҳкамлаб қўйди-да, ҳаяжон билан деди:

— Жуда соз! Бориб овқатланиб кел, мен эса унгача йигитчанинг миясини тӯғрилаб тураман.

Мен шифохонани зарурат юзасидан ташлаб, ошхонага йўл олдим. Олдимга биринчи бўлиб Анатоль чопиб келди, унинг кетидан барча болалар югуриб келишди. Улар мени саволга кўмиб юборишиди:

— Алойзий юряптими?

— Сўзлаяптими?

— Доғ жаноблари нима қиляпти?

— У қачон пастга тушади?

— Алойзийнинг бошида нима борийкин?

— Ўлашни ўргандими?

Мен барча кўрганларимни бир бошдан гапириб бердимда, шифохонага тезроқ қайтиб бориш мақсадида овқатимни тез-тез ея бошладим.

Учинчи таомни еб тамомлаган эдим, йўлакда қадам товуши эшилтилди. Йигирма жуфт кўз эшикка тикилди.

Эшик секин очилиб, қаршимизда Алойзий ҳозир бўлди, уни Доғ жаноблари ушлаб турарди.

У оёқларини қўрқа-писа битта-битта босиб, бошини гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга айлантириб, чап қўлини ҳаддан ташқари силкиб, тўппа-тўғри бизга қараб келарди.

— Маҳа! — деди тантанавор Доғ жаноблари.— Янги ўртоқ билан танишинг.

— Салом, Алойзий,— деди Анатоль қўғирчоққа қойил қолиб қааркан.

— Салом,— Алойзий ҳар бир бўғинни бурро-бурро қилиб жавоб берди.

— Исминг нима, айт-чи! — деб бақирди қулогига Доғ жаноблари.

— А-ло-зий Ку-ку-ку-ку...— Алойзий фамилиясининг биринчи бўғинини қайтараётуб, қўққисдан қукулаб, у ёғига ўтолмай қолди.

Доф жанобларни оғзини очди-да, тилининг тагидаги алла-қандай мурватни бураб қўйди.

— Қани, яна бир марта гапириб кўр-чи.

Қўғирчоқ енгил нафас олди-да, бирмунча силлиқ жавоб берди:

— Алойзий Ку-ка-ре-ку. Менинг исмим Алойзий Қукареку.

— Жуда яхши! — деб чапак чалиб юборди Доф жаноблари.— Жуда ҳам ажойиб! Энди столга ўтири. Болалар, унга ейдиган бирон нарса беринглар.

Алойзий аввал қандай оҳиста ва эҳтиётлик билан юрган бўлса, столнинг олдига ҳам шундай оҳиста ва эҳтиётлик билан юриб келиб, стулга ўтириди-да, паст овоз билан деди:

— Мен-га ов-қат бе-ринг-лар.

Антонийлардан бири унга тақсимчада макарон билан вилка олиб келиб берди.

Алойзий вилкани қисимлаб ушлаб олиб, овқатни ея бошлиди. Овқатни жуда ҳам бесўнақай ер, макаронлар ерга тушар, оғзидан тўкилиб кетарди. Аммо оғзига тушганини маза қилиб кавшар ва ютарди:

— Жуда ҳам ширин экан,— деди у тақсимча бўшагач.

У овқат ейишни, юришни, сўзлашишни жуда ҳам тез ўрганди.

Бир соатдан сўнг у мураккаб гапларни туза бошлиди. Кечқурун эса академия тўғрисида Доф жаноблари билан узоқ сухбатлашди.

Эртаси куни биз уни ўйнатгани боққа олиб бордик. У энди бошқаларга ўхшаб юради, ҳатто Анатоль билан бирга югуришга ҳаракат қилган эди, бироқ ўзининг оёғига ўзи ҳоқилиб йиқилиб кетди.

У пичоқ ва вилкани ишлатишга ўрганди, учинчи кун эса ўзи ювинди, ўзи соchlарини таради, ўзи кийинди.

Бир ҳафтадан кейин Алойзий Доф жаноблари жон киритган оддий қўғирчоқ эканлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган бўларди.

Ойда яшовчилар ҳақида эртак



рталаб Доғ жанобларига ҳар кундагидек ойнамизни келтирганимизда у тантанавор эълон қилди:

— Қулоқ солинглар, болалар! Эртага эрталаб соат ўн бирда шу ерда катта байрам бошланади. Гап нима ҳақда бораётганлигини ўзингиз ҳам фаҳмлангандирсиз. Мен ўнг кўзим Ойда нималарни кўрганини яъни ойда яшовчилар ҳақидаги эртакни гапириб бераман. Байрамга барча қўшини эртакларни таклиф қилдим, жой ҳаммага етсин учун мактаб залини уч марта катталаштиридим. Бугун ўзингиз ювиниб олишингиз, ҳамма ёқни йиғиштиришингиз керак. Сочларингиз чиройли қилиб тараплан, ўзингиз ясанган, гўзал бўлишингиз лозим. Академияда тартиб бўлиши зарур. Кўрсатма олиш учун Матеушга мурожаат қилинг. Мен зиёфатнинг тараддудини кўраман. Менга ҳалал бермаслигингизни илтимос қиласман. Ишонсам бўладими?

— Бўлади, жаноби профессор! — деб жавоб бердик ҳаммамиз бараварига.

Шу заҳотиёқ ишни бошлаб юбордик.

Бирор кресло ва диванларни қоқиб тозалар, бошқалар гилам ва поёндоzlарнинг чангини қоқар, айримлар полни мойлар ва пойабзалларни артар, баъзилар чўмиларди. Хуллас, ҳамма ёқда иш қизиб кетган эди.

Матеуш ҳамиша атрофимизда гирдиқапалак бўлиб айланаб юрар, барча ковак, ёриқ жойларга қараб қўяр, «тезроқ қимирланг, тезроқ» деб шоширас, ҳамма ишни вижданан бажаряпмизми-йўқми кузатиб борарди.

Иш қизғин борар, унга ҳеч нарса халақит беролмайдигандек эди.

Бироқ бошқача бўлиб чиқди.

Доғ жанобларининг кабинетидаги яқинда артилган полга сиёҳ тўкилибди. Унинг қаердан келганлигини билмаймиз. Ҳовлидаги офтобга қўйилган ёстиқлардан пар чиқиб, барча гиламлар, диванлар, креслолар, кийим-кечакларга ёпишибди, ҳаммасини қайтадан тозалашга тўғри келди. Худди кўзга кўринмайдиган одам ёстиқни пичоқ билан қирқсанга ўхшарди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ётоқхонадаги кўрпа-ёстиқлар, дарпардалар, ички кийимларни қурум босиб кетибди. Одамлардан бири диванга ўтирган эди, иштонини йиртиб юборди, дивандан учи найза михлар чиқиб турган экан.

Стулларга елим суртилган эди. Кимdir ваннахонадаги кранларни очиб юборибди, сув фақат ваннахонани эмас, ошхонани ҳам босиб кетибди, Доғ жанобларининг чуқур калиш кийиб олишларига тўғри келди.

Биз бу кимнинг иши эканлигига ҳеч тушуна олмасдик. Ҳамма ишнинг тескарисига кетаётганлиги кишини ранжитар, ҳаммамиз бир-биримиздан гумон қиласдик.

Тушки овқатдан кейин ҳаммаси маълум бўлди.

Артур иккинчи қаватга кўтарилаётib, очиқ турган эшикдан Алойзийнинг электр симларини қайчи билан қирқаётганини кўрибди. Артур ўша заҳоти мени чақирди. Алойзий бизни кўриб зўраки кулди-да, ўзининг ифлос машғулотини давом эттираверди.

Бориб қўлидан қайчини тортиб олдим. Унинг шунақаям жаҳли чиқиб кетдики, столни тепиб, устидаги нарсалар билан бирга ағдариб юборди.

— Алойзий, ақл-ҳушингни йиғиб ол! — деди Артур.

— Йиғиб олишни истамайман! — деб бақирди Алойзий.— Ҳозир ҳамма нарсани синдириб ташлайман. Сиёҳни мен тўқдим, ёстиқни мен йиртдим, қурумни хонага мен сочдим. Менга шунақа қилиш ёқади. Ҳўш, қўлларингдан нима келади? Ҳеч нарса қилолмайсиз! Қани халақит бериб кўрингчи, бутун ётоқхонангизни ёндириб юбораман, ҳа, шунақа!

Биз қўрқиб кетиб, ошхонага — Доғ жанобларининг олдинга югурдик.

Кутимаган ҳодисадан у қўлидаги тортни тушириб юборди.

— Мен Алойзийнинг бирор ёмон иш қилиб қўйишини аввалдан билган эдим,—деди у ғамгин.—Хунук иш бўлди! Аммо, болалар, уни ўз ҳолига қўйиб беринглар, у әмас, механизм айбдор. Алойзийни атайн шундай ясашган. Бу Филиппнинг иши. Мен ноиложман. Тушуняпсизми? Но-и-лож-ман!

Анчагача ҳамма жимиб қолди, кейин Доғ жаноблари давом этди:

— Алойзийнинг қандай механизмлардан ясалганлиги мен учун қоронғи. Буни фақат Филипп билади. Биз мурувватли ва сабр-тоқатли бўлишимз керак. Аслини олганда у илмда ҳаммангиздан ўтиб кетди. Бу жуда яхши! Ҳамма нарсани ўрганиб олди. Ҳатто хитойча сўзлашишни ҳам билади. Мен хитой тили лугатини еб қўйдими деб хавотирдаман. Қидириб ҳеч қаердан тополмаяпман... Бориб ишларингизни қила-веринг. Агар унга ҳеч ким эътибор қилмаётганини билса, Алойзийнинг ўзи ақл-ҳушини йиғиб олса керак.

Биз ошхонадан жуда хафа бўлиб чиқдик. Анатоль жуда яхши, ёқимли бола ва яхши ўртоқ эди, Алойзийнинг феъл-атворига эса мутлақо тоқат қилиб бўлмасди. У бизни масхаралар, Доғ жанобларига қўрслик қилас, бизга кечаси уйқу бермасди, Матеушнинг думидан патини юлиб оларди. Аввалига унга эътибор бермасликка тиришдик, лекин кўп ўтмай ундан ўзимизни четга олиб юришга ҳаракат қила бошладик, у бўш вақтини ёлғиз ўзи ёки Анатоль билан ўтказарди. Бечора Анатолни уриб, чимчилаб азобларди.

Алойзий қобилиятли бўлса ҳам, лекин жирканч бир нарса эди.

Вақтинча уни алаҳситиб туриш керак эди. Мен савобли иш қилишга аҳд этдим-да, уни боғда саъва тутамиз деб қирадим.

‘Алойзий рози бўлди. Биз хўрак учун қушқўнмаснинг поясидан олдик, тузоқларни маълум жойларга қўйиб, ўзимиз бутазорга кириб ётиб олдик.

— Академия жуда ҳам зерикарли,— деб юрагидагини очиқ гапирди Алойзий.— Сенлар тентаксанлар, Доғ жанобларингга тоқат қилиб ўтирибсанлар, мана кўрасанлар, мен имконият бўлиши билан қочиб кетаман.

Мен жавоб қайтармадим, у эса әътирофларини давом эттириди:

— Доғ жаноблари мени нега ўйлашга ўргатди-я? Шусиз ҳам бир кунимни кўрардим. Биламан, кўрининишмда ҳеч қандай фарқ бўлмаса ҳам сизларга ўхшамайман. Шунинг учун мен сизларни, айниқса Доғ жанобларини ёмон кўраман. Мен шунақаям иш қиласки, кўрасанлар ҳали! Бир умрга унутмайсизлар.

Унинг тажанглиги тутиб кетди, сўнг чарчаб, мадори қурниб бошини қўлига қўйиб, кутилмагандан ухлаб қолди.

Секин ўрнимдан турдим-да, тузоққа тушган саъвани қўйиб юбориб, оёғимнинг учидаги академияга чопиб кетдим.

Болалар ҳамма ишни қилиб бўлишганди. Хоналар ва заллар топ-тоза, ялтираб турар, қараб ҳавасинг келарди.

Биз барвақт овқатланиб, ухлагани кетдик.

Орамизда Алойзий йўқ әди, уни ҳеч ким өсига ҳам олмади. У тунни боғда ўтказишга аҳд қилган бўлиши мумкин. Мен сал ҳам ҳайрон бўлмадим: чунки унинг баданидан совуқ ўтмасди.

Биз эртасига меҳмонларни кутиб олиш учун ясандик. Доғ жаноблари оддий сюртукнинг ўрнига ёқаси яшил жигар ранг фрак кийиб олиб, академиянинг ичидаги индамай, у ёқдан-бу ёққа юрарди. У кечагидан сал-пал пастроқ әди, бироқ бу янги кийимда деярли билинмас әди.

Соат ўнда меҳмонлар кела бошлишди. Ҳовли турли, ажойиб жониворларга тўлиб кетди.

Кеч куз әди, аммо боғда қуёш заррин нурларини сочмоқда

эди. Гулпуштадаги ва гулхоналардаги гуллар кутилмаганда гуллади.

Пешайвон олдига аравалар, олтин суви югуртирилган файтонлар қелиб тұхтарди, учар гиламлар, учар сандиқлар ҳавода парвоз қиласынан. Қироличалар ва маликалар сарой ахли ва маҳрамлар ҳамроҳлигидеги ташриф буюрдилар. Бое-нинг барча хиёбонлари ажиналар ва митти одамларга тұлиб кетген эди, уларнинг сони Дөң жаноблари ҳовузни қоритиб қўйган ўша кундаги қурбақалардан кўп эди. Этик кийган Мушук. Чипор товуқча, Тентак айиқча, Бўзчи эчки, Оққуш-ғозлар, Айёр тулки, Турна ва Қўтон, Чигиртка ва Чумоли каби энг машҳур эртаклардаги қаҳрамонлар етиб келишди. Сув париси сув билан лиммо-лип ойнавонли карета-аквариумда келди, атрофида эса Тилла балиқчалар шалоплаб сизиб юрарди.

Дөң жаноблари меҳмонларнинг ҳаммаси билан шахсан таниш эди. Ҳаттоқи энг атоқлы шаҳзодалар ҳам Дөң жанобларининг таклифини шараф деб ҳисоблардилар. Шундай машҳур одамнинг ўқувчиси бўлиш қандайин баҳт-а, деб ўйладим ўзимча.

Мактаб зали Дөң жаноблари кенгайтиргандан кейин шунақаям катта бўлиб кетдики, меҳмонлар ҳатто уч марта, ё бўлмаса тўрт марта кўп келганда ҳам жой bemalol етган бўларди.

Меҳмонларнинг кўнглини овлаш бизга топширилган эди. Биз Дөң жаноблари томонидан тайёрланган ҳар турли тўкин овқатларни патнислар ва вазаларга солиб олиб 'борардик. Торт, печенье, шоколадлар дейсизми, гуллар, устига шакар сепилган мевалар, ёнғоқлар дейсизми, прянниклар, морожнийлар, мурабболар, узумлар дейсизми, шарқ эртакларидан келган меҳмонлар учун тайёрланган маҳсус овқатлар дейсизми ва ҳатто рангдор шиша синиқларидан, капалаклардан ва яронгуллардан тайёрланган компот дейсизми, ҳаммаси бор эди.

Биз овқат шинавандалари ва ўткир билимдонларни сочни ўстирадиган тұгмача дорилар, уйқу дорилар ва яшил суюқлик билан меҳмон қылдик.

Итоатгүй Қурбақача қулоғим тепасида ўтирганча, кимга нима олиб бориш кераклигини айтиб туарди.

Ҳамма меҳмонлар йиғилиб, жойларини әгаллаганларидан кейин биз деворнинг ёнида қатор тизилиб турдик. Рона соат ўн бирда Доғ жаноблари елкасида Матеуш билан минбарга күтарилди. Унинг устида жигар ранг фрак бор әди, соchlары түзиган ва юзида янги сепкилларнинг кўплигидан у жуда ҳам чиройли бўлиб кетган әди.

Залга жимлик чўқди.

Доғ жаноблари бир йўталиб олди-да, сўз бошлади:

— Водийларнинг, дарёларнинг нарёғи, осмон билан ернинг ўртасида Ойга борадиган ёлғиз оёқ йўл, кўзга кўринмайдиган ёлғиз оёқ йўл бор. Бу ёлғиз оёқ йўл борган сайин тиккаланиб бориб, гоҳ булутларнинг устидан, гоҳ яшил камалакнинг остидан, гоҳ зангори текисликдан ўтади. Тахминан бир ойдан сўнг ҳаммамизни Ойга олиб боради. Менинг ўнг кўзим у ерда бўлиб, жуда кўп нарсаларни кўриб келди. Мен ҳам, азиз дўстлар, кўзим кўриб келган ўша нарсалар тўғрисида сизларга ҳикоя қилиб бераман...

Ойнинг сатҳи мис, кумуш ва темир тоғлар билан қопланган. Тоғларни ғорларга бошлаб борадиган узун илон изи йўлаклар кесиб ўтган.

Горларда ойликлар деб аталувчи аҳоли яшайди.

Ойнинг сатҳи ҳаддан ташқари совуқ, ойдаги ойликлар шунинг учун ғорлардан ташқари чиқмайдилар. Ойликлар ингичка йўлакдан планетанинг ичкарисига тушадилар ва металл ерни ўядилар. Улар чумолига ўхшаш тиришқоқ ва меҳнат-севардирлар.

Ойда ўсимлик йўқ, ойликлардан бошқа ҳеч қандай тирик жон ҳам йўқ.

Ойликларнинг бадани булат рангидаги лойқа суюқликдан

ташкил топган бўлиб, у елим шаклини эслатувчи юпқа, муло-йим тери билан қопланган.

Ойликларнинг бадани турли шаклга кира олади.

Ҳар бир ойликда шиша идиш бор, ойликлар бўш вақти-нинг ҳаммасини шу идишнинг ичида ўтқазади. Ҳар бир идиш алоҳида шаклга эга, шу сабабли ойликлар бир-бирларидан фарқ қиласидилар.

Ойликларнинг турар жойлари мис ва темирдан ясалган ажойиб нарсалар билан жиҳозланган. Уч оёққа ўрнатилган ёки деворларга осиб қўйилган доиралар, ҳамма томони баравар тўртбурчаклар, кублар, косалар, тақсимчалар бор.

Ойликлар оловдан фойдаланмайдилар. Уларнинг ўзлари ёруғлик нурини сочадилар. Улар мисдан ишлаб чиқарилган яшил соққачалар билан озиқланадилар. Кумуш қўнғироқчанинг жаранглашига ўхшаш овозда гаплашадилар.

Ойликлар бизларга ўхшаш юрмай, балки булуутга ўхшаб сузадилар. Улар ишлаётганларида қуроллардан эмас, ўзларидан чиқаётган нурдан фойдаланадилар.

Ойнинг жанубий ярим шарида, Қатта Кумуш Тоғда ойликларнинг шафқатсиз ва қудратли ҳокими қирол Неслух яшайди. Бу — бадани маълум шаклга эга бўлган ягона ойликдир, шунинг учун ҳам у шиша идишдан фойдаланмайди. Қирол Неслух одамга жуда ҳам ўхшаб кетади. Унинг қўли, оёғи бор, аммо ҳозирча башараси йўқ. Боши каттакон силлиқ соққага ўхшайди.

Қирол Неслухнинг узун, ингичка қиличи бор. Гуноҳкорларни шу қилич билан ўлдиради.

Бир куни қирол Неслух ўз халқининг одатини бузиб, Кумуш Тоғнинг устига чиқиб қолган экан, шу пайт ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ҳодиса юз берибди...— Доғ жаноблари ҳинкоясини шу ерда тўхтатиб, сергакланди.

Доғ жанобларининг хавотири зумда бошқаларга кўчди. Боғдан бақириқ, шохларнинг шитирлаши, парчаланаётган ой-

наларнинг жаранглагани эшилди. У томонда тимадир бўйлаётганди.

Шовқин тез яқинлашди. Тўсатдан эшиклар тарақлаб очилиб, остоңада Алойзий пайдо бўлди.

Унинг ҳамма ёғи йиртиқ, ифлос, ўзи дарғазаб бўлиб, йўғон, сербутоқ таёқни силкитиб турарди.

Газабдан кўзлари ола-кула бўлиб кетганди.

— Бу ёқда әкансииз-да, жаноб Доғ! — у шундай бақирдики, баданим жимирилаб кетди.— Менсиж айш-ишрат қиляпсизми? А?! Демак, мени саъваларни боқишга юбориб, ўзингиз эртак айтиб беряпсизми? Биттангиз ҳам қолмай жўнанг ҳозир!.. — у шундай деб меҳмонларга таёқ ўқталди.

Доғ жаноблари асабийлашиб қошлигини чимириди.

Алойзий шундай деб столга сакраб чиқди-да, кучининг бўрича таёқ билан столни ураверди. Чарс-чурс, шақир-шуқур овозлар эшилди. Ойналарнинг, чинниларнинг, сополларнинг синиги, мураббо ва ширинликлар билан биргаликда сачраб яқин-атрофда ўтирган меҳмонларнинг башараларига тегарди.

Анатоль Алойзийни ушламоқчи бўлиб уринган эди, аммо бир мушт еб ерга ағдарилиб тушди.

Залда даҳшатли қий-чув, тўполон кўтарилиб кетди.

Бир қиролича ва икки ёш малика ҳушидан кетиб йиқилди, қолган меҳмонлар жойларидан сакраб туриб, баъзилари өшикка, баъзилари деразага ташландилар.

Доғ жаноблари Алойзийга дарғазаб бўлиб қараб турарди, у бир оғиз ҳам гапира олмади, фақат бўйи бир оз кичиклаши, холос.

— Ҳой жаноблар ва хонимлар! — давом этди Алойзий.— Тез бўлинглар! Вой Иркит Үрдакча-ей, қани вақт ғаниматда туёғингни шиқиллатиб қол-чи! Ҳа, Машшоқ Чумоливой, сенга алоҳида таклиф керакми? Қани, илдамроқ бўл! Энди мен буйруқ бераман! Ҳа-ҳа-ҳа!

Ваҳимада қолган меҳмонлар орасидан баланд бўйли, қад-

ди-қомати келишган гўзал хоним чиқди. У Алойзийнинг олдига яқинлашди-да, ғазаб билан:

— Мен қўғирчоқларнинг Маликасиман. Буюраман сенга: йўқол бу ердан! — деди.

Аммо Алойзий оддий қўғирчоқ эмас әди, шунинг учун қўғирчоқлар Маликасининг Алойзийга гапи ўтмади. Алойзий унинг башарасига қараб хахолаб юборди-да, орқасини ўгириб олиб, меҳмонларни ҳар томонга итариб бақира бошлади:

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, Доғ жаноблари! Мен бутун академияни оёгини осмондан қилиб юбораман! Тушуняпсизми! Оёгини осмондан қилиб юбораман!

Альфред чидолмай йиғлаб юборди.

Болалар Доғ жанобларига қараб турардилар. Мен хафа бўлиб, жаҳлим чиққанидан қалтираб турардим.

Зал секин-аста бўшади.

Жўнаб кетаётган файтун ва извошларнинг тарақ-турӯқи эшитиларди... Ҳушидан кетган қироличани маҳрамлар қўлларида олиб чиқиб кетишиди.

Доғ жаноблари билан фақат ўзимиз қолдик. У илгари қандай қиёфада турган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай қиёфада, бир нуқтага қараб турарди.

Зал кичрайиб, илгариги ҳолатига қайтди. Осмонни булут қоплаб, майда куз ёмғири ёға бошлади.

Алойзий Доғ жанобларининг қаршисидаги креслога гердан-йиб ва ҳаёсизларча ястаниб ётиб олди ва сурбетларча ҳуштак чалди.

Ниҳоят Доғ жаноблари ўзига келди-да, бўш залга назар ташлади, кейин бизга қаради. Биз ҳамон деворнинг олдидаги қимирламай турардик. Охирида Алойзийга қараб, ҳеч нима бўлмагандек:

— Болалар, афсуски, ойда яшовчилар ҳақидаги эртагими ни тамом қилолмадим. Энди уни иккинчи китобга қолдиришга тўғри келади. Яхши бўлмади. Овқатланадиган вақт бўлганга ўхшайди. Тўғрими, Матеуш? — деди.


Матеуш:

— Ўғри, ўғри! — деди-да ошхонага учиб кетди.

Доғ жаноблари Алойзийнинг олдидан унга эътибор бермай ўтди-да, ҳавога кўтарилиб, жигар ранг фракининг ҳилпираётган этагини қўли билан ушлаганча Матеушнинг орқасидан учиб кетди.

Бу одам шунақа олижаноб эди.

Доғ жанобларининг сирлари



рим йил илгари кундалик ёза бошлаганимда шунча жойни әгаллаши ва шунча қизиқ воқеалар бўлиши хаёлимга ҳам келмаган эди.

Айниқса сўнгги кунларда жуда кўп воқеалар юз берди. Уларни хотирлаб тартибга солиш жуда қийин.

Энг муҳими Доғ жанобларининг қандайдир кўнгилсизликка учрагани эди.

Унинг катталаштирувчи насоси бузилиб қолди. Бу Доғ жанобларининг бўйига таъсир қилди: у кундан-кунга кичрая бошлади. Шунинг учун у кундан-кунга ғамгин ва паришон хотир бўлиб борди, кутилмаган вақтда ўйланиб қоладиган бўлди. У бир куни тепага чиқиб кетатуриб ўйга чўмди-да, икки қаватнинг оралиғидаги панжаранинг устида бир неча соат ўтириб қолди. Яна бир куни лейка ушлаб столнинг устидан учиб кетаётганида, хаёлга чўмиб, қўй гўшти солинган тақсимчага тушиб кетди, тушиб кетганини пайқамасдан гўшт орасида то кечқурунгача ётди.

Энг муҳими Доғ жанобларининг бўйи кичраяётгани эди.

Хатто орамиздаги энг кичкина Альфред ҳам ундан хийла баланд эди.

— Мана кўрасиз, бир ойдан кейин Дөғ жаноблари бутунлай йўқ бўлиб кетади! — деб масхара қиласарди Алойзий.

Кейинги пайтларда Алойзий академияда ақлга сифмайдиган нарсаларни қиласарди. У эртаклар билан бўлган жанжалдан сўнг жуда ҳаддидан ошиб кетди. Унга бас келадиган киши йўқ эди. Дөғ жаноблари эса ҳамма нарсага бепарво қарарди.

Алойзий хоҳлаган вақтида турар, дарсларга келмай қолар, Дөғ жанобларининг расмини туш ойналарга масхаралаб чизар, рухсатсиз ошхонага борар, кастрюлканинг ичига қурбақа ва сувараклар ташлаб юборар, ҳаво шарларини тешар, ҳаммага тегишарди. Биз уни жуда ҳам ёмон қўрардик, фақат у ухлаган пайтда ёки уйдан чиқиб кетганда дам олардик, холос.

Дөғ жаноблари гўё бир нимадан қўрққандек, унга ҳеч қаршилик қиласди. Алойзийнинг безбетлиги ошган сари Дөғ жанобларининг иродаси ва кучи бўшашиб бораради. У ошхонада жуда кам кўринадиган бўлиб қолди, овқатларни қандай қилиб пиширишни унутиб қўйди, сепкиллар ҳақида қайғурмасди. Соч ўстирадиган тугмача дориларни ичмай қўйган эди, кўп ўтмай сочи тўкилиб кетди.

Алойзийнинг ҳатти-ҳаракатлари фақат Дөғ жанобларининг ўзига эмас, бутун академияга ҳам таъсири қилди. Шифтлар тушиб кетди, стол, стул, диван, шкафлар хунук, каравотлар кичкина бўлиб қолди. Бир вақтлари чангальзорларни эслатадиган бор хийла сийраклашиб қолган эди. Забардаст эманлар ва қайрағочлар кичкина, заиф дараҳтчаларга айланди.

Бу ўзгаришлар бирданига эмас, албатта секин-аста бўлди. Аммо бир ойдан сўнг у шунчалик сезиларли бўлдикни, ҳаммазиз қўрқиб кетдик.

Фақат Алойзийнинг руҳи тушмасди. У овозининг борича қўшиқ айтарди, ҳуштак чаларди, эшикни тақиллатарди, вит-

ринанинг ойналарини уради, Матеушни масхара қиласди, қисқаси, ҳеч кимга тинчлик бермасди.

Доғ жаноблари уни индамай кузатар, тепакал бошини қаширди, у эрта билан яшил суюқлик ичишни ҳам унуганди.

Биз академия тугаётганлигини билардик.

Доғ жаноблари Янги йил арафасида бизни мактаб залига тўплаб, ҳаяжонланиб деди:

— Қадрли болалар, атрофда нима бўлаётганини сўзсиз пайқаяпсиз. Менинг жуда ўзгариб кетганимни албатта ўзингиз кўриб турибсиз. Сиз мени минбардан кўришингиз учун стулга чиқишимга тўғри келди. Бироқ бир мен эмас, атрофдаги барча нарса кичкиналашди. Нима гаплигини албатта ўзингиз ҳам фаҳмляяпсиз. Ҳа, ҳа, дўстларим, менинг академиям ҳақидаги эртак ниҳоясига етиб қолди. Боҳабар бўлинглар. Кўп ўтмай академия мутлақо йўқ бўлиб кетади, мендан ҳам ном-нишон қолмайди. Сизлар билан хайрлашиш менга жуда оғир. Биз деярли бир йилни биргаликда ўтказдик, жуда ҳам хушчақчақ ва қизиқарли бўлди, бироқ ҳамма нарсанинг ҳам эртами-кечми охир-поёни бўлади.

— Бизнинг ҳолимиз нима кечади, жаноби профессор? — деб сўради Анастазий, йиғлаб юборай деб.

— Дўстим Анастазий,— деди Доғ жаноблари, — ҳар бирингизнинг ўз уйингиз бор. Бугун ярим тунда дарвозани албатта очгин-да, калитни анҳорга ташлаб юбор. Мен анҳор бўйига маҳсус чуқур ковлаб қўйдим. Доғ жанобларининг академияси ҳақидаги эртак шу билан тамом бўлади.

Ҳамма маъюс бўлиб қолди. Биз Доғ жанобларини ўраб олдик, унинг худди беш яшар боланинг қўлларига ўхшаш жажжи қўлларини ўпдик.

Доғ жаноблари бизларни қучоқлади, кал бошини силкиб, ёшларини сездирмай артди.

Бу жуда ҳам таъсирли манзара эди. Мен уни ҳеч қачон унугтолмайман.

Кеч кирди. Қор ёға бошлади. Дераза токчасига кумуш қорлар туша бошлади.

Доф жаноблари дарчани очиб, осмонга қаради-да:

— Болалар, хафа бўлманглар. Мен сизларга совға тайёр-лаб қўйдим. Юқорига юринглар,— деди.

У учинчи қаватга панжаранинг устидан худди парга ўхшаб енгил учиб чиқди, биз эса бир қанча зиналардан сакраб ўтиб, унинг кетидан шошилардик, Доф жаноблари у ердан бир даста калит олиб, барча әшикларни очди. Биз аллақандай зимистон бинога кирдик.

Доф жаноблари тантана билан ёнмайдиган чўнтағидан шам чиқарди.

Ҳамма ёқ кундуздек ёруғ бўлиб кетди. Биз каттакон залда турадик, залнинг ўртасида турган ҳашаматли арчанинг юзлаб чироқлари тўсатдан чарақлаб ёниб кетди. Арча мисли қўрилмаган гўзал ўйинчоқлар билан безатилган эди. Теврагига олтин занжирлар ва кумуш иплар тортилган эди. Ҳамма ёғига сохта қор парчалари сепилган эди. Арчанинг ёнида ясатилган стол туради. Биз шовқин-сурон билан стол атрофига ўтирдик. Синчиклаб қараб бир вақтлари касал нарсаларни тузатадиган шифохонанинг ўзгинасида турганлигинизни билдим. Бу ерда Доф жаноблари тузатган стол, стул, курси, соатлар бор эди.

Доф жаноблари ўз одатига хилоф қилиб, бугун биз билан биргаликда овқатланди.

Биз овқатдан сўнг арча олдида тўпландик, Доф жаноблари эса қорбобонинг либосини кийиб, бизга янги йил совғасини улашди.

Алойзийнинг навбати келганида орамизда йўқ эканлиги билиниб қолди. Овқат вақтида ҳам бўлмаганлиги шундагина ёдимиизга тушди.

Доф жаноблари хавотир ола бошлади:

— Алойзий қани? Унга нима бўлди? Матеуш, қаерда бўлмасин тез топиб кел!

Анатоль қўрқиб, стулдан иргиб турди.

— Жаноби профессор! — деб бақириб юборди у.— Мен үнинг қаердалигини биламан! Мен бунаقا қилма — яхши өмас, деб илтимос қилдим, ялиндим! У менга қулоқ солмади.

Доғ жаноблари Анатолнинг елкасига маҳкам ёпишиб олди:

— Сўзла, сўзла!.. Алойзий қаерда?!

— У сирлар турадиган хонада, жаноби профессор,— деб ғулдуради даҳшатга тушган Анатоль ва ҳушидан кетиб йиқилди.

Мен бехосдан шифтга қараб қолдим. Тепада ниманингdir оёқ товуши эшитиларди.

Доғ жаноблари бир сакраб деразага етди-да, дарчани очиб, кўчага чиқиб кетди.

Биз даҳшатга тушиб қолдик. Доғ жанобларининг сирларига ҳеч қайсимиз ҳеч қачон тажовуз қилишга ботинмаган бўлардик. Бунинг қандай хавф түғдиришини билардик. Энг камида академиядан ҳайдалардик. Доғ жанобларини жуда севганимиз ва ҳурмат қилганимиз учун ҳам бундай ишни қилишга ботина олмасдик. Бундай қилиқни қилишга фақат биз ёмон кўрадиган, безбет, гердайган қўғирчоқ Алойзий қодир эди.

Биз бу ёғи нима бўларкин, деб қўрқиб кутиб турдик.

Қўққисдан эшик очилиб, остоңада Алойзий пайдо бўлди. Унинг ҳамма ёғи қоракуя әди, қўлида әса қора дараҳтдан ясалган кичкина сандиқча ушлаб турарди.

— Мана! Доғ жанобларининг сирлари! — деб бақирди у.— Кўришни хоҳлайсизларми? Сир эмиш! Ҳа-ҳа-ҳа!

У сандиқчани столнинг устига тўнкарган әди, ичидан ўқиб бўлмайдиган майда хат ёзиб тўлдирилган жуда нафис чинни тўртбурчаклар тўкилди. У ерда нима ёзилганини албатта биз билолмадик. Хитой тилини ҳеч қайсимиз билмасдик. Биз Алойзийнинг бадбашара қиёфаси ва ўтакетган сурбетлигига ҳайрон қолдик.

— Хитойчани биргина мен ўқийман,— деди мақтанчоқлик билан Алойзий.— Доғ жанобларининг сирларини биргина мен оча оламан. Мана ҳозир биз унинг қанақа аҳмоқ эканлигини биламиш! Ҳа-ҳа-ҳа!

Кутилмаганда дарчада Доғ жанобларининг ғазабдан оқарип, ўзгариб кетган чеҳраси кўринди. У хонага учеб тушди. Мана шу бир неча дақиқа ичида у деярли икки баравар кичрайиб, уч яшар болага ўхшаб қолди.

Алойзий чинниларда нима ёзилганини ўқишга улгурмаслигига кўзи етиб, бир ҳаракат қилиб, уларни ерга тушириб юборди-да, оёқлари билан босиб эзив ташлади.

Ҳеч ким унга ҳалал беришга улгуролмади.

— Алойзий, сен менинг сирларимни йўқ қилдинг,— Доғ жанобларининг тўсатдан мулойим, аммо заҳархандали товуши эшитилди,— мен эса сени йўқ қиласман.

У шундай деб катталаштирувчи насосни қулоғига олиб бориб қўйди-да, соч ўстирадиган бир нечта тутмача дориичган эди, бир зумда илгариги, катта ва гўзал Доғ жанобларига айланди.

Алойзийнинг жасурлигидан ном-нишон ҳам қолмади.

Доғ жаноблари шкафдан катта чарм чамадонни олди-да, столнинг устига қўйиб, очди. Сўнг Алойзийни кўтариб, чамадоннинг ёнига ўтиргизиб қўйди.

Биз нафасимизни ичимишга ютиб, юз берадиган воқеаларни кузатардик. Доғ жаноблари аввал Алойзийнинг ўнг қўлини бураб чиқариб олиб, ўни чамадонга ташлади. Сўнг иккинчи қўлини, кейин иккала оёғини бураб чиқариб олди. Столда фақат Алойзийнинг танаси билан боши қолди холос.

У чурқ этмас, Доғ жанобларининг ишини даҳшат билан кузатарди.

Доғ жаноблари Алойзийнинг бошини икки бармоғи билан ушлаб чапга бурди. Мурват осонгина бўшаб, Алойзийнинг боши танасидан ажради. Сўнг Доғ жаноблари калланинг

тепа қисмидаги мурватларини бўшатиб; бошнинг ичидаги бор нарсаларни чамадонга тўқди. У ерда ҳарфлар, пластинка-лар, шиша найчалар, бир талай парракчалар ва пружина-лар бор эди.

Сўнг Доғ жаноблари Алойзийнинг танасини қисмларга бўлиб тартибга солди-да, ҳамма қисмларни чамадонга жойлаб, чамадоннинг қопқоғини ёпиб қўйди.

Биз енгил нафас олдик: Алойзийнинг жирканч, масхари-ли ҳаёти тамом бўлди.

Фақат Анатолнинг кўзларида ёш бор эди холос.

— Эй худойим! — деб пицирларди у. — Эй худойим! Филиппга нима дейман? Ахир у менга, Алойзийни эҳтиёт қил, деб буюрган эди. Бирам чиройли қўғирчоқ эди-я!.. Бирам чиройли эди-я!..

Шу орада Доғ жаноблари яна кичкиналашди-да, биз томонга қайрилиб қараб шундай деди:

— Болалар, хафа бўлманглар. Эртагимиз шундай тамом бўлишини билган эдим. Алойзий менинг барча сирларимни йўқ қилиб юборди. Энди мен рангли шишачалардан овқаг пишира олмайман, ҳавода учолмайман, бошқаларнинг ўйла-ётган фикрларини топиб беролмайман, буюмларни зарур вақтида катталаштиrolмайман, касал буюмларни шифолай олмайман. Мен барча эртакларда ном чиқарган сеҳргарлик кучимни йўқотдим... Нима ҳам дердим, майли!.. Энг муҳими — умидсизланмаслик керак... Яхшиси, келинглар, хайрлашиш олдидан янги йил қўшигини куйлайлик...

Доғ жаноблари оғзини очишга улгурмаган ҳам эди, эшик очилиб, сартарош Филипп кириб келди. Унинг пўстини ва телпаги қор эди.

— Нима учун дарвозани очмадинглар? Гаранг бўлиб қолдиларингми? — деб бақирди у, разабдан қизариб кетган эди.— Девордан ошиб тушишга тўғри келди. Тентаклар! Академиянгиз жонимга тегди! Анатоль, отлан, уйга кетдик, Алойзий қаерда?

Анатоль Филиппнинг олдига қўрқа-писа яқинлашди.

— Алойзий... Алойзий... Ҳув, чамадоннинг ичида,— деб фулдуради у.

Филипп чамадонга ташланиб, ичини очди-да, даҳшат босиб ўзини орқага ташлади.

— Ҳали шунаقا денг, Доғ жаноблари! — деб шивирлади тишлари орасидан у,— берган ваъдан шундай бажаряпман денг? Мен бу қўғирчоқнинг устида йигирма йил ишлаган эдим. Мен сизга мана шу қуриб кетгур академияни очиш имкониятига эга бўлинг деб, сепкиллар, ранги шишаҷалар олиб келиб бериб турдим, бутун бойлигимни бердим. Барча қилган яхшилигим эвазигами бу? Мен Алойзийни инсон қиласиз деб ўйлаган эдим, сиз-чи? Бутун ҳаётим давомида қилган меҳнатимни йўқ қилдингиз! Йўқ, осонликча қутулмайсиз! Ўчимни оламан! Филиппнинг жаҳли чиққанда нимага қодир эканлигини сиз билмайсиз ҳали! Билмайсиз!

У шундай деб чўнтағидан устара чиқарди-да, очиб, арчанинг олдига югуриб борди.

Доғ жаноблари чурқ этмасди, фақат яна бир оз кичрайди.

Филипп арчадаги барча шамларни қирқиб олиб, пўстинининг чўнтақларига тиқди. Зал қоронги бўлиб қолди. Кейин нима воқеа юз берганини билмайман. Қўрқиб йўлакка отилдим-да зинадан пастга юмалаб тушиб, ҳовлига югуриб чиқдим.

Декабрнинг совуқ туни эди. Ой нуридан ва оппоқ қорнинг ялтирашидан бутун академия, девор ва боғ кафтда тургандек қўринди.

Ёнимдан Анастазий чопиб ўтиб кетди ва мен қулфнинг очилаётганини эшитдим. Анастазий дарвозани очди, мен ёнимдан чопиб ўтиб кетаётган ўртоқларимни худди тушимда кўргандек ҳис қилдим.

Мен уларга: «Кўришгунча хайр, болалар!», — деб бақирмоқчи эдим, аммо овозим чиқмади.

Эртак билан видолашув



Й нури кўзимга тушар, атрофдаги ҳамма нарса унинг сирли шуъласига ғарқ бўлган эди.

Қагтиқ чарчаганимни скамейкага ўтирганимда сездим. Кучим борича ухлаб қолмасликка ҳаракат қилдим.

Кўп ўтмай ғалати воқеанинг гувоҳи бўлдим: кичрайиб, аввалги улуғвор, гўзаллигини йўқотган академия биноси кўз ўнгимда яна кичрая бошлади. Боф ҳам, боғни ўраб турган деворлар ҳам кичрая бошлади.

Кўзларим хиралашиб, бошим ғувиллаб кетди.

Академия минут сайин кичрая борарди.

Катталиги оддий шкафдек бўлиб қолганида эшигидан кичкинагина гавда чиқиб, мен томонга келди. Бу Доғ жаноблари эди. У бир вақтлари стаканнинг ичида кўрганимдек кичкина бўлиб қолган эди.

Шу орада осмон пасайиб, шифтга ўхшаб қолди, ой эса лампочкага айланди.

Вақт жуда тез ўтарди, атрофдаги ҳамма нарса тобора кичрая борди. Киприкларим ёпишиб қолиб, уйқу босди.

Кўзимни қайта очганимда каттадан кичикка айланишлар ниҳоясига етиб қолган эди.

Мен каттакон юмалоқ абажур билан ёритилган хонада әдим. Академия Матеуш ўйга ботиб ўтирган қафасга айланди. Мен боғнинг ўрнида дараҳтларнинг, буталарнинг, гулларнинг сурати туширилган жуда ҳам чиройли яшил гилами кўрдим. Тўсиқлар китоб жавонларига, эшикчалар эса устуга олтин ҳарфлар ёзилган китобларнинг муқоваларига айланиб қолди. Улар орасида Андерсен ва ака-ука Гриммларнинг барча эртаклари, Қўнғизча ҳақидаги, Балиқчи ва

Балиқ ҳақидаги әртаклар, Қор қиз ва Етти ажина тұғрисидағы әртаклар ва бошқа жуда күп әртаклар бор эди.

Мен диванда ўтирадим, ёнимда — ерда эса Доғ жаноблари туради. Унинг бүйи жимжилоқдай бўлиб қолган, қўл ва оёқларини ажратиш қийин эди, фақат кал бошигина лампочкаларнинг ёруғида ялтираб кўринарди.

Мен уни эҳтиёткорлик билан икки бармоғимда кафтимга қўйдим. Доғ жаноблари эшитилар-эшитилмас чийиллади:

— Алвидо, Адась. Ажраладиган пайт келди. Сен ёқимтой ва хушмуомала бола эдинг. Ишларингга муваффақият тилайман. Қим билади дейсан, балки бошқа бирор әртакда яна учрашиб қолармиз.

У шундан кейин яна икки марта кичрайди.

У олхўридан ҳам кичкина, деярли ёввойи ёнгоқдай бўлиб қолди. Шу вақт кутилмаганда мўъжиза юз берди!

Бўйи зигирдек келадиган зот Доғ жаноблари бўлишни бас қилиб, тугмачага, пушти ранг оддий суюк тугмачага айланди. Матеуш ҳам худди шуни кутиб тургандек эди.

У қафасдан чиқиб, елкамга қўнди, сўнг кафтимга сакради-да, тугмачани тишлаб, ерга учиб тушди.

Бу бўғдихонлар қалпоғининг тугмачаси, доктор Пай-хивонинг Матеушни шаҳзодага айлантириши керак бўлган сехрли тугмачаси эканлигини фаҳмлаган бўлсангиз керак. Доғ жаноблари ўша тугмача эканлиги, доктор Пай-Хи-вони одамга айлантиргани энди эсингизга тушгандир?

Мен фақат Матеуш ўзгарганидан кейин пайқадим. У кутилмаганда ўса бошлади. Қанотлари қўлга айланди, оёқлари узунлашди, тумшуғи ўрнида инсон юзи пайдо бўлди.

Матеуш кўз ўнгимда бошқа қиёфага кириб борарди. Бир неча дақиқадан кейин у мендан баланд бўла бошлади. Нима гаплигини фаҳмлаб олгунимча рўпарамда баланд бўйли, сочларига оқ оралаган ўрта яшар киши пайдо бўлди.

Мен икки букилиб таъзим қилиб, дедим:

— Сиз олий ҳазратларининг ўз ҳолингизга муаффақият-

ли қайтишингизни биринчи бўлиб табриклаганим учун бениҳоя хурсандман. Отангизнинг тахтини тезроқ әгаллаши шингизни чин кўнгилдан истайман.

Мен унчалик келишириб сўзлолмадим, ахир дурустроқ маъноли гап ўйлаб топиш учун вақт йўқ әди-да. Матеуш инсон қиёфасида менга диққат билан қулоқ солиб турди, кейин куттилмаганда қаҳ-қаҳ уриб кулиб, юзларимни силаб:

— Қадрли болакай! Мен ҳеч қандай шаҳзода әмасман. Сенга шунчаки эртак айтиб бердим, холос, сен бўлсанг унга ишондинг. Бўриларнинг қироли ҳақидаги воқеани ўзим тўқидим, — деди.

— Қиролни-чи? Шаҳзодани-чи? Доктор Пай-Хи-вони-чи? — деб сўрадим ажабланиб.

— Эртак эртаклигича қолади, ширин бола, — деб жавоб берди у жилмайиб.

— Ўзинг кимсан, Матеуш? Нималар бўляпти ўзи? — деб сўрадим мен гапни бошқа ёқقا буриб.


— Мен Доғ жаноблари ҳақидаги китобнинг авториман, — деб жавоб берди инсон. — Мен бу қиссани ғаройиб воқеаларни севганим учун ёздим. Уларни ёзаётган вақтимда ўзим ҳам жуда хурсанд бўламан.

У шундай деб столдаги китобни олиб ёпди-да, жавондаги бошқа китобларнинг қаторига қўйди.

Мен китобдаги қуйидаги сўзларни кўрдим:
Доғ жанобларининг академияси.



ИККИНЧИ КИСМ
Доф
ЖАНОБЛАРИНИНГ
Саёхатмари



Эртагистон



у воқеа сиёҳ мутлақо оқ, бўр эса мутлақо қора бўлган қадим замонларда содир бўлган. Ҳа, ҳа, дўстлар, сиёҳ мутлақо оқ, бўр эса мутлақо қора бўлгаи. Қанчалик чалкашлик ва англашилмовчилик ҳукм сурганини тасаввур қилинг-а! Оқ қофозга оқ сиёҳ билан, қора доскага қора бўр билан ёзишга тўғри келарди. Бундай ҳарфларнинг мутлақо кўринмаслигини албатта пайқагандирсиз. Ўқувчи иншо ёзарди, ўқитувчи эса ёзилган ёки ёзилмаганини билолмасди. Ўқувчилар ҳам ҳар турли бўлмағур гапларни ёзар, уларни текшириш эса ҳеч кимнинг қўлидан келмасди. Хатларни ҳам ўқиш мумкин эмас эди, шу сабабли қадим замонларда камдан-кам одам хат ёзган.

Тўғри, идораларда чиновниклар қалин китобларга нималарнидир ёзардилар, аммо у китоблардан ҳам бирон-бир ҳарф, бирон-бир сонни топиш мумкин эмасди. Ҳарфлар мутлақо кўринмасди. Агар идораларнинг қадимги китобга ёзини

одати бўлмаганида бу сердиқкат ва фойдасиз ишлардан эҳтимол аллақачон воз кечилган бўларди.

Одамлар бу имзоларни ҳеч ким ва ҳатто ўзлари ҳам кўра олмасликларини жуда яхши билсалар-да ҳар турли қоғоз ва ҳужжатларга имзо чекардилар. Ҳатто, энг жимжимадор қилиб қўйилган имзо ҳам бари бир бекор кетишини улар жуда яхши тушунардилар. Аммо имзо чекишини жуда қадим замонлардан буён яхши кўрадилар, шунинг учун ҳам улар оқ сиёҳ оқ қофозда кўринмаслигига аҳамият бермасдилар. Агар Амброжий Доғ жаноблари бўлмаганидами, бу одатларнинг қачонгача чўзилиши номаълум эди.

Машҳур донишманд ва саёҳатчи, улуғ доктор Пай-Хи-воннинг шогирди, машҳур академиянинг асосчиси бир куни Сказар ярим оролидаги портлардан бирида тушди.

Доғ жаноблари узоқ саёҳатдан сўнг ярим оролнинг фарбий соҳилидаги каттакон ва бой мамлакатга — Эртагистонга етиб келди. У ердагиларнинг хушмуомалалиги ва меҳмондўстлиги, йигитларининг мардлиги ва қизларининг гўзаллиги, уларнинг эртакларга бўлган муҳаббати Доғ жанобларини мафтун этди ва унда бу халқнинг ҳаёти ва урф-одатлари билан яқиндан танишиш истаги туғилди.

Шундай қилиб, Доғ жаноблари Эртакия тоги этагига жойлашган Эртагистон пойтахти Исто-Рико шаҳрига кўчиб келди. Исто-Рикодаги кўпчилик аҳоли гулларни кўпайтириш билан шуғулланарди, боғларда, гулхоналарда ва боғчаларда энг ноёб хил гуллар ўсарди. Шаҳар ўсимликларга кўмилиб кетган, худди сеҳрли боққа ўхшарди.

Атир гуллар, ясминлар ва қалампиргулларнинг хушбўй ҳиди босиб кетган Исто-Рико ҳавоси аҳолини маст қилиб қўйган, эҳтимол шунинг учун эртак тўқишини кўпроқ яхши кўрсалар керак. Боғларнинг хиёбонларида гулга бурканган эртакчилар чиройли кийимларда эртаклар айтиб берардилар. Уларнинг эртаклари шундай ажойиб эдики, бу эртакларни дунёдаги биронта одам ҳам такрорлай олмасди.

Эртагистонликларнинг тили бошқа тилларга жуда ҳам ўхшаб кетарди, фақат уларнинг тилида «у» ҳарфи йўқ эди. Ҳа, ҳа, дўстларим, уларга «у» ҳарфи мутлақо намаълум эди. Эртагистонликлар шунинг учун «узоқ» сўзини «зоқ», «улоқ» сўзини «лоқ», «қулоқ» сўзини «қлоқ», «қуруқ» сўзини «қрқ» дердилар. Доғ жаноблари уларнинг тили хусусиятларини жуда тез ўзлаштириб олди ва бир неча кундан кейин мукаммал эгаллади.

Эртагистонликлар икки қаватли кичкина-кичкина уйчаларда яшардилар. Уйларининг атрофи майса ва гуллар билан ўралган бўлиб, бу майса ва гулларнинг тепасида миннелаб олачипор капалаклар учиб юрарди. Бу манзарадан шаҳар яна ҳам гўзал бўлиб кўринарди. Бу ерда деярли йил ўн икки ой — эрта тонгдан то ярим кечагача — қушлар сайрапарди: Эртагистонда куз ва қиши жуда ҳам оз — бор йўғи бир ой, беш куну икки соат бўларди, холос.

Мамлакатда ҳар йигирма йилда бир марта эртакчилар йиғилиши бўларди. Бу йиғилишда мамлакатнинг барча аҳолиси тўпланиб, Улуғ Эртакчини сайлардилар.

Бунда энг қизиқарли эртакларнинг автори Улуғ Эртакчи номини оларди. Меҳмонлар ҳиди ниҳоятда нафис ва бошқа гулларнинг ҳидига нисбатан камроқ маст қиласидан Лолалар Водийсида чодирлар қурардилар. Эртакчилар водийнинг ўртасига қурилган минорага бирин-кетин чиқиб, ўзларининг бисотидаги эртаклардан энг яхсисини айтардилар. Ҳамма эшиксин учун жуда қаттиқ гапиришга тўғри келарди, шунинг учун эртакчилар овозларини яхшилаб парвариш қилиш мақсадида ҳамиша асал ёки тутнинг шарбатини ичардилар. Ҳалойиқ уларнинг эртакларини нафасларини ичларига ютиб ёшитарди, чунки эртагистонликлар учун оламда эртакдан кўра гўзалроқ ва қизиқроқ нарса йўқ эди.

Ҳа, ҳа, ишонаверинг, дўстларим, улар ҳамма нарсадан кўра кўпроқ эртакни севардилар. Эртакчилар мамлакатда жуда ҳам кўп бўлгани сабабли, улар ўзларининг эртаклари-

ни икки ойлаб, баъзан ҳатто уч ойлаб айтардилар. Айтганда ҳам тонг отгандан бошлаб кун ботгунга қадар айтардилар. Лекин тингловчилар ҳам қимирамай эшитиб ўтирадилар. Ахир йиғилиш йигирма йилда бир марта ўтарди-да. Қимираган жон борки, жим ўтиради, фақат аҳён-аҳёнда ўзини тутиб қолишга кучи етмаган кимсаларгина чор-ночор акса уриб юборарди, холос.

Ҳар қайси тингловчига фил суюгидан ясалган золдир бериларди. Бу золдирни у маъқул тушган эртакчига берарди. Энг кўп золдир тўплаган одам Улуғ Эртакчи номига муносиб бўларди. Үнга Эртагистондаги олий ҳокимият нишонаси — қагтакон олтин пат топшириларди ва одамлар музика садолари остида Улуғ Эртакчини Эртакия тоги чўққисида юксалиб турган мармар саройга тантанавор кузатиб борарадилар. Улуғ Эртакчи у ерда хушбўй сандал дараҳтидан ўйиб нақшланган чиройли тахтга ўтқазиб қўйиларди ва у шу ондан бошлаб йигирма йилгача Эртагистон давлатининг бошлиғи бўлиб

Эртагистон тилла

узон ~ зоқ
улоқ ~ лоқ
қумоқ ~ қлоқ
қуроқ ~ қроқ

умр ~ мр
муз ~ тз
бурсак ~ бргак
уста ~ ста

қоларди. Давлатни бошқаришда унга эртакшунослар ёки давлат маслаҳатчилари деб ном олган бошқа еттига энг яхши эртакчи кўмақлашарди.

Халқ Улуғ Эртакчини иззат қилас ва унга итоат этарди.


Машҳур боғбонлар унга энг камёб гуллар ва ўзларининг асалариларидан олинган хушбўй асал юборардилар. Эртагистоннинг капалакка ўхшаш ёш раққосалари саройдаги кичкина ўтлоқларда товусдек товланиб ўйнаб, унинг кўнглини овлардилар. Энг яхши созандалар дараҳтларнинг соясида ўтириб, унга чўпчаксозларда турли куйлар чалиб берардилар. Улар шамолнинг шувиллашига, ариқларнинг шилдираб оқишига, қушларнинг қанот қоқишига, баргларнинг шитирлашига, асалариларнинг ғувиллашига тақлид қиласдилар.

Ҳар бир созанда Улуғ Эртакчининг эртак айтиш борасидаги илҳомини сўндириласлик учун қўлидан келганча ҳаракат қиласдари.

Аммо Эртагистон ҳалқининг энг катта бойлиги — эртаклар кундан-кунга йўқолиб борарди. Уларни бошқа ҳалқлар у ёқда турсин, ҳатто эртагистонликларнинг авлодлари ҳам эшига олмасди. Янгидан-янги эртакларни ҳеч ким эсида сақлаб қола олмасди, қандай қилиб ёзиб олишни эса билмасдилар, чунки сиёҳ оқ эди. Ҳа, ҳа, дўстларим, ишонаверинг, ўша пайтларда ҳали қора сиёҳ йўқ эди.

Бир куни эртагистонлик олимлардан бири баъзи ҳарфларни, йўқса бир қанча сўзларни ифодалайдиган тугунча боғлашни таклиф этди. Бу таклиф кўпчиликка маъқул тушди. Олимнинг таклифи ўша кундан бошлаб кучга кирди.

Эртакчилар ўзларининг ижодларини мана шундай мураккаб усул билан ипга тугунча солиб, уни копток қилиб ўрай бошладилар, тугунчаларни ўқиш билан эса шу санъатни ўрганган қизлар шуғулланарди. Тез орада бир қанча кутубхоналар пайдо бўлиб, кутубхоналарда ҳозирги кунда сақланаётган китобларга ўхшаб тугунчали копток иплар сақлана бошлади. Эртагистоннинг минглаб эртаклари шу йўл билан



абадий сақлаб қолинди. Ипга тугунча солиш санъати ҳам борган сайин кўпроқ такомиллаша борди.

Бироқ бир куни ҳатто мамлакатдаги энг доно одамларнинг ҳам кўзлари кўрмаган, қулоқлари эшитмаган баҳтсизлик юз берди. Ёз кунларининг охирида Эртагистонда фақат тугунча билан овқатланадиган ҳашаротлар — тугунчахўрлар пайдо бўлиб қолди. Ҳашаротлар жуда ҳам майда бўлиб, чивиндан ҳам кичкина эди, аммо кўпайишга келганда жуда ҳам тез кўпайиб кетди. Шу даражага бориб етдики, атиги бир соат мобайнида барча кутубхоналарга бостириб кириб, эртагистонликлар нима гап бўлаётганини тушуниб етганичка Эртагистоннинг хазинасини — копток иплардаги барча тугунларни еб қўйдилар.

Улуғ Эртакчи даҳшатга тушиб, ўз маслаҳатчилари билан Исто-Рико халқ кутубхонасига келганда кутубхонада фақат чанг ва тугунчаларни еявериб шишиб кетган очофат чивинлар галаси учиб юарди, холос.

Улуғ Эртакчи ўзининг таҳтига ўтириб олиб, узоқ ўйлаб қолди, бутун бир ҳафта давлат ишлари билан шуғулланма-

ди. Маслаҳатчилар ўз ҳокимининг эртакларини эслаш учун беҳуда ҳаракат қилдилар. Кейин мармар саройнинг деразалари ёпилди, мамлакатда бир неча ойгача бутун халқ мотами өзлон қилинди.

Ниҳоят эртагистонликлар хафагарчиликларини енгиб, кундалик машғулотларини бошладилар, лекин олимлар эртакларни қандай сақлаш кераклиги ҳақида яна бош қотира бошладилар.

Бироқ янги изланиш ҳеч қандай натижа бермади. Эртакларнинг ҳаёти, Исто-Рико боғларининг устида учиб юрган капалакларнинг ҳаётига ўхшаш, илгаригидек қисқалигича қолаверди.

Буларнинг ҳаммаси Аполлинарий Вайсақий номли Улуғ Эртакчи ҳукмронлик қилган даврда содир бўлган эди. У Эртагистоннинг эртакчилик тарихида энг улуғ шарафга сазовор бўлди ва халқ унинг барча ўтмишдошларига нисбатан кўпроқ ҳурматларди.

У ёши элликлардаги, оёқлари калта-калта, семиз киши эди: у хушбўй сандал дараҳтидан ўйиб нақшланган чиройли тахтида ўтирганида оёқлари ерга тегмасди. У жуда ҳам мулојимлиги ва хушмуомалалиги билан бошқалардан ажralиб турарди. Унинг юзи думалоқ, боши кал, кичкина кўзлари ҳамиша кулиб турарди, бурни эса тахсимчада энг охирида қолган қизил редискани эслатарди.

Улуғ Эртакчи ҳафтада бир марта мармар саройнинг айвонида пайдо бўлар ва боғда йиғилган халойиқа ўзининг янги эртакларини айтиб берарди. Аммо бу эртакларни биронта одам ҳам эслаб қололмасди, сабаби, бу эртаклар ҳаддан ташқари сеҳрли эди. Ҳа, ҳа, дўстларим, ишонаверинг, бу эртаклар жуда ҳам ажойиб ва ғалати эди. Лекин Эртагистон халқи бу эртакларни бошқа шаҳар ва мамлакатларнинг аҳолиси ҳеч қачон эшита олмаслигига чида буролмасди.

Бир куни Эртакия тоғидаги мармар саройда чет мам-

лакатлик номаълум одам пайдо бўлиб, Улуғ Эртакчи билан сўзлашмоқчи эканини билдири.

Уни Улуғ Эртакчи Аполлинарий Вайсақий сандал дарахтидан қилинган таҳтда калта оёқларини ликиллатиб ўтирга залга бошлаб бордилар. Келгинди Улуғ Эртакчининг талантига чуқур ҳурмат билдири, қаршисида икки букилиб эгилди-да:

— Мен кўп саёҳат қилдим, кўп нарсани кўрдим, аммо яна ҳам кўпроқ нарсани биламан,— деди.— Мен Сиз Эртакчи Жаноби олийларининг эртакларини бир неча бор эшитганиман ва Сиз Эртакчи Жаноби олийларининг ажойиб ижоди жаҳондаги барча одамларнинг хазинаси бўлиб қолмаётганлиги учун мен ҳам сизнинг барча ҳалқингиз қатори мотам тутмоқдаман, лекин агар Эртакчи Жаноби олийлари ижозат берсалар, бир таклифим бор эди. Жаноби олийлари истасалар сиёҳни қора қиласидиган моддани бир йил ичидаги топиб келган бўлур эдим,— деди.

Улуғ Эртакчи кўзини бақрайтириб, оғзини катта очиб қолган эди, нотаниш одам давом эттириди:

— Қамина, қора ва оқ рангларнинг конларига борадиган ўйларни билади ва бир йилдан кечикмасдан Эртагистонга шунчалик кўп ранг олиб келиши мумкини, у мамлакатинингиздаги барча эртакчиларга етиб ортиб қолади.

Улуғ Эртакчи ҳаяжонланганидан қизариб кетди, кейин сқарди ва ниҳоят ўзини қўлга олиб, сўради:

— Эвазига қандай мукофот талаб қиласан, муҳтарам чет эллик киши?

Аммо чет эллик киши марҳамат юзасидан кулимсираб қўйди-да, деди:

— Бойлик ҳақида фақат хасислар ва бекорчи, ялқовлар ўйлайди, биз эса олимлармиз, инсониятнинг баҳт-саодати ҳақида ўйлаймиз. Эртакчи Жаноби олийлари менинг ихтиёримга ўзларининг кемаларидан биттасини, тажрибали капитан ва унинг ёнига ўттиз кишини қўшиб берсалар бўлди. Вас-

салом. Қолганини каминанинг фаҳм-фаросатига, ақл-идро-
кига ва тажрибасига қўйиб беринг. Ишонаманки, ўз ваъдам-
нинг устидан чиқаман.

Улуғ Эртакчи гоҳ қизариб, гоҳ оқариб кетди, кейин нақш-
дор таҳтидан сакраб тушди-да, ҳаяжонини яшира олмай чег
эллик кишини қучоқлаб хитоб қилди:

— Қора сиёҳ! Ҳақиқий қора сиёҳ! Олижаноб чет эллик
киши, менга ўз исмингни айт, муборак исмингни халқим ҳам
 билсин.

Чет эллик киши камзулининг этагини тортиб қўйди-да,
сочини силади, кейин бир йўталиб олиб, шундай деди:

— Мен шундан бошлишим керак эди. Мен фалсафа,
кимё ва медицина фанлари доктори, улуғ доктор Пай-Хи-во-
нинг шогирди ва ассистенти, Саламанкадаги университет-
нинг математика ва астрономия фанлари профессори Доғ
Амброжийман.

У шундай деб, қаддини тиклаб, бошини мағрур кўтарди.

— Мен шу бугун буйруқ бераман, қандай бажарганлик-
ларини эса эртага ўзим текшираман,— деди Улуғ Эртакчи
кўзларига ёш олиб.

Эртасига, тушликдан кейин янги, жуда яхши жиҳозлан-
ган «Аполлинарий Вайсақий» кемаси портдан жўнаб кетди.
Қирғоқда Улуғ Эртакчи турарди, қизиқарли узоқ сафарга,
саргузаштларга тўла номаълум ёқларга кетаётган Доғ жа-
ноблари шаънига ўн беш замбаракдан бир йўла уч мар-
тадан ўқ узиб салют берилди.

Ҳа, ҳа, дўстларим. Лангарнинг учидаги кўзга аранг кўри-
наётган қора нарсани кўряпсизми? Ўша Доғ Амброжий жа-
ноблари бўлади.

Машҳур саёҳатчига оқ йўл тилаб қоламиз.

Денгизда осойишталиқ



аиуби-шарқий шамол елканни шиширап ва кема¹ түлқинлар оша номаълум мамлакат томонга елдек учид борарди. Доғ жаноблари марсда туриб, узоқ-узоқларни диққат билан кузатарди. Доғ жанобларининг бурнида ўзи кашф этган кўзойнаги қаққайиб турарди. Кўзойнагига оддий юпқа ойна ўрнига жуда кўп думалоқ чуқурчаси бор шиша золдирлар ўрнатилган эди. Ойна золдирларнинг ичи ғиж-ғиж конуссимон ва өлти қиррали уячадан иборат бўлиб, худди асаларининг инига ўхшарди. Доғ жаноблари ўзининг бу кўзойнаги орқали өнг кучли дурбивдагига қараганда ҳам анча узоқни кўради.

Доғ жаноблари қўлларини тинмай силтаб, борадиган йўлни кўрсатар ва ҳадеб туртиб чиқсан, денгиз бўйида кемалар турадиган махсус жойларнинг, бепоёв кенгликда кўриб қолган оролларнинг номларини бақириб айтарди. Ҳа, ҳа, дўстларим, Доғ жаноблари ўзининг бу кўзойнагига жуда ҳам узоқни кўрадики, ҳайрон қоласан киши!

Унинг қиёфаси ва ғодатларидан ажабланган чағалайлар кемадан узоқроқда бўлишга ҳаракат қиласарди.

Кемадагилар силлани қуритадиган жазирамадан қочиб, трюмга² кириб ўтириб олди, матрослар ўлгудек оч эдилар, ошпазни сўкардилар, лекин уни ҳеч нарса қила олмасдилар. Кок³ Телесфор ҳақиқий эртагистоилик бўлгани учун эртакчи

¹ Марс — кема лангари ҷепасида кузатувчилар турадиган жой.

² Трюм — кеманинг механизмлар ўрнатилган ва юк ортиладигач тагхонаси.

³ Кок — ошпаз (кемаларда).

эди, эртак тўқиётганда эса дунёдаги жамики нарсанни унугутиб қўйрди, товарлар ва кастрюллар тўғрисида-ку айтмаса ҳам бўлади. Агар ёш ошпазлардан битта-яримтаси овқати куйиб кетмасин деган мақсадда унинг гапини бўлса борми, Телесфор дарезаб бўлиб, ҳамма овқатни денгизга улоқтириб юборарди. Тўғри, дарров ўзига келиб, тезлиги учун капитандан кечирим сўрарди ва яна бошқатдан овқат тайёрлай бошларди, бироқ, афсус, овқат ёки яна куйиб кетарди, ёки яна денгиздаги балиқ ва дельфинларга насиб бўларди. Шундай бўлса ҳам ҳамма Телесфорнинг тентаклигига чидарди, чунки у ўз эртакларида шундай дабдабали, гўзал зиёфатлар тўғрисида гапирадиши, ҳатто энг оддий қотирилган нон ҳам ҳаддан ташқари мазали қовурдоқнинг таъмини берарди.

Кема капитани ҳам эртак тўқирди. Унинг тўқиган эртаклари кўпинча ажойиб денгиз саргузаштлари ҳақида бўлиб, у кемани қаёққа бошлаб бораётганилигини: саёҳатга бирор мақсад билан кетяптиларми ёки хаёлий мамлакатга кетяптиларми, ажратиш қийин бўлиб қоларди. Эртак қаерда тамом бўлиб ҳақиқий воқеа қаерда бошланишини баъзан унинг ўзи ҳам тушуна олмасди. Ўшанда кема бепоён денгизда адашиб қоллар ва мўлжалланган жойга ҳеч ета олмасди...

Фақат биргина рулни бошқарувчи киши эртак тўқиши билмас эди, холос. У кўпни кўрган моҳир денгизчи эди. Бир вақтлар, тажрибали денгизчи деб ном чиқарган, бироқ, денгиз босқинчилари билан бўлган жангда кўзидан ажралиб қолган. Кемани эса тусмоллаб бошқаарди.

Доф жаноблари кўпинча ҳам капитан вазифасини бажарар, ҳам рулни бошқаарди, овқат вақтида эса тез-тез кокнинг ўрнида ҳам туриб қоларди, чунки у пазандаликдаги ноzik томонларни осмон жисмлари ҳаракатини билганчалик биларди.

Команда тез орада Доф жанобларига бутунлай ишонч ҳосил қилишди. Матрослар кун бўйи ухлашар, карта ўйнашарди, марсга фақат Доф жаноблари ухлаб қолмадиимикин деб

аҳён-аҳёнда қараб қўйишарди. Доғ жанобларининг ғалати гавдасига ниҳоят чағалайлар ҳам кўнишиб қолди. Улар унинг елкасига қўнар, соқолини тортар ва масхара қилиб қичқирадилар.

Доғ жаноблари бўш вақтларида кичкина матраб билан марсдан туриб учар балиқларни тутар, кейин улардан бутун команда учун овқат тайёрларди.

Саёҳатнинг ўн тўқизинчи куни капитаннинг компаси бўзилиб қолди. Доғ жаноблари дарров камзулидаги жуда кўп чўнтакларнинг биридан каттакон магнит қидириб топди-да, у билан соқолини ишқади. Соқол ўша заҳоти йўлни кўрсата бошлади. Доғ жанобларининг соқолини чағалайлар гоҳ фарб томонга, гоҳ шарқ томонга, гоҳ жануб томонга торсаналар ҳам соқол тўппа-тўғри шимол томонни кўрсатарди.

Доғ жаноблари баъзан марсда туриб, кечаси ухлашга вақт бўлмагани сабабли бир оёғини йиғиб, қўлларини қаногра ўхшатиб керарди-да, мизғиб оларди. Бир неча минутдан кейин тетикланиб уйғонарди, сўнг бурнига машҳур кўзойнагини тақиб олиб, бақиради:

— Капитан, курсдан — асосий йўлдан бир ярим даражага четга чиқиб кетибмиз! Шимоли-фарб томонга буринг, менинг соқолимга қараб тўғриланг.

— У томонда нимани кўряпсиз! — деб бақиради унга жавобан капитан, бошини тепага кўтариб.

— Ёвуз Тўйгулар дарасини ва Авлиё Байрами архипелагини¹ кўряпман. Конфитюор оролида маёқни кўряпман; маёқнинг устида назоратчи турибди, назоратчининг бурнида эса тўртта сепкил бор.. Аммо оролгача бўлган оралиқ олти юз қирқ миля², уч ой юришимиз керак, ундан олдин боришига кўзим етмайди.

— Мабодо денгиз қароқчиларининг кемаси йўқми?

¹ Архипелаг — бир-бирига яқин турган бир тўп ороллар.

² Миля — турли мамлакатларда турлича бўлган масофа ўлчози. Денгиз миляси — 1852 метрга teng.

— Битта бор, ундан қўрқишининг ҳожати йўқ: елкани тилкапора бўлиб кетган, налубада эса жон зоти йўқ.

Доғ жаноблари шундан сўнг ўзининг мўъжизакор қўзой-нагини қўзидан олди-да, чағалайларнинг товушини босиб кетишга ҳаракат қилиб, кучининг борича бақирди:

— Овқат нима бўляпти?

Капитан қўлларини карнай қилди-да, қичқирди:

— Телесфорнинг овқати яна куйиб кетди. Мутлақо еб бўлмайди. Ҳатто акула ҳам тупуриб ташлади.

Рулни бошқарувчи киши суҳбатга қулоқ соларкан, кемани зарур томонга ҳайдади-да, қотган нонни кемираётib, аччиқланиб тўнғиллади:

— Телесфорни бортдан отиб юбориш керак, аксинча ҳаммамиз очимиздан ўлиб кетамиз! Бугун у йигирма қадоқ қўйгўшти, тўртта сесарка товуқ, бутун бошли бузоқнинг сонини кўйдирив юборди. Қотган нон билан эртак денгизчига овқаг бўлармиди. Ақлга тўғри келмаган гап!

Кунлар кетидан кунлар шундай ўтаверди. Аммо авлиё Панкратия куни кутилмагандан шамол пасайди. Авлиё Серватия куни денгизда шамол тақа-тақ тўхтади, елкан қимирламай қолди. Авлиё Бонифация куни эса Доғ жаноблари марсни ташлаб, лангардан сирғаниб палубага тушди-да:

— Биз штиль¹ минтақасига тушиб қолдик. Энди май ойининг охиригача бемалол ухлайвериш мумкин, — деди.

Шудан кейин оёқларини йигиштириди-ю, ўша заҳоти ухлаб қолди.

Капитан ва матросларни ваҳима босди.

Ҳаммага маълумки, штиль денгиз тубида ҳосил бўлган каттакон ёриқ натижасида пайдо бўлади. Бундай ёриқлар сувга қўшиб ундаги бор нарсаларни қаърига тортади.

Капитан:

— Бу касофат ердан кетиш керак, аксинча ҳалоқ бўла-

¹ Штиль — осойишталик (дengizda).

миз! — деб қичқирди-да, эҳтиёт қайиқларини туширишга буйруқ берди.

Аммо Доғ жанобларининг донолиги ва тажрибасига ишонган матрослар бир-бирларининг қўлларини ушлашиб, уни ўраб олдилар-да, «Вергилий тақсирим ўз болаларини севар эди...» деб бошланадиган қўшиқни бараварига айтишди.

Қуёш җип-қизил бўлиб кетди, осмон гўё алангаланиб ёна бошлади. Қуёш нурлари ўзининг қирмизи ранги билан чағалайларнинг қанотларига зеб берар, чағалайлар ўзларининг бу кўринишидан ваҳимага тушиб Доғ жанобларининг тепасида айланиб учишар ва ташвишли қичқиришарди.

Капитан янгидан-янги буйруқлар берарди, аммо уларни ҳеч ким бажармасди. Ниҳоят унинг овози бўғилиб қолди, у йўғон арқонга ўтириб, рақсга тушаётган матросларга тикилиб қолди.

Доғ жаноблари эса қўлларини ёзиб, оёқларини йигиштириб, ҳеч нарса бўлмагандек ухлаб ётарди. Унинг соқоли одатдагидек шимолни кўрсатарди.

Эсини йўқотиб қўйган матросларнинг қўшиғи борган сайин баландлашиб, ниҳоят бақириққа айланди. Аммо денгиз сукунатини ҳам, Доғ жанобларининг қаттиқ уйқусини ҳам ҳеч нарса буза олмасди.

Умумий эътибор ухлаб ётган гавдага қаратилган эди, шунинг учун кема пастга секин-аста тушиб кета бошлаганини ҳеч ким пайқамади.

Қутулишнинг иложи йўққа ўхшарди.

Аммо шу пайт Доғ жаноблари уйғониб қолди ва фалокатнинг олдини олиб, матрослар томонга қараб кучининг борича бақирди.

— Ҳамма трюмга тушсин! Эшикларни кўтариб, тешиктирқишларни бекитинг! Тезроқ қимиirlанг! Қўрқманг! Мен борман!

Матрослар бир-бирларини итариб-туртиб пастга ташлашиди. Энг кейин капитан тушиб, кетидан люкнинг қопқо-

ғини ёпди. Дөғ жаноблари буйруқлар берарди, команда буйруқларни жуда зудлик билан бажаарди. Ҳатто кок ҳам әртакларни унугиб ҳамма билан баравар ишга киришиб кетди. Ҳамма миқ әтмай ишларди. Матрослар кемани қутқарын ниятида каюталардан-каюталарга эпчиллик билан чопиб ўтиб юришарди. Дөғ жаноблари түсінни ушлаб олиб, магросларнинг тепасида осилганча у ёқдан бу ёққа чайқалиб, ўзининг буйруқлари аниқ бажарилишини диққат билан кузатарди. Фақат ҳаммадан кичик бўлган ёш ошпаз Петрик қизиқувчанлигини тиёлмади. У иллюминаторга ёпишиб олиб худди калейдоскопдагига ўхшаб кўз олдида ўзгариб турган ажойиб манзараларга тикилиб қаарди.

Кема пастга сув билан биргаликда жуда оҳиста ва қимирламай тушиб борар ва Петрикка гўё лифтда тушиб кетаётгандек туюларди. Кема сув тўла қудуқнинг ичига тушиб қолганга ўхшарди. Қудуқнинг устидаги осмон жуда ҳам қорайиб, юлдузлар чарақлаб кетди.

Петрик бўлаётган воқеаларни ҳайратланиб, кузатиб турарди: қудуқнинг деворлари кеманинг устида сувдан эмас, гўё ойнадаң қилингандек қимирламай турарди. Шуниси ҳам борки, бу воқеани фақат ошпаз Петриккина эмас, Дөғ жанобларидан бошқа умуман ҳеч ким тушумас ва ҳеч қачон тушуна олмас эди.

Кема борган сайн пастга тушар, иллюминатор ойнасининг нариги томонида фақат олимлар ва әртакчиларгина өшитган баҳайбат денгиз махлуқлари сузиб юрарди.

Аввал фақат сув ўти, ўсимликка ўхшаш жониворлар ва ҳар хил рангли ғалати балиқлар кўринган бўлса, кема пастга тушган сайн манзара ажойиб бўла борди.

Бир-бирларига қўшилиб гир айланган узун занжир ҳосил қилган денгиз юлдузларининг яшил ранги сув қатламини тешиб ўтарди. Типратиканлар ва денгиз тойчаларининг ҳаво ранг, сариқ шуълалари қоронғида ялтираб турарди. Бу-

милтиллаб кўринган шуълалардан кишининг кўнгли алла- нечук бўлиб кетарди.

Оёқлари филнинг оёғига ўхшаш, икки томонида иккита қаноти бор каттакон балиқлар икки бошли очкўз тритонлар¹ билан жанг қиласарди. Шоҳлибалиқлар, ўқбалиқлар, аррабалиқлар жанг гирдобига ташланиб тритонларга кучли зарба берардилар. Аҳён-аҳёнда ичида каттакон кўзи бор чиганоқлар сузиб келарди. Чиганоқлар очилиб, йилтироқ кўз теваракка диққат билан қараб чиқарди-да, кейин тез сузиб кетарди.

Кўп ўтмай манзара ўзгарди. Доғ жаноблари карбанд деб атаган сочи ҳурпайган каллалар пайдо бўлди.

Каллалар тиржаяр ва ўзларининг беш панжали ҳаддан ташқари узун тилларини чиқаардилар. Кўзлари бақрайиб турган карбандларнинг киприклари балиқ суюкларидан эди, бурни арслоннинг думига ўхшарди, қулоқлари эса худди эшқакка ўхшаб сувда тез ҳаракат қиласарди.

Ён томонидан сузиб ўтаётган бута ва гулларнинг катталиги кишини ҳайратда қолдиради. Денгиз нилуфарларининг косалари шундай катта эдики, ичига одам бемалол сиқсан бўларди. Нилуфарларнинг ичида кичкина қизларнинг юзига ўхшайдиган, кўк тарвузсимон майдаденгиз жониворлари ҳаёт кечираради. Бу шўрликлар ярми қиздан, ярми ўсимликдан иборат бўлиб, нилуфарларнинг буралиб кетган узун бандларига туташган эди. Шунинг учун улар гуллардан унча узоққа кетолмас эдилар.

Маржон дарахтларининг новдаларида хамелеонга ўхшаш баҳайбат махлуқлар осилиб турарди, улар рангдор оғизларидан ўтли снарядлар чиқаардилар ва бу снарядлар жуда катта куч билан портлаб, атрофдаги жамики нарсани йўқ қилиб ташларди.

Шундай снарядлардан бири кема палубасига тушиб, ёи-

¹ Тритон — калтакесакка ўхшаган ҳам ерда, ҳам сувда яшайдиган жонивор.

ғин бошланди, аммо матрослар тезлик билан ўчиришга муваффақ бўлдилар.

Иш тамом бўлиши билан Доғ жаноблари ҳаммани иллюминаторнинг олдига чақириб, денгиз остидаги воқеаларни тушунира бошлади ва сузиб юрган ўсимликлар ҳамда баҳайбат денгиз маҳлуқларининг номларини санай кетди.

— Қаранглар! — деб хитоб қилди Доғ жаноблари. — Мана саккиз оёқлилар филни худди пашшага ўхшаб лиқ эткизиб ютиб юборишлари мумкин эди. Мана бу маҳсус бронланган шарлар термидоля деб аталади. Улар қақнус туғади. Термидоля уч ойда бир марта сув юзига чиқиб ёрилади ва янги қақнус дунёга келади. Ҳув анави кўриб турганингизнинг оти эса накойкотутрон. У ўзининг думини ейди, думи кўп ўтмай яна ўсиб, аслига келиб қолади. Биз денгизнинг тагига яқинлашяпмиз. Диққат қилинг, диққат! Қаранглар... Ҳув ўша ғалати нарсалар сиёҳ ранг ўсимликлар. Улар ўзларидан қора бўёқ чиқарадилар, бу чиқарилган бўёқдан қора сиёҳ қилиш мумкин. Мен сизларни бу ёққа нима учун олиб келганигимни энди тушунган бўлсангиз керак? Биз қора сиёҳни қидириб топиб, Эртагистонга олиб кетамиз.

Ҳамма сиёҳ ранг ўсимликларга қизиқиб қараб, кема денгиз тубига етганини ҳам пайқамай қолди. Саёҳатчиларнинг қаршисида икки четига қатор қаҳрабо гумбазлар қурилган кўчалар пайдо бўлди. Бу деразасиз ва эшиксиз ғалати уйжойлар кўрсичқонларнинг баҳайбат инларига ўхшарди. Күтилмаганда, худди сигнал берилгандек, сонсиз гумбазсимон қалпоқчалар секин-аста юқорига кўтарила бошлади. Аммо Доғ жаноблари ва унинг ўртоқлари бирор нарсани кўриб улгурмасларидан, кема денгиз тагидаги туби кўринмайдиган ёриққа тушиб кетди. Уларнинг тепасидаги ёриқ бирлашиди, сув эса қулоқни кар қиласидиган даражада пишқириб ва шовуллаб пастга ҳужум қилди.

Кеманинг ичи қоронги бўлиб кетди. Матросларни қўрқув босди. Баъзилар «ёрдам беринглар» деб бақирап, айримлар

Доғ жанобларини сўкарди, ошпаз Телесфор эса гугуртни тополмай дунёдаги жамики ошпазларни койирди. Ваҳима бошланди.

Аммо Доғ жанобларининг қаттиқ овози янгради:

— Қадрдон дўстлар! Тинчланинг! Сиз ҳозир ўрмонга ёнгин кетган вақтдаги маймунларнинг подасини эслатяпсиз. Аммо боплаб сўкишингиздан маймунга ўхшайсиз.

Елкамда ҳар қалай ошқовоқ эмас, калла борлигини пайқаган бўлишингиз керак албатта. Мен илтифот қилиб, сизнинг ҳозирги аҳволингизни унудишига уринаман.

— Ўчирларинг овозларингни, шайтонлар! — деб қичқирди дарғазаб бўлиб капитан.

Матрослар жимиб қолишли.

Доғ жаноблари давом этди:
— Ҳозир биз палубага кўтарилемиз. Сиз кўп ажойиб нарсаларни кўрасиз. Ҳеч нарсадан қўрқманг, менинг кўрсагмаларимни амалга оширинг ва ҳаммасини мен айтгандек қилиб бажаринг. Сизларни фақат огоҳлантириб қўймоқчима: мана шу номаълум мамлакатнинг аҳолиси мабодо ичимликлар тутса, қандай ичимлик бўлишидан қатъий назар, ичманг. Энг муҳими шу. Тушундингизми?

— Тушундик! — деб бақириши матрослар бараварига.

— Энди менинг орқамдан юринглар, — деди Доғ жаноблари ва бир сакрашда бир нечта зинадан сакраб, палубага чиқди.

Унинг кетидан капитан ва матрослар чиқишли.

Уларнинг кўрганларининг ҳаммаси ҳақиқатдан кўра кўпроқ эртакка ўхшарди.



ема ҳаворанг нур ёритаётган каттакон майдонда турарди. Майдоннинг икки томонида ҳар хил катталиктаги қатор-қатор бехисоб кемалар тизилиб турарди: майдонда кўп стволли тез отар тўп ўрнатилган ва қудратли замбаракли ҳарбий галералардан¹ тортиб балиқ овлайдиган кичкина қайиққача бор эди. Уларга каҳрабо тўсинлардан тиргович қўйилган эди, атрофдан қараганга булар кемалар ярмаркаси ёки кўргазмасига ўхшаб кўринарди.

Тепада чиганоқлардан терилган гумбаз бўлиб, чиганоқларнинг орасидан каҳрабо қопқоқлик кичкина-кичкина тешиклар кўриниб туради.

Майдон яшилтош плиталар билан қопланган бўлиб, бир ёғи қоронгиликда кўринмас эди. Ўртадаги каттакон ҳовузда эса сиёҳ ранг ўсимликлар чайқалиб турарди.

Кемаларнинг атрофида одамга ҳам, ҳайвонга ҳам ўхшамайдиган аллақандай ғалати зотлар у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб турарди. Улар кўпроқ каттакон ўргимчакларни эслатарди. Уларнинг қоринлари дум-думалоқ, биттаю-битта кўзли бошлари кичкинагина бўлиб, олтита қўли бор эди. Улар рақс тушаётгандек чаққонлик билан ҳаракат қиласидилар. Бундан ташқари, қоринларининг икки томонида биттадан оғиз бор эди, бу оғзиларнинг биттаси «а» деса, иккинчиси «б» дерди. Товушлар навбат билан алмашиниб, гоҳ у оғиздан, гоҳ бу оғиздан айтиларди, уларнинг бирикмаси ҳам турлича бўлиб,

¹ Галера — ғарбда кўп эшкакли актта кема бўлиб, унда ҳукм қилинганлар эшкакчилик қиласар эди.



ажойиб сувости аҳолисининг тилини ташкил этарди.

Бир неча минутдан сўнг Доғ жаноблари айрим сўзларни фарқ қила бошлади: Масалан: АА, БА, АБАБ, БААБ, БА-БАБ, БАБААБ, АБАБАБ, БАБА, АББА, ББАА ва шу кабилар. Бир соатдан сўнг эса абетлар билан бемалол гаплашаверди. Тилининг хусусиятлари туфайли бу мамлакатнинг ғалати аҳолиси абетлар деб ном олгандилар.

Абетлар хушмуомала ҳалқ әди, улар саёҳатчиларни жуда ҳам очиқ чеҳра билан кутиб олди.

Доғ жаноблари улар билан суҳбатлашиб, уларнинг турмушлари ҳақида жуда кўп ғалати нарсаларни билиб олди. Алоҳида ҳурматга сазовор бўлган айрим абетларда пўлат панжали еттинчи қўл ҳам



бор экан. Бу абетларга ҳар куни бир марта каҳрабо люк-лардан денгизга чиқиб ов қилиб келишга руҳсат берилган экан. Улар денгиз остида яшовчиларга нисбатан тезроқ сүзар экан, еттинчи қўлнинг қуролланган панжалари эса, душманга ҳужум қилиш ва ундан ҳимояланиш учун хизмат қиласар экан. Уларнинг барча топган ўлжалари мамлакатнинг аҳолиси ўртасида тенг тақсимланар экан. Абетлар балиқлар, медузалар, турли хил қисқичбақасимонлар билан овқатланар



еканлар, чой ўрнига сиёҳ ранг ўсимликлардаги қора сутлар ва маржон шарбатини ичар эканлар. Овқатни каҳрабо электр плиткаларида тайёрлар эканлар, қувватни эса электр балиғидан олар эканлар.

— Ҳаво бу ёқقا қандай киради? — деб сўради Дор жаноблари тўйиб нафас олиб.

— Мамлакатимиз, — деб жавоб берди абетлардан бири.— Ихтириочилар ороли билан узун туннель орқали туташади.

Бизларга ҳаво ўша ёқдан келади. Оролда яшовчилар Абекцияга келадиган йўлни билишади ва бу ёққа тез-тез ташриф буюриб туришади. Аммо орамизда ҳеч ким тепага кўтарилишга журъат қиломади. Қуёш ва ойнинг нури биз учун ҳаддан ташқари хавфли.

Абетлар шуларни гапириб, меҳмонларни «кетимииздан келаверинглар» деб таклиф қилишди-да, залга сакраб-сакраб кира бошладилар. Залга денгиз ўтларидан қилинган бўйра тўшалганди, каҳрабо столчалар эса кит мўйловидан, садафдан ва яшил тошдан тайёрланган чиройли идишларга тўлдиривб юборилган эди.

Бўйнидаги тақинчоқлари маржон ва марварридан, пешбандлари денгиз ўтларидан тўқилган абет аёллари ноз-неъматлар тўла баркашлар ва вино тўла каҳрабо хурмачалар олиб кирдилар. Улар баркашларни икки қўллари билан ушлаб олгандилар, қолган тўртта қўллари билан эса юрадилар, қўлларига акуланинг терисидан қилинган бошмоққами, қўлпайпоққами ўхшаган нарса кийгандилар.

Оч қолган меҳмонлар овқатни иштаҳа билан ея бошладилар. Уларга денгиз нилуфарлари билан қўшиб қовурилган медузалар, китнинг димлаб пиширилган қанотлари ва сиёҳ ранг ўсимликлардан тайёрланган салатлар кўпроқ ёқди.

Чанқаб кетаётган бўлсалар ҳам, Доғ жанобларининг насиҳатини эслаб, абетларнинг ичимликларига қўл теккизмадилар. Маржон виноси алвондек товланиб кишининг ҳавасини келтиради, аммо капитан ҳар қалай ошпазларни сув ва мевалар олиб келиш учун кемага юборди.

Матрослар ва абетлар бир-бирлари билан имо-ишора орқали гаплаша бошладилар, бу айниқса абетлар учун жуда ҳам ўнғай бўлиб чиқди: чунки ҳар бирларининг бармоқлари ўттизтадан эди-да, ахир. Баъзан таржима қилиб бериш учун бари бир Доғ жанобларига мурожаат қилишга тўғри келарди. Маълум бўлишича, эртагистонликларнинг кемаси тушиб қолган қопқон Ихтирочилар оролида яшовчи аҳоли-

нинг ёрдами билан абет инженерлари томонидан қурилган экан.

— Биз одамларга ёмонлик қилишни истамаймиз, — деди абетлардан бири, қўшалоқ оғзи билан баравар қуларкан, — биз фақат одамларнинг билимлари ва тажрибаларини ўрганиб олмоқчимиз. Улар бизни ҳунарга ўргатдилар, биз сувости ҳаёти ҳақида, қўёш ва юлдузлар, ер юзидаги жониворлар ва ўсимликлар ҳақида кўп нарсаларни билиб олдик. Аммо одамлардан шунинг учун ҳам ҳаммасидан кўра кўпроқ миннатдормизки, улар бизга электр балиғидан энергия олишини ўргатдилар.

— Одамлар ҳам сизларни ҳеч қачон хафа қилмаганими? — деб сўради Доғ жаноблари.

— Ҳеч қачон, — жавоб берди абет, — бизнинг ёрдамимизсиз бу ердан қутулиб кетолмасликларини улар жуда ҳам яхши биладилар-да, ахир. Лекин шуниси ҳам борки, биз ҳеч қачон мажбур қилиб ушлаб турмаганими.

Янги овқат келтиришди, аммо ҳеч ким ея олмади. Фақаг машҳур очофат кок Телесфор ичига денгиз типратиканининг ёғи тиқилган тритон жигарининг катта бўлагини тақсимчага солиб олди-да, икки лунжини тўлдириб ея бошлади. Овқат жуда ҳам ўткир бўлиб, кишини чанқатарди. Телесфор стол устидаги маржон виноси тўла турган кўзачага очкўзлик билан ташланиб, уни бир кўтариб ичиб бўшатди. У вино оғзини куйдириб юборганини сезди, бироқ, нима бўлганини ўйлагунча бўлмай ухлаб қолди. Абетлар шодликларини яширмасдилар. Доғ жаноблари эса ғамгин бўлиб қолди-да, ҳамроҳларига маъюс деди:

— Биз Телесфордан ажралдик. Энди у бу ерда абадий қолади.

Саёҳатчилар Абециядан кетмоқчи бўлганларида Телесфор ҳақиқатан ҳам улар билан кетгиси келмади. У ўзини ҳақиқий абет деб ҳис қилаётганлигини, қўёш нурлари ва ой ёғдусига энди бардош бера олмаслигини айтди. Айтгандек,

у уйқудан турганда абетчасига жуда ҳам яхши гаплашди ва жуда ҳам әпчиллик билан әмаклаб ўйинга тушди.

Маржондан тайёрланган винонинг кучи мана шундай эди.

Доғ жаноблари овқатдан сўнг абетлардан сиёҳ ранг ўсимликлар ҳақида қизиқиб суриштира бошлади: албатта эсингида бор, саёҳатга чиқишидан биринчи мақсад ҳам сиёҳ тониш эди. У сутнинг ранги ва қуюқлигини ўрганмоқчи, ҳамда ундан қора сиёҳ қилиш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқламоқчи эди.

Бизнинг олимимиз ҳаддан ташқари серҳаракат эди. У ҳовузнинг атрофида югурап, ҳар мақомда ҳуштак чалиб, сиёҳ ранг ўсимликларни ўзига жалб қиласарди. Сиёҳ ранг ўсимликлар унга тез ўрганди, сузиб келиб унинг қўлига сурканниб ҳудди мушукка ўхшаб эркаландилар. Улар эркаланар-канлар қоқ қуриб қолган шкафнинг тизирилашига ўхшаш товуш чиқараарди.

Доғ жаноблари ёш болага ўхшаб севинарди. У бошидан шляпасини олиб, ичини қуюқ қора суюқликка тўлғазди-да, кемага олиб борди. Қўп ўтмай у турли сўзлар ёзилган, ҳар хил расмлар солинган ва ола-була доғлар томган қофозни силкитганча елдек учуб келарди.

Гумон қолмаган эди: сут хат ёзишга жуда ҳам боп эди! Доғ жаноблари ўша заҳотиёқ кемадаги ҳамма бочкаларни бўшатиш ва уларга қора сут тўлдириб олишга буйруқ берди. Абетлар Доғ жанобларининг қилаётган ажойиб ҳаракатини қизиқиб кузатиб туришар ва иккала оғизлари хушмуомалалик билан куларди.

— Бир назар ташлаб кўринг-а, сут деган ҳам шунаقا қуюқ бўладими! — Доғ жанобларининг қувончдан нафаси тиқилиб қолди. — Бундай суюқликнинг бир стаканидан юз шиша ҳақиқий сиёҳ чиқади. Улуғ Эртакчи ўзининг ажойиб эртакларини умрбод әсдалик қилиб қолдира олади! Қора сиёҳ билан ҳар ким ҳам ёза олади. Сиздан халқ миннатдор бўлади. Сиёҳжонларга шон-шарафлар бўлсин!

Эртагистонликлар қувончдан сакрай бошлашди. Қапитан эса, фурсатни ғанимат билиб, янги эртак ёза бошлади. Матрослар ўн иккита бочкани сут билан тўлдириб:

Улугъ эртакчимиз бўлсин саломат,
Эртаклари унинг ғоят аломат!

деб бошланадиган Эртагистон миллий гимнини айтишди.

Фақат кок Телесфор бир чеккада ўзи билан ўзи абетчасига гаплашиб ўтиради.

— Мен бу ерда абадий қоламан. Мен умримнинг охиригача абет бўлиб қолишини истайман. Маржон виноси ва қора сут ичиб юраман. Абетлар учун денгиз юлдузлари ва сув майсаларидан янги овқатлар ўйлаб топаман... Шунаقا! Лала-ла-лай!

Доф жаноблари унга раҳми келиб қараб турарди: у маржон виносининг оқибати заарли эканлигини билар, Телесфорни кутқазиш мумкин эмаслигини тушунарди. Ҳақиқатан ҳам Телесфор ҳамманинг кўз ўнгидага кичкиналашиб абетга айланди.

— Биз бир ўртоғимизни йўқотдик, — деди Доф жаноблари, — лекин энг асосий нарса — сиёҳни топдик. Энди Эртагистонга қайтиш мумкин.

Кейин у абетларга мурожаат қилди:

— Қадрли дўстлар, биз сизнинг олиҳимматингизга қойилмиз, аминимизки, ватанимизга кетишга ижозат бергайсиз. Меҳмоннавозлигингиз ва ажойиб сиёҳбоп сутингиз учун раҳмат. АБАБА, АБААБ, АББАБ!

Бу хитоб абет тилида: «Яшасин Абеция» — деган маънени билдиради.

— Сизнинг тақдирингизни қиролича Аба ҳал қиласди, — деди абетлардан бири. — Бизга: «Ҳаммасини ҳузуримга олиб келинглар», деб буйруқ берилган. Унинг истаги шундай. Юринглар:

Доф жаноблари вақтимиз беҳудага кетади, деб ўйлади,

бироқ саёҳатчилар одоб юзасидан йўлбошловчининг орқасидан юра бошладилар.

Сайёҳлар илон изи йўлакдан узоқ юрдилар, аммо улар кутилмаган манзарадан ҳайратланиб қотиб қолдилар.

Уларнинг қаршисида нариги қирғоғи мутлақо кўринмайдиган кўл ястаниб ётарди. Мовий сув ойнадек тиник эди.

Кўлнинг қирғоғида Абециянинг ўлган қиролларининг каҳрабодан қилинган мақбаралари юксалиб турарди. Ҳар қайси мақбаранинг устида патлари ёниб жилваланиб турган қақнус қуши ўтиради. Мақбаралар пойидаги оч қизил пастак буталар орасида кумуш ва олтин ранг ўргимчаклар чақонлик билан тўр тўқиб, кўлга борадиган йўлни тўсмоқда эди.

Қиролича Аба қирғоқдан узоқда, сузиб юрар оролда яшарди. У каттакон чиганоқнинг ичида ётарди, унга еттига етти қўлли абет хизмат қиласарди.

Саёҳатчилар икки букилиб таъзим қилган эди, орол қирғоқнинг ёнига сузиб келди. Қиролича Аба чиганоқнинг ичида ўрнидан турди. Ҳатто Доғ жаноблари ҳам уни кўриб, анқайиб қолди. Ҳамма кўзи битта, қўли олтита зот чиқади деб кутиб турган эди, бироқ уларнинг қаршисида ёш, гўзал аёл пайдо бўлди. У хушмуомалалик билан қўлини силкигди-да, меҳмонларга қараб жилмайиб қўйди. Абетлар мукка тушиб салом беришди, эртагистонликлар бошларини эгдилар. Доғ жаноблари эса ўзини йўқотиб қўймасдан, Абекиянинг гўзал маликасига қойил қолганлигини, унинг шаънига абет тилида энг мақтов сўзларни айтди.

Қиролича Аба ҳам Доғ жанобларига унинг она тилида бемалол жавоб қайтарди:

— Мен Абекия сулоласининг улуғ қироличаларига мансуб эмасман. Бундан етти йил муқаддам мана шу ҳалқнинг илтимосига биноан мамлакатни бошқара бошладим. Хушчақчақ ва серқуёш Палемониянинг сultonни Палемоннинг хотини эдим. Саёҳат қилиб юрган вақтимизда бир куни кемамиз худди сизнинг кемангизга ўхшаб ўпқонга тушиб кетди.

Эрим ва барча сарой аҳли маржон виносидан ичган эди, етти қўлли абетларга айланиб қолди ва бу мамлакатда абадий қолишга мажбур бўлдилар. Сеҳрли ичимликдан мен ҳам ҳамма билан биргаликда ичган эдим, бироқ у менга таъсир қилмади, фақат биргина мен инсонлик қиёфасини сақлаб қолдим. Абекиянинг мендан аввалги қироли Бааб-Ба ақл бовар қилмайдиган бу ишга жуда ҳам ҳайрон қолиб, ўз мақбара-сига тушиб олди, халқ эса мени қиролича деб эълон қилди. Мен ўзимга таклиф қилинганди мансабни қабул қилдим, чунки эримни ташлаб кетгим келмади. Ўзимга абетча Аба деб ном қўйдим-да, абетларга айланган палемонларнинг қуршовидаги қирол оролида яшай бошладим. Мен тақдирга тан бе-риб, ўз фуқароларимни севиб қолдим. Энди эса бу ерда эшигтганларингизни ҳеч кимга айтмасликка сўз беринг, сизга Абекияни ташлаб, ватанингизга қайтиб кетишингизга ижозат бераман.

— Сўз берамиз! — деди тантанавор Доғ жаноблари.

— Сўз берамиз! — тақрорлади унинг кетидан эртагистонликлар.

Капитан эса қироличанинг гўзал ҳусн-жамолига мафтун бўлиб орол томонга отилди. Бироқ, у ўргимчак уясида чувалиб қолди ва то абетлар келиб ёрдамлашмагунларича у ерда типирчилаб ётаверди.

— Менга ҳеч ким яқинлашиши мумкин эмас, абетларнинг қонуни шундай! — деди қатъий қиролича Аба ва қўшиб қўйди: — Ҳозир эса менинг соқчиларим сизларни Китлар Чегарасига олиб бориб қўяди, у ерда Ихтирочилар оролидан келган йўл бошловчиларга топширишади.

— Кемамиз нима бўлади? — деб ёлворди Доғ жаноблари.

— Кемами? — ҳайрон бўлди қиролича. — У шу ерда қолади: биз кемаларни дengiz устига кўтаришни ҳали ўрганимизча йўқ. Аммо сиз қайғирманг. Мана, сизга дур ўйқотган нарсангизни тўлиқ қоплайди.

Қиролича Аба шундай деб Доғ жанобларининг оёғи та-

гига балиқ тангаларидан қилинган халта ташлади, халтанинг ичи дурга тўла эди.

Доғ жаноблари унга қарашга ва қироличанинг очиқ қўллиги учун миннатдорчиллик билдиришга улгурмаган ҳам эди, Абекиянинг ажойиб ҳукмдори эътиroz қилиб бўлмайдиган овозда шундай деди:

— Суҳбат тамом!

Ўша оннинг ўзидаёқ барча қақнус қушларнинг ёлқини ўчиб, атрофга қоронғилик чўкди. Фақат қирғоқдан нари сузиб кетаётган қирол оролида ҳаво ранг ёруғлик милтиллаб кўринарди.

Саёҳатчиларни абетлар қуршаб олишди-да, уларни тош ўрнига каҳрабо терилган кенг йўлакдан Китлар Чегарасига бошлаб кетишиди.

Сиёҳ солинган бочкаларнинг тарақ-туруқи суҳбатга халяқит берарди. Бироқ, сайёҳлар индамас, ўзларининг фикрлари билан банд эдилар.

Аммо Доғ жаноблари ҳаммадан кўпроқ хаёл сурарди.

У асабийлашиб қошларини чимирап ва гоҳ-гоҳда:

— Абба-абаба-аба-бба! — деб қичқириб қўярди.

Абетлар унинг фикрини бўлмаслик учун кетинда оёқларининг утида шивирлашиб гаплашиб борардилар.

Шу алфозда бир неча соат юрдилар. Йўлакнинг охирида милтиллаб қизил чироқ кўринган эди, абетлардан бирин олдинга ўтди-да, эртагистонликларни тўхтатиб, уларга шундай деди:

— Бизнинг мулкимиз шу ерда тамом бўлади. Ҳозир сизлар Абекияни ташлаб кетасизлар. Сизлар билан халқимномидан хайрлашаман ва саргузаштингиз қизиқарли ҳамда муваффақиятли бўлишини чин қалбимдан тилаб қоламан. Биз Амброжий Доғ жанобларидек машҳур олимнинг келганидан баҳтиёрмиз. Унинг шарофати билан сизлар улуғ Қиролича Абани кўришга мұяссар бўлдингиз. Ҳали уни биронта бегона одам кўрмаган. Бироқ сизлар қироличани абадий

унутиб юборишингиз керак, аксинча йўлингиздан адашиб кетасизлар ва ватанингизга ҳеч қачон қайтиб боролмайсизлар. Ҳозир эса менинг орқамдан юринглар.

Абет йўлакнинг охиридаги деворга яқин бориб, икки қўлини деворга тиради, қолган тўртта қўли билан эса қизил ёғду сочиб турган тўртта каҳрабо гардишни бураб бўшатди.

Ихтирочилар оролига



евор қўмирлаб, аста-секин икки томонга суррилди. Абетлар зимистон йўлакка кириб кўздан йўқолдилар. Деворнинг нарёғида катта майдон бошланди, майдон кит суягидан қилинган бўлиб, жар тепасида муаллиқ турарди. Китлар Чегараси мана шу эди. Эртагистонликлар Абация остонасидан ишонқирамай сакраб ўтдилар. Энг кейинги киши майдонга оёқ қўйиши билан девор шарақлаб ёпилиб, атроф зимистон бўлиб кетди. Шу пайт тепадан сурнай товуши ва айланавётган фидиракларнинг ғичирлаши эшитилди. Сўнгра гудок овозлари эшитилди ва бир минутдан кейин Китлар Чегарасига лифтнинг кенг залга ўхшаш улкан кабинаси келиб тўхтади.

Кабина ёритилган, ҳамма ёғига гиламлар тўшалган, юмшоқ креслолар қўйилган, ҳар бир креслонинг олдида думалоқ столча муҳайё эди, столчанинг устида чиройли идишлар ва буғи чиқиб турган овқат бор эди. Саёҳатчилар иккимасдан лифтга кирдилар, ўзлари билан бирга бочкаларни ҳам думалатиб киргиздилар ва битта-яримтани кўриш умидида атрофга синчковлик билан кўз ташлаган эдилар, каби-

нанинг ичида улардан бошқа ҳеч ким кўринмади. Эшиклар ўзидан-ўзи ёпилиб, сигналлар эшитилди, кўзга кўринмайдиган механизмлар ғичирлаб, лифт тепага енгил кўтарила бошлади. Шифтда осиғлиқ турган радио карнайларидан оҳиста ёқимли музика чалина бошлади.

Лифтнинг деворларида рамкаларда суратлар осиғлиқ турарди. Аммо бу суратлар оддий суратлардан эмас эди.

— Келинглар, овқатланиб оламиз,— деди Доғ жаноблари,— бу ажойиботлар билан эса кейин шуғулланамиз. Ниҳоят тузук овқат ейдиган бўлдиг-а! Очиини айтсам, абегларнинг овқатлари менга ёқмади. Капитан, вақтни беҳуда ўтказманг. Ҳали олдимиизда қанча-қанча янги саргузаштлар бор... Нима бўлди сизга? Қурбақадан кўрқсан лайлакка ўхшаб турибсиз?

Доғ жаноблари ҳазиллашишга ҳаракат қилас, аммо капитан қайсарлик билан индамай турарди. Ниҳоят у стол ёнига ўтириб, тақсимчага ғамгин тикилди. Унинг кўз олдиндан ҳамон қиролича Аба хоним кетмас эди. Матрослар ҳам ўйчан ва хомуш эдилар. Бир нечаларнинг Телесфорга яширинча ҳаваслари келарди. Гўзал қироличанинг қиёфаси эрта-гистонликларга ором бермасди. Улар барча нарсаларга бефарқ қараётгандай эдилар. Капитан Абеция маликаси шаррафига эртак тўқиркан, ўзича минғиллар ва паришонхотирлик билан бўш тақсимчага вилкани тиқмоқчи бўларди. Фақат Доғ жаноблари, рулни бошқарувчи киши ва ошпаз Петрик мазали антрекотларни иштача билан еб олдилар, устидан олтиндек хушбўй винони ҳам ичib юбордилар.

— Еб олинглар, дўстлар,— деди қувноқлик билан Доғ жаноблари матросларга.— Ҳали анча юрамиз. Капитан, кел, ичамиз! Қора сиёҳни топганимиз жуда ҳам соз бўлди-да! Биз энди Ихтиорчилар оролига кириб ўтамиз. Мен у ҳақда эшиганимга анча бўлди, бироқ ҳаммаси чўпчак деб ўйлардим. Нимага қовоғингиз осилиб кетди? Нимага индамай турибсиз? Петрик, ҳеч бўлмаса менга шерик бўл. Чифаноқнинг

ицида устрицага¹ ўхшаб яшаётган қиролича Аба хонимнинг саломатлиги учун! Ҳа-ҳа-ҳа!

Рулни бошқарувчи киши ва Петрик хохолаб юбориши, уларнинг қувончи бошқа матросларга ҳам ўтди. Бир неча матрослар қадаҳларни тўлдириши.

— Устрица қиролича хонимнинг саломатлиги учун! — Доғ жаноблари мазах қилишини давом эттири ва шу даражада хурсанд бўлиб кетдики, соқолининг тақсимчага тушиб қолганини ҳам билмай қолди.

Доғ жаноблари бекорга уринмаган эди. Капитан ўзига келиб кўзини очди-да, атрофга аланглаб қаради. Тез орада дўстларига қўшилиб, бир стакан хушбўй вино ичиб юборди. Бутун әкипажни сеҳрлаган қиролича Аба хоним қадаҳларининг кучи аста-секин сусайиб борди, бир неча кўза вино ичилгандан кейин эса мутлақо йўқолиб кетди.

Доғ жаноблари ўрнидан турди-да, қувноқ қўшиқ айта бошлади. Бундай воқеа унинг ҳаётида жуда камдан-кам бўларди. Бу қўшиқни унинг ўзи тўқиган эди. Матрослар бара-варига жўр бўлиши:

Бир кун менинг товуғим
Таралла-ялла-ялла,
Кўчага қўйса тухум
Таралла-ялла-ялла,
Аҳмоқ Марек кўрибди,
«У — соат» деб юрибди.
Деса дер, бизга нима,
Қўйгин ичайлик яна!

Доғ жаноблари тўйиб овқатланди ва бир нечта қўшиқ куйлади-да, кўз ўнгидаги гавдаланаётган манзараларни бир-бир танлай бошлади. Даастлаб у Эртагистонда ўзи ва ўртоқларининг кемага ўтираётганини, сўнгра ундан кейин бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммасини кўрди. Матрослар капитан билан биргаликда Доғ жанобларини ўраб олиши ва ўзлари-

¹ Устрица — ейиладиган денгиз молюскаси.

нинг саргузаштларини ҳайратланиб қузатиши. Ўтган кунлардаги барча юз берган воқеалар уларнинг кемадаги ҳаёти, абетлар мамлакатига бориши ва қиролича Аба хоним билан бўлган учрашув уларнинг кўз олдидан худди кинодагидек бирма-бир ўтди. Фақат қиролича Аба хоним ялмогиз кампирга ўхшаган бўлиб чиқди.

— Қиролича Аба хонимнинг ҳақиқий кўринниши ана шундай,— деди Доғ жаноблари,— Абециядаги сиз кўрганингиз эса, шунчаки кўзнинг чалғиши, сароб эди. Ўйлайманки, энди баъзилар бу мамлакатга қайтиб бориш ҳақида ўйлашни бас қиласа керак.

Капитаннинг қулоғигача қизариб кетди, матрослар эса ҳаҳолаб юбориши. Шу заҳоти бу жонли фильмда капитаннинг қип-қизил башараси пайдо бўлди. Шу билан уларнинг саёҳатлари тўғрисидаги ҳикоя тугаб, бошқа ҳикоя бошланди. Улар сиёҳга кетган экспедициянинг қайтиб келишини портда кўзи тўрт бўлиб кутаётган Улуг Эртакчини кўриб қолдилар. Унинг таъби хира эди, атрофидаги одамларга бир нима деб, уфқни кўрсатди. Ҳамма бошини маъюс қимирилатди. Сўнг икки томондан маслаҳатчилар қўлтиқлаб олган Улуг Эртакчи саройга қайтиб кетди.

Қолган бошқа манзаралар аллақандай нотаниш мамлакатнинг турмуши ҳақида ҳикоя қиласарди. Доғ жаноблари әратагистонликларга, бу Ихтирочилар ороли эканлигини тушунтириди, уларнинг ажойиб лифти ўша оролга кетаётганлигини айтди. Лифт яшиндек тезлик билан яқинлашиб бормоқда эди. Доғ жаноблари тўсатдан жим бўлиб, деразанинг олдинга югуриб келди-да, пардан очиб қўйди. Кабинанинг ичига нур ёғилди ва лифт, худди поезд зимиston туннелдан ёриғлиққа чиққандек қоронғиликдан отилиб чиқди. Лифт ернинг сатҳига кўтарилиб, тўхтамасдан, йўлини ўзгартирди, кўзга кўринмайдиган излар бўйлаб яшин тезлигида учиб кетди.

Кутилмаган силкинишлардан уч-тўрт матрос йиқилиб

тушди, аммо шу заҳотиёқ ўринларидан туриб, деразаларга ёпишиб олдилар.

Атрофда улкан, бепоён шаҳар кўринар, аммо тезлик бирор нарсани илғаб олишга халақит берарди.

— Деразаларнинг олдидан қочинг, аксинча бошингиз айланади,— деб огоҳлантириб қўйди Доғ жаноблари.— Биз соатига тўрт юз мил тезликда кетяпмиз. Бахтимизга йўлда бурилишлар йўқ.

Эсанкираб қолган матрослар Доғ жанобларига қулоқ солиб, креслоларга ўтирдилар. Шундай катта тезликда ойналарнинг дирилламаётгани ва шовқин эшиитилмаётгани кишини ҳайратда қолдиради.

— Мўлжалланган жойимизга икки соатлардан кейин етсак керак,— деди Доғ жаноблари.— Мен Ихтирочилар ороли тўғрисида жуда кўп эшиитганман. У ерда худди бизга ўхшайдиган одамлар яшайди, фақат уларнинг оёқлари битта, холос. У ерда яшовчилар ўз мамлакатларини улуғ олимлари Гаудент Патент номи билан Патентония деб атайдилар. Уларнинг олдига денгиз йўли билан бориш мумкин эмас, чунки улар лабораториялари ва заводларини эҳтиётлаб қўриқламоқдалар. Патентонияга фақат Абекия орқали борилади, шу сабабли бу мамлакат тўғрисида биз кам биламиз. Ихтирочилар оролида бир вақтлар бутун дунёга машҳур ихтиrolар қилинган. Патентонияликлар ўз ихтиrolари ҳақида ҳаракатланувчи манзаралар билан маълумот берадилар. Бахтга қарши, биз бир қанча манзараларни кўрмадик, чунки бизда керакли аппаратлар йўқ. Сиз ҳатто эшиитмаган жуда кўп ихтиrolар билан танишишингиз мумкин. Бироқ патентонияликларнинг жуда эҳтиёткор ва сирга қизиқадиганларни ёқтирмайдиган халқ эканлигини унумтманг. Кераксиз жойга суқилманг, акс ҳолда ўзингизга ташвиш ортирасиз. Эсингиздан чиқарманг. Сиз истаган нарсангиз ҳақида сўрашингиз мумкин — патентонияликлар батафсил тушунириб берадилар ва ҳатто ўзларининг планлари ва лойи-

ҳаларини кўрсатадилар. Сиз патентонияликлар билан бемалол гаплаша оласиз, чунки улар минглаб тилларни, шу жумладан Эртагистон тилини ҳам биладилар. Патентония бой мамлакат, одамлар у ерда юз йиллаб яшайди, аммо улар учун дунёда ишдан бошқа ҳеч нарса — қўшиқ ҳам, ўйин ҳам, ҳордиқ чиқариш ҳам йўқ. Уйқу ҳақида-ку гап бўлиши мумкин эмас. Улар уйқуни қочирадиган ва чарчоқни кетказадиган маҳсус ҳабдори қабул қиласидилар. Мен сизларга машҳур Ихтиричилар ороли ҳақида гапириб бера олишим мумкин бўлган нарсалар ҳозирча мана шулар холос, қолганларини ўзингиз кўрасиз.

Доф жанобларининг сўзлари эртагистонликларда катта таассурот қолдирди. Улар узоқ вақт ўйга ботиб ўтирилар, ҳатто ичи пишиб кетаётган бўлса-да, Петрик ҳам ҳеч нарса сўрамасликка қарор қилди.

Торпеда аввалгидек тезликда елдек учиб бораради. Қонронғи бўла бошлади, шу торпеда ёнидан учиб ўтиб кетаётган шаҳарларда беҳисоб чироқлар қатор чараклаб турарди.

Радио карнайнда тўсатдан музика тўхтаб, Эртагистон тилида дикторнинг овози эшитилди:

— Диққат! Диққат! Улуғ Эртакчининг фуқароларини Патентониянинг Гроссмеханиги табриклайди. Машҳур олим Доф жаноблари билан бўладиган учрашувларга тайёргарлик бошлаб юборилди. Барча шаҳарларда унинг шарафига тантанали байрамлар бўлади. Диққат! Диққат! Бир соату йигирма уч минутдан сўнг сизлар келаётган Пўлат ўқ Магнит вокзалининг еттинчи платформасига келиб тўхтайди. Пўлат ўқ тўлиқ тўхтамагунча жойингиздан қимирламанг... Жойингиздан қимирламанг. Диққат, диққат! Радиокарнайнинг тагидаги қизил тугмачани босинг.

Капитан креслодан биринчи бўлиб туриб, аввал ҳеч ким пайқамаган тугмачани босди. Ҳамма радиокарнайга тикилиб қараб, ундан янги ахборот кутарди. Бироқ, тугмача, столчанинг ичига ўринатиб қўйилган механизми ҳаракатга келти-

риб, ҳаммани ҳайратда қолдирди. Ён томондаги деворлар тепага кўтарилиди, улар пастга тушганида эса дастурхон устидаги аввалги ҳар турли озиқ-овқатлар ғойиб бўлиб, ўрнида зарур асбоблар — шоколадли кўзачалар ҳамда пирожний терилган баркашлар пайдо бўлди.

Шу дақиқанинг ўзида радио карнайидан:

— Диққат, диққат! Столга марҳамат қилинг! — деган сўзлар эшитилди.

— Жуда яхши ғоя! — деди Доғ жаноблари ва овқатга биринчи бўлиб қўл урди.

Қолганлар ҳам унинг кетидан бошлишди.

Бу вақт ичиде кеч кириб, зимистон осмонда самолёт-қуёшлар айланиб ерни ёритди.

Худди кундузига ўхаш ёруғ эди, аммо фонуслар ўчмаган, хира нурлари билан торпедани хира ёритиб турарди.

Саёҳатчилар тушки овқатдан сўнг Эртагистондан сўнгги ажборотни эшитишди. Матрослар ўзларининг хотин, бола-чакаларининг, ёр-биродарларининг овозларини эшитиб ҳайрон қолдилар, уйларида нима воқеа бўлаётганидан хабар топдилар, Доғ жанобларининг номи экспедициянинг бошлиғи сифатида тез-тез айтиб ўтиларди. Эртагистон аҳолиси ваъда қилинган сиёҳни сабрсизлик билан кутмоқда эди.

— Олиб кетяпмиз, олиб кетяпмиз,— тўнғиллаб қўйди Доғ жаноблари.— Олиб кетаётган сиёҳмиз ўн йилга етади.

Вақт ўтар, вақт ўтган сайин саёҳатнинг ниҳояси яқинлашиб борарди.

— Диққат, диққат! Креслолардан турманг! — деган овоз эшитилди.

Торпеда тезлигини камайтира бошлади, сигналлар эшитилди, қизил чироқлар айланди ва Пўлат Ўқ Магнит воказалининг еттинчи платформасига ўз вақтида — бир дақиқага ҳам кечикмасдан кириб келди.

Саёҳатчилар жойларидан қимиirlамасдан кейинги буйруқни кутиб туришди.

Магнит вокзали каттакон бинодан иборат бўлиб, металл тоштахталар терилган, ойнавонли эди. Тоштахталар автоматик усулда сурилиб, йилт-йилт қилиб кўринаётган ҳар турли ажойиб поездларга ўтиш жойларини, йўлакларни ва туннеларни очарди.

Вокзалда ҳаракатни мураккаб товушли—чироғ сигнализация тартибга солиб турарди. Ҳар минутда ҳар турли жойларда қизил ва кўк чироқлар ёниб қолар, радиокарнайлардан шаҳарлар ва темирийўл станцияларининг номлари эшитилиб турарди.

Буларнинг ҳаммаси ниҳоят даражада аниқ бажарилар ва ҳеч қандай жон зоти қатнашмаётгандек бўлиб туюларди.

Деворлардан бирида илиғлик турган кумуш экранда рақамлар ва ҳарфлар ёниб, навбатдаги поезднинг келганлиги ҳақида хабар берди. Бир вақтнинг ўзида тоштахталар автомат усулда сурилди, светофорлар ёна бошлади ва поездлар чангисимон изларда вокзал гумбазларининг остидан чиқиб кетдилар.

Патентония



Ратистонликлар вокзалини ва пассажирларни яхшилаб кўриб улгурмаган ҳам эди. Пўлат ўқнинг шифти ва деворлари қўйқисдан тепага кўтарилиди, пастки қисми эса креслолар билан биргаликда бирдан олдинга қўзғалди. Қўнгироқ эшитилиб, тоштахталар икки ёқа сурилди ва очилган кенг туннел саёҳатчиларни домига олди. Аммо лифт-майдон ўша заҳоти вокзал биносидан чиқиб, аллақандай ажойиб кўча бўйлаб елиб кетди.

Пўлат конструкция ва пештоқлардан тўқилган кўчаларнинг устида патентонияликларнинг уйлари юксалиб туради, остида эса саккизта ўзиорар йўлка турли хил тезликда елиб борарди.

Ички йўлкалар йўловчилар учун мўлжалланган, ташқи йўлкалар бирмунча кенгроқ — транспортлар учун. Эртагистонликларнинг лифти йўлнинг ўнг томонидан борарди, унинг ёнида эса шаҳар аҳолиси борарди. Лифт деярли қўшини йўлка билан баравар тезликда ҳаракатланарди, шунинг учун эртагистонликлар маҳаллий аҳолини обдан кўздан кеширишлари мумкин эди.

Патентонияликлар эртагистонликларга нисбатан анча новча эди. Уларнинг бор-йўғи битта узун оёқлари ва серҳаракат бурни бор эди. Оламда ҳамма нарсадан кўра гўё улар учун ҳанг муҳими ҳид эди. Эркаклар мутлақо кал эди, аёлларнинг гарданидан эса малла соч ўсиб чиққан бўлиб, калта-калта учта кокилча қилиб ўриб қўйиларди. Болалар ташқи кўринишидан катталардан мутлақо фарқ қиласади.

Патентонияликларнинг кийими бир хил эди: чарм камзул, кенг ранг-барагн пелерина, узун жун пайпоқ ва тагчарми қўш пружинали резинка бошмоқ. Патентонияликлар шу пружина воситасида чигирткага ўхшаб сакраб, соатига қирқ милгача юарди.

Йўлкалар ҳеч қачон тўхтамасди. Йўлкадан тушиш зарур бўлиб қолса патентонияликлар тош йўл бўйига ўринатилган, ораси бир-бирига яқин перронларга эпчилик билан сакраб ўтиб олардилар. Патентонияликлар перрондан йўлкага ҳам худди шундай сакраб ўтиб олардилар.

Энг тез юрадиган йўл чап томонда эди. У шакли шарларга, сигараларга ва эзилиб кетган бодрингларга ўхшайдиган беҳисоб машиналар билан тўла эди. Ҳамма машиналарнинг ғилдираклари ўринда чанғига ўхшаш из бор эди.

¹ Пелерина — елкага ташлаб юрадиган ёнгиз салта кийим.




Нозик тиниқ металлдан ясалган шарсимон машиналар винтолетлар деб аталарди — уларнинг ўртасида винтсимон лангарлар тиккайиб чиқиб туради. Винтлар атом двигателининг ёрдамида секундига юз минг оборот айланарди. Винтнинг ялпоқ резьбаси паррак ўрнини босарди: винтолетлар тепага енгил кўтарилилар, жойида қотиб қолар ва самолётларга ўшаб истаган томонга учарди. Осмонда айланиб юрган винтолетлар галаси ердан қарагандада ранг-баранг совун кўпикларига ўхшарди.

Бошқа машиналар сувда ва қуруқликда саёҳатга белгиланган. Уларнинг тагида — пастда, темир йўл ўрнини босадиган чанғисимон

из бор эди. Шунинг учун улар ҳар қанақа баландликда ҳам юра олардилар ва катта тезликда ҳар қандай қаршиликларни енгидиб ерга излари билан қўна олардилар.

Эртагистонликлар анқайганча ҳамма нарсага қараб турар, қойил қолиб қичқирадилар, Доғ жаноблари эса ёнида кетаётган патентонияликлардан бу машиналарнинг ҳар турили хусусиятлари ҳақида сўрарди. Барча сухбатлар эртагистон тилида олиб бориларди, патентония тили эса умуман эшитилмасди, чунки маҳаллий аҳоли ўзаро мутлақо бошқа тилда гаплашишарди. Патентонияликлар кичкина ойнали — экранли кўзойнак тақиб юрадилар, уларнинг барча ўй-ҳислари, фикрлари шу ойнада кўринарди. Шунинг учун уларнинг гаплашишларининг мутлақо ҳожати йўқ эди. Доғ жаноблари ўртоқларига шунақа кўзойнак топишга сўз берди.

— Аммо шуни ҳисобга олинг,— деб огоҳлантирди Доғ



жаноблари,— патентонияликларда ҳеч қанақа яширадиган сир йўқ. Улар ҳеч нарсани яширмайдилар. Бироқ орангизда кўпчилигингиз сирингизни ошкора қилишдан кўра сеҳрли кўзойнакни тақишдан воз кечасиз деб қўрқяпман. Бизнинг зуваламиз бошқа, бу ердаги ихтиrolарнинг ҳаммаси ҳам бизга тўғри келавермайди.

Ўзиорар йўлкаларда борган сайин бир оёқли баҳайбат патентонияликлар кўпайиб бораарди. Баъзилари шошиб, ўзларининг пружинали бошмоқларида бургага ўхшаб сакраб, бир зумда ғойиб бўлардилар. Болалар ихчам стулчаларда ўтириб бораардилар. Эртагистонликларнинг лифти ажойиб металл иншоотнинг ёнидан бораарди. Шаҳарнинг ўзига яхшилаб разм солиб қарааш мумкин эмас эди, чунки шаҳардаги бинолар ва кўчалар жуда ҳам баландга жойлашган эди.

Саёҳатчилар ниҳоят тўхтадилар. Лифт юқорига кўтарилди. Тўртта пўлат панжа уни бир вақтда ушлаб олиб, улкан бинонинг томига олиб чиқди. Саёҳатчилар улар учун тантанили кеча ҳозирланаётган серодам майдонга бориб қолдилар.

Майдонга хира ойнадан ясалган тош тахталар терилган эди. Юқорига қараб ихчамлашиб кетган ва энг тепаси мезаналарга айланиб тамом бўлган кўпқаватли биноларга ҳам мана шу тош тахталардан ётқизилган эди. Мезаналарга бир томони ичига ботган дискалар маҳкамлаб қўйилган эди. Улар қуёш нурларини олар ва тураг жой ҳақида кўчаларни қизитиш учун иссиқ ишлаб чиқаради. Патентонияликлар қуёш дискалари ва электр музхоналари бўлгани сабабли ўз ша-

ҳарларида йил-үн икки ой ҳамиша бир хил ҳароратни сақлаб турардилар. Бу ниҳоят даражада муҳим эди, сабаби, патентонияликлар, бурунлари ҳаддан ташқари узун бўлгани учун, салгина шамол елса ҳам тумов бўлиб қолар ва худди карнай чалаётганга ўхшаб қаттиқ акса ураддилар.

Майдон узоқдан беҳисоб тармоқлари ва чорраҳалари кўриниб турган кенг кўчани кесиб ўтарди. Майдоннинг тепасида ҳаво шарларига ўхшатиб балконларга маҳкамлаб қўйилган винтолет галалари осилиб турарди. Шаҳар аҳолиси балконларга ёғилиб чиқсан эди. Уларнинг ҳар бирида кичкинагина резина радиокарнай бор эди. Барча патентонияликлар учидан кичкинагина антеннаси бор байрам капюшони кийиб олган эди.

Бурни жуда узун бир патентониялик оломонни ёриб чиқди-да, секин-аста юриб, Доғ жанобларининг олдига яқин келди. Аввал икки букилиб таъзим қилди, сўнгра эса патентонияликларнинг одатига биноан, Доғ жанобларининг қулоғидан ўпди. Бу алоҳида ҳурмат белгиси эди. Доғ жаноблари ҳам унга айнан шундай жавоб қайтарди, бироқ унга жуда баландга сакрашга тўғри келди — патентонияликнинг бўйи унга нисбатан bemalol тўрт марта баланд эди-да, ахир!

Қолган эртагистонликларга дабдабасиз салом беришди. Фақат уларнинг қулоқларини чўзиб қўйиш билангина чегараланилди. Бу одат Петрикка ҳаддан ташқари ёқиб қолди. У ҳаётида биринчи марта бошқаларнинг қулоғидан чўзиш ҳуқуқига эга бўлиши эди. Шу вақтгача фақат уникини чўзиб келишарди, аммо бу мутлақо ҳурмат учун эмас эди.

Маросимдан сўнг, йиғилганлар бурунларида «Ихтирочилар марши»ни чалаётган вақтда энг бурни узун патентониялик катталиги ён соатдек келадиган шиша симдан тўқилган тўрни оғзига яқин олиб келди-да, гапира бошлади.

Бу тўр ғаройиб ихтиро эди! У Патентония нутқини бошқа ҳар қандай тилга таржима қилиб берарди, фақатгина милини ўрнатса кифоя эди, холос. Патентонияликларнинг табри-



гини әртагистонликлар ўзларининг она тилларида эшитдилар.

— Азиз меҳмон! — нотиқ Доғ жанобларига мурожаат қилди. — Довюрак саёҳатчилар! Аввал мен сизларга Патентонияда сизнинг мамлакатингиздаги Улуғ Эртакчига тенг келадиган номи улуғ Гроссмеханик борлигини айтмоқчиман. Патент Бюроси бундан уч йил муқаддам ихтирочиларнинг орасида энг кўп ихтиро қилган мен эканлигимни аниқлагандан кейин, ҳокимиятни мендан илгари ўтган Йигирма Саккизинчи Патентоникнинг қўлидан қабул қилиб олдим ва ҳозир мамлакатни Йигирма Тўққизинчи Патентоник номи билан бошқаряпман. Мен ихтиро қилишда ўзимдан ўзиб кетган одамга ворис сифатида ҳокимиятни топшираман. Бизнинг мамлакатимизнинг қонуни шунаقا.

Ҳамма бараварига қичқириб юборди.

— Элла бэлла Патентоник адурэлла!

Бу патентоничасига: «Яшасин Йигирма Тўққизинчи Патентоник!» дегани.

Нотиқ давом этди:

— Амброжий Доғ жанобларидек улуғ олимнинг бизнинг мамлакатимизга ташриф буюрганлари учун бениҳоя бахтиёрман, зўр ғояларингиз учун ташаккур билдираман. Бу ғоялар сизнинг ватанингизда амалга ошмаган бўларди, сабаби, у ерда материаллар етишмайди ва техника қолоқ. Аммо сизнинг билим борасида жуда зўр олим эканлигингиз тўғрисидаги таърифлар ва хомаки ёзилган нарсалар бизга етиб келди ва бир қанча муҳим ихтиrolар қилишга имкон берди:

Гроссмеханик шу сўзларни айтгач, эгилиб таъзим қилиб, Доғ жанобларининг қулоғидан яна бир марта ўпиб олди-да, давом этди:

— Азиз меҳмон, биз сенинг қилган ихтиrolарингдан миннатдормиз, бир қанчасидан фойдаланяпмиз, санаб чиқишга ижозат бер. Шундай қилиб, биринчи ўринда катталаштирувчи насос туради. Мана шу сабабли биз ўзимизнинг одатдаги

бўйимизни учдан бирга катта қилишга муваффақ бўлдик.
Мен бу ихтирони намойиш қилишни истардим.

Патентониялик чўнтағидан тикув машинасининг мой идишига ўхшаган насосни чиқарди-да, уни Доғ жанобларининг қулоғига олиб бориб бир неча марта тагидан босди. Уша заҳоти бизнинг олимимиз ўса бошлиди ва бир неча дақиқадан кейин патентонияликлар билан бараварлашди. Ҳамма ҳайратда қолди. Эртагистонликлар паҳлавон бўлиб қолган Доғ жанобларига ҳаваслари келиб қараб турдилар. Кейин дарров Гроссмеханикни ўраб, қулоқларини унга тутиб, «бизни ҳам катталаштириб!» деб шилқимлик қилдилар. Фақатгина рулни бошқарувчи киши бир чеккада турарди — у атрофида нима бўлаётганини кўрмасди-да.

Гроссмеханик рул бошқарувчининг кўзи кўрлигини пайқади-да, матросларнинг тепасидан қўлини чўзиб, унинг бурнига призма шаклидаги ойнакли пенснени илиб қўйди. Рул бошқарувчи кишининг қувончини тасвирлашга қалам оқизлик қиласарди. Кўққисдан унинг кўзи очилиб, атрофга аланглаб қаради. Гроссмеханик унинг қулоғига насосни қўйган эди, бўйи ҳам ўси, рул бошқарувчининг хурсандлигининг чегараси йўқ эди! Гроссмеханик қолган эртагистонликларни хушмуомалалик билан, аммо қатъий четга итариб қўйди-да, тўрни оғзига яқинлаштириб, узилиб қолган нутқини давом эттириди:

— Мана, Доғ жанобларининг ғояларидан бунёдга келтирилган яна бир неча ихтиро — барча қулфларни очадиган калитча, шамларни сақлаш учун қутича, ўйинга тушадиган кўпприклар, тумовга қарши автоматлар ва бошқа жуда-жуда кўп нарсалар. Фақат сочни ўстирадиган тумача дори ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳеч мусассар бўлолмаяпмиз, холос. Бизда тумача дори учун бол витамин бўёқ моддаси йўқ. Афсуски, бизнинг химия саноатимиз техника тараққиёти билан баравар бормаяпти.

— Соч ўстирадиган тумача дорими? Марҳамат! — деди

Доғ жаноблари ва чўнтағидан ҳамиша ёнида олиб юрадиган кумуш қутичани чиқарди.— Марҳамат қилинг! Менда жуда ҳам кўп!

У ўша заҳоти қутини очиб, яқин-атрофда турган патентонияликларни тугмача дори билан меҳмон қилди. Қути бир зумда бўшаб қолди.

Доғ жанобларининг зиёфатидан баҳраманд бўлганларнинг бошларидан ўша заҳоти жингалак соч ўсиб чиқди.

Шундан кейин ашулачилар хори бурунларида Доғ жанобларининг шаънига тўқилган кантатани чалиб берди.

Аммо, патентониялик нотиқ кўринишдан, ҳали нутқини тамом қилмаганга ўхшарди. У қўли билан ишора қилиб, жим бўлинглар, деди-да, давом этди:

— Биз ҳеч қачон ўйин-кулги билан қўнгил очмаймиз, хурсандчилик қилмаймиз — ўзимизнинг барча вақтимизни ишга бағишлимиз. Сиз бизда ажойиб нарсаларни кўрасиз, баъзиларини ҳатто ўзингизнинг Эртагистонингизга олиб кетишингиз ҳам мумкин. Сиз бизнинг меҳмонимизсиз, аммо бизнида бир суткадан ортиқ туришингиз мумкин эмас, чунки биз ишдан қола олмаймиз. Бизнинг мамлакатимизнинг қонуни шунаقا.

«Бизни, бирор нарсани кўриб қолмасин деб қўрқишияпти»,— деб ўйлади Петрик.

Гроссмеханик нутқини тамом қилиши биланоқ унинг барча фуқаролари тўрни оғизларига олиб бориб, бараварига қичқира бошладилар:

— Яшасин Доғ жаноблари!

— Яшасин Йигирма Тўққизинчи Патентоник!

Сўнг улар табриклов кантатасини яна бир марта чалиб бердилар.

Кўшиқнинг сўнгги товушлари тўхташи билан Доғ жаноблари сўз олди-да, қисқача сўзлаб, чин юракдан қабул қилганилари учун патентонияликларга миннатдорчилик билдириди. У Эртагистончасига сўзлади, аммо патентонияликлар қулоқ-

ларига резинка приёмникни қўйиб олдилар, приёмник унинг сўзларини ўша заҳоти патентония тилига таржима қилиб турди.

Гроссмеханик



Тантаналар тамом бўлгандан кейин Гроссмеханик меҳмонларни ўз саройига таклиф қилди, саройда улар учун аллақачон алоҳида ҳашаматли катта хоналар тайёрлаб қўйилган эди. Доғ жаноблари биринчи галда сиёҳли бочкалар ҳақида эслади-да, патентонияликларга уларни саройга олиб келишларини илтимос қилди.

— Муҳтарам меҳмон,— фамгин деди унга Гроссмеханик,— ҳозир эшигадиган хабар сени қанчалик хафа қилиб юборишини биламан: биз патентонияликларнинг ҳамма нарсаларимиз мамлакатимиздан ташқарига чиқиши билан қўёш нурининг таъсири остида бирпасда ҳалок бўлади. Шу жумладан, сиёҳ сути ҳам ўз рангини ўша заҳоти йўқотиб, оппоқ бўлиб қолади. Биз Абекия билан қадимдан дўстона муносабатдамиз ва менга бунинг ҳаммаси маълум. Менинг сўзим тўғри эканлигига ҳозир ўзинг ишонасан.

Гроссмеханикнинг ишораси бўйича патентонияликлардан бири сиёҳ солинган иккита бочкани юмалатиб олиб келдида, Доғ жанобларининг олдига қўйиб, тагини кучли зарб билан уриб туширди. Бочкалардан оппоқ сут вариллаб оқиб кетди. Доғ жаноблари қўзларига ишонмай, ичига қаради. Ҳа, гумонсирашга ўрин қолмаган эди: сиёҳ ўз рангини йўқотиб, ҳеч кимга кераксиз оқ суюқликка айланиб қолибди. Доғ жаноблари унга қўлинни ботириб олиб, бармоқларидан

шиша тоштахталарга чак-чак оқиб тушаётган оқ томчиларга индамай қараб турарди. Улув олимнинг жим туриши ҳар қандай гапдан кўра тушунарлироқ эди. Бу жимликни бузишга ҳеч ким журъат этмади.

Шу вақт Доғ жанобларининг кўзлари Петрикнинг жиққа ёш кўзлари билан учрашди. Доғ жаноблари ўзини дарров тутиб олди, кейин майнага ўхшаб узиб-узиб ҳуштак чалиб қўйди-да, деди:

— Эссиизгина-я. Аммо бизнинг саёҳатимиз ҳали тубагани йўқ. Биз Эртагистонга икки қўлимизни бурнимизга тиқиб қуруқ кириб бора олмаймиз. Юринглар.

У Патентоник XXIX ни тирсагидан олди-да, иккалалари сарой томонга қараб кетишиди. Уларнинг орқасидан эртагистонликлар, Сарой Кенгаши ва бошқа барча мулозимлар бордилари.

Ҳа, Доғ жанобларининг улуғ инсон эканлигини тан олиш керак — фақат улув одамларгина ҳеч қачон умидларини узмайдилар.

Улар баланд дарвозага кириб сарой олдидан чиқиб қолдилар. Бир неча лифтлар меҳмонларнинг чиқишига мунализир бўлиб турарди. Патентонияликларнинг уйларида ҳеч ерда бирорта ҳам зина йўқ. эди.

Патентонияликлар тепадаги қаватларга оёқларидағи тагчарми пружинали бошмоқларининг ёрдамида сакраб чиқардилар, истовчилар эса, лифтлар ёки курси-планерлардан фойдаланишлари мумкин эди.

Гроссмеханик меҳмонларни бошлаб борган кенг зал мутлақо бўм-бўш эди. Фақат кумуш тоштахталардаги ҳар турли рангдаги тугмачалар махфий механизм мавжуд эканлигини билдириб турарди. Тугмачани босилса бас эди, шифтдан, полдан ва деворлардан ҳар турли нарсалар сурилиб келарди.

Аввал ҳаво ранг тугмачани босишган эди, зал ҳашаматли ошхонага айланниб қолди: қаердандир устида ҳар хил овқат-

лару хушбўй вино қўйилган кўзалар турган столлар пайдо бўлди. Гроссмеханик ишора қилган эди, зиёфат бошланиб, ёрталабгача давом этди. Овқатларга чарchoқни тарқатадиган аллақандай зираворлар аралаштирилган эди, шунинг учун ҳам ёртагистонликлар бардам эдилар ва уйқулари келмасди. Доғ жаноблари ҳақида-ку, тапирмаса ҳам бўлади.

Зиёфат тугаши билан Гроссмеханик қизил тумачаларни босган эди, ошхона механик устахонага айланиб қолди. Устахона аппаратлар, аниқ асбоблар ва инструментлар билан жиҳозланган бўлиб, у ўз ихтиrolарини мана шуларнинг ёрдамида ҳар томонлама текширад ва такомиллаштиради.

Гроссмеханик барча меҳмонларга бир вақтнинг ўзида радиоприёмник, важигалка, электр фонуси, пашша тутқич, соч оладиган машина бўла оладиган металл қути совға қилди. Ёртагистонликлар бу мураккаб асбобни кўриб, анграйиб қолдилар.

Доғ жаноблари эса қилинаётган ҳурмат-эҳтиромдан ташқари кишиларнинг ўйләётган фикрини пайқаб оладиган аппарат, ичиди Патентониянинг еттига сири бўлган чиройли қутича ва ўзи ҳамда ўртоқлари учун ўн бешта винтолет олди. Патентониянинг еттига сири орасида картадан бу мамлакатни топиш усули, катталаштирувчи насоснинг модели, Гроссмеханикнинг қилган ихтиrolари рўйхати ва яна тўртта қимматбаҳо сир бор эди.

Катта совға учун Доғ жаноблари чин юракдан ташаккур билдириди, аммо, совғаларнинг орасида унинг учун энг зарур бўлган қора сиёҳни кўрмаётганлигини хушмуомалалик билан қистириб ўтди.

Гроссмеханик қора сиёҳни эшитиб замгин бўлиб қолди. Сарой Кенгаши билан нима ҳақдадир шивирлашиб олди-да, кўрсаткич бармогини узун бурнининг устига қўйиб, деди:

— Қора сиёҳнинг бизга ҳеч қачон кераги бўлмаган, биз ҳар турли сўзлар, сонлар ва фикрларни шундоқ ҳам ёдда сақлаймиз. Хотирамиз бизни ҳеч қачон алдамайди, биз шу-

нинг учун ҳеч нарсани: энг мураккаб чизмаларни ҳам, математик формулаларни ҳам ёзмаймиз. Ҳозир ёшим тўқсон тўққизда бўлса ҳам, аммо болалигимдаги ёд олган юз мингта қонданинг ҳаммаси эсимда. Шунинг учун сиёҳни ихтиро қилмаганлигимиз ажабланарли эмас ва уни ҳеч қачон ихтиро қилмаймиз ҳам. Бунинг устига, ҳали айтганимдек, бизда еттига асосий бўёқ моддаси йўқ. Аммо мен Амброжий Доғ жаноблариdek улуғ олим бундай оддий нарсани шу вақтгacha ихтиро қила олмаганига ҳайронман. Яна қайтариб айтаман: мен ҳайронман, ҳайрон бўлишга эса ҳар бир кишининг ҳаққи бор.

Бу пичингга Доғ жаноблари чурқ этмади, у ўзини жуда яхши тута биларди, фақат қулоқларигача қизариб, қовоғи солинди.

Гроссмеханик эса ҳеч нарса бўлмагандек гапида давом этиб, меҳмонларнинг вақти ўтиб кетаётганини яна бир марта эслади ва уларга шаҳарни томоша қилишни таклиф этди. У Доғ жанобларининг тирсагидан олиб, ёнида бир оёқда сакраб эшикка йўл олди. Уларнинг кетидан эртагистонликлар ва барча мулозимлар чиқишиди.

Асосий кўча энг баланддан, ўзиорар йўлкаларнинг устидан ўтарди, кўча худди кенг кўпrikка ўхшар, устига шиша кубиклар ётқизилган эди. Икки томонда конуссимон бинолар юксалиб туради. Деразалардан эса гўё эгизаклардек бир-бирларига ўхшаш шаҳарликлар бошларини чиқариб қарапдилар.

Бу кўчада кафелар ҳам, магазинлар ҳам, ресторонлар ҳам йўқ эди. Уларнинг ўрнига ҳамма ёқقا автоматлар қўйиб ташланган эди. Гроссмеханик уларни «бир юз етмиш етти» деб ўйиб ёзилган игна ёрдамида ҳаракатга келтирарди.

Гроссмеханик ҳар турли автоматларни намойиш қиласа ва меҳмонларга мевалар, ширинликлар, кийим-кечаклар, энг зарур нарсалар, ҳар хил майдा-чуйдалар ва ҳатто зеб-зийнатлардан тортиб, олтин-кумуш буюмларгача тарқатарди. Патен-

нияликлар автоматлардан бирининг олдида бир оз узоқроқ вақт ушланиб қолишиди. Турганларнинг ҳар бири ўзларининг узун бурунларини автоматнинг ичига тиқарди, чунки бу автомат тумовга қарши машҳур автомат эди. Маҳаллий аҳоли ҳамиша тумов билан жафо чекканлари сабабли кўпроқ шу автоматдан фойдаланиб, бурунларини бир кунда бир неча марта дезинфекция қиласиди.

Бу ерда шунингдек ҳароратни ўлчайдиган, тишларни пломбалайдиган, пайпоқларни тўрлайдиган, соchlарни ўриб қўядиган ва бошқа муҳим автоматлар бор эди.

Эртагистонликлар патентонияликларнинг яратган ихтиро-ларига қойил қолганликларини яширишмади. Лекин шаҳарда биронта ҳам дўкон йўқ эди, шунинг учун шаҳар уларга маданиятдан орқада қолганга ўхшаб кўринди. Исто-Рико кў-чаларидағи равшан қилиб ёритилган витриналар кишини ўзига ром қилиб олар, ҳар бир одам истаган нарсасини ха-рид қилиши мумкин эди. Патентонияликларнинг маҳсулоти эса бир хил бичимда тайёрланган кийим-кечакларига ўхшаб ҳаммаси бир хил рангда, нусхаси ҳам бир хил эди ва бу ки-шида салбий таъсири қолдиради.

Гроссмеханик автоматлар кўчасида кутилмагандан тўхтаб қолди-да, деди:

— Ҳозир кўрадиган нарсангиз сўзсиз дилингизни жуда ҳам сиёҳ қилиб юборади, бироқ начора — мамлакатимизнинг қонуни барча учун, ҳатто чет мамлакат кишилари учун ҳам мажбурийдир.

Гроссмеханик шундай деб бир неча марта катта-катта сакради-да, бошқа автоматларнинг орасида ҳаракатсиз — қимир этмай турган ҳайкал олдига келиб тўхтади. Унинг ке-тидан эртагистонликлар шошилиб келишиди. Уларнинг олди-да... узоққа маъносиз бақрайиб қараб қолган Петрик тура-ди. Унинг қўллари кўкрагида эди, оёқлари эса йўлкадаги те-мир ҳалқага кишанлаб қўйилган эди.

— Бу бола,— деди Гроссмеханик,— таъқиқлаб қўйилга-

нига қарамай менинг энг янги ихтиrolаримдан бирини кўриб олди: у механизмни ҳаракатга келтириб, шу билан яширин тутилган сирни ошкора қилиб қўйди. У шунинг учун жазолган. Унинг одамлик хусусияти йўқолди, у автоматга, поча маркаларини ялаб ҳўллаб берадиган автоматга айланиб қолди. Қандай ишлашини кўрсатиш имумкин...

Гроссмеханик ўзининг игнасини Петрикнинг қўлтиғидаги тешикка тиқиб, уни уч марта бураган эди, Петрик ўша заҳоти оғзини очиб, тилини чиқарди. Патентонияликлар янги автоматнинг олдига бирин-кетин сакраб бориб, поча маркаларини чиқиб турган тилнинг устига қўйдилар, кейин уларни олдиндан тайёрлаб қўйилган конвертларга ёпиштирилар, Гроссмеханик игнани суғуриб олиши биланоқ, Петрик тилини тортиб, оғзини юмди-да, яна узоққа қараганча қотиб қолди.

Доғ жаноблари жойида қимиirlамай туриб қолди. Пет-



рикни қутқазишга энди илож йўқлигини биларди. У узоқ вақтгача индамай турди, кейин шўрлик боланинг олдига яқинлашиб, металлдек совуқ пешанасидан ўпди-да, Гроссмеханикка ўгирилиб, қалтираб сўзлади:

— Ҳамма нарсага қизиқувчан болани автоматта айлантиришга фақат ваҳшиёна қонун йўл қўйиши мумкин. Үнинг қизиқувчанлиги ҳаддан ташқари шафқатсиз жазоланган. Бироқ, энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмас экан, начора! Биз юрак ўрнида пўлат пружина кўтариб юрган одамларнинг мамлакатида ортиқ қолишни истамаймиз. Бизни бу ердан иложи борича тезроқ қўйиб юборинг. Бизнинг талабимиз шундай!

Ғазабланган эртагистонликлар Доғ жанобларини ўраб олишида, улар ҳам бу мудҳиш оролдан дарҳол жўнаб кетишини талаб қила бошладилар. Фақат рулни бошқарувчи киши бир чеккада туриб:

— Мен кетишини истамайман! Мен сўқир бўлиб қолишни хоҳламайман! Бу ерда кўряпман. Менга шу ерда қолишимга рухсат беринг! — деб қичқирди.

— Менинг ҳеч қанақа қаршилигим йўқ,— деди Гроссмеханик.— Инсон учун кўз қанчалик аҳамиятга эга эканлигини тушунаман. Жилваланадиган шишалар тез ишдан чиқиб турари ва уларни тез-тез алмаштириб туриш керак бўлади. Буни фақат Патентониядагина қилиш мумкин, холос. Рулни бошқарувчингизга бизникида қолишга ижозат беринг. У биздек ишлайди, биздек яшайди. Сизларда унга кўзини ҳеч ким қайтариб бермайди-ку, ахир!

Жимлик чўкди. Доғ жаноблари патентонияликларни ваҳшийликлари учун ёмон кўриб қолганди. Лекин уларга нисбатан бўлган қалбидаги адоватни босишига ҳаракат қильди. У жилваланувчи шишаларнинг сирини Гроссмеханик айтиши мумкин деб ўйларди. Аммо бу бағритош ва такаббур ҳоким ўзини ҳақоратланган деб ҳисоблади, бундай пайтларда уни фикридан қайтариш мумкин эмас эди.

— Майли,— деди Доғ жаноблари,— рулни бошқарувчи қола қолсин. Лекин мен Патентонияда қирол бўлганимдан кўра Эртагистонда кўр бўлиб яшашни афзал кўрардим. Шунақа!

У, шундай деб ўгирилиб, юриб кетди. Эртагистонликлар унинг кетидан шошилдилар. Патентонияликлар уларнинг бошлари устидан тез ўтиб кетдилар.

Майдонда аллақачон каттакон оломон тўпланган эди. Ҳаммалари эгарланган отдек бўлиб тайёр турган яп-янги винтолетларнинг олдида ғамхўрлик қилаётган механикларнинг ишларини жим кузатиб турардилар.

Гроссмеханик эртагистонликларни олдига чақириб олиб, уларга учиб юрадиган шарлар билан қандай муносабатда бўлиш кераклигини батафсил тушунтириди. Иқрор бўлиш керак, уларнинг механизми жуда ҳам оддий эди. Ҳатто кичкина бола ҳам бошқаришнинг уддасидан чиқа оларди. Доғ жаноблари машинага ўтириб, моторини вариллатиб юргизди-да, винтолетни синаб кўрди. Тажриба муваффақиятли ўтди.

Учиб кетишга тайёргарлик тугаши билан Гроссмеханик Доғ жанобларига мурожаат қилди:

— Бу учрашувимиз ёдимда абадий сақланиб қолади. Вақт ўтиб, бир-биримиздан хафа бўлганлигимиз унутилиб кетади, аммо сиздек улуғ олим билан бирга бўлган озгина вақтда қалбимда уйғонган чуқур ҳаяжон ҳеч қачон унутилмайди. Биз мана шу майдонга қурадиган ҳайкал сизнинг ажойиб ташрифингиизни абадийлаштиради, майдон эса «Доғ жаноблари майдони» деб аталади.

Шу ерда Патентоник XXIX Доғ жанобларининг қулогидан чўзиб қўйди-да, давом этди:

— Йўлга жуда кўп озиқ-овқат бердик; бундан ташқари ҳаммангиз иссиқ кийим оласиз, чунки тепа жуда ҳам совуқ. Мана менинг ихтиро қилган пальтоим. Ҳар бир тугмачасининг ичига кичкина батарейка ўрнатиб қўйилган, батарейкандан иссиқ тўлқинлар баданинг ҳамма ёғига текис тарқала-

ди. Ҳароратни тугмачаларни бураш йўли билан нормал ҳолга келтириш мумкин. Гапирмоқчи бўлган гапларим шу. Бошқа гапим йўқ. Энди эса хайрлашишга тўғри келади. Ҳўп, хайр бўлмаса, оқ йўл!

Эртагистонликларга пальто улашишаётганда Доғ жаноблари қисқагина хайрлашув нутқи сўзлаб, Гроссмеханикка кўрсатган меҳмондўстлиги учун ташаккур билдири.

Рул бошқарувчи ҳаддан ташқари ҳаяжонланар эди. У дўйстларининг олдига югуриб келди-да, уларни навбат билан қучоқлаб, ўпкаси тўлиб ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Энди мен Улуғ Эртакчининг эртакларини ҳеч қачон эшийтмайман!— ҳиқиллаб йиғлади у.— Мени кечиринг, кўр бўлишининг қанчалик оғир эканлигини билганингизда эди! Балки, шароитга ўрганиб кетарман. Петрикка кўз-қулоқ бўлиб тураман... Мени кечиринг! Оқ йўл!

Доғ жаноблари кўзига ёш олиб, рул бошқарувчини ўптида, Гроссмеханикка ва йиғилган патентонияликларга яна бир марта таъзим қилди, кейин эртагистонликларга қараб: «Винтолетларга ўтирилсин»— деб буйруқ берди. Ҳар бир машинага иккитадан эртагистонлик, охиригисига эса — Доғ жанобларининг ўзи ўтирди.

Патентонияликлар бурунларида хайрлашув машини чалдилар ва ўн бешта винтолет тепага кўтарилиди. Эртагистонликлар тепага кўтарилиган сайин майдондаги одамлар кичиклашиб бораверди, бир неча минутдан кейин ердаги одамлар уймалашиб юрган чумолиларга ўхшаб кўринардилар. Кўп ўтмай Ихтиричилар ороли денгиз устида сузид юрган тақсимчага ўхшаб кўринди.

Чигирткалар билан жаңг



Оғ жаноблари яна нормал ҳолатга келиб қолганини ҳатто пайқамай қолди.

Балки бу бағритош билармонларнинг ихтиrolарининг ҳаммаси бошдан-оёқ ёлғон бўлса-чи? — ўйлади у алам билан.

Аммо, пальтодаги тугмачаларни бураб кўрган эди, баданининг ҳамма ёғига хуш ёқадиган иссиқлик тараляётганини сезди. Кейин ў фикрларни билиб оладиган аппаратни синааб кўрган эди, кичкина экранда бир хил манзара пайдо бўлди. Бу ўзларининг ҳузур-ҳаловатсиз ишларидан ташвишга тушган матросларнинг фикрлари эди. Фақат капитан Патентонияни ҳеч эсидан чиқара олмасди, рулни бошқарувчи ҳақида ўйлар, Петрикни эслаб, Гроссмеханикни лаънатлаб, бақириб ҳамма ёқни бошига кўтариб сўкарди.

Доф жаноблари ўзининг сеҳрли кўзойнагини тақиб, Патентоник XXIX совға қилган, ўз-ўзидан ишлайдиган — автоматик картани ёзди-да, винтолетни шимоли-ғарбга бурди. Қолган винтолетлар унинг кетидан турна қатор бўлиб тизилиб учишди.

Осмон мусаффо эди, аммо кабинага суяқ-суякка ўтадиган совуқ ғўриллаб киради. Хайрият барча иситадиган тугмачалар яхши ишлади, эртагистонликларнинг фақат қулоқ ва бурунларигина совқотди, холос. Доф жаноблари, гўё иссиқ шарфга ўраниб олгандек, ўзининг соқолига бурканиб олди. У узоққа диққат билан синчилаб қарап ва ҳаво йўли ҳақида қисқача буйруқлар топширас, ахборотлар берарди:

— Ўн саккиз минг фут¹ баландликда учяпмиз. Ўнг томон-

¹ Фут — 30,479 сантиметрга баравар келадиган рус ва инглиз ўлчови.

да Грамматика тизма ороллари. Тұғри ёзув қоидаси бутун дүнёга шу ердан ёйилади... Тұппа-тұғри йүлімізда Баклан денгизи. Тезлик соатига иккى юз йигирма миль. Металлофаглар мамлекатига яқинлашмоқдамиз. Ҳозир соат үн бирдан қирқ беш минут ўтди... Эшииттириш тамом...



Эртагистонликлар патентонияликлар олийхимматлилик билан таъмин қылган түйимли шириilikлардан еб олдилар. Бу шириilikлар бир йўла учта гўштли овқат, учта сабза-вотдан ва иккита мевадан пиширилган овқатнинг ўрнини бошарди, бундан ташқари, уларнинг ичига хушбўй вино қоришмаси қўшилган эди.

Узоқ вақт шундай учдилар. Мусаффо осмонда қўёш порлаб турарди. Ҳаво топ-тоза эди, паstdаги денгиз столдаги мижғалоқ бўлиб қолган клеёнкани эслатарди.

Приёмниклардан тўсатдан Доғ жанобларининг ҳаяжонланган овози эшитилиб қолди:

— Диққат! Диққат! Шарқдан булут яқинлашиб келмоқда... Жуда ҳам катта булут... У бутун уфқни ёпиб қўйди... Аниқ билмайман, аммо бу сув қуюни бўлса керак деб ўйлайман... Пастлаймиз! Қутқазиш насослари тайёрлансин! Ваҳима қилманг! Мен борман...

Доғ жаноблари кўзойнагини мўйлови билан артиб, кабинадан чиқди-да, бир қўли билан винтолетнинг рулини ушлаб ҳавода муаллақ турди. Сюргути эса шамолда елканга ўхшаб шишиб кетди, соқоли тўзиб, худди ялмогизнинг супургисига ўхшаб қолди.

Доғ жаноблариниң ўринда бўлган бошқа ҳар қандай одам хавфдан қутулиш учун йўлни ўзгартиришга буйруқ берган бўларди. Ҳа, бошқа ҳар қандай одам шундай қилган бўларди. Аммо Доғ жаноблари бундай қилмади. Бу улуғ ин-

сон ўзини олиб қочиши олим учун номуносиб деб ҳисоблаб, қуюнга қарши бораверди.

Эртагистонликлар кўп ўтмай уфқда жуда тез яқинлашиб келаётган қора доғни кўриб қолдилар. Уларни ваҳима босди. Винтолётлардан бири ажralиб қолиб, жануби-ғарбга бурилиб кетди.

Приёмникларда Доғ жанобларининг хотиржам, аммо қатъий овози эшитилди:

— Сафга етиб олинсин! Қайтараман: сафга етиб олинсин!...

Доғ жанобларининг ҳеч қачон жаҳли чиқмасди, овози кўтарилимасди, лекин шундай бўлса ҳам унга ҳамма қулоқ соларди. Қочоқ орқасига ўша заҳоти қайтиб келди ва винтолётлар турна қатор бўлиб яна учиб кетишиди.

— Капитан! — деб қичқирди Доғ жаноблари.— Барометр тушиб кетдими?

— Йўқ!

— Шамолнинг кучи ўзгардими?

— Йўқ!

— Ҳаммаси равshan. Мен ҳам шундай деб ўйлагандим. Бу сув қуюни эмас... Бу чигиртка... Субтропикнинг оч чигирткалари. Биз уни ёриб ўтишимиз керак. Диққат... Олға!

Винтолетлар олға елди ва бир неча минутдан кейин ҳар бири чумчукдек келадиган чигирткаларнинг қора булути ичига учбурчак шаклида ёриб кириб кетди.

Винтлар чигирткаларнинг зич қаторлари орасига ёриб кирадилар. Машиналарнинг думалоқ корпуслари уларни қақшатқич куч билан уради, лекин душман ҳам қараб турмасди, ўз душманларини шиддат билан ёпирилиб саваладилар. Миллионлаб шиша қанотларнинг шитирлашлари баҳордаги момақалдироққа ўхшаш тўхтовсиз қаттиқ гумбурлашларга қўшилиб кетарди.

Доғ жаноблари ташқарига осилиб туриб, бир қўли билан ушлаганча чигирткаларнинг роса адабини берди.

Эртагистонликлар олға отилардилар, чигирткаларни қўрқитиш учун телбалардек бақирадилар. Тўсатдан кимнингдир хаёлига ажойиб фикр келиб қолди: эртагистонликлар тўйимли ширинликларни дуч келган жойга ҳовучлаб ташлай бошладилар. Оч қолган ҳашаротлар овқатга ҳужум қилас ва ҳар бир ушоқ учун бир-бирлари билан ҳаёт-мамот жангни олиб борардилар. Концентратланган овқатни ютишга ултурганлар эса зумда ҳаддан ташқари катта бўлиб кетар ва ҳаво шарчаларига ўхшаб пақ-пақ этиб ёриларди.

Икки соат давом этган шиддатли курашдан сўнг сийраклашиб қолган чигирткалар орасидан ниҳоят қуёш нурлари ёриб ўта бошлади. Яна мовий осмон кўринди, фақат орқада судралиб қолган ҳашаротлар тўдаси ҳар ер-ҳар ерда енгил булатуга ўхшаб ялтираб кўринарди.

— Шундай ушлаб турилсин! — хурсанд бўлиб қичқирди Доф жаноблари.

Аммо у тўсатдан иккита винтолет етишмаётганини пайқаб қолди. Ўша заҳоти қулоқ телефонлардан қишининг раҳмини келтирадиган овоз эшитилди:

— Алё! Алё! Биз асирга тушиб қолдик... Қутулиб чиқиб кетолмаяпмиз! Винтолет чигирткаларнинг қанотларига боғланиб қолди. Маслаҳат беринг. Нима қилайлик!

Доф жаноблари кўзойнагини артган эди, узоқда чигирткалар булатуни кўриб қолди, булат денгиздан туртиб чиқсан оролга оҳиста тушмоқда эди.

Доф жаноблари яшин тезлигида қайтиб, хавф остида турган винтолетларга ёрдамга отилди. Унинг кетидан садоқатли эртагистонликлар югуришди.

— Пастан туриб ёпирилинг! — қичқирди Доф жаноблари, унинг овози барча приёмниклардан янгради.— Қуршаб олишга ҳаракат қилиб кўрамиз. Аммо, асло ерга тушилмасин... Қайтариб айтаман: тушилмасин!

Кескин кўрилган тадбирлар натижасида Доф жаноблари асиридаги винтолетлардан бирини қутқаришга муваффақ бўл-

ди. Аммо бошқаси орқага қайтиш учун йўл очиқ бўлса ҳам оҳиста пастланмоқда эди. Уни тўп-тўп бўлиб келаётган чигирткалар тутиб олган эди.

— Тушманг! — жон-жаҳди билан бақирди Доғ жанобла-ри. — Асло тушманг!

Аммо винтолет борган сайин узоққа учмоқда эди, приём-никдан эса:

— Биз оролда ажойиб шаҳарни кўряпмиз... Ажойиб ша-ҳар... Биз шу ерда қолишга қарор қилдик. Сиёҳ экспедицияси жонимизга тегди. Алё, алё! Чигиртка узоққа учиб кетиб қолди. Тушяпмиз... Бизни байроқлар билан кутиб олишмоқ-да. Ерга тушяпмиз! Гапимизни әшиятисизми? Ерга тушяни-миз... — деган овоз әшитилди.

Доғ жаноблари рулни бурди-да, бақириб деди:

— Сафга етиб олинсин! Йўлдан чалғиши бўлмасин!

Отряд буйруқни аниқ бажаргандан кейин Доғ жаноблари навбатдаги ахборотни әшитирди:

— Диққат! Диққат! Металлофаглар мамлакати орқада қолди... Металлофаглар мамлакатининг аҳолиси металлом билан овқатланади. Улар бизга ёмонлик қиласди, лекин ма-шиналарнинг барча металл қисмини еб қўярди. Металлофаг-лар мамлакатидан ҳали биронта экспедиция қайтиб келма-ган. Биз фақат икки дўстимиздан айрилдик, холос. Уларни синчковлиги ҳалок қилди. Синчковлик яхши нарса. Мен синч-ковларни жуда ҳам яхши кўраман, ҳурмат қиласман. Лекин синчковлик ҳаётни яхшироқ билишга ёрдам берса ҳурмат қи-ласман. Кўнишга нима учун рухсат бермаганиligimni энди ту-шунгандирсиз. Сизларнинг ватандошларингизга ҳеч нарса қил-майди, аммо улар серқуёш Эртагистонга энди ҳеч қачон қай-тиб бормайди. Диққат! Ҳозир ўн етидан йигирма беш минут ўтди. Иситгич тумбачаларни бураб токни очиб қўйинг. Вер-мишилия соҳилига яқинлашмоқдамиз.

Бошмакарон



убтропик кечаси тез кирди. Доғ жаноблари картага охирги марта назар ташлади-да, юлдузларнинг ўрнини текшириб, бир-бирларининг оралигидаси масофани миясида ҳисоблаб чиқди.

— 67 254 386 257 100 356,— деб минеиллади у.— Ҳаммаси тўғри. Шуни Ердан юлдузгача бўлган масофага бўламиз. 21 375, 162 ҳосил бўлади. Қиялик бурчагини эътиборга оламиз ва илдизини топамиз. 8724 ҳосил бўлади. Энди босиб ўтилган мил сониня айрамиз. 129 қолади. Тўғри келади.

Ҳақиқатан ҳам пастда тезда чироқлар кўрина бошлади. Узоқдан каттакою бўшлиқда ўнлаб гулханлар ловиллаб ёнаётганга ўхшарди.

Доғ жаноблари тўзиб кетган соқолини силаб текисладида, сортугини тўғрилаб, микрофонга қараб тантанавор сўзлади:

— Дўйстлар, роса етти минутдан кейин ерга тушамиз. Тушилгандан сўнг менинг, өлдимда туринглар... Эшиттириш тамом...

Приёмникларнинг ичидан шовқин-сурон эшитилди. Сўнгра капитан бир нарса деб жавоб қайтарди, аммо унинг гапини ҳеч ким эшитмади. Доғ жанобларининг винтолети оҳиста пастлай бошлади. Бир йўла ўн тўртта огоҳлантирувчи қизил чироқ ёниб, ўн тўртта винтолет ўн тўрт минут орасида ерга кўнди.

Ҳамма ёқ қоронги эди, фақат баъзи жойларда ёниб туғаётган гулханлар бирдан ўт олиб кетарди. Саёҳатчилар ковакларни эслатувчи ғалати уй-жойларга хавотирланиб қа-



раб, Доғ жанобларини қуршаб олишди. Улар ақалли бирон-бир тирик жон зоти бормикин деб қидирадилар, бироқ бу қидириш беҳуда эди. Шаҳарда гүё жон зоти йўққа ўхшарди.

Доғ жаноблари одатдагидек, бир оёғида тик туриб қўлини карнай қилди-да, «Қалайи аскарлар марши»ни чалди. Ола-була юбка кийган, серсоқол, ярим яланғоч полвонлар худди шартлашиб қўйилгандек коваклардан чиқиб кела бошладилар.

Соқоллар кўплашиб, ўчиб қолаётган гулханларни ёндиридилар, ораларидан етти савлатдор киши Доғ жанобларининг олдига келиб, навбат билан таъзим қилди. Сўнгра чўкка тушиб соқоллари билан ерни уч маргадан супуришди.

Доғ жаноблари ҳам худди шундай қилди — саёҳатчилар орасидан фақат биргина унда соқол бор эди.

Бир-бирларини қутлаганларидан сўнг вермишеляниклар сафга турдилар ва улардан бири курканинг ғўлғуллашига ўхшаб манқаланиб бўғиқ товуш билан сўзлади:

— Блут-бла-блб-блор-бли-blick-блул-бла--блай-блум-бли-близ.

Эртагистонниклар биронта сўзни ҳам тушунмаган бўлишлари мумкин, аммо Доғ жаноблари вермишельчасига ҳеч ҳам тутилмасдан жавоб берди:

— Блиб-бли-блуз-блоҳ-бла-блом-блус-бли-близ-блул-бла блор-блин-бли--блут-бла-блаб-блор-бли-blick-блул-бла-блай блум-бли-близ.

Ва эртагистонникларга мурожаат қилиб қўшиб қўйди:

— Нима учун анқайиб қолдингиз? Вермишель тилининг жуда ҳам осонлигини ҳар қандай тентак ҳам билади, ахир! Қапитан, бир оз мия ишлатсангиз бас, ўша заҳоти ҳаммасини тушуниб оласиз. Фақат ҳар бир бўғиннинг охиридаги ҳарф ҳисобланади холос. Блит-блу-блаш-блau-блин-бла-блор-блил-бли-блам-бли?


Вермишеляниклар ибтидонӣ давр одамлари эди. Улар

жуда ҳам кучли бўлишларига қарамасдан, жуда ҳам олижанобликлари билан ажралиб турардилар..

Улар ўзларининг уйларини ходаларни йўниб, шахмат руҳи шаклида қуардилар. Ҳар бир рух — уйга айланади йўл бошлаб борарди, уйларнинг устида эса деразаларнинг ўрнида иккита ёки учта туйнук мавжуд эди. Қўчалар шахмат тахтасига ўхшаб тузилган, бир-бирига тик тушиб борарди. Ҳар бир уйнинг олдида ғишт ўchoқларда лойдан ясалган пастаккина қозонлар турарди.

Вермишелияликларнинг ҳаммасида ҳар хил рангли узун соқоллар бор эди, катта амалдорларники эса -- очсариқ тусда бўлиб уграга жуда ҳам ўхшашиб кетарди..

Катта амалдорлар Доғ жанобларининг олдига навбат билан келиб, унинг соқолига синчиқлаб қарадилар ва билағон мовутфуруш савдогарга ўхшаб соқолини бармоқлари билан ғижимлаб кўрдилар.




Арбоблар уграли соқоллари билан Гердайма Чўмичхўжа ёки Вермишелия ҳукуматини ташкил қиласди. Улардан Блаш-блў-блар-блув-бла исмли энг жатасига Эртагистондаги Улуғ Эртакчи унвонига тўғри желадиган Бошмакарон унвони берилган эди.

Бошмакарон Доғ жанобларининг тирсагидан ушлаб олди-да, саёҳатчиларни Ҳукумат Уйи — Ковакка бошлади. Ковак катта залдан иборат бўлиб, ўртасига улкан стол қўйилган эди, рангли арқонлардан тўқилган жуда кўп зўр беланчаклар девор ёўйлаб осилиб турарди. Деразалардан қўчаларда ловиллаб ёнаётган гулханларнинг лишиллаб ёғдуси тушиб турарди.

Чиройли вермишельчалар буги чиқиб турган уграли шўрвани тақсимчаларда олиб келиб, меҳмонларни хушмуомалалик билан «блим-бла-блир-блуҳ-бла-блум-бла-блат» деб столга таклиф этдилар. Ҳамма стол атрофига ўтири ва мазали шўрвани киши бошига уч тақсимчадан зўр иштаҳа билан ичишди. Бумамлакатда шундан бошқа овқатни билмасдилар.

Вермишель тилини жуда ҳам яхши ўрганиб олган Доғ жаноблари овқатдан кейин уй әгаларига мурожаат қилди:

— Мұхтарам Жошмакарон ва сиз Гердайма Чўмичхўжанинг аъзолари! Сизнинг мамлакатингизга келганимиздан бенад ҳурсандмиз. Чунки биз аввал мамлакатингиз ҳақида жуда кўп эшишгандик. Бизга кўрсатган илтифотларингиз учун катта раҳмат. Ишончинингизни оқлашга ҳаракат қиласмиз. Биз гарчи қўшни бўлмасак ҳам, аммо ишонаманки, Эртагистон ва Вермишелия ўртасида энг яхши қўшничилик алоқалари вужудга желади. Блу-блир-бла! — Бу бизнинг тилимизда «Ура» деган маънони билдиради.






Вермишель тили

бих - био - бин - бла - хона
 биш - биц - биё - биуз ~ пиёз
 биуши - бла - биар ~ шар
 биух - бло - биил ~ хол

— Ура! — деб бараварига қувватладилар сказандияликлар.

Бошмакарон ўрнидан туриб, соқолини силаб текисладида, деди:

— Балки биз чиндан ҳам ибтидоий давр одамлари директориз: ҳозирги замон техникаси ютуқлари бизга номаълум. Шундай бўлса ҳам биз жуда кўп нарсаларни биламиз. Биз ҳурматли фалсафа, химия ва медицина доктори бўлмиши сиз ҳақингизда ҳам эшитганмиз. Машҳур олим Доғ жанобларининг номи Вермишелянинг унутилмас асосчи — Эртагистондаги Улуғ Эртакчининг катта бобоси Миршўрва Вайсанкиевнинг номи сингари бизга жуда яхши маълум. Бундан



бир неча йиллар муқаддам довюрак денгиз саёҳатчиси кема ҳалокатига учради ва ўз отряди билан биргаликда бу ерга тушди. Биз — уларнинг авлодимиз. Миршўрва Вайсақиев бизнинг тилимизни барпо қилди, бизни иморат қуришга ўргатди, бизга ожойиб соқол ато этди, бу ҳақда эртага билиб оласиз. Ҳозир дам олинг. Узоқ саёҳатдан кейин чарчаган бўйсангиз керак. Блух-блуа-блай-блир-блол-бли блак-блеблок!

— Хайрли кеч! — вермишель тилини тушуна бошлаган эртагистонликлар бараварига жавоб қайтаришди.

Меҳмондўст уй эгалари қайтиб кетишиди, Доғ жаноблари эса бошини маънодор қашлади-да, бир оёқда тик туриб, деди:

— Саёҳат кўп нарсани ўргатади, аммо эртаклар яна ҳам ортиқроқ ўргатади. Бошмакарон ҳозир гапириб берган воқеани Улуғ Эртакчи аллақачон ўйлаб топган. Мен уни бундан эллик йил муқаддам доктор Пай-Хи-вонинг оғзидан эшигтанман. Энди эса ухлайдиган вақт бўлди! Хайрли кеч, капитан, хайрли кеч, дўстлар!

Доғ жаноблари сюртугини ечиб, тўр беланчакка чўзилиб ётиб олди ва мушукка ўхшаб, хириллаб, ухлаб қолди.

Эртагистонликлар ундан ўrnak олдилар.

Мўъжизакор соқоллар



Оғ жанобларини эрталаб майин музика уйғотди. Эртагистонлик Амбо тўр беланчакда ётиб олиб, чўпчаксозида қадимий матрослар қўшигини чалаётган эди:

Минdir бизни тўлқинларга,

Манзил бўлсин — океан.

Қорнимизни тўйғиз, дарға,

Олтин балиқча билан!

Доғ жаноблари бир оёқда залнинг ўртасида туриб олиб, икки бармоғини оғзига тиқди-да, нонушта вақти бўлганини билдириб ҳуштак ҷалди. Бир оз вақт ўтгандан кейин вермишель қизлар баркашларда овқат олиб келдилар, овқат косаларга сузилган бўлиб, косалардан помидорли шўрва ва угра жаркопнинг буғи чиқиб турарди.

Нонуштадан сўнг саёҳатчилар кўчага чиқдилар; кундузи шаҳар уларга янада гўзалроқ кўринди. Каттакон тўнкага ўхаш ўйларнинг олдида гулдор шим ва похол нимча кийган вермишель аёллар уймаланишиб юардилар. Майдонларда болалар қувлашмақоқ ва «сопалак ўйини» ўйнардилар. Кўчалар кўм-кўк майса ва гулларга бурканган эди, қўлга ўргатилган машҳур колибралар тўтилар эса, қизлар



¹ Колибра — тропик мамлакатларда яшовчи ранг-баранг патли кичкина қуш.

деразадан сочиб юборган донларни товуққа ўхшаб териб ердилар.

Аммо Доғ жанобларини эркаклар нима қилаётгани жуда қизиқтиарди. Улар гулханларнинг олдида соқолларини қозонларга солиб ўтиришар, қозонларда ҳар бир соқолдан қандайдир овқат пишарди. Аёллар ўчоқларга ўтин ташлаб турар, қозонни ёғоч чўмичларда вақти-вақти билан ковлар ва мазасини тотиб кўрардилар.

Бу ерда помидор, лавлаги, ловия, пиёз, қўзиқулоқ соқоллар бор эди. Вермишеллар шундай овқатларни ейишарди, бундан ташқари яна шўрвага қандайдир зиравор қўшиш керак бўлиб қолган вақтда эркаклар маҳсус ёғупалар—дориворлар билан соқолларини ишқардилар. Доғ жаноблари хренъ, туз, қалампир, майоранларни¹ дарров билбиш олди, но мини айта олмайдиганлари ҳам бор эди, аммо у пазандаликнинг сирини биларди.

— Жуда ҳам зўр! Шунчалик зўрки, ишонгинг келмайди киши,— деб хитоб қилас ва у қозоннинг олдидан бу қозоннинг олдига, бу қозоннинг олдидан у қозоннинг олдига югуриб, овқатларнинг мазасини татиб кўрарди.

Аммо Гердайма Чўмичхўжанинг аъзолари кўчада кўринганларида у ҳаддам ташқари ажабланди: улар қозонларни айланаб, овқатга керакли миқдорда уира қўшиш учун соқолларини туширадилар.

Вермишеляликлар овқатни пишириб бўлгандан сўнг, қозонлардан соқолларини тортиб олдилар-да, сочиқ билан қуригунча артдилар. Қизлар тақсимчалар олиб келдилар-да, овқат сузиб меҳмонларни зиёфат қилдилар.

Шу пайт Бошмакарон кўриниб қолди ва ҳамма унга одоб билан салом берди.

Вермишеляликларнинг бошлиғи Доғ жаноблари билан бўлган суҳбатда уградан тайёрланадиган соқоллар энг қизиғулларни гулли гулли зуши.

¹ Майоран—эфир мойи берадиган оқ ёки қизғиш гулли зуши. Бўй ўт: парфюмерияда ва кулинарияда ишлатилади.

йинлик билан етиштирилишини гапириб берди. Фақат еттита энг ҳурматли вермишеллар мақтанишлари мумкин, аммо улар шўрваларнинг ҳаммасига угра солишлари керак, бульон ва помидорли шўрванику айтмаса ҳам бўлади.

— Кечирасиз, жаноби олийлари,— жуда ҳам хижолат тортиб деди Доғ жаноблари.— Мен Саламанкадаги университетнинг химия бўйича профессори бўлсан ҳам, ҳар ҳолда сизга бир савол бермоқчиман: бир марта пиширилган угра, вермишель, макаронларни яна иккинчи марта ҳам пишириш мумкинми?

— Истаганча пишириш мумкин,— гердайиб жилмайиб қўйди Бошмакарон. — Соқолларимизнинг озиқ бўладиган хусусиятларининг битмас-туганмаслиги ҳам мана шунда-да, ҳатто қунига уч марта пиширсангиз ҳам бўлади. Овқат ҳамиша хилма-хил бўлсин учун ҳар хил соқолликлар бир оиласа йиғилишади. Етти оила жамоани ташкил қилади. Биз уграндан тайёрланган соқолларнинг эгаси фақат жамоатга хизмат қиласиз: ҳар бир вермишелчага алоҳида овқат беришга қўрбимиз етмайди.

Эртагистонликлар Бошмакароннинг гапини диққат билан эшлишишди.

Доғ жаноблари кишиларнинг ўйларини билиб оладиган аппаратни чўнтағидан секин чиқарди-да, ўртоқларига қараб кесатди:

— Агар мен янгишмаётган бўлсан, дўстларим, бифш-текс ва мол жигарини орзу қиляпсиз. Манави ажойиб паҳлавонларни кўряпсизми, булар шўрва ичib катта бўлганлар. Тўғри, бу мамлакат аҳолиси эртак тўқимайди, аммо уларнинг баданлари ҳам, қалблари ҳам ажойиб.

Тушликдан сўнг Гердайма Чўмичхўжанинг аъзолари Бошмакарон билан бирга меҳмонларни шаҳар билан таништирдилар.

Тарих музейида Миршўрва Вайсақиевнинг Улуғ Эртакчи га жуда ҳам ўхшаб кетадиган катта портрети осиғлиқ турар-

ди. Тагкурсиларда Бошмакарондан аввал ўтган ҳукумат раҳбарларининг сопол ҳайкаллари турарди, ойна қопқоқнинг тағида эса худди металлга ўхшайдиган бир нарса ётарди. Бу ҳақиқатан ҳам металл эди — мезбонларнинг гапига қараганда бу Вермишелияда сақланиб қолган биттаю-битта металл бўлаги эди.

— Бундан ўттиз йил муқаддам,— деб қайғу билан сўзлади Бошмакарон,—металлофаглар галаси бизга ҳужум қилди. Вермишелиянинг денгиз сайёҳлари қанча машаққатлар билан узоқ ўлкалардан келтирган металл буюмларнинг ҳаммасини еб қўйиб, мамлакатимизни хонавайрон қилишиди. Уша кундан бошлаб мутлақо металл ишлатмасликка аҳд қилдик. Биз фақат лойдан, тахтадан ва ойнадан фойдаланамиз. Биз душманларнинг яна қайта ҳужумидан ўзимизни шу йўл билан сақлаб қолдик.

Шаҳар билан танишишгач Бошмакароннинг сўзлари тўғри эканлигига шубҳа қолмади. Тўқимачилик, дурадгорлик ишхоналарида ҳам барча асбоблар ва машиналар сопол, қаттиқ дарахт ва ялтиратилган шишадан ясалган эди.

Гердайма Чўмичхўжа кечқурунга яқин меҳмонлар шарафига қабул ташкил қилди. Хурмо дарахти остидаги узун столларга турли нав гулларнинг хушҳид шарбати солинган кўзачалар, эвкалиптдан¹ тайёрланган ажойиб овқатлар, хурмолар ва ёнғоқлар қўйилган эди.

Вермишелликлар эса гулхан атрофида куйманишиб, овқат пишириш билан овора эдилар.

Кўққисдан Доғ жаноблари ўрнидан сапчиб турди-да, қора соқолли вермишельни кўрсатиб, бақириб юборди:

— Топилди!

Бошмакарон ҳеч нарсага тушунмасдан, хотиржам деди:

— Чиройли соқол, тўғрими? Бунақадан бизнинг шаҳаримизда фақат бешта бор. Биз улардан қора бўёқ тайёрлаймиз.

1 Эвкалипт — жанубда ўсадиган дарахт.

Доғ жаноблари қорасоқолнинг олдига сақраб борди-ю, унинг соқолидан ушлаб олиб, қозонга тиқди.

— Топилди! — хурсандлигидан терисига сиғмай бақириб юборди у.— Қаранг, капитан! Бу ҳақиқий қора сиёҳ-ку ахир!

Доғ жаноблари чўнтағидан ручкасини чиқариб, патини қора суюқликка тегизиб олди-да, блокнотига тез-тез нималарни дир чиза бошлади.

— Қаранглар!— деб бақирди у эртагистонликларга.— Қандай сиёҳ-а! Жуда ҳам зўр-ку! Ақлга сиғмайди! Бу соқолни биз ҳар қанақа йўл билан бўлса ҳам қўлга киритишимиз керак! Уни Эртагистонга олиб кетамиз! Бизда ҳам сиёҳ бўлади! Яшасин қора соқол!

Бошмакарон нима гаплигига эндиғина тушунди. У Доғ жанобларининг тирсагидан олди-ю, тантанали равишда сўзлади:

— Мен ва халқим сиздек улуғ инсон ва улуғ олимнинг истагини бажаришдан ўзимизни беҳад баҳтиёр ҳис этган бўлардик. Биз Миршўрва Вайсақиевнинг авлодларига бундай соқоллардан битта эмас, юзтасини совға қилисак арзиди. Аммо афсуски уларнинг, қадрли дўстлар, фойдаси бўлмайди. Агар соқолларни қирқсак, улар ўтга ўхшаб сўлиб қолади.

— Ҳурматли дўстим, сен мени хафа қилиб юбординг,— деди секин Доғ жаноблари.— Жуда ҳам хафа қилиб юбординг. Балки, фуқароларингдан бирини ўз ватанини ташлаб, Эртагистонга биз билан кетишига ижозат берарсан? Биз унинг бошидан гул сочамиз, эртакларга кўмиб юборамиз, у эса ўзининг соқолидан бизга ажойиб дори сиёҳ пишириб беради...

— Баҳтга қарши, бу мумкин эмас! — деб жавоб берди Бошмакарон.— Биз фақат ўзимизда пишадиган овқатларга мослашганимиз. Бу ҳақда бошқа гаплашмаймиз.— У шундай деб, эртагистонликлар томонга ўгирилиб, меҳмондўстлик билан деди:— Дўстлар, столга марҳамат!

Аммо Доғ жанобларининг иштаҳаси бўғилди. У анча на-

рироқда бир оёқда турганча узоқ ўйлади ва ниҳоят ўртоқла-
рига эълон қилди:

— Эртага тонг отар-отмас жўнаймиз. Энди эса — ухлай-
миз.

Шаҳар тун оғушига чулғанди. Гулханлар ёниб тугамоқда
эди. Вермишелликларда сунъий ёруғлик йўқ эди, унниг ўр-
нини шўрвага соладиган фосфор зиравори босарди. Доғ жа-
ноблари ва эртагистонликлар ўзларининг тўр беланчаклари-
гача пайпаслаб бордилар.

Бочкадаги саёҳат



апитан тонгда матросларни икки қатор қилиб
тизди-да, Доғ жанболарига бу ҳақда ахборот
берди.

— Мана, әнди, капитан, сизнинг ғоянгиз менга ёқади,—
деди Доғ жанболари, ўзининг ажойиб аппаратига қараб қў-
йиб.

Саёҳатчилар Ҳукумат Уйидан чиққанларида уларни
болалар кутиб олиб, ҳар қайсисига биттадан гулдаста тақ-
дим этди.

Винтолетлар турган майдонга олиб борадиган йўлнинг
ҳаммасига гул ёғилиб кетган эди.

Бошмакарон ва Гердайма Чўмичхўжа ерни соқоллари би-
лан супуриб, меҳмонларни табриклидилар.

Аммо винтолетлар ўрнида ўтларнинг орасида бир қанча
темир парчалари ҳар қаёққа сочилиб ётганини кўрганда Доғ
жанболари даҳшатга тушди. Гўё бўрон кабиналарни пачақ-

лаб, моторларни синдириб юбориб, ҳамма нарсанинг кулини кўкка совурганга ўхшарди. Аҳволни кўриб Доғ жанобларининг эсхонаси чиқиб кетди.

— Бу қанақаси? — фазабдан бутун вужуди қалтираб хитоб қилди Доғ жаноблари.

— Узр,— деб тўнгиллаб қўйди Бошмакарон,— бу болаларимизнинг иши. Уларнинг ҳеч қанақа ўйинчоқлари йўқ-да, машиналарда эса шариклар, ҳалқалар, пружиналар жуда ҳам кўп... Шўрлик кичкинтойлар ўзларини тутиб туролмасдан ҳаммасини титиб ажратиб ташлаганлар. Хафа бўлманг. Винтолетлар сизларга яна керак бўлишини улар билмаганлар-да, ахир.

Шу пайт Доғ жаноблари кеча болаларнинг қўлида металл буюмларни кўрганини, шундан кейин металлофагларнинг Вермишелияга босқинчилик қилганига шубҳалана бошлаганини эслади. Энди у букилиб ётган поршинларга, синиб кетган трубаларга, эринмай бураб ташланган алюмин тахталардан болалар қуриб олган уйчаларга ваҳима билан қараб турарди.

— Биз ҳалок бўлдик! — инграб деди капитан.

Эртагистонликлар жуда ҳам ёмон шовқин қўтардилар.

Матрос Амбо болаларга ташланди ва ўзини чўпчаксози билан уларни энди саваламоқчи эди, аммо уни Доғ жанобларининг ҳуштаги тўхтатиб қолди.

— Тинчликни сақланг! — қатъий деди Доғ жаноблари.— Менинг буйруғимга қулоқ солинг! Мен нима қилиш кераклигини биламан!

Матрослар жим бўлиб қолишли.

Бошмакарон ўнг қўлини тушириб турар, чап қўли билан эса ўзининг утра соқолини қўлидан битта-биттадан ўтказарди.

Доғ жаноблари унга мурожаат қилди:

— Бошимизга оғир баҳтсизлик тушди — биз винтолетлардан жудо бўлдик. Сизларнинг болаларингизни айблаётга-

нимиз йўқ, ахир улар бизга ёмонлик қилишни истамаган эдилар. Аммо шундай бўлса ҳам, жўнашга ҳаракат қилиш керак ва биз сизнинг ёрдамингизга умид боғлаяпмиз. Бизга кема ёки бирорта кемача беринг, биз бугуннинг ўзидаёқ жўнаймиз.

Гердайма Чўмичхўжанинг аъзолари бошларини лиқиллатдилар-да, кенгаш қилгани кетдилар. Бошмакарон бурнини қашиб, ўй сурарди. Сўнгра у угра арбобларни олдига чақириб олди-да, нима ҳақдадир узоқ пицирлаб, уларга уқдирди. Ниҳоят у Доғ жанобларига мурожаат қилди:

— Муҳтарам меҳмон! Биз сизларга ўзимизнинг энг яхши қуролимиз — Ҳукумат Уйини беришга қарор қилдик. Тўғри, у кемадан кўра кўпроқ бочкага ўхшаб кетади, аммо мустаҳкам ва ишончли. Унинг ичида дунёнинг у чеккасигача ҳам бориш мумкин. Бир соатдан кейин қирғоққа олиб келамиз. Денгизнинг олдига бориб, бизни кутнб туринг.

Доғ жаноблари ҳаяжонини зўрга босиб Бошмакаронни қучоқлади-да, шундай деди:

— Сиз ҳақиқатан ҳам олижаноб ва мард одам экансиз! Биз болаларингизга роҳат бағишлиганимиздан беҳад хурсандмиз. Ўйнашса ўйнай қолишин.

— Яшасин Доғ жаноблари! — ҳаяжон ичида қичқириб юборди Бошмакарон.

Болалар эса бараварига ҳар бир бўғинни аниқ қилиб:

— Блуд-бло-блөг блуж-бла-блун-blo-блуб-блул-бла-блирбли! — дейишиди ва қирғоққача саёҳатчиларни кузатиш учун югуриб кетишиди.

Тезда гуллар ўсиб турган баландликнинг чўққисида борган сайин кучаяётган ғовур-ғувур эшитилди. Узоқда каттакон бочка кўринди. уни қирқ тўртта забардаст вермишельликлар думалатиб келардилар, уларнинг кетидан эса баркашларга терилган тақсимчаларда қўзиқулоқли шўрва кўтариб вермишельлик қизлар келарди.

Бочкани сувга эҳтиёт чораларининг ҳаммасига риоя қи-

либ секин тушириб, қўзиқулоқли шўрвани ичиб олдилар, ке-
йин капитан:

— Ҳамма жой-жойига борсин! — деб буйруқ берди.

Шу пайт баландликда Бошмакарон ва Гердайма Ҷўмич-
хўжа кўринди. Уларнинг кетидан юкчилар замбилғалтаклар-
да қуюқ елим суртилган арқонларни зўрга олиб келар-
дилар.

Улар бочканинг устига чиқиб олиб, арқонларни сувга
ташладилар. Ўша заҳоти қаердандир бир тўда акула пайдо
бўлди. Акулалар очкўзлик билан арқонни тишладилар-у, ле-
кин қайта оғизларини оча олмадилар, чунки қуюқ елим
уларнинг тишларига попук қандга ўхшаб ёпишиб қолган
эди.

— Бу менинг гоям,— мағурур деди Бошмакарон.— Акула-
лар сизни шатакка олади. Манави лангарчўп руль вазифа-
сини бажаради.

Доғ жаноблари вермишлликлар билан самимий хайрла-
шиб, бочканинг устига чиқди-да, лангарчўпни олдинга, аку-
лаларнинг тумшуғи тагигача суриб қўйди. Матрослар лан-
гарчўпнинг бир учини бочкага мустаҳкам қилиб бириттириб
қўйдилар, иккинчи учига эса Амбони боғлаб қўйдилар. Уар-
қонда худди арғимчақда тебрангандек тебранарди.

Акулалар бундай ёғлиқ луқмани кўриб, арқонларни тор-
тиб олдинга иргиб кетдилар, бочка ҳам ўрнидан қўзғалди.
Улар ўлжани тезроқ олишга ҳаракат қилган сайин ғаройиб
кема тўлқинлардан шунча тез сузиб кетарди. Матрослар
трюмнинг ичига тушиб олдилар. Тепада фақат Доғ жаноб-
лари қолган эди, у қитъага ғамтии қараб турарди.

«Мен яна сиёҳсиз кетяпман,— маъюс ўйлади у.— Аммо
умидсизланмайман. Мутлақо умидсизланмайман!»

Ҳа, ҳа, дўстларим, улуғ одамлар ҳеч қачон умидсизлан-
майдилар.

Акулалар думларини ғазаб билан жилпанглатиб, олдин-
та қараб сузардилар. Кема Вермишелия қирғозидан бор-



ган сайин узоқлашиб борарди. Бошмакарон қирғоқда ҳамон узоқдан кўриниб турарди, мана у ҳам кўринмай қолди, ерни ҳам туман қоплади.

Дастлабки икки кун ҳаммаси яхши борди. Об-ҳаво саё-ҳатчиларга ёрдам берди, орқадан эсган шамол эса кемани белгиланган томонга ҳайдади. Амбо лангарчўпнинг учидаги теб-раваниб, акулаларни ўзига жалб қиласди, улар ҳам ўз кучларини аямай, тўлқинларни ёриб ўтар ва кемани ўн икки узел¹ тезлика тортисиб борардилар.

Доф жаноблари икки қўлида туриб автоматик картани ўрганаради. У вақти-вақтида керакли йўлни оёғи билан кўрсатарди. Шунда капитан лангарчўпни гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга суриб қўяр ва кемани шундай бошқаарди.

Аммо матрослар нохуш әдилар. Вермишлликлар уларга йўлга икки бак қўзиқорин солинган шўрва берган әдилар, ҳадеб бир хил таом еявериш командадаги одамларнинг кўнглини айнитиб юборганди. Доф жаноблари руҳи тушиб кетган ўртоқларининг кўнглини кўтариш учун картадан ҳадеб кўзини узиб матросларга атайн эшиттириб гапириб қўярди.

— Шўрва деган ҳам шунаقا ширин бўладими! — деб бақирди у, қорини силар экан. — Маза қиласан-а! Умримда бундай ширин овқатни биринчи ейишим! Узиям бундан ширироқ овқат бўлмаса керак дунёда! — У шундай деб, тилини даҳнанигача чиқариб ялади, сўнгра эса гапини асослаш учун яна бир тақсимча шўrvани паққос туширди.

Шу орада очқаб қолган акулалар бир оз кучсизланади. Улар фақат иккинчи куннинг охиридагина аҳён-аҳёнда, вахҳиёна иржайиб, Амбони ушлаб олиш умидида сувдан отилиб чиқа бошлади. Бироқ, шу заҳотиёқ, шовқин-сурон билан сувга яна шалоплаб тушиб кетишиди.

Доф жаноблари учинчи кун тонг отарида, тўр беланчак-

¹ Узел — кеманинг миля ҳисобида бир соатда босган йўли билан ўлчанадиган тезлиги.

да уйқусида «Ажиналар марши»ни ҳуштак чалиб куйлаётган пайтда, қўрқиб қетган капитан бирдан югуриб кириб:

— Кема хавф оётида қолди! — деб бақири.

Доғ жаноблари ҳамон бир нималарни мингиллаб ҳуштак чаларкан, тўр беланчакдан сакраб тушди-да, палубада пайдо бўлди. Уни гангид қолган матрослар қуршаб олишди. Даҳшатли шамол эсади. Доғ жанобларининг соқоли ҳудди тилка-тилка бўлиб кетган елканга ўхшаб шамолда ҳилпирарди.

Очликдан ғазаби ошган акулалар ўз думларини қувлаб айланар, бочка бўроннинг гумбур-гумбурида даҳшатли тўлқинларда отўйиндек айланарди.

Ваҳима бошланди. Бир матрос оёғидан бошмоқларини ечди-да, акулаларга қараб улоқтириди. Бу акулаларни жуда ҳам дарғазаб қилиб юборди, улар бортнинг чап томонинга тумшуғини тираб, кемани ағдаришга уриндилар.

Аҳвол оғирлашди.

Шу пайт Доғ жанобларининг қаттиқ бақириғи эшитилди.

— Ваҳимани бас қилинг! Кимда-ким буйруғимни баҷармаса ўзини денгизда кўради! Мен борман — қутқариб қоламан! Ҳамма жой-жойига ўтирсан!

Матрослар ўша заҳоти ўзларига келдилар. Ҳатто Амбо ҳам тишларини тараклатишдан тўхтади.

— Капитан,— Доғ жанобларининг товуши гулдуради,— буюраман, қолган қўзиқулоқли шўрванинг ҳаммаси денгизга тўкилсин!

Капитаннинг буйруғига биноан эптағистонлик саккиз нафар полвон дарҳол трюмга сакраб тушди. Бир минутдан кейин иккала бакдаги шўрва тўлқинланаётган денгизга тўқиб ташланди. Тўлқинлар пасайди. Акулалар, ниҳоят мазали овқат тушганини сезиб тинчландилар. Тўйимли қўзиқулоқли шўрва уларнинг тишлари орасидан сизиб ўтиб, бўш қоринларига бориб тушарди.

Доғ жаноблари бир қўли билан лангарчўпни маҳкам уш-

лаб олганча, сувнинг устида ҳаво шарига ўхшаб чайқалиб турар ва акулаларни кўздан кечирарди, шамол сюртугини шишириб юборган эди. У палубага қайтиб келиб капитанга шундай деди:

— Биз акулаларга бошқа умид боғлай олмаймиз. Ҳаммаси касал. Бирларининг жағи бошқа очилмайди, бошқаларининг ошқозони яра, учинчиларининг буйраги қуришиб қолган, бошқалари сарамас касалига мубтало бўлгандир. Улар узоққа бормайдилар. Томирлари тортишиб қола бошлиши билан кемани чўктириб юборалилар. Шўрва фойда бермайди.

— Нима қилишимиз керак?— деб сўради ранги оқариб кетган капитан.

— Арқонларни кесиш керак,— деб жавоб берди Доғ жаноблари иккала қўли билан соқолини қисимлаб туриб.

Капитан ханжарини қинидан чиқарди-да, уни бошмоғининг чармида чархлаб, арқонларни кесиб юборди. Озод бўлган ҳайвонлар қоринларини тепатга ўгириб олдилар-да, тўлқинлар орасига кириб кетдилар. Уларнинг оғирлигидан қутулган кема пўйракка ўхшаб сакрай бошлади. Довул тинди. Қийналиб кетган матрослар қоринларининг жуда ҳам очқаб қолганини сездилар.

— Қўзиқулоқли шўрва ёқмаган эди-ку,— деб кесатди Доғ жаноблари.— Энди, ҳеч бўлмаса, инжиқлик қилмайди-ган бўлдингиз.

— Овқат егим келяпти! — қичқира бошлади Амбо.

— Овқат егимиз келяпти!— уни қувватлашди эртагистонликлар.

Доғ жаноблари ўзининг тубсиз чўнтакларидан Патенто-ник XXIX йўлга берган тўқ тутадиган тугмача дориларининг қолганидан бир ҳовучнини чиқарди. Капитан ҳар бир қишига ҳар кунига чорактадан тугмача дори беришни белгилаб қўйди.

— Сувимиз тамом бўляпти,— деди хавотирланиб капи-

тан.— Шу ҳафтанинг охиригача етказа оламизми-йўқми, билмадим.

Аммо Доғ жаноблари унинг сўзларини эшиштади. У овқат ейишни ҳам, чой ичишни ҳам истамасди. У аввалгидек бир оёқда туриб ўйларди. У акулаларни кўздан кечираётган пайтда Улуғ Ихтиорчининг берган совғалари сюртугидан тушиб кетди. Сеҳрли кўзойнак ва бошқаларнинг фикрини кўрсатиб турадиган аппарат денгизга чўкди. Автоматик карта яқин-атрофда сузиб юради. Ундан фақат Баклан денигининг бир бўлagini ва ярмисини балиқлар еб энди яrim оролга ўхшаб қолган оролни кўриш мумкин эди.

Доғ жанобларининг ўрнида бошқа одам бўлганда ўзини йўқотиб қўярди. Ҳа, ҳа, бошқа ҳар қандай одам ўзини йўқотиб қўйган бўларди. Аммо Доғ жаноблари эмас. Бу улуғ инсон бир оёқда туриб, ўйларди. Унинг соқоли эса жанубни кўрсатиб турарди. У матросларни чақириб, уларга илгари Амбо боғлаб қўйилган лангарчўпни кўтаришни ва уни маҳкам ушлаб туришни буюрди. Сўнгра лангарчўпнинг тепасинга тирмасиб чиқди-да, лангар чўпни бир қўли билан ушлаб олиб, ҳавода осилиб турди. Шамол унинг кенг сюртугини, чўнтакларини ва нимчасини шишириб юборди, елканли кема ҳам Доғ жанобларининг соқоли кўрсатаётган томонга ошиқарди. Матрослар лангар чўпни тиккасига зўрга ушлаб турардилар, капитан эса Эртагистоннинг гимнини айта бошлади:

Жўр бўлинг — бу қўшиқ серавж, сернаво,
Унга тобе бўлсин элатлар, эллар!
Улуғ эртакчимиз, бўлгил раҳнамо —
Кўп йиллар, кўп йиллар, яна кўп йиллар!

Улуғ эртакчининг шарафига айтилган бу ажойиб қўшиқ-қа ҳамма хурсандчилик билан жўр бўлди, кейин сукунат бошланди. Ҳар ким ҳар кунги эртагини тўқишига киришиб кетди.

Кеч кириши билан Доғ жаноблари лангарчўпдан пастга тўшди, команда эса дам олишга кириб кетди.

— Мен навбатда қоламан,— деди Доғ жаноблари,— кўзимни юммасдан ухлаш қўлимдан келади, бунинг устига мен ойга қарашни жуда ҳам севаман. Саламанкадаги устозим менга узоқ сафарларда ойнинг тортилиш кучидан фойдаланишни ўргатган.

Қўп ўтмай трюмдан йигирма бешта матроснинг хурраги эшитилди. Фақат капитан тушида акуланинг тиши қандай оғриб қолгани ва у тишини тилла балиқча билан пломбалагани ҳақидаги эртакни финифилларди.

Доғ жаноблари эса, палубада ойга тикилиб ухламай ётарди. Ярим кечага боргандা ойда шхунанинг аксини кўриб қолди, шхунанинг елкани кўкда сузиб юрган уч бўлак булатга ўхшарди. Доғ жаноблари хаёлида тез ҳисоблаб кўриб: шхунанинг тутган йўлини, вермишель бочкиси орасидаги ма-софани ва ўртача тезликни аниқлади.

«Беш-у ўн бешда уни ўнг томондан кўрамиз,— ўйлади у.— Бешу қирқ бешда биз ундан бир чақирим нарида бўламиз! Командани бешда уйғотиш керак!».

Доғ жаноблари шундай қарорга келиб палубага сюргуғини ёзди ва ўзича минифиллаб қўйди:

— Энди эса, Амброжий, ётиб
Узинг ҳам ухла қотиб!

Улуғ олим баъзан ўз-ўзи билан қофиясини жойига қўйиб гаплашишни севарди.

Булутлар ойни бекитиб қўйди. Тунги сукунатда фақат эртагистонликларнинг хурраги, капитаннинг минифиллаши ва тўлқинларнинг шалоплаши эшитиларди. Денгиз юзида ҳар ер-ҳар ерда электр балиқлари ялтиради. Доғ жаноблари сюргугида ястаниб ётиб, кўзларини очганча ухлаб қолди.

Аптека ярим ороли



оса соат бешда матросларга:
— Уйғонинглар! Туринглар! — деган команда
берилди.

Экипаж палубада сафга тизилди ва Дөг жаноблари со-
қолини силаб тантанали суратда сүзлади:

— Қапитан! Матрослар! Эртагистонликлар! Бир минутдан
сүнг уфқда кема күринади. У нима ниятда келаётганини мен
ҳали аниқлаганим йўқ. Мен узоққа сафар қиласиган кўп ка-
питанларни биламан. Кемадагилар бизни кемаларига солиб
олса керак, биз ўз экспедициямизни муваффақиятли давом
этдирашимиз. Биринчи галда сиёҳни топамиш. Вольна!

Шундан кейин матрослар қорин тўйдирадиган тугмача
дори едилар. Қолган сувни ичиб, ўзларининг одатдаги маш-
ғулотлариға киришдилар. Денгиз сокин ва кўлга ўхшаб те-
кис эди. Баъзи-баъзида куйловчи балиқлар сувдан тухумси-
мон бошларини чиқарадилар ва шунда гўё қаердадир шу
атрофда чивин ғинғиллаганга ёки музика қутичаси куйлаёт-
ганга ўхшаб мулойим товуш эшитиларди.

Дөг жаноблари айтганидек, белгиланган вақтда кўтари-
лаётган офтоб нурида шамолда шишиб кетган учта нуқра-
дек оппоқ парус кўринди. Матрослар кеманинг тумшуғига
чопиб боришиб, қўлларини силкитиб, товушлари борича ба-
қиришди:

— Ҳой! Ёрдамга келинглар! Ҳо-ҳо-ҳой! Ёр-дам-га!

Дөг жаноблари матросларга, жим бўлинглар, деб буйруқ
берди ва ҳаммани бир ерга тўплади. У матросларни пира-
мидага ўхшатиб саф қилди, ўзи юқорига тирмашиб чиқди-да,

узоқларга диққат билан синчиклаб қарай бошлади. Улуғ олимнинг фавқулоддаги кашфиётчилиги бизга маълум. Бу гал у ҳар иккала кўзини бурнига қаратиб ғилай қилди, шунда кўриш қобилияти икки марта ошди. Эртагистонликлар бир минутдан кейин узук-юлиқ сўзларни эшитишди:

— Кўряпман... Палубада оқ кийим кийган одамлар... Байроқ... яхшилаб қаролмаяпман... Аҳа! Энди кўряпман... Худди айтганимдек... Бош суюги... Тушунарли... Қароқчиларнинг кемаси... Қароқчилар бизни асир туширадилар ва пул тўлашни талаб қиладилар... Қалтираманг, об-бо! Мен қароқчиларнинг биринчи асири эмасман. Бундан бир неча йил муқаддам Юлий Цезар ҳам худди мана шундай воқеага учраган... Ким қалтираяпти? Қўрқманг? Доғ Амброжий сиз билан бирга!... Нима? Юлий Цезарнинг кимлигини билмай?..

Бахтга қарши, Доғ жаноблари бу жумлани тамом қилишга улгуролмади. Матросларни тўсатдан шунақаям вахима босдики, пирамида чайқалиб кетди, бизнинг олимимиз денгизга йиқилиб, гирдобга ғарқ бўлди. Лекин ўша заҳоти худди китга ўхшаб оғзидан сув пуркаб денгиз юзига қалқиб чиқди.

Унинг ёнида тўсатдан иккита арабалиқ пайдо бўлди.

— Ҳозир ютиб юборади! — жон-жаҳди билан додлай бошлади боцман Терно.

— Бортдан одам тушиб кетди! — деб қичқирди капитан, бунақа пайтда одатда шундай дейиларди.

Бироқ, ҳали бирон киши ёрдамга сакрашга улгурмаган ҳам эди, Доғ жаноблари ҳақиқий чавандозларга ўхшаб чақ-қонлик билан балиқлардан бирининг устига иргиб миниб олди-да, уни иккинчисини ўлдиришга мажбур қилди. Ундан кейин, кеманинг олдига сузиг келиб лангарчўпни туширинг, деб буйруқ берди, буйруққа мунтазир бўлиб турган эртагистонликлар лангарчўпни ўша заҳоти туширишди ва Доғ жаноблари ундан палубага чиқиб олди.

— Денгизда чўмилишдан фойдали нарса йўқ экан, — деди у хушчақчақлик билан.

Шу орада шхуна ичидаги оқ халатли одамларни кўриш мумкин бўлган даражада яқинлашди.

— Улар врачларга ёки санитарларга ўхшайди, — деди капитан.

— Кеманинг номини равshan кўряпман! — деб қичқирди Амбо.

— Қичқирма, қулоғимнинг пардаси ёрилиб кетади! — деди унинг сўзини кесиб Доғ жаноблари. — Мен бортидаги ёзувни аллақачондан бери кўряпман. Шхунанинг номи «Ҳабдори».

Кема яқин келганда, капитан қўлларини силкитиб, хабар берди:

«Ёрдамга муҳтожмиз. Сиз қароқчилармисиз?»

«Ҳабдори» дан оқ халатли одам иккита байроқча билан жавоб қайтарди:

«Биз муҳтарам Ҳоким Микстуря II нинг Аптека ярим ороли Провизор¹ Вилояти ва иккала Рецептураларнинг флагман² кемасимиз. Сизларни «Ҳабдори» кемасига қабул қилиб оламиз. Кеманинг шамол томонига ўтинг. Маневр қила бошлиймиз. Яқинлашяпмиз».

— Ҳоким Микстуря Иккинчига шон-шарафлар бўлсин! — деб қичқириб юборди капитан.

— Шон-шарафлар бўлсин! — деб қувватладилар эртагистонликлар.

— Тушунарли, — ўйланиб деди Доғ жаноблари. — Бош суги — бу аптекалардаги заҳарли дориларнинг рамзиидир. Бундан кўра қароқчилар билан тил топиш ўнғайроқ эди.

¹ П р о в и з о р — дорихонада ишлаш, дори тайёрлаш, аптекани бошқариш хуқуқини берадиган увон.

² Ф л а г м а н — отряд ёки эскадра қўмондони тушган ҳаво ёки денгиз кемаси.

Бироқ қўлимиздан нима ҳам келарди — ҳозир танлаб ўтирадиган вақт эмас.

«Ҳабдори» енгил денгиз шабадасидан фойдаланиб эртагистонликларнинг кемасига яқинлашди-да, у билан ёнма-ён турди.

— Нариги кемага ўтамиз! — деб қичқирди Доғ жаноблари ва шхунанинг палубасига биринчи бўлиб сакради.

Унинг кетидан бочка экипажи бирин-кетин сакради. Энг охирида капитан ўтди. Бир минутдан кейин вермишелликларнинг Ҳукумат Уйи тўлқинлар устида ёлғиз ўзи чайқаларди.

«Ҳабдори»да бизнинг саёҳатчиларимизни жуда ҳам очиқ чехра билан кутиб олишди. Палубада иккала команда сафга тизилди ва кема капитанлари бир-бирлари билан ўз одатлари бўйича сўрашишди. Доғ жаноблари бир чеккада туриб маросимни синчковлик билан кузатарди. Ҳоким Микстура II нинг барча фуқаролари оппоқ халат кийиб олган эдилар. Энсиз қилиб олдирилган калта чўққи соқоллари юзларига хусн бериб турарди. Одамлардан доривор ўтларнинг аччиқ ҳиди келарди.

Тантанали маросимдан кейин палубага эгнига Флотнинг олтин раангли уقا тикилган халатини ва бошига жига кийиб олган Биринчи Адмирали парад юришида чиқиб келди. У Доғ жанобларига таъзим қилди-да, лотинча деди:

— Доғ жанобларининг машҳур академиясининг ўқувчиси Алоизий Пўрсилдоқман.

Фанфаралар чалинди. Эртагистон ва Аптека ярим ороли гимнлари, шунингдек, бизнинг олимимизнинг шахсий гимни янгради. Доғ жаноблари қорнини дўппайтириб, тик турарди. Гими тугагандай кейин, у ҳаяжонланиб деди:

— Мен Доғ Амброжийман.

Биринчи Адмирал уни чин қалбдан қучоқлаб, иккала юзидан ўпди.

— Эсимда борсан, — ҳаяжонланиб деди Доғ жанобла-

ри. — Бир вақтлар қўлингни, оёғингни ва бошингни бураб чиқариб чамадонга солиб, устингдан қулфлаб қўйиб жазолаганман. Бунга анча бўлиб кетган, қадрдон Пўрсилоқжоним!

— Дўстлар, — хитоб қилди Флотнинг Биринчи Адмирали, — меҳмонларга қаранг! Қадрли профессор, мен билан бирга овқатланишга розилик беришингизни илтимос қилааман.

У Доғ жанобларининг тирсагидан ушлаб, уни адмирал хонасига бошлаб борди. Уларнинг бир-бирига гапирадиган гаплари йиғилиб қолгандир, ахир уларнинг кўришмаганла-рига деярли ўттиз йил бўлди.

Доғ жаноблари бундан ярим аср муқаддам фармацевтлар давлати бунёдга келгани, у ерга ҳар турли мамлакатдан аптекачилар тўпланишгани ҳақида билиб олди. Энди бу ерда Ҳоким Микстура II раҳбарлиги остида энг янги хилмажилдори дармонлар дунё аптекаларига юборилар экан.



— Бироқ биз гапга қизиқиб кетганга ўхшаймиз, овқатимиз эса совиб қолди, — деди ниҳоят Флотнинг Биринчи Адмирали. — Стюард, келтираверишингиз мумкин!

Уларнинг овқати жуда ажойиб — ғалати таомлардан ташкил топган эди. Биринчисига отқулоқ шўрва, иккинчисига — қайласи мойчечакдан тайёрланган, думалоқланган алой қиймаси ва липа гулларидан тайёрланган салат, учинчисига эса — устига ялпиз шарбати қуйилган зигир уругидан тайёрланган қўймоқ эди. Охирида қирқбўғин ва чўл ялпизидан тайёрланган ичимлик берилди. Овқатдан сўнг Флотнинг Биринчи Адмирали кишини соғломлаштирувчи папирос чекдида, ичига бир неча марта тортиб:

— Биз ер шарини саёҳат қилиб келяпмиз. Дориларнинг бир туринни сотиб, мамлакатимиз аҳолиси озиқланадиган шифобахш ўтлар сотиб олдик. Бу фойдали ва жуда ҳам мазали. Тўғри эмасми, қадрли профессор? — деди.

— Ҳм... ҳм, албатта... — Доғ жаноблари оғзида қолган тахир мазани кетказиш учун нордон ичимликни ичаркан, хушмуомалалик билан жавоб берди.

У яхши тарбия кўрган киши бўлгани учун адмиралнинг овқатларини жуда ҳам мақтади, аммо эртагистонликлар ҳақида қайғуриб ўйлаб қолди. Кўнгилларига уриб кетган қўзиқулоқ шўрваси ҳозир шоҳона овқат ўрнига ўтган бўларди.

Эски танишларнинг дўстона суҳбатини «Ҳабдори»нинг капитани кириб бўлди, у Аптека яримороли кўринингланлиги ҳақида ахборот берди.

— Балки палубага чиқармиз? — таклиф қилди папирос тутунидан димиқиб кетаётган Доғ жаноблари.

Шхуна қирғоқقا яқинлашарди. Баландликда ястаниб ётган шаҳар узоқдан кўринарди. Унинг ҳамма ёғи ойнали билолари ботаётган қуёш нурида ялтиради.

Ниҳоят оркестр тантана куйини чала бошлади ва кема портга дабдаба билан кириб борди.

Давлат марказининг узун ойнавонли павильонлари юл-

дуз шаклида марказий майдонга бориб тақаларди. Бу ерда шаҳарни бунёд этган ва витаминларни биринчи кашф этган Ҳоким Микстура II нинг ҳайкали туради. Павильонларда дори-дармонлар тайёрланади, тураг жойлар эса ернинг остида жойлашган эди. Шуниси ҳам борки, Аптека ярим оролининг аҳолиси ҳаммаси бўлиб, атиги 555 бинидан ибораг эди. Шулардан 555 таси аёллар эди. Қолганлари эркаклар эди. Болалар умуман йўқ эди. Ҳоким Микстура II ёшартирадиган дорилар ихтиро қилди ва мамлакатнинг аҳолиси ўзгармасдан — қайси ёшда бўлса, шу ёшда қолдилар. Шунинг учун кейинги авлодлар кераксиз, болалар эса ортиқча бўлиб қолди. Халқ кўпаймасди ҳам, камаймасди ҳам.

Ёшартирадиган дорилар эҳтиётлик билан сақланарди, уларни тайёрлашнинг сири фақат мамлакат бошлиғига маълум эди.

— Нима учун кашфиётингизни оламга ёйиб, инсониятни баҳтиёр қилмайсиз? — деб сўради Доғ жаноблари бир сарой аъёнидан.

— Нима учунлиги тушунарли-ку, — деб жавоб берди у.— Биз бошқа мамлакатларда болаларнинг кўпайишини истаймиз. Болаларсиз олам худди бизнинг яриморолга ўхшаб зерикарли бўлади. — Аъён шундай деди-да, халатининг бари билан ёшини артиб, чуқур хўрсиниб қўйди.

Бу гаплар шу жойда тўхтаб турсин, энди гапни Флотнинг Биринчи Адмиралидан эшигинг.

Шаҳарга келинган замоноқ Флогнинг Биринчи Адмирали Доғ жанобларини Ҳоким Микстура II нинг саройига олиб



борди. У кишини зериктирадиган ва жиддий ҳоким эди. Унинг бошида дафна тулчамбари, эгнидаги чопонида эса олтин билан тикилган аптека герби бор эди. У қўлида ҳассанинг ўрнига катта градусник ушлаб туарди.

— Шундай машҳур олимни ўз мамлакатим, қолаверса, ўз саройимда кўрнишдан беҳад хурсандман, — деди Ҳоким Микстура II. — Ижозат бер, муҳтарам меҳмон, алоҳида ҳурмат белгиси сифатида шахсан ўзим ҳароратингни ўлчаб кўрай.

У шундай деб Доғ жанобларининг қўлтиғига градусникини тиқиб, ҳароратини ўлчаб кўрди.

— Ўттиз ети-ю бир... Эшик оғаси, меҳмонга аспирин бeringлар ва бизга айиқ қулоғидан қайнатилган шўрвадан келтиринг.

Ҳоким Микстура II одатдаги дўстлик қадаҳини бўшатиб, Доғ жанобларига шаҳарни кўрсатиш учун мулозимларининг ҳамроҳлигида жўнади. Кўчада уларга қолган эртагистонликлар қўшилдилар.

Улар тезда марказий майдонга етиб келдилар.

Вилоят Провизори градусник билан ойнавон павильонни кўрсатиб, деди:

— Ҳар қайси павильонда дориларнинг муайян тuri ишлаб чиқарилади. Мана бунисида валерьян дорисидан тортиб то кўз касаллиги дорисигача ясаймиз. Қейинги павильонда— ёғлар: канакунжут мойи — бу дорини баъзи кишилар сурги дори ҳам деб юритадилар, зигир ёғ, камфара мойи ва бошқа дорилар қилинади. Ундан кейингисида — ҳар турли суркама дорилар тайёрланади. Ундан кейингиси ўтлар қайнатилади. Ҳув анави тегирмонга ўхшайдиган энг баланд павильонда эса кукун дори тайёрлаймиз. Мана бунисида эса — ҳабдори ва тугмача дори тайёрлланади. Мана бунда эса йўталга қарши гулхайри ва эвкалипт конфетлари етиштирамиз. Ва шунига ўхашлар. Энди ичкарига кирамиз.

Павильоннинг ойнавон эшиклари ланг очилди ва ҳаммалиари катта залда пайдо бўлиб қолишли, бир неча ўнлаб аёл-

лар шишачаларга турли хил дори-дармонлар, суюқ дорилар ва томчи дорилар қўймоқда эдилар.

Оқ ҳалатдаги бу аёлларнинг ҳаммасининг ёши тенг бўлиб, кўринишдан эркакка ўхшашарди. Фақат соқоллари йўқ эди.

Меҳмонлар янги ускуналарни кўриб чиққунларича кичик хизматчилар баркашларда ўтдан қилинган совуқ ичимликлар келтиридилар. Эртагистонликлар бу ичимликларни кўриб башараларини буриштирилар. Фақат Доғ жаноблари сирни бой бермаслик учун, қадаҳларни кетма-кет бўшатар ва ўзини ичимлик гўё жуда ҳам ёқаётгандек қилиб кўрсатарди. Қўққисдан унинг қўзлари ёниб кетди. Доғ жаноблари эртагистонликларни ҳар томонга итариб, баркашларнинг бири олдига югуриб борди-да, устидаги стакани маҳкам ушлаб олди.

— Топилди!.. Мен шуни қидириб юрган эдим! — деб хитоб қилди Доғ жаноблари.

Стакан қоп-қора суюқликка тўла эди.

— Сиёҳ! — деб қичқирди Доғ жаноблари. — Ҳақиқий сиёҳ! Қоғоз билан перо беринг!

— Афсуски! — деди Флотнинг Биринчи Адмирали. — Бу етти хил рангли кўкат илдизининг қайнатилгани. У сиёҳга ўхшайди, аммо жуда ҳам ўзгарувчан ва совиганда буғланиб кетади.

Алойзий Доғ жанобларининг қўлидан стакани олди-да иссиқ суюқликни ерга — тошга селиб юборди. Суюқлик тошнинг устида қора из қолдириб шилдираб оқиб кетди-ю, ўша заҳотиёқ кўк булат ҳосил қилиб, юқорига кўтарилди ва таридек ҳам из қолдирмасдан йўқ бўлиб кетди.

— Етти хил рангли кўкатлар ҳам қуриб кетсин! — деб ингради Доғ жаноблари. — Сиз нима билан ёзасиз? Сут билан ёзасизми? Балки сув билан ёзарсиз?

Ҳеч ким унинг бундай ғазабланишини кутмаган эди. Аммо Доғ жаноблари ўзини босиб олди-да, бир оёғида тик туриб мезбонлардан кечирим сўради.

— Алойзий, менинг эски ўқувчим, айт-чи, нима билан ёзасизлар? — деб сўради у ўзини тутиб олиб.

— Биз умуман ёзмаймиз, — деб жавоб берди Флотнинг Биринчи Адмирални. — Ёзиш идорада ишлайдиганларга тегишли, биз — фармацевтларга мутлақо дахли йўқ. Бизда ҳар бир одам ўзининг соҳаси бўйича бир минг икки юзта рецепти ёддан билади. Бизга шунинг ўзи етади.

Доғ жаноблари ўша заҳоти 5555 ни 1200 га кўпайтирди.

— Олти миллион олти юз олтмиш олти минг! — деб эълон қилди у қувонч билан. — Ҳа, ҳар қалай етиши керак.

— Эшик оғаси, — деди Ҳоким Министрура II, — меҳмонларга хинин ва агава настойкаси олиб келинг.

Хинин ва агава настойкаси олиб келгунларига қадар Флотнинг Биринчи Адмирални Доғ жанобларининг қулоғига энгашиб шивирлади:

— Ҳурматли профессор... Биз ажойиб фармацевтлармиз, бироқ бизда тажрибали матрослар етишмайди. Мен флотимга беш эртагистонликни ёлламоқчи эдим. Ёрдам беринг.

— Эсингни еб қолибсан! — ғазабланиб кетди Доғ жаноблари. — Уларнинг сўлғин башараларига ва ичига ёпишиб кетган қоринларига қарагин... Улар сизнинг ўтларингиздан пашшага ўхшаб заҳарланиб ўладилар. Бундай овқатларга болаликдан ўрганиш керак. Миянгдан чиқариб ташла бу фикрни!

У, дарғазаб бўлиб тўнғиллаб, бу ҳақда бошқа гаплашмаслик мақсадида, ўқувчисига тескари қараб олди. Шунинг учун ҳам Доғ жаноблари Биринчи Адмиралнинг юзидағи қаҳр-ғазаб ва маккорлик ифодаларини кўрмади, аксинча у шу дақиқадан бошлаб эҳтиётлик билан ҳаракат қилган бўларди.

Ҳа, кейин нима воқеа бўлганига ишониш қийин.

Доғ жаноблари кечга яқин Аптека ярим оролидан жўнашга ва сафарни давом эттиришга қарор қилди. Бироқ эртагистонликлардан беш киши йўқлиги маълум бўлди — улар

гойиб бўлган, камфарадек бўғланиб кетган эдилар. Узоқ қидирув ҳеч қандай натижа бермади.

— Мени Вилоят Провизорининг олдига олиб боринг,— деб талаб қилди ниҳоят Доғ жаноблари.

— Вилоят Провизори Ҳоким Микстура II мөхмондўстлигининг қадрига етмаган чет мамлакатли кишиларни кўришини истамайди,— деди Биринчи Адмирал ичиқоралик билан кумисираб.

— Бу қандай гап? — даҳшат билан қичқирди Доғ жаноблари. — Мен дарҳол тушунтириб беришингизни талаб қиламан! Сен яна эски найрангларингни бошлаяпсанми?

— Ҳа, ҳа! Яна бошлаяпман! — безрайиб жавоб берди Алойзий.— Йўқолган эртагистонликларни кўргингиз келяптими? Ҳозир сизга уларни кўрсатаман.

У Доғ жанобларининг сюртугининг этагидан ушлаб олдида, хахолаб куларкан, уни ертўлага тортди. Йўлакнинг ичкарисидан ёш боланинг йигиси эшитиларди.

Биринчи Адмирал аллақандай эшикни очган эди, Доғ жанобларининг кўз олдида ажойиб маңзара намоён бўлди. Катта каравотда бешта чақалоқ йўргакда ётарди. Тўрттаси сўрғич сўпар, бешинчиси эса кучининг борича додларди.

— Мана сизнинг эртагистонликларингиз, — ичи қоралик билан хахолаб кулиб юборди Биринчи Адмирал. — Улар бизнинг овқатимизга болаликдан ўрганадилар... Янглишмасам, шундай маслаҳат берган эдингиз, ҳа-ҳа-ҳа! Улар ёшартирадиган доридан каттагина қисмини едилар. Хасислик қилмадим. Дуруст ёшартирганман-а? Ҳа-ҳа-ҳа!

Доғ жаноблари чақалоқларга донг қотиб қараб туради. Уларнинг башаралари унга таниш эди: булар унинг ўртоқлари эканлигини тушунди. Ҳув анави, йиглоқиси... капитан эди. Ёнидаги боцман Терно, кейингиси — Амбо ва яна иккита матрос бор эди.

— Қулоқ сол, Алойзий...— деди секин Доғ жаноблари бўғиқ овоз билан, унинг овозидан бадан жимирилашиб кетди.—

Қулоқ сол, Алойзий, сен академиямга ҳамиша иснод келтирадинг. Ҳозир эса инсониятга иснод келтирдинг! Бу гал сен мени алдадинг, аммо унутма: мен шунаңганги нарсани ўйлаб чиқараманки, сояңг ҳам қолмайди. Тушуняпсанми? Сояңг ҳам қолмайди! Унутма шуни, Алойзий Пўрсилдоқ! — Доғ жаноблари шундай деб кескин ўгирилди-да, хонадан чиқиб кетди.

Унинг орқасидан йўлак бўйлаб Алойзийнинг хаолаши ва:

— Сассиқ чол! Қориндор бақа! Ҳа-ҳа-ҳа! — деган узуқ, бўлинниб-бўлинниб чиқсан бақириқлари әшитилди.

Шаҳар тун оғушига чўмди. Ойнаванд павильонларда чироқ ёқилди.

Доғ жаноблари эртагистонликлар тўпланиб, пойлаб ўтирган майдонга югуриб борди. Майдонда эртагистонликлардан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

— Хафа бўлманглар! — деди Доғ жаноблари. — Биз бу телба мамлакатни ташлаб кетамиз. Қитъанинг ичкарисига кириб борамиз. Ҳаммаси ҳали олдинда! Тўғри, бешта ўртоғимизни йўқотдик, аммо ҳали йигирма иккитамиз бор. Орқамдан юринг!

Бу улуғ инсон ҳеч қачон умидсизланмасди. У момиқ соқолини тутамлаб, қоронғилик қаърига дадил кириб кетди. Ахир у қоронғида жуда яхши кўрарди-да. Унинг орқасидан оч ва ҳолдан тойған матрослар пайпаслаб кела бошладилар.

Ялтираётган юлдузларнинг шуъласида Доғ жанобларининг гавдаси катта бўлиб кетгандек кўринди.

Ҳа, дўслар, бу ҳақиқатан ҳам жуда ажойиб инсон эди!

Ҳалокат



аёҳатчилар туни билан йўл босдилар. Доғ жаноблари эртагистонликларнинг кўнглини хуш этиш ниятида тўқима ва ҳақиқий саргузаштларни тўхтовсиз гапиради, Алоизийни, доктор Пай-Хи-вони ва ҳатто Матеуш номли майнага айланиб қолган шаҳзодани эсга оларди. Бироқ эртак қорин тўйғазмасди.

Йўловчилар қитъанинг ичкарисига қийинчилик билан кириб бордилар. Тропик шамолдан уларнинг лаблари тарстарс ёрилиб кетган ва ҳаддан ташқари чанқаган әдилар.

Доғ жаноблари картасиз ҳам йўлни ўнғай топиб оларди. У соқолининг ажойиб хусусиятидан фойдаланаарди; соқоли фақатгина борадиган жойинигина эмас, ҳатто сув ва озиқовқатни қаердан топишни ҳам аниқлаб берарди.

— Хафа бўлманглар! — деб вақти-вақти билан ҳайқириб қўярди Доғ жаноблари.— Биз дарёга яқинлашямиз... Бурнимга ананас ва хурмоларнинг ҳиди киряпти... Мен ҳатто норжил ёнғоқларини кўряпман... Кўп ўтмай овқатланамиз!

Матрослар мазали меваларни кўз олдиларига келтириб севиниб, қадамларини тезлатдилар.

Тезда тонг ёришди, тонг ёришганини ҳеч ким билмай қолди. Саёҳатчиларнинг кўз олдида ғалати маңзара пайдо бўлди: баланд ўсган ўт-ўлан орасидан ранг-баранг қушлар кўринар ва катта-катта капалаклар учиб юради. Қалин ўтларнинг орасида беҳисоб ҳашаротлар худди кумуш тангаларга ўхшаб жаранглар ва ғўнғилларди. Яқин жойда бамбук ўрмони кўринниб турарди.

Беҳад ижодкорлик Доғ жанобларининг эсига ажойиб ғояни туширди.

— Болта ва пичоқ топинглар! — деб қичқирди эртагистонликларга. — Бамбуқдан тез юрадиган ёғоч оёқ ясаб оламиз.

Матрослар ишга иштиёқ билан киришиб кетдилар.

Эртагистонликлар ярим соат ўтар-ўтмас бамбуқдан ўзларига иккитадан ёғоч қирқиб олдилар. Кейин оёқларини қўйиб юриш учун қайишдан узангига ўхашаш ҳалқа ясадилар.

— Олға! — деб буйруқ берди Доғ жаноблари.— Дадилроқ! Қўрқманг! Бамбуқнинг эгилувчанлигидан фойдаланинг! Ерга қаттиқроқ тираб итариб юборинг! Шунда тез юрасиз!

Узун ёғоч оёқлар ҳақиқатан ҳам ҳаддан ташқари эгилувчан эди, саёҳатчилар худди чигирткаларга ўхшаб, енгил сакраб юрадилар. Доғ жанобларининг юришга мўлжаллаб ясалган ёғоч оёғи битга эди холос, аммо у шу биргина ёғоч оёқ билан ҳам жуда катта-катта сакрап ва ҳамма матрослардан ўтиб кетарди. Сўзимга ишонинг, дўстлар, улуғ олимнинг юқорига шунчалик эпчиллик билан учиши ва ярим милдан кейин ёрга тушиши ҳаммани қойил қолдиарди. У худди кеңгуруга айланиб қолганга ўхшарди, баъзи матросларга ёса сюртугининг этаги қанотнинг ўрнини босаётгандек бўлиб туюлди.

Саёҳатчилар тезюарар ёғоч оёқларда шундай ҳам тез сакрабдиларки, Доғ жаноблари:

— Ўн миль йўл босдик! Хоп!.. Яна ўн миль босиб ўтдик! Хоп!.. Яна юз миль юрсак — қарабсизки, етиб турибмиз! Кўпи кетиб ози қолди! Ҳа, дўстлар! Қатта-катта сакранглар! Хоп! — деб қичқиришга аранг улгурарди.

Бир соатдан кейин узоқда хурмо дарахтлари кўринди. Очқаб кетган эртагистонликлар дарахтлардаги меваларга очкўзлик билан ёпирилдилар. Улар ананасларнинг ҳаммасини паққос туширас, норжил ёнғоқларини болта билан ёриб, тетик қиласидан сутни дам олмасдан ичардилар.

— Тўхтанг! — деб қичқирди Доғ жаноблари.— Тўхтанг, бунаقا очкўзлик билан ейишингиизда касал бўлиб қоласиз!

Балки сурги дори учун аптекачиларнинг олдига боришни истарсиз?

Аптекачиларнинг номини атагандаёқ эртагистонликлар ўзларини тутиб олдилар: улар ёғоч оёқлардан пишиллаб тушшиб, ерга ётиб олдилар.

Доғ жаноблари фақат шундан кейингина ёғочи билан хурмо қоқиб тушириб, ионушта қилди: у умуман жуда оз овқат ер, аксарият тушида еган овқат билан чекланишни афзал кўрарди.

Саёҳатчилар яхшигина дам олганларидан сўнг йўлга тушдилар. Улар жазира мақсадидан тинкалари қуриб кетган, Доғ жаноблари эллик миль наридан кўрган жануб томондаги дарёга кучларининг борича шошилардилар.

— Мен уни кўряпман! — деб бақирарди улуғ олим каттакатта сакраркан. — Агар фақат бизни тимсоҳлар еб қўймаса, жуда ҳам маза қилиб чўмилами. Мен бу муҳтарам маҳлуқларни жуда ҳам ҳурмат қиласман. Одамлар тимсоҳга ем бўлишни ёқтирасликларини улар хаёлларига ҳам келтиришмайди. Буни уларга тушунтиришга тўғри келади. Мен жоноворлар билан гаплашишни биламан. Саламанкада Ҳайнворларнинг Тилини ўргатадиган Институтни туттаганман. Ундан ташқари, қушлар ва ҳашаротларнинг бир неча шеваларини биламан. Доктор Пай-Хи-во эса ҳатто балиқлар билан гаплашишни ҳам биларди. Аммо бунинг учун қулогинг учта бўлиши керак... Қаранглар! Мана, етиб келдик.

Саёҳатчилар ниҳоятда улкан дарёнинг қирғонига келиб қолишди.

Пиво рангли эринчоқ тўлқинлар баъзи жойда кўпик гирдобрлари ҳосил қилиб, оҳиста ва дабдаба билан оқарди. Дарёдан салқин шабада эсади. Қирғоқ яқинидаги кўлмакда тимсоҳлар офтобда исиниб ётишарди.


Доғ жаноблари оёғидан бошмоғи ва пайпогини ечди-да, шиммининг почасини тиззасигача қайириб, сувга тушди. Тимсоҳлар безовталаниб қўзғала бошладилар. Доғ жаноблари

улар томонга қараб дадил йўл олди. Тимсоҳлар оғизларини очдилар, улардан бири эса тишларини ваҳимали такиллатди-да, даҳшат билан думини сувга тарсиллатиб урди. Аммо Доғ жаноблари дадил бораверди. Тимсоҳларга яқинлашиб, қўл ва гавдани ҳар мақомда қимирлатиб улар билан нима ҳақ-дадир узоқ гаплашди. Эртагистонликлар ҳеч нарсани эшиг-мадилар, улар фақат тимсоҳларнинг итоаткорона бош сил-китиб тисарилганини, кейин сувга шўнғиб кетганини кўриб қолдилар.

Ҳа, ҳа, дўстларим, Доғ жаноблари ҳақиқатан ҳам ажойиб инсон эди.

У ўртоқларининг олдига қайтиб келганида ҳам тимсоҳлар билан сухбатини давом этдираётгандек эди. У аллақандай ноаниқ сўзларни, масалан, мана шунаقا сўзларни минғилларди:

— Тра-ба-ба...Тру...тру...бў-тра...бу-тру-тру...



Аммо тимсоҳларнинг худди шундай гапиришига ишониш жуда ҳам қийин.

Саёҳатчилар бир зумда кийимларини ечдилар-да, сувга сакрадилар. Улар бир-бирига сув сепишар, шўнғишар, сузишар ва қувонгандаридан ёввойиларга ўхшаб чинқирадилар. Доғ жаноблари эса қирғоққа яқин жойда, ҳамманинг кўзидан нарида чўмилардй. Гап шундаки, унинг кўкрагида яширинча сақлаб юрган сеҳрли расм бор эди. Ким билади дейсиз, балки у ерда ҳайвонлар тили лугати бордир? Балки доктор Пай-Хи-вонинг ҳикматлари бўлса-чи?

Саёҳатчилар чўмилиб чиқиб, овқат еб, бақувват бўлиб олдилар-да, улуғ олимнинг буйруғи бўйича сол қуришга киришдилар. Улар бамбуқ ёғочларини қайиш билан боғладилар-да, устига хурмо даражатларининг баргларини тўшадилар ва пўкак дараҳтининг пўкаги билан тўрт томонидан маҳкамлаб қўйдилар. Доғ жаноблари сол қуришга усталик билан йўқ-йўриқ кўрсатиб турди.

Ҳа, ҳа, дўстларим, Доғ жанобларининг ихтирочилиги ҳақиқатан ҳам битмас-туганмас эди.

Соат бешда барча эртагистонликларни сафга тизди-да, уларга мурожаат қилди:

— Саёҳат қилишингиздан мақсад нима эканини унуглан бўлсангиз керак. Эртагистон сиёҳни кутмоқда ва биз бу сиёҳни етти қават ернинг тагидан бўлса ҳам, олти қават осмоннинг устидан бўлса ҳам топишимиш шарт. Агар мен Улуғ Эртакчига берган ваъдамни бажармасам, ўша кундан бошлиб исмимни Алойзий Пўрсилдоқ деб аташсин. Боцман Терно Эшон! Бир қадам олдинга! Сени капитан қилиб тайинлайман! Ҳамма ўз вазифасини бажаришга киришсан!

Вольно!

Сол жилиб тезда қирғоқдан узоқлашди. Доғ жаноблари олдинда бир оёқда туриб, ўзининг узун соқолини силаб, узоқларга тикилиб қарапди. Унинг елкасига олачипор тўти-ти

ноблари тўтиқушга мутлақо эътибор бермади. У номаълум мамлакатгача бўлган масофани ҳисоблаб чиқди ва тезда аниқлади. Номаълум мамлакат дарёнинг йигирма еттинчи бурилишида, ўнг томондаги қирғоғида жойлашган экан.

— Умидсизланмаслик керак, — деди у ниҳоят ўзига ўзи.— Агар мен Эртагистонга ҳеч нарсасиз — икки қўлимни бурнимга тиқиб борсам, мени Алойзий Пўрсилдоқ деб қаришишин.

Қапитан Терно Эшон солни моҳирона олиб борарди. Рулни тажрибали эски матрос Лимпо бошқармоқда эди. Белигача яланғоч бўлиб олган матрослар бир неча кун мобайнида қуёшда қорайиб, бронза ранг бўлиб қолдилар. Ўз одатларига фақат Доғ жаноблари содиқ эди. У сюртукда ва жилетка кийган, ҳар доимгидек қаттиқ ёқа қадаган ва нафис қилиб боғланган галстук тақиб ўз постида турарди. У фақат доно кишигина бўлиб қолмасдан, балки ўз принципларида қаттиқ турувчи инсон ҳам эди.

Икки ҳафта хотиржамлик билан сузилгандан кейин тропик мамлакатнинг ёмғирлик даври бошланди. Ёмғир худди челяқдан қўйгандек шариллаб ёғарди, момақалдироқ гулдуради, чақмоқлар қора осмонни ёриб, қирғоқ бўйидаги ўрмонни тинмай ёритарди.

Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда ёнгин кўтарилиб, қушлар орасига ваҳима соларди.

Ҳар гал момақалдироқ гулдураганда бегемотлар ва тимсоҳлар ваҳимага тушиб, сувнинг тагига шўнғиб кириб кетардилар.

Худди бутун табиат саёҳатчиларга ҳужум бошлагангага ўхшарди. Сол гоҳ тўлқинларнинг қиррасида деярли тикка бўлиб қолар, гоҳ қутураётган гирдобга чўкиб кетарди, аммо ҳар гал яна сувнинг юзига чиқиб қоларди. Матрослар боғлаб қўйилган қайишларга маҳкам ёпишиб олиб, тўлқин оқизиб кетганларни қутқардилар.

Дарёning ўнг томонида ўрмон ловиллаб ёнарди. Чап томон мутлақо кўринмас эди.

Денгиз довули жуда катта ходаларни ва эсанкираб қолган ҳайвонларни кўтариб кетаётган қутурган гирдбли сувга нисбатан ўйинчоққа ўхшаб кўринарди.

Довюрак Доғ жаноблари солнинг тумшуғида гоҳ у оёғида, гоҳ бу оёғида соқолларини ҳилпиратиб типпатик турарди.

— Бошингизни кўтаринг! — деб қичқирди у ерга қорини қилиб ётган эртагистонликларга. — Ҳаммаси яхши боряпти! Ҳаммаси бўлиб атиги ўн саккизта бурилиш қолди. Мўлжалланган жойимизга яқинлашмоқдамиз! Қўрқманг! Мен борман! — Кейин у матросларни руҳлантириш учун бир ҳийла қилди: у бегемотнинг орқасига сакраб миниб олиб, бошига уриб қўйди-да, қаттиқ-қаттиқ бақирди.— Хоп-хоп!Хоп-по!
Хоп-по-по! Там-там! Тра-тат-там!

Доғ жаноблари анчагина жойга бориб бегемотдан солга яна сакраб чиқиб олди. У солга сакраркан, ҳақиқий сузувчига ўхшаб қўлларини ҳавода силкитарди.

У ҳар гал бегемотда сайд қилиб келгандан кейин чўнтаклиридан бир неча учувчи балиқларни чиқариб, очқаб қолган матросларнинг олдига ташларди, Доғ жаноблари бу балиқларни бегемотда кетаётиб йўлда тутиб оларди. Эртагистонликлар балиқларни бир-бирига обдан ишқалардилар, ишқалаш жараёнида балиқлар енгилгина қовурилиб ҳам оларди. Сўнгра матрослар балиқларнинг қорини ёриб, ичак-чавогини тозалаб, зўр иштаҳа билан ердилар.

Бир куни тунда, бўрон ҳали ҳам шиддатли қутураётганда,
Доғ жаноблари:

— Капитан, мен бир соатча ухлаб олмоқчиман. Ўн минг-гача сананг-да, кейин уйғотинг, — деди.

Бехавотир бўлсин учун солнинг бир чеккасига соқолини боғлаб қўйди-да, қаттиқ ухлаб қолди. Унинг хурраги момакалдироқнинг гумбурлашини босиб кетарди.

Капитан энди етти минг иккни юз йигирма тўртга етган

әди, даҳшатли баҳтсизлик юз берди. Жуда кўп тарихчилар у ҳақда, бу ўша даврнинг энг катта ҳалокати деб, ёздилар.

Тасаввур қилинг: шамол бир оз тинган, бўрон камая бошлиған эди, сўнгги чақмоқ солга тушди-да, Доғ жаноблари мазза қилиб ухлаб ётган қисмини худди пичоқ билан кесгандек қирқиб юборди.

Бу эни ҳаммаси бўлиб бир ярим қулоч келадиган кичкинагина бўлак эди. У солдан узоқлашиб, сувнинг оқар томонига тигипаррондек елиб борар, устида Доғ жаноблари ухлаб ётарди.

Капитан Терно Эшон унга сузиб етиб олишга уринган эди, аммо йўлинни тимсоҳ тўсиб олди. Эртагистонликлар капитанларини зўрға қутқариб олишга муваффақ бўлдилар. Бунинг устига улар гирдобга тушиб қолдилар, гирдоб шунақаям узоқ айлантириб юрдикни, ёнаётган ўрмон дарёни ёритиб турган бўлса ҳам улар Доғ жанобларини йўқотиб қўйдилар.

Солнинг бўлаги борган сайин узоқлашарди. Улуғ олим хуррак отар ва ҳуштак чалиб ухларди. У пешинга яқин, бўрон бутунлай тинганда уйғонди. Эринчоқ тўлқинлар яна дабдаба билан оқарди. Қуёш нурлари сийраклашаётган булутларни ёриб ўтарди.

Доғ жаноблари керишиб олди-да, соқолини ечиб хурсанд бўлиб қичқира бошлади:

— Капитан, ҳаво очилиб кетди! Бошингизни кўтаринг!

Аммо капитан ҳам, матрослар ҳам бошларини кўтармадилар! Улар жуда ҳам узоққа кетиб қолган эдилар, улуғ олимнинг товушини эшитолмасдилар. Йигирма иккинчи бурилишда дарё иккига айрилди ва эртагистонликлар соли номаълум мамлакат томонга қараб кетди. У мамлакат ҳали кашф қилинмаган ва дунё карталарининг бирортасида ҳам йўқ эди.

Ўн беш йил ўтгандан кейингина бир машҳур саёҳатчи кема ҳалокатига учраганларни топди. Улар маҳаллий кишиларнинг орасида, хотинлари ва болаларининг қуршовида уй парандаси боқиб кўпайтиришарди, мамлакат қироли деб аълон

қилинган капитан Терно Эшон эса мамлакатни Тернохўжа Эшон I номи билан бошқаарди.

Аммо бу мутлақо бошқа воқеа, балки бу ҳақда кейинроқ вақт-соати билан ёзарман.

Ҳозир эса Дөғ жанобларига қайтамиз.

Улуғ олимимиз «Бошингизни кўтаринг», деб қичқиргайдан кейин ёлғиз ўзи эканлиги, атрофида ҳеч ким йўқлиги маълум бўлди.

Шу пайт у кўзини ғилай қилиб бурнига қаради, иккита қарашда сарф бўладиган кўз нурини бир-бирига қўшиб, қараш кучини икки марта зўрайтириб қараган эди, эллик миљ масофа нарида эртагистонликларнинг солини кўриб қолди. Сол дарёning ўнг томонига бурилишнинг ўрнига дарёning чап томонига бурилди-да, кўздан ғойиб бўлди.

Эртагистонликларнинг «Апполинарий Вайсақиев» кемасининг машҳур ва довюрак экипажи Дөғ жанобларидан абадий ажради, айёр тўлқинлар уни номаълум томонга олиб кетди.

Улуғ олим бир ўзи қолди. Акула ва тимсоҳларни ўзига бўйсундира олган, бегемотни итоат қилдира олган олим, соқоллари тўзиб кетгац, икки қўлини кенг ёзганча бир оёқда туриб, ўз ўртоқларининг тақдирни ҳақида ўйларди.

Улуғ олим дено одам билан ора-сира суҳбатлашишини севарди. Шунинг учун у ўз-ўзи билан гаплаша бошлади:

— Албатта... бўлиши мумкин... ҳаммаси маълум, қадрли Амброжий... Эртагистонликлар жануби-ғарб томонга кетгандар. Улар ўн биринчи куни номаълум мамлакатга етадилар. Биз бу номаълум мамлакатнинг бор эканлигини биламиз. Бир вақтлари картамизга белгилаб, номини Адакотурада деб қўйган эдик... Тўппа-тўғри! Ундан кейингиларининг ҳаммаси маълум... Бошингизни кўтаринг, Амброжий! Экспедиция давом этмоқда...

Шундай деб, Дөғ жаноблари ўзини бардам тутиб, дарёдаги сузид ўтилган бурилишларни санай бошлади.

— Ҳаммаси тўғри,— деди у, сюргугини тортиб қўйиб, галстугини тўғриларкан. — Ярим соатдан кейин портга кириб борамиз.

У қорни билан ётиб олди-да, қирғоққа қараб қўли билан эша бошлади. Узоқда — баландликда қандайдир иморатлар кўринди.

ЁЛГОН МАМЛАКАТ



изнинг олимимиз бориб қолган мамлакатда одамзод яшар экан, аммо Доғ жанобларини ҳеч ким кутиб олмади, ҳеч ким билмади ҳам. Бундай воқеа Доғ жанобларининг ҳаётида биринчи марта бўлиши эди. У ўзининг ажойиб қиёфаси билан ҳам, ғалати кийимлари билан ҳам одамларда қизиқиш уйғотолмади.

Шаҳар аҳолиси кўчаларда жуфт-жуфт бўлиб юришар ва сирли кулиб қўйишарди. Улар ўзларининг ранг-баранг Сўлиб товланаётган хитонларида¹ мутлақо шаффооф бўлиб кўринардилар. У ғалати одамларнинг юз тузилишлари, чеҳраларида табассумдан бошқа ҳеч нарса йўққа ўхшарди.

Кўча бўйлаб бинолар чўзилиб кетган эди, бироқ улар фаяқат дераза ва балконлардан иборат эди. Гулпушталарда гуллар барқ уриб ётарди. Доғ жаноблари гуллардан бирини узиб олди, бироқ гул ўша заҳоти рангини ҳам, ҳидини ҳам йўқотди ва ҳатто бармоқлари унга текканда ҳам деярли ҳеч нарсани сезмади.

Кўчаларда одамлар илжайиб тентиб юрадилар. Баъзи-

¹ Хитон — қадимги грекларнинг узун кўйлакка ўхашаш кийими.

лари нимадир қилар эдилар, аммо нима қилаётганлигини билб бўлмасди. Улар кўзга кўринмайдиган михни қоқардилар, кўзга кўринмайдиган арралар билан кўзга кўринмайдиган дараҳтларни арраламоқда эдилар. Бир марта кўчадан отминганди киши чопиб ўтиб кегди, ҳатто туёқнинг тўпиллагани ҳам эшитилди, аммо от ҳам кўринмади.

Доф жаноблари буларнинг ҳаммасига ҳайрон қолиб қараб турарди. Нихоят, сабр-тоқати тугаб, бир йўловчининг олдига келди-да:

— Сизга хизмат бўлмаса, айтсангиз — мен қаерга келиб қолдим? Бу қандай мамлакат? — деди.

Йўловчи сирли кулиб қўйиб, лабларини қимирлата бошлиди. У гўё бирнима деб гапираётганга ўхшар, аммо унинг овози эшитилмасди, жумлалар эса нафасга ўхшаб кўзга кўринмайдиган сўзлардан шаклланарди.

Доф жаноблари бу гал ҳам ўзини йўқотмади, у шу заҳоти соқолидан биттасини юлиб олди-да, уни қулогига ўради. Эшитилмайдиган товушлар худди антеннага урилгандек сочга урилиб кучаяр ва Доф жанобларининг қулогининг пардасига етиб келарди.

Йўловчининг сўзи равshan эшитилди ва суҳбат равон давом этди:

— Муҳтарам чет мамлакатлик киши! — жилмайиб деди у. — Бизнинг мамлакатимиз — Ёлғон мамлакат деб аталади. Сен бизда ҳамма нарсанинг ёлғондакам, ҳамма нарса «гўё» бўлаётганга ўхшаб кўринишини пайқагандирсан. Биз ҳали ҳечким ёзмаган эртакларнинг иштирок этувчиларимиз. Шунинг учун бизнинг кўчаларимиз, биноларимиз ҳам, гулларимиз ҳам ёлғондакам. Бизнинг ўзимиз ҳам ёлғондакаммиз. Ҳақиқатда ҳали биз йўқмиз. Бизни ҳали қандайдир эртакчи тўқиб чиқариши керак. Ҳамиша юзимиздан табассум аримайди, чунки бизнинг ташвишимиз ва хафагарчилигимиз ёлғондакам. Биз ҳақиқий ғамни ҳам, ҳақиқий хурсандчиликни ҳам билмаймиз. Биз ҳақиқий оғриқни ҳам сезмаймиз. Бизга най-

за санчишлари, чимчилашлари, тимдалашлари мумкин, биз эса ҳамиша жилмайиб гураверамиз. Ёлғон мамлакати шундай, биз ҳам мана шундаймиз.

— Кечирасиз; — аллақачон очқаб қолган Доғ жаноблари унинг сўзини бўлди, — нима ейсизлар?

— Оддий нарса,— деб жавоб берди мезбон ва ёнидан ўтиб кетаётган аёлга ишора қилди.

Аёл уйга кириб кетди-да, кўп ўтмай қўлида тақсимча кўтариб чиқди, тақсимчада қовурма картошка ва буғи чиқиб турган totimli бифштекс бор эди.


— Суяксиз гўштдан тайёрланган бифштекс — энг севимли овқатимиз, — давом этди мезбон. — Еб кўринг, ҳурматли меҳмон.

Доғ жаноблари бажону дил ейишга киришди, ҳаммасини еб тақсимчани оппоқ қилиб қўйди, аммо қорни бояги-бояги бўш эди. У гўё ҳаво ютгандек, гўштининг мазаси фақатгина лабида қолгандек туюлди. Бу Доғ жанобларининг яна ҳам кўпроқ иштаҳасини очди, аммо ўзини қўлга олиб, қорни тўйган қилиб кўрсатди.

Тўсатдан у узоқда қўлида қориндор шишада қора суюқлик кўтариб келаётган аёлни кўриб қолди.

— Анави аёл нима олиб келяпти? — деб сўради Доғ жаноблари ўзини тутолмай, — ўтиниб сўрайман, нима олиб келаётганлигини айт?

— Шунчаки, сиёҳ, — деб жавоб берди мезбон. — Наҳотки сени сиёҳ қизиқтираётган бўлса, азиз меҳмон?



Доғ жаноблари, худди сопқондек, йўловчиларнинг бошлари устидан сакраб ўтиб, аёлнинг қўлидан шишани тортиб олди-да, бармоғини қора суюқликка ботириб кўрди. Бармоқда сиёҳнинг ҳатто изи ҳам қол-

маган эди. Шунда Доғ жаноблари шиша идишини энгаштириб, кафтига қора суюқликдан озгина қуиб кўрди. Сиёҳ қўлига ҳам юқмади. Қўли топ-тоза ва қуруқлигича қолаверди.

— Қуриб кетсин, бунақа сиёҳ! — деб бақирди Доғ жаноблари ва шишани кўтариб туриб ерга урди.

Сиёҳ ҳамма ёққа сачраб кетди, аммо ерда ҳам, йўловчиларнинг кийимларида ҳам доғи қолмади. Ҳатто шиша бўлаклари ҳам гўё буғга айлангандек йўқ бўлиб кетди.

Мезбон Доғ жанобларининг олдига келди.

— Ёлғон мамлакатда эканлигинизни унутиб қўйдингиз, — деди у сирли жилмайиб, — сиёҳимиз ҳам ёлғондакам.

Улуғ олим жим турарди. Ёнидан йўловчилар ҳеч қандай эътибор бермасдан жуфт-жуфт бўлиб ўтишарди. Улар кўнгилсиз сиёҳ воқеасини ҳатто пайқамадилар. Уларнинг сирли табассумлари: «Буларнинг ҳаммаси ёлғондакам-ку» деяётгандек эди.

Бир қанча вақт ўтгандан кейин Доғ жаноблари ўзига келди, аммо таниш мезбон аллақачон кетиб қолган эди, тўғрироғи, халойиқ орасига кириб кетган эди. Тезда одамлар ҳам тарқалиб кетди.

Доғ жаноблари бу ердан нари кетди, у бу ёлғон мамлакатни қандай бўлмасин тезроқ ташлаб кетишни истарди. У ўнг томонга қайрилган эди, аммо чап томонга кетаётгани маълум бўлди. Шунда у чап томонга юришга қарор қилди, аммо ўнг томонга қайрилгани маълум бўлди. У кўндаланг кетган кўчалар бўйлаб санғиб юрди. У ҳавода кўприкка ўхшаб осилиб турган майдонлардан айланиб юрар ва ҳамиша айнан ўша жойнинг ўзига қайтиб келарди, аммо таниш кўчалар ҳар гал бошқача бўлиб кўринарди. Доғ жанобларининг соқоли у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа силкиниб, ҳадеб янги тарафни кўрсатарди. Кеч кира бошлагани учун кўринимас йўловчиларнинг соялари йилт-йилт этиб кўринарди. Уйларда ёқилган чироқлар ҳеч қаерни ёритмасди.

Доғ жаноблари аллақандай илон изи күчалар бўйлаб берган сайин тезроқ чопар, сирли ўтиш жойларидан сакраб ўтиб кетарди, йўқ уйларнинг пештахталари тагидан лик этиб чиқиб олар, лекин бу гаройиб шаҳарнинг чиқиб кетадиган дарвозасини тополмасди. Ҳатто, чарчаб, мадори қуриб йиқилиб қолаёзгандা ҳам у умидсизланмади, охири бирор-бир ҳақиқий мамлакатга чиқиб олишига ишонди.

У бир оёғида тик туриб чуқур ўйланиб қолган эди, шу пайт, яқиндаги тор кўчадан бир кучук югуриб чиқди. Тўғрисини айтганда, бу кучук әмас эди, кучукнинг кўриниши эди холос. У бароққами, таксугами, гаруч думи фокстеръернинг думига ўхшаш калта бўлса ҳам шпицгами ўхшаб кетарди.

Кучук Доғ жанобларининг олдига келиб, унинг ҳамма ёғини исқаб кўрди-да, думини жилпанглатиб, унинг оёғига сурканга бошлади. Бизнинг олимимиз кучуклар тилида гапирди, ҳатто битта-яримта нотаниш ит билан учрашиб қолганда ҳамиша вовиллайдиган кўппакларга ўхшаб хушмуомалалик билан вовиллаб қўйди ҳам.

Умуман кучук бўлмаган кучук унга жавобан икки марта овоздиз «вов-вов» қилиб акиллаб қўйди.

Одамга нисбатан бепарво бўлишга кучуклик табнати йўл қўймаган бўлса керак. Кучук қувонганидан сакрар, вовиллар, нарига чопиб кетар, яна қайтиб келар, думини силкитар ва ўз қувончини ҳар қанақасига изҳор қилишга ҳаракат қиласди. Унинг йўқ кўкрагида ҳақиқий кучукнинг юраги уриб турарди — кучук ўзининг муҳаббати ва садоқатини Доғ жанобларига бахш этиб, унга эркалик қиласди, чунки ўз муҳаббати ва садоқатини бахш этадиган ундан бошқа ҳеч кими йўқ эди.

Доғ жаноблари чўққайиб ўтириб олди-да, гарчи бундан ҳеч нарсани ҳис этмаган бўлса ҳам юзини итга ялатди. У кучукнинг бошини силаб, унинг фақат юнги жуда ҳам юмшоқ, тумшуғи жуда ҳам нам эканини фаҳмлади, холос.

Фақат кучук бўлиб кўринган Ёлғон кучук бундай қувонч-

ли учрашувдан кейин Доғ жанобларига, менинг орқамдаи юр деб тушунтириди. Йўл айланма кўчалардан гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга, гоҳ тепадан пастга, гоҳ пастдан тепага бошлаб борарди.

Доғ жаноблари ўзининг йўлбошловчисининг орқасидан ишонч билан эргашиб бораверди ва ниҳоят эски, ташландиқ боққа бориб қояди. Жимжимадор ўсимликлар ва ғалати дараҳтлар мутлақо ҳақиқийдек бўлиб кўринди. Бизнинг олимимиз ғовлаб кетган чангальзорга кириб бораркан, қўлини жон деб қичитки ўтга тегизди, ёлғон мамлакатнинг чегараси орқада қолиб кетганлигига ва яна ҳақиқий оламга қайтиб келганлигига ишонч ҳосил қилди. У тўрт оёқлик йўла бошловчиси ғойиб бўлганлигини шу ерда билди, фақат узоқдан шамолнинг кучукнинг ғамгин увлашига ўхшаш ғувиллаши эшитилди.

— Алвидо, кучукжон! — ғамгин пицирлаб қўйди Доғ жаноблари ва икки йил муқаддам ўлган барогини эслади.

У ҳатто, бу садоқатли кучугимнинг сояси аҳводимдан ҳабар топиб келиб, ёлғон мамлакатдан олиб чиқиб кетди деб, тахмин қилишга ҳам тайёр эди.

Иккита майнанинг суҳбати Доғ жанобларининг диққатини қўққисдан ўзига жалб этди:

— Манави узун соқол одамни танияпсанми? — деб сўради биринччиси.

— Танияпман, — деб жавоб берди иккинчиси. — Бундан бир йил муқаддам кемага ўтириб, сиёҳ излаб кетган эди.

— Си-си-сиёҳ! — деб таъкидлади майна ва яқингинада кўриниб турган тўсиқнинг деворига бориб қўнди.

«Чиқиб кетадиган жой ўша ёқда», деб ўйлади Доғ жаноблари ва соқолининг зирк ҳамда дўлана буталарига илинишига қарамай қадамини тезлатди.

Боғнинг атрофи бўйлаб чўзилиб кетган деворда беҳисоб темир эшикчаларни кўриб қолди, эшикларга занг босиб кегтан ёзувли тахтачалар қоқилган эди.

Доғ жаноблари ёзувларни зўрға ўқий бошлади. Бу унга жуда ҳам яхши таниш бўлган географик номлар эди. Улардан баъзиларини уроҳат қилиб овозини чиқариб ўқиди:

ЭРТАГИСТОН

АБЕЦИЯ

ПАТЕНТОНИЯ

ГРАММАТИКА ОРОЛИ

ВЕРМИШЕЛИЯ

АПТЕКА ЯРИМ ОРОЛИ

«Буларинг ҳаммаси энди орқада қолиб кетди», деб ўйлади Доғ жаноблари ва ўзининг тубсиз чўнтакларини жонсараклик билан ковлай бошлади.

— Бор экан! — севиниб қичқириб юборди ўз чўнтағидан универсал кумуш калитни чиқараркан.

У устига «ЭРТАГИСТОН» деб ёзиб қўйилган эшикнинг олдига чопиб борди-да, қулфига кумуш калитни тиқиб кўрди. Калит худди ўзиникидек тушди, занг босиб ётган қулф ғирчиллади, ошиқ-мошиқ ғижирлади, сувоқлар кўчиб, эшикча сурилди. Доғ жаноблари уни кучининг борича итариб юборган эди, қаршисида таниш шаҳар, шаҳарнинг марказида эса Эртакия тоги ҳозир бўлди.

Доғ жаноблари енгил тортиб, осто-надан ичкарига кирди-да, эшикни қаттиқ ёпиб, мармар зина томонга жўнади, у бир нечта пиллапояни битта қилиб сак-

раб зинанинг энг тепасига югуриб чиқди-да, Улуг Эртакчи-нинг саройи олдида тўхтади. Айвонлардан гулларга кўмилган Исто-Рико шаҳрининг манзараси кўринарди. Узоқдан Эртагистон қизларининг қўшиқлари ва чўпчаксозларининг то-вушлари эшитиларди.

Аммо Доғ жаноблари ҳеч нарсани кўрмас ва ҳеч нарсани эшитмасди. У саройнинг ичига кирди-да, эртакчилар ва давлат амалдорлари кенгаш ўтказадиган йигирма еттига залнинг ҳаммасини айланиб чиқди. У ҳеч кимни пайқамади, салом берганларга ҳам жавоб қайтармади. У жуда ҳам паришонхотир эди. Миясида қайгули фикрлар туғилганди, бу фикрлар юрагига тарқалган, барча аъзоларини қамраб олиб қонига ўтиб кетган эди.

У Қора дараҳт номли залда тўхтади. Ўзини қўлга олиб, нафасини чиқармай турди ва доктор Пай-Хи-во томонидан ўйлаб чиқарилган машҳур бошқача шаклга кириш усулинн қўллади. Бундай усулдан фақат жуда ҳам зарур бўлиб қолган пайтларда фойдаланиш мумкин эди.

Ҳа, ҳа, дўстларим, бу улуг инсон улкан қурбонларга қодир, агар сўз ор-номус ва масъулият ҳақида борса айниқса қодир эди.

Доғ жанблари охирги залга кирган эди, қаршидаги де-ворда турган ойнани кўриб қолди. У ойнанинг олдига бордида, бир оёқда туриб, ўзининг аксига қарай бошлади... Ойнада оғзи худди Доғ жанбларининг калласига ўхшаган биллур тиқин билан ёпилган ичи қора суюқлик тўла бақалоқ шиша пайдо бўлди:

«Ҳар қалай ваъдамни бажардим. Энди мени ҳеч ким Алойзий Пўрсилдоқ деб чақирмайди», — деб ўйлади у.

У бошқа ўйлай олмасди, чунки худди шу пайтда Улуг Эртакчи шишани олди-да, тиқинини чиқариб, олтин патни сиёҳга ботирди ва зўр иштиёқ билан чиройли ялтироқ қофозга ўзининг янги эртагининг номини ёза бошлади:

ДОФ ЖАНОБЛАРИНИНГ САРГУЗ...

Аммо у жумлани ҳали ёзиб тамомламаган эди, патнинг
учидан күттакон қора доф томиб, қоғозга ёйилиб кетди.
Бошқа қоғоз олиб, ҳаммасини яна бошидан бошлади.



МУНДАРИЖА

Биринчи қисм

ДОҒ ЖАНОБЛАРИНИНГ АКАДЕМИЯСИ

Бу ва бошқа эртаклар	7
Матеуш вөкәсиси	15
Доғ жанобларининг ажойиб қилиқлари	26
Академиядаги машгулотлар	38
Доғ жанобларининг ошхонаси	49
Ажойиб саргузаштларим	58
Тешик ва тешикчалар заводи	69
Етти стакан ҳақида түш	77
Анатоль ва Алойзий	90
Ойда яшовчилар ҳақида эртак	99
Доғ жанобларининг сирлари	108
Эртак билан видолашув	116

Иккинчи қисм

ДОҒ ЖАНОБЛАРИНИНГ САЁХАТЛАРИ

Эртагистон	129
Денгизда осойишталык	130
Абеция	139
Ихтирочилар оролига	149
Патентония	156
Гроссмеханик	165
Чигирткалар билан жанг	174
Бошмакарон	179
Мўъжизакор соқоллар	185
Бочкадаги саёҳат	191
Аптека ярим ороли	201
Ҳалокат	213
Ёлғон мамлакат	222

Бжехва Ян.

Дөг жанобларининг академияси. Русчадан Эркин Сиддиқов таржимаси.
Расмлар И. Кабаковники. Т., «Ёш гвардия», 1971.
232 б. расмли. (Кичик мактаб ёшидаги болалар учун).

Бжехва Ян. Академия пана кляксы.

И(поль)

7—6—2

Кичик мактаб ёшидаги болалар учун

На узбекском языке

ЯН БЖЕХВА

АКАДЕМИЯ ПАНА КЛЯКСЫ

Детгизининг 1966 йилги нашридан таржима қилинди. Издательство „Ёш гвардия“— Ташкент — 1971. Редактор С. Сайдалиева. Рассом И. Кабаков. Расмлар редактори К. Назаров. Техн. редактор Л. Пузен о. Корректор М. Рустамов. Босмахонага берилди 15/III-1971 й. Босишга руҳсат этилди 9/VIII-1971 й. Формати 60×84 $\frac{1}{4}$. Босма листи 14,5. Шартли босма листи 13,48. Нашр листи 11,07. Тиражи 30000. Кодоз № 2. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети „Ёш гвардия“ нашриёти, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома № 8—70. Ўзбекистон КИ Марказий Комитети нашриёти босмахонаси. Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, 26. Заказ 438. Баҳоси, 49 т.